

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/336917158>

# Солиев А., Аҳмедов Э., Назаров М. ва б.-Минтақавий иқтисодиёт. Т., 2003

Book · January 2003

CITATIONS

0

READS

562

1 author:



Mamatqodir Nazarov

National University of Uzbekistan

11 PUBLICATIONS 0 CITATIONS

SEE PROFILE

Some of the authors of this publication are also working on these related projects:



“Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик муаммолари” ОТ-Ф6-045 рақамли фундаментал тадқиқотлар (2007-2011 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган [View project](#)



А.С.Солиев, Э.А.Аҳмедов  
Р.Й.Маҳамадалиев, М.И.Назаров,  
З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев, У.А.Атажанова

# МИНТАКАВИЙ ИКТИСОДИЁТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ  
Ўқув қўлланма**

**Тошкент  
“Университет”  
2003**

Кўлланмада минтақавий иқтисодиёт фанининг назарий ва амалий аҳамияти, асосий категория ва тушунчалари, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, бозор муносабатларига ўтиши даврида ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқарни кучларини жойлаштириши масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, унда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг шаклланиши, минтақалар (вилоятлар) иқтисодий ривожланиши, мамлакатнинг минтақавий сиёсати каби мавзулар ёритилган.

кўлланма иқтисодиёт ва география факультетлари талаба, магистр ва аспирантларига мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

Иқтисод фанлари доктори, профессор Абиркулов қ.Н,  
иқтисод фанлари номзоди, доцент Содиков А.М.

**Муаллифлар жамоаси:**

**А.С.Солиев, Э.А.Аҳмедов, Р.Й.Маҳамадалиев, М.И.Назаров, З.Н.Тожиева, М.Ж.Болтаев,  
У.А.Атажанова.**

Ўқув қўлланма Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўқув-методика бўлими томонидан нашрга тавсия этилган.

*Солиев Абдусами Солиевич,  
Аҳмедов Эркин Аъзамович,  
Маҳамадалиев Равшан Йўлдошевич,  
Назаров Маматқодир Исматиллаевич,  
Тожиева Зулхумор Назаровна,  
Болтаев Маҳмуджон Жалолдинович,  
Атажанова Умидা.*

**МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ  
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

*Мухаррир З.Аҳмеджонова*

Босишига рухсат этилди 25.01.2003. қоғоз бичими 60X84  $\frac{1}{16}$ . Нашриёт ҳисоб табоги 16,8. Шартли босма табоги 19,5. Адади 500 нусха. Буюртма №

«Университет» нашриёти. Тошкент-700174, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, маъмурий бино, 2-қават, 7-хона.

Ўзбекистон Миллий университети босмахонасида босилди.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш ва эркинлаштиришда ишлаб чиқариш кучларини тўғри худудий ташкил этиш, мінтақалар ривожланишини давлат томонидан тартибга солиб бориш катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай тизимнинг, шу жумладан иқтисодий маконнинг мукаммаллиги, баркамол шаклланиши энг аввало унинг таркибий қисмларига, худудлардаги мавжуд табиий, минерал ҳом ашё, агроклиний ва меҳнат ресурсларидан, инфраструктура ҳамда моддий, молиявий ва фан-техника ютуқларидан фойдаланишга, жойларда соғлом экологик ва ижтимоий муҳитни яхшилашга, уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ.

Мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бўлиниши қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ва пойтахт Тошкент шаҳридан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ва биргаликда Республика қудратини мустаҳкамлаш, унинг ҳалқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқенини кўтаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Ушбу маъмурий тузилмалар бир-бирларини тўлдиради, ўзаро иқтисодий алокалар (интеграция) асосида мамлакатнинг яхлит тизим сифатида шаклланишини таъминлайдилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг соҳавий (тармок) йўналиши билан бирга унинг ҳудудий (минтақавий) жиҳати ҳам бор-ки, бу умумилмий мазмунга эга бўлган тизим-таркиб та-мойилига мос келади. қолаверса, ҳар қандай ривожланиш айни пайтда ва албатта қаердадир, аниқ бир ҳудудда жойланиши орқали содир бўлади. Бинобарин, жойлаштириш, жойланиш, худудий ташкил этиш ривожланишнинг ажralmas томони, доимий йўлдошидир.

Демак, ҳозирги замон талабига жавоб берувчи иқтисодчи худудни атрофлича билувчи, баҳоловчи ва бошқарувчи бўлмоғи лозим. Аввалги тажрибалар шуни кўрсатадики, иқтисодиётни юргазишда фақат соҳа (тармок) принципига устувор аҳамият бериш кўнгилдаги натижалар бермади, маҳаллий имтиёзлар инкор этилди, ижтимоий ва экологик соҳалар жабрланди, натижада худуд алоҳида соғлом мажмуя шаклида ривожланмади. Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни тўғри худудий ташкил қилиш катта мінтақавий ёки иқтисодий географик самара беради.

Ана шундай объектив воқелик ва зарурият, эҳтиёж ва ижтимоий буюртмадан келиб чиқиб 1998 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимизда янги ва ягона «Минтақавий иқтисодиёт» йўналиши очилган. Йўналишнинг моҳияти, анъанавий иқтисодий география фанига яқинлигини (уларнинг илдизи, тарихий манбаи битта) назарда тутиб, уни география факультетининг иқтисодий география кафедраси базасида ташкил қилинди.

кўйингиздаги китоб минтақавий иқтисодиёт йўналишининг бакалавр ва магистрлари, иқтисодиёт факультети ва олийгоҳларининг талаба ва аспирантларига, барча «худудчи иқтисодчиларга» мўлжалланган. Ундан «Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» курсини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

кўйланма асосан уч қисмдан иборат: унинг биринчи қисмida минтақавий иқтисодиёт фанининг баъзи бир назарий масалалари, иккинчисида-Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий соҳалари ва учинчи қисмida иқтисодий районлар ҳамда вилоятлар тавсифи берилган.

Китоб ЎзМУ ижтимоий география ва минтақавий иқтисодиёт кафедраси жамоаси томонидан проф. А.С.Солиевнинг раҳбарлиги ва мухаррирлигига ёзилган. Унинг муаллифлари:

г.ф.д., проф. А.С.Солиев-сўз боши, 1-қисмнинг барча боблари, 2-қисмнинг II боби г.ф.н. доц. Р.Й.Маҳамадалиев билан, 3-қисмнинг I, IV, V, VI боблари, VII боб катта ўқитувчи М.Ж.Болтаев билан:

и.ф.д., проф., Э.А.Ахмедов 2-қисмнинг I, III, IV, V боблари;

г.ф.н., доц. М.И. Назаров ва аспирант У.Атажанова 3-қисм II боб;

г.ф.н., доц. З.Н.Тожиева 3-қисм, III боб.

Карта-схемаларни доц. М.И.Назаров г.ф.н., доц. А.Э.Эгамбердиевнинг илмий маслаҳати ёрдамида тузган.

Матнни нашрга тайёрлаш, чизмаларни тузишда Г.Эльмурадова қатнашган. Шунингдек, китобни ташкил қилиш, унинг мазмун ва мундарижасини яхшилашда г.ф.д., проф. З.М.Акрамов, и.ф.д., проф. О.О.Олимжонов ва и.ф.н. У.С.Султоновларнинг кимматли маслаҳатларидан фойдаланилган.

Албатта, китобда айрим масалалар муаллифлар назаридан четда колганлиги ёки баҳс-мунозарали бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан кўйланмани келажакда янада яхшилаш мақсадида билдириган таклиф ва маслаҳатларингизни кутамиз.

## I ҚИСМ

### МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

#### І БОБ. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Хар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётини шаклланишида уни ташкил этувчи минтақаларининг аҳамияти катта. Бозор муносабатларига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, барқарор ривожлантиришга эришиш кўп жиҳатдан ана шу минтақаларнинг, яъни мамлакатнинг турли ички кисмларининг салоҳият ва имкониятларига, фаоллигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳозирги даврда ишлаб чиқаришни тўғри худудий ташкил қилиш, вилоят ва иқтисодий районларнинг ер-сув, минерал ҳом ашё, ёқилғи ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Эркин ва очиқ иқтисодиёт, унинг турли катламларини вужудга келтириш, соғлом рақобат ва инвестиция маконини шакллантиришдек долзарб масалаларни ҳудудлар хусусиятини ҳисобга олмасдан ҳал этиб бўймайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг раҳбарияти маҳаллий ҳокимият (вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари) ҳуқук ва масъулияtlарини кенгайтиришга ургу бермоқда. Табиийки, бундай шароитда ҳудудларни атрофлича ўрганиш, уларнинг имконият ва муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, устувор ўйналишларни тўғри аниқлашга катта эҳтиёж туғилади.

Минтақавий иқтисодиёт юкоридаги масалаларнинг ҳудудий жиҳатларини тадқиқ этади ва айнан шу нуқтаи назардан у бошқа фанлардан фарқ қиласди. Унинг предметини қисқа тарзда қўйидагича таърифлаш мумкин: *минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириши, алоҳида олинган ҳудудлар ёки ҳудуд (регион, район) ижтимоий- иқтисодий ривожланишининг омил ва қонуниятларини ўрганувчи фандир*.

Умуман олганда, минтақавий иқтисодиётнинг таърифи кўп, аммо улар аксарият ҳолларда бир-биридан фарқ қилмайди. Масалан, А.Г.Гранберг бу фаннинг предмети сифатида, энг аввало, минтақалар иқтисодиёти ёки алоҳида олинган минтақанинг бошқа минтақалар (районлар) билан ўзаро алоқадорликда ўрганишни кўрсатади. қизиги шундаки, С.В.Берштейн-Коган ҳам XX асрнинг 20-йилларида иқтисодий географияни худди шундай таърифлаган эди.

А.Г.Гранберг (2000 йил) кенгрок маънода минтақавий иқтисодиётни алоҳида минтақа ва минтақалар иқтисодий алоқаларини, ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий ҳаётнинг минтақавий жиҳатларини ўрганувчи фан, деб ҳисоблади. В.Ф.Павленко бу фаннинг асосий предметини алоҳида минтақалар иқтисодиёти, уларнинг ривожланиш омиллари, қонуниятлари ва муаммолари билан белгилайди. М.В.Степанов таҳририда чиқкан «Минтақавий иқтисодиёт» дарслигида бу фанга ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, минтақалар ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари ҳамда минтақавий ривожланиш омилларини ўрганади, деб таъриф берилган.

А.Е.Пробст минтақавий иқтисодиёт предметини район ижтимоий ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилиши, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиш ва ривожланишини тадқик қилинишида кўради. Э.Б.Алаев эса минтақавий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, районлар ривожланишининг хусусият ва қонуниятларини ўрганишини унинг асосий предмети сифатида кўрсатади.

Ўз моҳиятига кўра минтақавий иқтисодиёт, умумий иқтисодиёт ва иқтисодий география фанлари киррасида ёки уларнинг оралигидан жой олади. У иқтисодий география билан биргаликда ҳудуд хўжалигини ўрганувчи фанлар туркумини ташкил этади.

Албатта, минтақавий иқтисодиёт ва иқтисодий география бир-бирига ўхшаш ва якин; иккиси учун ҳам ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш умумий тадқиқот объекти ҳисобланади. Аммо, иқтисодий география кенгрок ва бинобарин, умумийроқ, фундаментал фан, минтақавий иқтисодиёт эса торроқ ва шунинг учун аниқроқ, амалий фандир. Иқтисодий география нафақат районлар (районлар), балки мамлакатлар, жаҳон хўжалигининг тизими ва таркиби билан ҳам шуғулланади, уларнинг ўзаро фарқлари ва хусусиятларини ўрганади.

Демак, иқтисодий география умумийликдан хусусийликка, тизимдан таркибга, яъни мамлакат хўжалигининг таркибий қисми бўлган районларга ўтади, глобал фикрлайди ва минтақавий амал қиласди. Бошқача қилиб айтганда, бу фан районлар ва мамлакатлар мажмуи билан иш тутади. Минтақавий иқтисодиётда эса ёндошув бирмунча ўзгача-минтақавий фикрлайди ва минтақавий амал қиласди. Бироқ, шу билан бирга, ушбу минтақанинг каттароқ хўжалик тизими, яъни мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми эканлиги ҳам унтуилмайди. Бинобарин, иқтисодий географияда фикрлаш «юқоридан пастга» қаратилган, минтақавий иқтисодиётда у аксинча-«пастдан юқорига» йўналтирилган бўлади; биринчисида

кўпроқ кичик масштабли тадқиқотлар анъанавий бўлса, иккинчисига ўрта ва йирик масштабли ёндошув хосдир. Иқтисодий географияда таҳлил тармок-худуд-тармок шаклида, минтақавий иқтисодиётда эса бу тартиб худуд-тармок кўринишига эга.

Кўпчиликнинг фикрича, иқтисодий география минтақавий иқтисодиётнинг назарий, методологик асосларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу фаннинг фундаментал тушунчалари: худудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, худудий ишлаб чиқариш комплекслари даставвал назарий жиҳатдан иқтисодий география фани доирасида яратилган. Ҳозирги кунда бу категориялар минтақавий иқтисодиёт учун ҳам ўзак тушунчалар вазифасини бажаради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу фанларнинг ўзаро муносабати ва предмети жуда мунозарали ва баҳслидир. Ҳар холда уларнинг орасидаги фарқдан кўра ўхшашликлар кўпроқ; минтақавий иқтисодиёт географийлаштирилган иқтисодиёт бўлса, иқтисодий география иқтисодийлаштирилган география ҳисобланади. Иқтисодий география «нима қаерда?» ва «нима учун айнан шу ерда?» саволига жавоб беришни ўргатади, минтақавий иқтисодиётда эса «қаерда нима ва қандай жойлашган, у қандай самара беради?» саволлари муҳимроқдир.

Айни вақтда, минтақавий иқтисодиёт минтақавий фанлар уюшмасига ҳам киради. Бу уюшмани бир вақтлар, аниқроғи XX аср ўрталарида америкалик олим У.Йазард (Айзард) ташкил қилган ва бошқарган эди. Шу сабабдан, уни минтақавий ёки регионал фанлар «отаси», асосчиси сифатида тан олишади. Минтақавий фанлар уюшмасига, шунингдек, минтақавий демография, минтақавий социология, минтақавий геология, минтақавий экология каби «худудий» ва география билан бошқа фанлар киррасида вужудга келган маҳсус фан ёки йўналишлар киради. Шу нуктаи назардан минтақавий иқтисодиёт юқоридаги фанлар билан ҳам алоқа килади, уларнинг тушунча ва тадқиқот усусларидан фойдаланади.

Шубҳасиз, булардан ҳам кўра минтақавий иқтисодиёт, иқтисодиёт назарияси, иқтисодиёт тарихи, соҳавий ёки тармоклар иқтисодиёти, молия, меҳнат ва бандлик иқтисодиётига ўхшаш фанлар билан янада яқинроқ алоқада. Соҳавий иқтисодиёт фанлари ўз мазмуни бўйича соф ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол иқтисодиётидир. Улар кўпроқ маҳсулот ва хизмат соҳаларининг қандай яратилишини, арzon ёки кимматлигини, иқтисодий самарадорликни аниқлайди. Бундай самарадорликка ҳом ашё ва ёкилфи, меҳнат харажатларини тежаш, янги технологиялардан унумли фойдаланиш натижасида эришилади. Минтақавий иқтисодиётда эса самарадорлик кўшимча равишда ишлаб чиқаришни тўғри худудий ташкил қилиш, транспорт ва бошқа инфраструктура чиқимларини, «масофа харажатларини» қисқартириш, худудий омиллар ёрдамида вужудга келади. Бу борада айникса худудий мужассамлашув ва худудий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция жараёнлари, агломерация самарадорлиги, худудий ишлаб чиқариш маҳкумалари (комплекслари) нинг аҳамияти катта.

Кўриниб турибдики, минтақавий иқтисодиётнинг ҳам илмий ва амалий аҳамияти юқори. У макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт билан бир қаторда ҳозирги замон иқтисодиёти фанининг уч таркибий қисмини ташкил этади.

Эътиборга олиш лозимки, минтақавий иқтисодиёт амалдаги минтақашунослик билан ҳам қисман боғлиқ. Бироқ, минтақашунослик ёки худудшунослик (регионоведение) кенгроқ маънога эга бўлиб, у нафакат иқтисодиёт, балки ўша жойнинг тарихи, тили, дини, аҳолиси, унинг урф-одати ва бошқаларни ўрганади. Шу жиҳатдан минтақашунослик анъанавий мамлакатшуносликка ўхшаб кетади. Фарқ шундаки, бу ерда минтақа даражасида жаҳоннинг йирик қисмлари-китъя ва материклар, уларнинг катта бўлаклари назарда тутилади.

Яна таъкидлаш зарурки, минтақавий иқтисодиётда «минтақа» тушунчasi табиий географияда кўлланиладиган минтақа (зона)дан фарқ қиласи ва айнан унинг таржимаси эмас. Маълумки, табиий географиядаги, масалан, иқлим минтақалари Ер юзида кенглик бўйлаб чўзилиб, тасмасимон бирин-кетин, тартибли жой олган. Минтақавий иқтисодиётда эса бу тушунча кўпроқ «худуд» маъносини англатади ва унинг шакли, ташки қиёфаси (конфигурацияси) турлича бўлади. Аммо, «худудий иқтисодиёт» атамасини кўллаш ҳам унча тўғри эмас. Сабаби-минтақавий иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган минтақавий сиёsatни худудий сиёsat кўринишида ишлатиш бошқа маънони ҳам билдириши мумкин.

Минтақавий иқтисодиёт мамлакат миллий иқтисодиётининг таркиби қисмини англатади. Миллий иқтисодиёт эса жаҳон хўжалиги ёки иқтисодиёти тизимининг бир қисмидир. Минтақавий иқтисодиёт, одатда, мамлакат ичida ажратиладиган иқтисодий районлар ёки вилоятлар даражасига мос келади. Бинобарин, кичик худудлар-شاҳар, қишлоқ туманлари хўжалик тизимини минтақавий иқтисодиёт мақомида кўриш нодурустdir. Уларни маҳаллий ёки муниципал иқтисодиёт сифатида караш маъкулроқ.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг худудий таркиби поғонасимон, яъни маҳаллий, минтақавий иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт ва жаҳон иқтисодиётидан иборат. Бундан ташқари, ҳалқаро ёки бир қанча давлатлар худудида шаклланган ягона иқтисодий мақонни ҳам ажратиш мумкин. Бунга Европа Иттифоқи мисол бўла олади.

Минтақавий иқтисодиётнинг фан мақомида шаклланиши унча катта тарихга эга эмас. Умуман, иқтисодиётнинг худудий жиҳатларини биринчи марта ўрганган-немис олими И.Тюнен ҳисобланади. У

1826 йилда маълум бир истеъмол маркази–шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларини халқасимон жойлаштиришни асослаб берган.

Кейинчалик ишлаб чиқаришни жойлаштириш ғоялари бошқа немис олимлари – А. Вебер, В. Кристаллер, А. Лёш томонидан ривожлантирилган. А. Вебер саноат штандортининг асосчиси, В. Кристаллер аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини худудий ташкил қилишда «марказий ўринлар», А. Лёш эса барча хўжалик тармоқларини жойлаштириш, иқтисодий ландшафтлар бўйича тадқиқот олиб борган. Уларнинг номи билан, шунингдек, агломерация самарадорлиги, шаҳарлар иерархияси, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари, иқтисодий районлар каби тушунчалар боғлиқ.

Аммо у даврда яратилган ғоялар мажмуи алоҳида фан доирасида умумлаштирилмаган эди. Шу сабабли немис мутахассисларининг ишланмалари, хозирги тил билан айтганда, минтақавий иқтисодиёт ёки геоиктисодиётга замин ясади, холос. Фан макомида эса минтақавий иқтисодиёт американлик У. Айзард томонидан XX аср ўрталарида яратилди. Албатта, мазкур фан асосларининг шаклланишида /арб классик иқтисодчиларининг (У. Петти, А. Смит, Д. Риккардо ва бошқалар) назарий ишланмаларидан фойдаланилган.

Минтақавий иқтисодиёт фанининг ривожланишида «узок хориж» мамлакатлар олимлари: Й. Шумпетер, Ф. Перру, В. Леонтьев, Т. Хагерстрэнд, П. Хагтет, Э. Хекшер, Б. Олин, В. Бунге кабиларнинг хизмати катта бўлган. Собик Иттифоқда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалалари билан шуғулланувчи Кенгаш (СОПС) хамда алоҳида олимлар Н. Н. Некрасов, А. Е. Пробст, Н. Н. Колосовский, В. В. Кистанов, С. А. Николаев, Э. Б. Алаев, В. Ф. Павленко, Т. М. Калашникова, А. И. Чистобаев, Р. И. Шнипер ва бошқалар салмоқли ҳисса кўшишган. Ўзбекистонда бу соҳада С. К. Зиёдуллаев, К. Н. Бедринцев, К. И. Лапкин, З. М. Акрамов, М. А. Абдусаломов, Т. М. Ахмедов, Ш. Н. Зокировлар самарави ишлар олиб боришган. Бундан ташкири, мазкур йўналишда Республикамизда ягона минтақавий иқтисодчиларни тайёрловчи Ўзбекистон Миллий университети кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам баҳоли курдат изланишлар олиб боришмоқда.

Минтақавий иқтисодиётни ўрганишда қатор методлардан фойдаланилади. Уларга, энг аввало, баланс, таққослаш, статистик, моделлаштириш, картографик, тарихий каби усуслар киради. Минтақалар иқтисодиётини таҳлил қилишда Н. Н. Колосовскийнинг энергия ишлаб чиқариш цикллари, минтақавий сиёсатни амалга оширишда иқтисодий районлаштириш методлари жуда кўл келади. Шунингдек, умумилмий аҳамиятга эга бўлган тизим-таркиб ҳамда максадга дастурли ёндошув методлари ҳам ишлатилиади.

**Минтақавий иқтисодиётнинг асосий вазифалари қуйидагилардан таркиб топади:**

- Ҳудудлар табиий шароити ва бойликларини таҳлил қилиш, уларга иқтисодий баҳо берни, табиатдан фойдаланиши иқтисодиёти масалаларини ўрганиш;
- Минтақавий инфраструктура ва изжитимиёт–иқтисодий омилларни тадқиқ қилиши;
- Ишлаб чиқарни кучларини тўғри ҳудудий ташкил қилиш, уларни давлат томонидан тартибга солиб бориши;
- Минтақавий сиёсатнинг илмий асосларини яратиш, иқтисодий районлаштириши;
- Минтақавий дастурлаш ва минтақавий башорат, ишлаб чиқарни кучларини жойлаштириши бўйича Бош схемаларни тузиш;
- Эркин иқтисодий минтақалар, инвестиция маконини ташкил қилишининг илмий-амалий асосларини яратиш;
- Шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жарагаёни, геоэкологик муаммоларни ўрганиши ва ҳ.к.

Минтақавий иқтисодиётнинг юқорида келтирилган вазифалари ёки асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилади. Бу борада, Республика Президенти И. А. Каримов томонидан яратилган мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги 5 асосий тамойиллари катта методологик аҳамиятга эга.

Минтақавий иқтисодиёт фанини ўрганишда қуйидаги тушунчалар (таянч иборалар) кўпроқ ишлатилиади: минтақавий сиёсат, иқтисодий районлаштириш, миллий иқтисодиёт, эркин иқтисодий маконлар, геоиктисодий макон, инвестиция мухити, минтақавий молия, минтақавий дастурлар, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими, мужассамлашув, ихтинослашув, ҳамкорлик ва комбинатлашув, инфраструктура, агломерация, минтақавий самарадорлик, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, ҳудудий меҳнат тақсимоти, меҳнат бозори, бозор иқтисодиёти, иқтисодий интеграция ва бошқалар.

### **Савол ва топшириқлар**

1. **Минтақавий иқтисодиёт фанининг объекти ва предметини таърифлаб беринг.**
2. **Минтақавий иқтисодиётнинг тармоқ иқтисодиёти ҳамда иқтисодий география фанлари билан муносабати қандай?**
3. **Тизим-таркиб методининг минтақавий иқтисодиётда қўлланилишини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.**
4. **Минтақавий иқтисодиёт фанининг устувор йўналишлари қайсилар?**

## II БОБ. МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ АСОСЛАРИ

Маълумки, хар қандай сиёсат, субъектнинг обьектга бўлган муносабатини билдиради ва у муаддият принцип (тамойил) ва метод (усул)лар мажмуасидан таркиб топади. Агар уни алоҳида шахс ёки раҳбар мисолида эмас, давлат дараражасида кўрадиган бўлсан, у ҳолда сиёсат, энг аввало, икки йўналишда бўлади. Чунончи, давлатнинг ташки сиёсати-бу унинг жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа суверен давлатлар билан муносабати, жаҳон сиёсий харитаси ва геотузилмасидаги ўрнидир. Мазкур сиёсат ўз моҳиятига кўра анъанавий, ҳақиқий ёки «сиёсий сиёсат» ҳисобланади ва у билан маҳсус фан-сиёсатшунослик шуғулланади.

Ўз навбатида ташки сиёсат турли йўналишлардан иборат. У, аввалимбор, бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшаши, иқтисодий, маданий, фан-техника, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишдаги ҳалқаро алоқаларни ўз ичига олади.

Ташки сиёсатнинг бир кўриниши-географик сиёсат, яъни геосиёсатdir. Бу сиёсатнинг мазмунини ҳам икки хил талқин қилиш мумкин: аввалигি реакцион маънода ва ҳозирги тўғри мазмунда. Биринчи си, кўпроқ /арб мамлакатларида алоҳида оқим сифатида, асосан немис, инглиз ва швед олимлари (Фридрих Ратцел, Рудольф Челлен, Карл Хаусхафер, Альфред Мэхэн, Хэлфорд Маккиндер ва б.) томонидан яратилган бўлиб, у ўта реакцион, ўзга давлатлар ва миллатларни камситиш, уларнинг худудларига таҳдид-тажовуз қилиш, босиб олишни англатади. Айтиш жоизки, айнан ана шундай геосиёсат мамлакатлар ўртасидаги низолар, жанг-жадалларга сабабчи бўлган: немис фашизмининг Иккинчи Жаҳон урушини бошлаши ҳам ғоявий жиҳатдан реакцион геосиёсатга асосланган эди.

Ер юзининг турли қисмларида мавжуд бўлган худудий келишмовчиликлар асосида турли давлатларнинг биринчи йўналишдаги геосиёсати ётади. Масалан, яқинда собиқ Югославия худудидаги жанжаллар, Истроил-Фаластин муносабати, Панжоб ва Кашмир, Тоғли қорабоғ, Чеченистон каби жуда кўп муаммоли худудлар шулар жумласидандир.

Геосиёсатнинг ҳозирги замон, тўғри маъноси у ёки бу давлатнинг жаҳоннинг бошқа мамлакатлари, энг аввало қўшни давлатлар билан тинч-тотув яшаши, улар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишни билдиради. Шунингдек, бу ерда мамлакатнинг жаҳон океанига ва бозорига арzon, кулай, бегараз ва бехатар йўллар орқали чиқиши ҳам назарда тутилади. Айнан шу маънодаги геосиёсат республикамиз Президенти И.Каримов томонидан амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Президентнинг кўпгина асарлари ва, хусусан, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» (Т.: Ўзбекистон, 1997) китоби катта аҳамият касб этади. Мазкур асарда геосиёсат билан биргаликда геостратегия масалаларига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, у асосан Ер юзининг турли қисмларини, жумладан Ўрта Осиё ва қозогистон миңтақасининг жаҳон иқтисодий тараққиётидаги ўрнини, географик мавқеини англатади.

Демак, қатъий ва узил-кесил, бир маънода келишиб олиш керак: ҳозирги геосиёсат бу аввалигি худудий сиёсатдан тубдан фарқ қиласи ва у давлатларнинг ташки муносабатини билдиради. Бундай сиёсат ўз навбатида турли тармок-соҳа сиёсатларидан ташкил топади.

Мамлакатнинг географик мазмундаги ички сиёсатини миңтақавий сиёсат шаклида қабул қилган маъқулроқ. Гарчи «гео»-ер, худуд, миңтака атамасига тўғри келсада, унинг айнан шу кўриниши тўғрироқдир. Сабаби-давлатнинг бундай сиёсатини худудий сиёсат дараражасида талқин қилиш баъзан кишилар онгига сингиб қолган тушунмовчиликларга, нотўғри хulosаларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида, мустакил мамлакати макомида, бошқа давлатларнинг ҳам суверенлигини эътироф этади, уларнинг худуд ва чегараларини даҳлсизлигини хурмат қиласи. Айни вактда у ўзининг ягона геосиёсий тизим, макон сифатида яхлитлигини ҳар қандай ёвузлардан химоя этади ва ўзгалар томонидан хурмат қилинишини талаб қиласи.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат геотизимининг мустаҳкамлиги, фаоллиги энг аввало унинг ички қисмларининг ўзаро алоқалари, маъмурий-худудий тузилмасининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ. Ички барқарорлик ҳар қандай тизим-системанинг мустакил фаолият кўрсатишини, бошқалардан ўзини сақлаш қобилиятининг гаровидир. Шу нуктаи назардан мамлакат ичida худудий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга кўйиш, район ва вилоятлар орасида соғлом ракобат мухити, фаол иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, ягона геоиктисодий маконни вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш, турли худудий босқичдаги бозорларни (маҳаллий, миңтақавий, миңтақалараро, миллӣ бозор) шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ўтиш давридаги ниҳоятда долзарб вазифаларидир. Чунки, тизим-таркиб (система-структур) коидасига мувофиқ, бутун алоҳида қисмлардан ташкил топади, қисмлар, яъни миңтақалар эса бутунлик, мамлакат геосиёсий ва геоиктисодий яхлитлигини таъминлайди.

Мамлакатнинг ички сиёсати ҳам икки хилда бўлади: соҳавий, яъни тармоклар ва худудий ёки интеграл. Биринчисига ижтимоий, иқтисодий, фан-техника, демографик каби сиёсатлар киради ва улар ҳам ўз

навбатида алохига қисмлардан, «сиёсатлардан» ташкил топади. Масалан, иқтисодий сиёсатда мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат ва йўл (транспорт) мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий сиёсатда-аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлик сиёсати, ёшлар ва қарияларга давлатнинг муносабати, демографик сиёсатда оила, аҳолининг табиий ва миграция харакати билан боғлик масалаларни ажратиш мумкин.

Кўриниб турибдики, тизим ёки системанинг ички жиҳати, яъни унинг тармоқ ёки компонент ҳамда худудий томонлари борлигидек, биз кўраётган сиёсатлар ҳам худди шундай хусусиятга эга. Зеро ҳар қандай ходиса ёки воқелик, албатта қаердадир мавжуддир; ривожланиш, тараққиёт ҳам факат маълум даврдагина эмас, балки муйян худудда содир бўлади.

Шу жиҳатдан ёндошганда, юкорида келтирилган соҳавий сиёсатлар ўз навбатида худудий таалукликка эга, яъни улар ҳам турли минтақаларда турлича амалга оширилади. Демак, биз бу ерда тармок ва худудий тизимларнинг (сиёсатларнинг) ўзаро алокадорлиги ва бир-бирларига ўтиб туришини гувоҳи бўламиш.

Минтақавий сиёсатнинг энг асосий мақсади мамлакат ичидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг худудларро даражасини мумкин қадар яқинлаштириб беришдир. Аммо кўзда тутилган мақсадларга энг аввало иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш асосида эришилади. Бинобарин, ҳар қандай минтақавий сиёсат бу худудий иқтисодий сиёсатдир, иқтисодий сиёсат эса кенг маънодаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатдир.

Маълумки, минтақавий иқтисодиёт фани асосан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириши ўрганади. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш эса мамлакат миллий иқтисодиётининг умумий ҳолати, стратегик вазифалари билан белгиланади. Жумладан, ўтиш даврининг иқтисодиётни бу даврни мумкин қадар тезрок ва бешикаст босиб ўтиш, бозор иқтисодиётининг мустаҳкам ишлаб чиқариш, хукуқий ва маънавий асосларини яратишни талаб қиласди.

Ўтиш даврида ҳар қандай мамлакат энг аввало иқтисодиётнинг асосий йўналишларига устувор аҳамият қаратади. Бу даврда айниқса энергетика, дон ва йўл мустақиллигини таъминлаш зарур. Айнан ана шу макроиқтисодий муаммолар Ўзбекистоннинг ҳозирги куни учун ўта мухимдир.

Бозор муносабатларига ўтиш турли мамлакатлarda ўзига хос бўлиб, барча давлатларга мос ягона андоза йўқ. Бу ўта мураккаб жараён бўлиб, у нафакат бевосита иқтисодиёт тизимининг ўзи, балки ички ва ташки вазият, ижтимоий ва экологик ҳолатнинг қулиялиги, аҳолининг янги муносабатларга тайёрлиги, маънавияти ва мослашуви каби омилларга ҳам боғлик.

Ўтиш даври чиндан ҳам оралиқ даврdir; диалектик нуқтаи назардан бундай шароитда янгиликнинг қийинчилик билан кириб келиши, эскиликтининг маълум даражада сақланиб туриши, улар ўртасидаги «кураш» билан бир вақтда содир бўлади. Бу даврининг яна бошқа мураккаб жиҳати шундан иборатки, давлат илгаригидек қатъий ва адресли режалаштиришни ташкил этмайди, чунки энди мулк факат унинг тасарруфида эмас. Бинобарин, бу даврда давлатнинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бўлган муносабати кескин ўзгариши, у бу жараёнга бевосита эмас, кўпроқ бильвосита таъсир кўрсатади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, давлат ўз функциясининг шакли ва механизмини ўзгартирган ҳолда ҳар қандай шароитда ҳам асосий ислоҳотчи, ташкилотчи бўлиб қолаверади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш даврига тегишли беш тамойилларидан биридир.

Давлатнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги роли, шунингдек, айрим хўжалик тармоқларининг ўтиш даврида бевосита унинг қарамогида қолиши билан асосланади. Бундан ташқари, факат давлат стратегик вазифалар, ҳалқаро муносабатлар ва ички минтақавий сиёсатни амалга оширади. Аммо, шу билан бирга, ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда баъзи бир камчиликларга йўл қўйиш хавфи туғилади. **Улар куйидагилар бўлиши мумкин:**

- Худудларга эркинлик берилши айни вақтда уларнинг хўжалик тизимини ўзича, назоратсиз ривожланиши, минтақавий иқтисодиётнинг миллий иқтисодиётга мувофиқлашмаслик хавфи;
- Худудий меҳнат тақсимотини яхши бошқармаслик оқибатида минтақаларда иқтисодиёт самарадорлигининг пасайиши;
- Ички районлар ва минтақаларро иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланмаслиги, турли даражадаги бозорлар шаклланишининг қийинлашуви;
- Худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасидаги тафовутларнинг сақланиб қолиши;
- Табиий ресурслардан шошима-шишарлик билан нотўғри фойдаланиши, экологик муаммоларнинг юзага келиши ва кескинлашуви;
- Ишлаб чиқарини ривожлантириши ва жойлаштиришда нисбий афзалик (Д.Рикардо) қонунинг бузилиши;
- Ишлаб чиқарининг нотўғри регионлашуви, экспорт- импорт жараёнини амалга оширишдаги баъзи қийинчиликлар ва ҳ.к.

Табийки, юкоридаги камчиликлар давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир қиласди. Зеро, тўғри бошқарилмаган ва ташкил қилинмаган демократия бебошликка олиб келиши мумкин. Худди шундай, худудлар ривожланиши тўғри тартибга солинмаса, бошқарилмаса минтақаларда

эркин рақобат мухити, очик иқтисодий муносабатлар түлаконли вужудга келмайды; бундай шароитда «регионал худбинлик» аломатлари пайдо бўлиш эҳтимоли сақланиб қолади.

Демак, ўтиш даври иқтисодиёти, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил қилишининг давлат томонидан тартибга солиб борилиши объектив қонуниятдир. Ушбу вазифа энг аввало давлатнинг минтақавий сиёсати орқали амалга оширилади.

Минтақавий сиёсатнинг зарурияти бир вақтнинг ўзида барча ҳудудлар иқтисодиётини бир дара жада ривожлантириб бўлмаслигидан келиб чиқади. Бинобарин, минтақавий сиёсат ривожланиши мумкин ва мамлакат учун муҳим бўлган устувор йўналиш ва тармоқларга қаратилади. Шу мазмунда у минтақавий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, амалий (конструктив) йўналиши ҳисобланади; минтақавий сиёсат ҳудудлараро ижтимоий-иктисодий ривожланишдаги вазиятни динамик ҳолда мувофиқлаштириш ва барқарорлаштиришга ҳаракат қиласи.

**Минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади қўйидагилар:**

- Ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражасидаги фарқларни юмшатиш ва қисқартиши;
- Маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиши асосида минтақавий ва миллий иқтисодиётни ривожлантириши;
- Минтақалар ёрдамида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариши, иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаши;
- Жойлардаги ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиши;
- Шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини ривожлантириши, урбанизация ҳамда миграция жараёнларини тартибга солиши ва бошқарии;
- Ишлаб чиқарии кучларини тўғри ҳудудий ташкил этиши;
- Аҳоли бандлигини яхшилаши ва ҳ.к.

Юкоридаги стратегик мақсадларга турли йўллар ёрдамида эришилади. Бунинг учун авваламбор ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини мутлоқ кўринишида тенглаштириш ғоясидан воз кечиши талаб қилинади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, очик иқтисодиёт юритиш, кулай инвестиция мухитини яратиш лозим. Хорижий сармоядорларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли қўшма корхоналар қуриш, турли йўналишдаги эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш ҳудудлар ривожланишига катта туртки беради.

Минтақавий сиёсат алоҳида ҳудудларни танлаб олиш асосида амалга оширилади, натижада иқтисодий ландшафт кутбийлашади, ўсиш кутб ва марказлари вужудга келади. Ҳар хил омил ва шароитларни атрофлича таҳлил қилиш ва ривожланиш имкониятларини баҳолаш орқали саралаб олинган у ёки бу ҳудуд иқтисодиёт юксалгандан сўнг навбат мамлакатнинг бошқа ҳудудига ўтади. Натижада, иқтисодий ривожланиш ҳам ҳудудий цикллик ёки даврийлик, «географик узун тўлқинлар» хусусиятига эга бўлади. Шу сабабдан, маълум муддатда танланган ҳудуд ижтимоий-иктисодий ривожланишига ургу берилиши бошқа ҳудудни камситиш, имтиёзларини чеклашни англатмайди. Чунки, кейинчалик бу ҳудудга ҳам худди шундай эътибор берилади. Аммо минтақавий сиёсат ҳудудларнинг ўзларини ҳам фаоллигини назарда тутади. Шунинг учун маҳаллий ҳокимиятнинг бу борада изланувчан, тадбиркор бўлиши талаб этилади.

Минтақавий сиёсат ўз мөҳиятига кўра ташки сиёсатдан (геосиёсатдан) фарқ қилиб, у мамлакатнинг ички ижтимоий-иктисодий ривожланишига йўналтирилган бўлади. Унинг даражалари ҳам ҳар хил. Масалан, мамлакат ичкарисига нисбатан 2 даражадаги сиёсат ажратилади: давлатнинг минтақавий сиёсати, яни мамлакат ҳокимиятининг турли ҳудудларга (жумладан, вилоятларга) нисбатан тутган сиёсати ҳамда минтақаларнинг ўзини сиёсати-вилоят ҳокимиятининг қишлоқ, туман ва шаҳарлар ривожланишига муносабати. Ҳар қандай шароитда ҳам ушбу сиёсатни юргазувчи юридик ташкилот республика ва вилоятлар ҳокимияти хисобланади.

Ижтимоий-иктисодий сиёсатни ҳудудий жиҳатдан янада юқорироқ ёки қўйироқ босқичда кўриш мумкин. Чунончи, қишлоқ тумани ҳокимлигининг ҳам ўзининг ички сиёсати бўлади. Айни вактда давлат даражасидан юкорида турган давлатлараро минтақавий сиёсат ҳам мавжуд. Бунда минтақа сифатида алоҳида давлатлар ёки қўшни мамлакатларнинг туташ ҳудудлари назарда тутилади. Масалан, Европа Иттифоқи миқёсида ана шундай минтақавий сиёсат олиб борилади. Келажакда ҳудди шундай даражадаги минтақавий сиёсат бошқа ҳудудий иқтисодий иттифоқлар даражасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда минтақавий сиёсат амалда йўқ эди. Баъзи ҳудудларнинг жадалроқ ривожланиши кўпроқ «Бутуниттифоқ» манфаатларини кўзлаб олиб бориларди. Жумладан, Мирзачўл ёки қарши даштларини ўзлаштириб, пахтачиликни янада ривожлантириш, Бухоро, қашқадарё табиий газ, Навоий вилояти олтин конларини қазиб олиш айнан шу мақсадда бажарилган.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, минтақавий сиёсатга тегишли илмий тадқиқотлар илгари ҳам олиб борилган. Собиқ Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича Кенгаш (СОПС) Республика ҳудудлар имкониятларини атрофлича тадқиқ қилиш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш концепцияларини яратган. Даставвал Фарғона водийси, сўнгра Бухоро-Навоий, Ангрен-Олмалиқ, қашқадарё ва куйи

Амударё минтақалари маҳсус ўрганилиб, бу ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг Бош схемалари тузилган. Олиб борилган ишлар натижасида ўша даврда Иттифоқда машхур бўлган **минтақалар комплекс муаммоларини ўрганиши** илмий йўналиши шаклланган.

Хозирги бозор муносабатларига ўтиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш даврида минтақавий сиёсатнинг амалий аҳамияти янада кучаймоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси бўйича макроиқтисодий барқарорлик 1996 йилдан бери кузатилмоқда; баъзи вилоятлар, масалан, Андижон, Бухоро, Хоразм ва бошқалар саноати тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Айни вақтда иқтисодий салоҳияти катта бўлган ҳудудлар (Фарғона, Самарқанд, Навоий вилоятлари) бу барқарорликка кечрок эришиди.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда Асака ва Самарқанд автомобилсозлик, коровулбозор нефтни қайта ишлаш заводлари, кўпгина вилоятларда қурилган тўқимачилик корхоналари ва бошқаларнинг аҳамияти катта. Аммо, барча кўшма корхоналар ҳам самарали фаолият кўрсатишмаяпти. Жумладан, мустақиллик йилларида барпо этилган ўндан ортиқ тўқимачилик корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш муҳим масала хисобланади.

Саноатнинг бошқа тармоқларидаги вазият ҳам бир хил эмас: чунончи, Навоий, Зарафшон, Олмалиқ тоф-металлургия комбинатларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарали, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳам чет эл сармоялари билан қайта жиҳозлангандан сўнг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, Сурхондарёда Хўжакон ош тузи, Гулистанда фармацевтика, Шўртан ва Муборакда газ- кимё мажмуалари, кўнғиротда сода заводи каби қатор янги корхоналар қурилиб, республиканинг турли районларида жойлаштирилмоқда.

Кишлоқ хўжалик соҳасида ҳам структуравий (таркибий) ўзгаришлар содир бўлмоқда, пахта майдонларини қисман қисқартириш асосида галлачиликка катта эътибор берилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик тармоқларини жойлаштиришда ўзгаришларга олиб келмоқда. Аммо, эслатиш лозимки, агрокоҳида хозирча қатор муаммолар мавжуд; баъзи йиллари об-ҳавонинг нокулай келиши туфайли буғдой, шоли, пахта хосилининг камайиши ҳам учраб туради. Унинг устига, тупроқнинг иккиласми шўрланиши натижасида анчагина экин майдонлари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб қолмоқда. Мазкур ҳолат агросаноат мажмуи, қайта ишлаш саноатига ўз таъсирини кўрсатади.

Транспорт соҳасидаги ўзгаришлар ҳам минтақавий ва йўл мустақиллигини таъминлаш сиёсати доирасида олиб борилмоқда. Жумладан, /узор-Бойсун-қумқўрғон, Учкудуқ-Нукус темир йўллари ҳамда Ангрен-Поп автомобил йўлларининг қурилиши ва кенгайтирилиши мамлакат хўжалигининг ҳудудий таркибида ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Республика раҳбарияти айниқса қишлоқ жойларга катта эътибор қаратмоқда-ки, бу ҳам бўлса минтақавий сиёсатнинг ўзига хос бир кўринишидир. Дарҳакиқат, модомики мамлакат иқтисодиётининг асоси-ни қишлоқ хўжалиги, аҳолисининг 2/3 қисмининг кўпроғи қишлоқларда яшар экан, бу жойларда жиддий ўзгаришларга эришмай туриб стратегик вазифаларни ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун қишлоқ жойларга саноатни олиб қириш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, меҳнат ресурслари бандлигини ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим муаммолардан саналади.

Албатта, бундан бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, илгариги ҳудудий меҳнат тақсимоти, горизонтал иқтисодий алоқалар бузилганлиги оқибатида кўпгина оғир саноат корхоналари фаолияти яхши эмас, мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг анчагина қисми мужассамлашган аввалги йирик саноат марказларининг (Чирчик, Ангрен, Марғилон, Бекобод ва б.) ривожланиши сустроп. Айни чогда ички меҳнат тақсимоти кенг кўламда йўлга қўйилмаган, ишлаб чиқаришни нотўғри ҳудудий ташкил этилганлиги сабабли турли минтақаларда ижтимоий ва экологик муаммолар бироз кескинлашган.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда минтақавий сиёсат турли ҳудудларда турлича олиб борилади: баъзи иқтисодий ривожланиши тўхтаб колган ёки секинлашган (масалан, Ангрен-Олмалиқ саноат райони) депрессив районлар хўжалиги харакатга келтирилиши, аҳолиси зич агросаноат районларда (Фарғона водийси) иш ўринларини кўпайтириш, экологик танглик вужудга келган Орол бўйи қаби районларда эса ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни тўғри ташкил қилиш талаб қилинади.

Шундай қилиб, минтақавий сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқариш кучларини у ёки бу ҳудудда устуворроқ ривожлантириш демақдир. Бинобарин, мазкур сиёсатнинг заминида саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш ётади, чунки **жойлаштириши ривожлантиришининг ҳудудий томони, инъикосидир**.

Республика миллий иқтисодиёти тўла ва мустаҳкам шаклланиб борган сари унинг минтақавий сиёсати нафакат вилоятларга, балки бошқа «муаммоли» районларга ҳам қаратилади. Жумладан, ҳозирги кунда Оролбўйи минтақасининг экологик ҳолатини яхшилаш, бу катта ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Келажакда алоҳида дарё ҳавзалари, воҳа ва водийлар, тоғ ёки чўл ҳудудлари ҳам давлатнинг минтақавий сиёсатини обьекти сифатида кўрилиши мумкин.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, янги мустақил мамлакатлар пайдо бўлиши билан илгариги чегаралар давлат чегарасига айланиб қолди. Шу муносабат билан чегарага яқин ёки ўзига хос географик ўринга эга бўлган кишлок туманлари (масалан, Сўх, Фаргона, Бўстонлик, Олот, Ургут, кўргонтека, Шовот, Сариосиё ва б.) ҳам вилоят ва мамлакатнинг минтақавий сиёсатида алоҳида эътиборга эга бўлади.

Хуллас, минтақавий сиёсат ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришда навбатма-навбатчиликни, «эркин худудий рақобат ва мусобақани» назарда тутади. Бу эса мамлакатнинг иктисодий макони ва тармоқлар таркибида доимий ўзгаришлар билан бирга содир бўладиган диалектик жараёндир.

### Савол ва топшириклар

- 1. Геосиёсат ва минтақавий сиёсатнинг ўзаро фарқлари, уларнинг ички тузилиши нималардан иборат?**
- 2. Минтақавий сиёсатнинг моҳият ва асосий мақсади нима?**
- 3. Ўтиши даврининг ишлаб чиқарши кучларини ривожлантириши ва жойлаштиришига қандай таъсири бор?**
- 4. Ўзингиз яшаётган вилоят доирасида Сиз қандай минтақавий сиёсат олиб борган бўлар эдингиз?**

## ІІІ БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Иктисодиёт ривожланиши унинг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг бундай шакллари эса муайян бир жараённинг икки томони бўлиб, у моҳиятан ижтимоий ва ҳудудий (географик) меҳнат тақсимоти хусусиятларидан келиб чиқади. Бинобарин, уларни бир- бирiga мутлақо тескари қўйиб бўлмайди, чунки катта ёки кичик, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш албатта уларни маълум ҳудудда жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий ташкил этиш шакллари мужассамлашув, ихтисослашув, ҳамкорлик ва комбинатлашувдан иборат. Булар ҳам ўзаро алоқадорликда ривожланиб боради ва кўпинча биргаликда содир бўлади. Уларнинг аста-секин такомиллашиб бориши, бир-бirlари билан уйғунлашуви фан-техника тараққиёти, жамият ривожланиши билан ҳамкорликда юз беради.

Мужассамлашув ва ихтисослашув ишлаб чиқаришни ижтимоий (ҳудудий) ташкил қилишнинг нисбатан оддийроқ шакллари хисобланади. Бироқ, айни ана шу шаклларнинг ўзгариб бориши қолган шакллар, ишлаб чиқариш ривожланиш хусусиятларга катта таъсир этади.

**Мужассамлашув**, энг аввало, корхона ёки бошқа ишлаб чиқариш объектларининг катта-кичиклигини англатади. Табиийки, жамият ривожланиши билан мужассамлашув даражаси ҳам ошиб боради. Шу нуқтаи назардан ўзига хос мужассамлашув қонунияти мавжуд; бир вақтлар маҳсулотлар унча катта бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқилган бўлса, кейинчалик улар аста-секин йириклилашиб борган (саноат корхоналарида 100 минг кишидан зиёд ишчи хизмат қиласи, жуда катта кўламда маҳсулот ишлаб чиқарилади). Масалан, Россия Федерациясидаги «Авто-Зил» корхонаси, Магнитогорск металлургия комбинати, Саян-Шушен ёки Красноярск ГЭСи, ўзимизнинг Ўзбекистондаги Чкалов номли самолётсозлик заводи, Олмалиқ тоф-металлургия комбинати, Тошкент, Бухоро тўқимачилик комбинатлари шулар жумласидандир. Худди шундай, собиқ Иттифоқ даврида кишлоқ хўялигига ҳам жуда катта колхоз ёки совхозлар, чорвачилик фермалари, ноишлаб чиқариш соҳаларида йирик кино-театрлар, ўрта ва олий мактаблар, магазинлар, стадионлар ташкил қилинган эди.

Ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви катта иктисодий самарадорликка (мужассамлашув, агломерация самарадорлиги) олиб келса-да, бу жараён чексиз эмас ва уни ҳар қандай шароитда ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Демак, мужассамлашув қонуниятининг ҳам ўзининг чегараси, меъёри мавжуд. Аммо, бу билан мужассамлашув ўз моҳиятини йўқотмайди, балки у ўз шаклини ўзгартиради, холос.

Мужассамлашув саноат мисолида жуда аниқ кўринади. Бу борада ишлаб чиқариш фондлари, ялпи маҳсулот ёки ишчи ва хизматчиларнинг турли йириклидаги корхоналарда йиғилиши, тўпланиши соғ холдаги ишлаб чиқариш ёки корхона мужассамлашуви, уларнинг шаҳарлар ва районлар жойлашувини эса урбанистик ва ҳудудий мужассамлашув сифатида кўрсатиш ўринли.

Мужассамлашувнинг бу шакллари бир-бirliga ўтиб туради ва турли район ёки мамлакатларда ҳар хил бирикмада бўлади. Чунончи, шаҳарнинг марказлашув даражаси маълум бир босқичга етгандан кейин ўзига хос вазият вужудга келади, яъни энди мазкур шаҳарда қўшимча корхоналарни қуриш

имконияти қолмайди. Экологик, уй-жой, транспорт муаммолари кескинлашади, куриш учун ер майдони ҳам етишмайди ва айни пайтда янги корхона бу марказдан олисда жойлашувни ҳам «истамайди». Демак, ийрик шаҳарда ҳам эмас, ундан узоқда ҳам эмас; шаҳарнинг ички имконияти йўқ, корхона эса ундан ийроқлаша олмайди. Натижада янги корхона ёки илмий текшириш муассасалари, олий ўқув юртлари ийрик шаҳарнинг таъсир доирасида ўрнашади- шаҳар агломерацияси ёки саноат тугуни вужудга келади.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларга мисол қилиб Тошкент атрофида жойлашган гўшт комбинати (Ўртаовул шаҳарчаси), Тошкент аграр университети (Ялангоч манзилгоҳи), ядро физикаси институти (Улугбек шаҳарчаси), алкоголосиз ичимликлар комбинати (қибрай) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Тошкент ахолиси эҳтиёжи ва хўжалиги учун зарур бўлган бу корхоналарни пойтахтда куришнинг иложи йўқ. Лекин улар истеъмолчи, саноат, илм-фан марказига яқин бўлмоғи, замонавий инфраструктура тизимиға эга бўлиши лозим. Бундан яна бир хулоса, яъни ишлаб чиқариш мужассамлашуви билан шаҳар ривожланиши ўртасидаги муносабат келиб чиқади. Дастлаб шаҳарнинг вужудга келиши ва улғайишида ишлаб чиқаришни жойлаштириш (мужассамлашув) етакчи рол ўйнайди, кейинчалик эса шаҳарнинг ўзи ишлаб чиқаришнинг худудий ва мужассамлашув омилига айланади.

Энди турли шаклдаги мужассамлашувга мисол келтирайлик. Масалан, Ўзбекистон саноат маҳсулотининг ярмидан қўпини ҳар бирида 2000 дан ортиқ ишчи ишлайдиган корхоналар ишлаб чиқарди, деб фараз қиласайлик. Бу ишлаб чиқариш ёки корхона даражасидаги мужассамлашувдир. Тошкент шаҳрида мавжуд корхоналар Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотининг тахминан 17-20 фоизини беради-бу урбанистик мужассамлашув бўлади. Агар Фарғона водийсини Республикализнинг асосий пилла ёки мева маскани, нефт маҳсулотлари ёки ўсимлик ёғи чиқарувчи райони сифатида кўрсак, у ҳолда худудий мужассамлашувни назарда тутган бўламиз.

Мужассамлашувнинг юқори ёки пастлиги айни пайтда маълум бир соҳанинг ривожланганлик даражасини белгилайди. Бу ерда «умумий маҳраж» бўлиб шаҳар, вилоят ёки бошқа бир жойда яшовчи ахолининг улуши, ҳиссаси хизмат қиласи. Айтайлик, Фарғона водийсида Ўзбекистон Республикаси ахолисининг 27 фоизи жойлашган. Агар у ёки бу ишлаб чиқариш кўрсаткичи шу ракамдан қанча юқори бўлса, у ҳолда мазкур ишлаб чиқариш тармоғи водийда ривожланган, иқтисодий мужассамлашган бўлади.

Корхона, урбанистик ва худудий мужассамлашув турли район ёки мамлакатларда турлича бирикма ҳосил қиласи. Нисбатан паст даражадаги урбанистик мужассамлашувда корхона ёки ишлаб чиқариш мужассамлашув юқори бўлиши ҳам мумкин. Бунга кичикроқ шаҳарда, масалан, Хивада катта гилам комбинатининг жойлашуви мисол бўла олади. Худди шундай, паст даражадаги урбанистик мужассамлашув юқори кўрсаткичдаги худудий мужассамлашувга ҳам олиб келади. Бу ҳолда мазкур худудда жуда кўп кичик саноат пункти ёки марказлари мавжуд бўлади. Айнан шундай вазиятни 80-йилларда Республиканинг кўпгина вилоятларидаги (Андижон, Бухоро, Фарғона, кашқадарё, Наманганд, Хоразм ва ҳ.к.), тўқимачилик корхоналарининг тарқоқ, филиаллар асосида жойлашганлигига учратамиз. Шу билан бирга паст даражадаги худудий мужассамлашув юқори урбанистик кўрсаткич билан ҳам уйғунлашган ҳолда келади. Чунончи, бир вақтлар Франция деганда, аввало унинг пойтахти Париж, Венгрия рамзида эса Будапешт тушунилар эди. Ҳозир ҳам қўшни қирғизистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулотнинг талайгина қисмини унинг пойтахти Бишкек беради, Туркия иқтисодиётida эса Истамбулнинг ўрни ниҳоятда катта ва ҳ.к.

Шундай қилиб, юқори даражадаги мужассамлашув, айниқса ўта ийрик корхоналарни барпо этиш ҳамма вақт ҳам ижтимоий-иктисодий жиҳатдан самарали эмас. Бундай ҳолларда тайёр маҳсулотни транспортда ташиш харажатлари кўпаяди, ишчи кучи етишмайди ва энг муҳими-экологик мувозанат бузилади. Хўш, қайси даражадаги мужассамлашув маъқул, деган савол туғилади. Ахир, айни бир ҳажмдаги маҳсулотни турли хил бирликдаги корхона, шаҳар ёки районларда ишлаб чиқариш мумкин-ку! Бу ерда ҳам бир томонламалик, қатъийлик ноўриндир. Бинобарин, турли хил ийрикликтаги корхоналар, катта-кичик шаҳарлар бўлгани мақсадга мувоғик. Демак, мужассамлашув объектив қонуният, бирор ү барча мамлакатларга хос ва иқтисодий самарадорликка эга бўлсада, унинг маълум чегараси, кўлами, доираси бўлиши шарт.

Мамлакатнинг биргина, аксарият ҳолларда пойтахт шаҳар асосида ривожланишини Лотин Америкаси давлатларининг яқин ўтмишдаги тараққиёти ёки ҳозирги Африка мамлакатлари мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу мамлакатлар ўз ижтимоий-иктисодий борлигини уларнинг энг ийрик маркази бўлган пойтахт шаҳрида мужассамлаштиради. Бундай ҳолларда ишлаб чиқаришнинг бир томонлама ёки номутаносиб худудий таркиби ўта марказлашган мужассамлашувни билдиради.

Республикада ҳам факат Тошкент вилоятини ривожлантириб, қолган минтақаларни ўз ҳолица қолдиравериш ярамайди, албаттга. Шу боис қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Жиззах каби вилоятлар ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш мустақил давлатнинг илмий асосланган минтақавий сиёсатида ўз аксини топмоғи лозим.

Марказлашув мужассамлашувнинг бир кўринишидир. Бу ерда ишлаб чиқариш корхоналари ёки бошқа ташкилотлар ва соҳаларни атиги биргина шаҳарда жойлашуви тушунилади. Айни пайтда

мамлакат ёки хўжалик бошқарувининг бундай тизими якка ҳокимлик-монополияга олиб келиши турган гап, бу эса бозор-эркин иқтисодиёт шароитида мақсадга номувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, ўтиш даври иқтисодиётида барча соҳаларнинг кичик бўлгани маъқулроқ. Чунки, улар харакатчан, мабодо касод бўлгандা, инкирозга учраганда, тез ва осон қайта ихтисослаштирилиши мумкин. Бундай ихчам корхоналарни бошқариш ҳам қийин эмас. Аммо, кичик корхоналар асосан маҳаллий бозорни тўйинтиради ва шу жиҳатдан уларнинг ракобатбардошлиги, экспорт салоҳияти ўта паст. қолаверса, хўжаликнинг, жумладан саноатнинг барча тармоқларида ҳам (масалан, автомобилсозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё ва б.) майда ҳажмдаги корхоналарни куриб бўлмайди. Ўз навбатида тўғри ташкил этилган йирик корхоналар минтака ва миллий иқтисодиётнинг таянчи, мамлакат қудратини, унинг жаҳон бозорида қатнашувини таъминлайди.

Мужассамлашув қишлоқ хўжалиги ва айниқса транспортда унча сезиларли эмас, чунки уларнинг жойлашуви «нуктасимон» бўлмай, балки ареал (майдон) ва лентасимон шаклга эга. Албатта, бу ерда соф ҳолдаги ишлаб чиқариш, яъни корхона даражасидаги мужассамлашув назарда тутилади. Бундай мужассамлашув аҳоли жойлашувида, аҳоли манзилгоҳларнинг катта-кичклигига, соғлиқни саклаш, таълим тизими, савдо, спорт, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар корхоналарини ташкил килишда яққолроқ намоён бўлади. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур тармоқларда ҳам ўтиш даврида фақат йирик корхоналарни қуриш ижобий натижалар бермаслиги мумкин.

Тарихан қараганда, ихтисослашув мужассамлашувдан олдин пайдо бўлган. Зеро, дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимоти оила аъзоларини-аёл ва эркакларни турмушнинг турли соҳаларига ихтисослашувида ўз аксини топганди (аёллар уй юмушлари билан, эркаклар овчилик билан шуғулланардилар). Маълумки, бу даврда кишилар табиатда мавжуд бўлган озиқ-овқат билан кун кечирада эдилар.

**Ихтисослашув** ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг муҳим шакли бўлиб, у меҳнат тақсимоти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг уч босқичи ва уч тури мавжуд. Ихтисослашувнинг уч босқичи-корхона, шаҳар ёки район, миқёсидағи ихтисослашувдир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳар бирига ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида маълум бир маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши бириктирилади. Ўз навбатида, ихтисослашув шу корхона (у жамоа хўжалиги бўлиши ҳам мумкин), шаҳар ёки районларнинг «қиёфасини», уларнинг меҳнат тақсимотида тутган ўрнини белгилаб беради.

Ихтисослашувнинг уч тури-бу қисм (детал), технологик ёки ярим маҳсулот (полуфабрикат) ва предмет (тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш) ихтисослашувдан иборат. Унинг бундай кўринишлари бир-бира билан узвий боғлиқ ва улар турли ҳудудий босқичда ўзгача хусусиятга эга.

Ихтисослашув оқибатида хўжаликнинг турли тармоқлари вужудга келади, иқтисодий районлар, шаҳарларнинг функционал типлари шаклланади. Шу билан бирга у ташки транспорт иқтисодий алоказарини тақозо этади, чунки ишлаб чиқарилган ва маҳаллий истеъмолдан ортиб қолган маҳсулот четга чиқарилади ва мазкур районда етишмайдиган маҳсулот эса бошқа жойлардан келтирилади.

Ихтисослашувни аниқлаш учун бир неча шарт ва шароитлар зурур. Муҳими-маҳсулот фақат шу жой талабини қондирибгина қолмай, балки ортиқчаси бошқа районларга-бозорга чиқарилиши ёки товар хусусиятига эга бўлиши керак. Масалан, Республикамиз паҳта толаси, пилла, тоғ-кон, табиий газ саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқа соҳаларга ихтисослашган. Уни ип ёки ипак газламаси, нефт саноатига ихтисослашган дейиш бироз мушкулроқ, сабаби-бу маҳсулотлар Ўзбекистонда ҳозирча етарлича ишлаб чиқарилмайди ва улар маҳаллий талабни тўла қондирганича йўқ.

Ихтисослашув, албатта фақат моддий ишлаб чиқаришга тегишли эмас. У барча ижтимоий жабҳаларга ҳам молик хусусиятдир. қолаверса, айrim олийгоҳлар ўқитувчи, бошқалари-агроном, муҳандис, табобатчи каби мутахассисларни тайёрлайди. Чунки бу олийгоҳлар айнан ана шундай ходимларни тайёрлашга ихтисослашган. Ихтисослашувнинг ҳам мужассамлашув каби ўзининг чегараси бўлиши лозим; ўта тор ихтисослашув бир томонламаликка (ижтимоий ҳаётда тор фикрлашга), ўйл ҳаражатларининг кўпайишига олиб келади. Улкан корхоналарни қуриш қандай заرارли бўлса, ҳаддан ташқари тор ихтисослашув, яккаҳокимлик ҳам шунча хатарлидир. Иқтисодиётда фақат ёки асосан бир соҳага ихтисослашув—бу ҳудуднинг мувакқат қудрати, баҳти ва айни вақтда унинг бадбаҳтлиги, фожиаси бўлиши мумкин (ижтимоий ҳаётда ҳам худди шундай).

Афсуски, яқин ўтмишда мамлакатимиз қудрати, унинг ривожланганлик даражаси «йирик», «энг катта», «ягона» каби тушунчалар билан ифодаланар, «биринчи» бўлиши эса кўп ҳолларда қолган барча соҳаларда қолоқликни англатар эди. Аммо бу мулоҳазалардан нотўғри хулоса чиқариш ҳам керак эмас, чунки ихтисослашувсиз шаҳар, туман, вилоят, иқтисодий районларнинг, қолаверса, жамият ва кишиларнинг ўзини ҳам ривожланганлигини тасаввур килиш қийин. Шунинг учун ихтисослашган тармоқлар билан биргалиқда бошқа ёрдамчи ёки иккиласи соҳалар ҳам ҳеч бўлмаганда маҳаллий эҳтиёж доирасида ривожланган бўлиши лозим. Бу ерда ихтисослашган тармоқни дарахтнинг танасига, дарёга, кўшимча тармоқларни эса дарахтнинг шоҳ ва шоҳчаларига, дарёларнинг ирмоқларига ўхшатиш ўринли.

Ўз-ўиздан маълумки, танасиз шоҳ ҳам бўлмайди, шохсиз дараҳт эса-бу оддий бутадир, ирмоқсиз дарё ҳам баркамол дарё тизимини шакллантиримайди.

Демак, ихтисослашув комплекс, ҳар томонлама ривожланиш билан уйғунлашуви керак. Зеро, ихтисослашувда ўйл қўйилган хатолар оқибатини ҳозирги кунда сезиб турибмиз. Бу камчиликлар айникса, сабиқ иттифоқдош Республикаларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини бузилишида ўз аксини топмоқда. Шу сабабли эътибор кўпроқ ҳар бир мамлакатнинг мумкин қадар атрофлича ривожланишига қаратилмоқда. Албагта, бундай тараққиёт Ўзбекистонин жаҳон ҳамжамиятидаги бошқа мамлакатлардан фарқ қилдирувчи, унинг ўрнини белгилаб берувчи ихтисослашган тармоқларни такомиллаштириш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Минтака ва мамлакатларнинг у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, энг аввало, улардаги мутлоқ ва нисбий афзалликларга боғлиқ (А.Смит, Д.Риккардо); бу ерда яратилган маҳсулот уни бошқа жойда етиштиришга кўра арzonроқ, кам харажатлироқ бўлиши керак. Одатда, ҳар бир мамлакат ёки унинг алоҳида қисмлари ўзидағи қулай ва арzon омиллардан фойдаланиб, қийин ва қиммат омил маҳсулотларини четдан олиб келади. Бундай конунийтни дастлаб швед иқтисодчилари XX асрнинг 30-йилларида Э.Хекшер ва Б.Олинлар асослаб беришган.

Ихтисослашувнинг ҳам туб моҳияти, мақсади иқтисодий самарадорликни оширишdir. Табиийки, бир кишининг ҳар хил маҳсулот яратиш, ёки ҳар хил касб билан шуғулланишидан кўра муайян ишни бажариши фойдали. қолаверса, меҳнатнинг бир турини унинг иккинчи тури билан алмашуви давомида вакт ҳам кетади, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати яхши бўлмайди. Аммо, бу ерда соғ ижтимоий ихтисослашув кишининг фикр доирасини торайтиради, уни оддий роботга айлантириб кўяди. Кўриниб турибиди, ижтимоий ҳаётда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам тор ихтисослашув яхши натижалар бермайди.

Ҳозирги ривожланган мамлакатларда ва қисман ўзимизда ҳам бозор муносабатларига мос равишда истеъмол, талаб индивидуаллашиб, хусусийлашиб бормоқда. Авваллари бир мамлакат ёки район маҳсулотнинг бир турига ихтисослашган ва у билан минтақавий ва жаҳон бозорида қатнашган бўлса, эндиғи шароитда ўша маҳсулотнинг ўзи турли шаклга, кўринишига эга бўлиши керак. Масалан, ҳозирги даврда енгил машиналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар фақат бир турда бўлиши уларнинг ракобатбардошлиги ва харидорлигини таъминламайди. Бинобарин, эндиғи шароитда конвойр усули, миқдор кўрсаткичлари мухим эмас; аксинча «постфордизм», масштаб (миқдор) самарадорлигининг ўрнига турли хиллик, сифат самарадорлиги олдинга сурилмоқда.

Ҳозирги фан-техника тараққиётидан фойдаланиб янги- янги маҳсулот турлари пайдо бўлмокда ёки улар замонавий технологиялар асосида арzon ва осон ўйлар билан ишлаб чиқилмоқда. Бундай инновацияларнинг «ҳаёт цикли»-вужудга келиши, ривожланиши, аста-секин барча мамлакатларда тарқалиши ва, ниҳоят уларнинг ўрнига бошқаларнинг келиши ва «сўниши» билан белгиланади. Шунга ўхшаш янгиликларнинг тарқалиши ёки диффузия қонуни иқтисодиёт назариясида Йозеф Шумпетер (XX аср биринчи ярмида) ва швед Т.Хагерстранд (1953 й.) томонларидан асосланган.

Шундай килиб, ихтисослашув ҳам мужассамлашув каби ривожланганликнинг мухим белгисидир. Аммо, ҳар иккисининг ҳам чегараси бўлиши керак. Худди шу нуқтаи назардан кооперация ёки ҳамкорлик янада самаравлироқ ҳисобланади. Бу ўринда айтиш мумкинки, кооперация ихтисослашув билан яқиндан боғлиқ ва усиз вужудга келмайди. Чунки, ҳар қандай кооперация турли касб, хунар, маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашганларнинг ҳамкорлигидан бошқа нарса эмас.

**Кооперация** пировард натижада муайян бир маҳсулот яратиш учун турли корхоналарнинг ҳамкорлигидир. Бу корхоналар фақат бир ёки икки тармоққа тегишли бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга кооперацияда худудий бирлик, барча ихтисослашган корхоналарнинг бир жойда ўринлашуви унча сизимайди ва, аксинча, уларнинг тарқоқ ҳолда жойлашуви кузатилади.

Кооперацияда қатнашувчи корхоналар сони ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мураккаблигига боғлиқ. Чунончи, машинасозликда, аникроғи енгил ва юқ машиналарини ишлаб чиқариш учун жуда кўп эҳтиёт қисмлар, деталлар керак. Шу боис бундай машиналарнинг яратилишида юзлаб ихтисослашган корхоналарнинг улуши бор. Масалан, Москвада енгил автомобил ёки Лихачев номли завод, Толяттидаги Волга автомобил заводи (Жигули), Асакадаги «УзДЭУ» автокорхоналари ва шунга ўхшашлар юзлаб корхоналар билан ҳамкорлик қиласи. Модомики асосий, якунловчи ёки йигувчи бош корхона кўп жойдан асбоб-ускуналар, деталл ва жихозлар олар экан, у транспорт географик жиҳатдан кулай нуқтада курилиши зарур.

**Комбинация** ёки комбинатлаш кооперацияга ўхшаб корхоналар бирлашмасидан иборат. Аммо бу ерда тарқоқ ҳолда жойлашган бирлик эмас, балки уларнинг худудий умумийлиги, технологик ва ташкилий бирлиги тушунилади. Шу сабабли комбинацияда, кооперациядан фарқли ўлароқ, худудийлик хусусияти кўпроқ намоён бўлади. Бинобарин, унда мужассамлашув яққол кўзга ташланади, сабаби-кўп ҳолларда комбинатлашув муайян ҳом ашёни биргаликда, атрофлича қайта ишлаш билан боғлиқ. Бу икки, юзаки қараганда бир-бирига ўхшаш тушунча ўртасида бошқа фарқлар ҳам бор. Хуллас, бу шаклни қаер-

да «комбинат» сўзини учратсақ, уни ўша соҳада кўрамиз, ҳатто аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларда ҳам (маиший хизмат комбинатлари).

Саноатда комбинатлар бир неча технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган завод ёки цехлардан ташкил топган бўлади. Чунончи, қора металлургия комбинатлари, аникроғи тўлиқ цикли комбинатлар чўян, пўлат ва прокат ишлаб чиқарувчи заводлар бирлашмасидир. Агар уларнинг биттаси бўлмаса, у ҳолда комбинат тўлиқ циклга эга эмас (Бекободдаги Ўзбек металлургия комбинати худди шундай корхоналардандир). Тўқимачилик комбинатлари йигирув, бўёқлаш, тайёрлаш цехларидан иборат, ҳом ашё битта-пахта толаси ёки пилла маҳсулоти. Гўшт комбинатида ҳам ягона ҳом ашё асосида бир неча маҳсулот: гўшт, консерва, колбаса каби бошқа маҳсулотлар олинади. Унинг чиқиндисидан, масалан, суяқ ва қондан қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт соҳасида фойдаланиш мумкин, териси эса ошлагандан сўнг ҷарм-пойафзал саноатида ишлатилади. Ўрмон, цемент-шифер, кимё комбинатларининг тузилиши ҳам худди шундай. қолаверса, марказлашган иссиқлик электр станциялари ҳам комбинат хусусиятига эга, чунки улар айни пайтда электр энергияси ва пар (буғ) беради.

Шундай қилиб, комбинация саноат тармоқларининг кўпчилигига хосdir. Факат машинасозикда «комбинат» сўзини учратмаймиз, аммо моҳияттан бу ерда ҳам у мавжуд, зотан металldан асосий маҳсулот билан бир каторда ҳалқ истеъмол моллари ҳам ишлаб чиқарилади. Масалан, Тошкентдаги Чкалов номли авиация бирлашмаси самолётдан ташқари автомобил учун баъзи бир эҳтиёт қисмлар, болалар араваси (коляска) ва шунга ўхшаш турли ҳил ҳалқ истеъмол молларини ҳам ишлаб чиқаради.

Умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг барча ижтимоий шакллари ўзаро боғлиқ. Жумладан, ихтисослашган корхоналар ёки кооперация ва комбинация доирасидаги ишлаб чиқариш бўғинлари ҳам у ёки бу кўринишда мужассамлашувни англатади. Бироқ, бу ерда уларнинг бир жойда тўплланганлиги, йигилганлик даражаси бошқа жойларга нисбатан юқори бўлиши лозим, акс ҳолда том маънодаги мужассамлашув бўлмайди.

Сўнгги йилларда ихтисослашувда унинг детал ва технологик ихтисослашув шакли қисқари бориши ҳоллари кузатилмоқда. Айни вақтда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, яъни предмет ихтисослашуви кенг ривожланади, айниқса детал ва технологик ихтисослашув кооперация ва комбинатлашувда кўпроқ иштирок этади. Бундай вазият қисман ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларидан ҳам келиб чиқади.

Ихтисослашув ишлаб чиқариш жараёнини ажратади, яккалайди, кооперация эса уни умумийлаштиради, комбинатлашув-бирлаштиради. Уларнинг барчаси айни вақтда у ёки бу даражадаги корхонада ташкил этилади, мужассамланади. Масалан, ҳар қандай комбинат юқори даражадаги мужассамлашув, йирик корхона демакдир.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакллари бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Энг муҳими шундаки, корхоналарнинг катта-кичиклиги, уларнинг ихтисослашуви ва ўзаро ўйғунлашуви энди кўп жиҳатдан давлатга, ягона марказ ва режалаштиришга боғлиқ эмас. Корхоналар, ишлаб чиқарувчilar, тадбиркорлар бир-бirlари билан тўғридан-тўғри алоқа, шериклик қиласидар. Давлатнинг вазифаси эса бу жараённи турли механизмлар орқали тартибга солиш ва бошқариб боришдан иборат бўлади.

#### Савол ва топшириклар

1. *Мужассамлашувнинг ижобий ва салбий томонлари нималарда ўз аксини топган?*
2. *Ихтисослашув ва унинг турли шакллари ҳозирги даврда қандай ўзгариб бормоқда?*
3. *Ихтисослашув билан ҳамкорлик (кооперация) ўртасидаги алоқадорликни мисоллар ёрдамида тушунириб беринг.*
4. *Комбинатлашув қайси тармоқлар учун хос ва нима учун?*

#### IV БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш тармоқлари ўз-ўзидан, тасодифан худудий тарқалмайди, балки маълум шарт-шароитлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади ёки худудий ташкил этилади. Бу омилларни яхши билиш ишлаб чиқаришнинг худудий таркиби ва тизимининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга асос бўлади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш маълум қонуният, принцип ва омиллар асосида амалга оширилади. Қонуниятлар, энг аввало, омилларнинг ўзаро алоқадорлиги, ишлаб чиқариш корхона ва тармоқларининг маълум худудий ва технологик мажмуя шаклида ташкил этилиши, бу тармоқлар ривожланишидаги мутаносибликлардан келиб чиқади. Масалан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўзининг қонуниятлари

мавжуд. Ишлаб чиқаришга нисбатан истеъмол, таклифга кўра талабнинг устунлиги, эркин рақобат, очик иқтисодиёт юргизиш, уни либералаштириш шулар жумласидандир. Булар, албатта, ишлаб чиқариши жойлаштиришга, иқтисодий маконнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Принцип ёки тамойиллар кўйилган стратегик максадларга эришишдаги, дастлабки ёки бирламчи асослар хисобланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш даврига мос беш асосий принцип ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Ўз навбатида улар ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишда эътиборга олинади.

Шунингдек, бу даврда вакт ва маблағдан унумли фойдаланиш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи соҳаларни жадалроқ ривожлантириш, табиий ва меҳнат ресурсларини ишга солиш, минтақала-аро иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш ҳам катта аҳамият касб этади. Албатта, бу борада ишлаб чиқаришни хом ашё базасига, электр манбаи ва истеъмол районларига яқинлаштириш принципи ўз кучини сақлаб қолади. Бироқ, унумаслик лозимки, барча ишлаб чиқариш тармоқларини бир вақтнинг ўзида ҳам хом ашё, ҳам ишчи кучи, ҳам истеъмол районига яқинлаштириш қийин (ё униси, ёки бунисига яқинлаштириш мумкин, аммо ҳаммасига эмас!). Бинобарин, бу тамойилни ҳар хил тармоққа нисбатан аниқ кўллаш талаб қилинади.

Ўтиш даврида барча худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш принципи ҳам аввалгидек, «социалистик руҳда» талқин қилинмайди. қолаверса, бу даврда минтақалараро тафовут сақланиб ва, ҳатто бироз кучайтиб бориши мумкин. Шу боис давлатнинг минтақавий сиёсати бу фарқларни иложи борича қисқартиришга йўналтирилади. Бундай худудий номутаносибликларнинг ўзига хос ривожланиш омили сифатида (худудий рақобат) маълум даражада сақланиб қолинишининг сабаби шундаки, бир вақтнинг ўзида барча тармоқларни бир даражада ривожлантириш асло мумкин эмас. Худди тармоқлар таркибида бўлганидек, ишлаб чиқаришнинг худудий тузилмасида ҳам ривожланиш навбатма-навбат, устуворлик принципи, рақобат асосида олиб борилади.

Табиийки, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда минтақаларнинг ривожланиши турли хил омил ва шароитларга ҳам боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда хом ашё, ёқилғи, электр қуввати, сув ва иқлим шароитлари, меҳнат ресурслари, истеъмол ва транспорт, иқтисодий географик ўрин каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, экология, илмий-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиёти омилларининг бу борадаги роли ҳам ошиб бормоқда.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар жуда кўп. Модомики бу омиллар кўп экан, демак:

- уларнинг таъсир даражаси ҳар хил бўлади;
- бу омилларни гуруҳлаш талаб этилади;
- омиллар ва ишлаб чиқаришини жойлаштиришини ўрганишида комплекс (яъни ҳар томонлама) ёндошув зарур.

У ёки бу омилнинг таъсир даражаси унинг маҳсулот чиқаришдаги «солиштирма оғирлиги» билан ўлчанади ёки унинг маҳсулот бирлиги билан нисбати хисобга олинади. Албатта, жамият тараққиёти, фан-техника ривожи ва бошқа сабаблар туфайли омилларни таъсирчанлиги ўзгариб боради. Чунончи, агар илгари табиий шароит, хом ашё, ишчи кучи кабиларнинг аҳамияти катта бўлган бўлса, ҳозир илмий-техника тараққиёти, экология, бозор, истеъмолнинг кучайиши ва турланиши муҳимроқ бўлиб қолмоқда, ишлаб чиқариш кўпроқ маблағталаб ва илмталаб бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга маълум омилнинг таъсирчанлиги, яъни унинг кўп сарфланиши аста-секин камайтирилиб борилади. Масалан, маҳсулот бирлигига нисбатан сарфланадиган хом ашё, ёқилғи, электр қуввати, ишчи кучи ва бошқалар мунтазам равишда тежалади. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиб боришига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «кўп сарфланади» деган сўз ўз-ўзидан истрофгарчиликни ва, бинобарин, атроф-муҳит экологиясига ҳам салбий таъсирни Англатади. Жумладан, хом ашё кўп сарфланадиган ёки «сув талаб» корхоналарда шунга мос равища хом ашёни тўла ишлатилмаслиги, унинг чиқиндига кетиши, сувнинг ифлосланиши каби ҳолатлар юз беради. Демак, бу борада тежамкорлик ҳам иқтисодий, ҳам экологик аҳамиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда барча шарт-шароитлар, омиллардан келиб чиқилади. Лекин маълум тармоқни худудий ташкил этишда ҳамма омил эмас, улардан фақат айримлари етакчи, ҳал этувчи рол ўйнайди. Бунинг учун яратиладиган маҳсулот бирлигига, масалан, сув ёки электр қуввати, ишчи кучининг қай даражада сарфланишини аниқлаш талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, «каср маҳражида» маҳсулот бирлиги, унинг суратида эса алоҳида-алоҳида омиллар (масалан, 1 тонна шакар олиш учун канча хом ашё, яъни қанд лавлаги ишлатилади, канча электр қуввати ёки меҳнат сарфланади ва х.к.) туради. қайси омил бўйича йирик сон чиқса, унинг аҳамияти шунча юқори бўлади ва у кўрилаётган ишлаб чиқариш тармоғини жойлаштиришда белгиловчи, аниқловчи вазифани ўтайди.

Алоҳида шуни қайд этиш лозимки, маълум тармоққа кирувчи барча корхоналар хили ёки кичик «тармоқчалар» учун биттагина омил тегиши бўлмайди. Жумладан, машинасозлик тармоғига тегиши баъзи бир корхоналарни жойлаштиришда хом ашё (метал) кўпроқ аҳамиятга эга бўлса, бошқаси учун малакали ишчи кучи мухим ҳисобланади.

Энди юқорида кўрсатилган асосий омилларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Табиий шароит ва агроиқлимий ресурслар.** Хўжаликнинг барча тармоқлари, шунингдек, аҳолининг жойлашувида табиий шароитнинг роли катта. Бу борада айниқса ер, сув, ҳарорат, тупроқ қабилар мухим аҳамият касб этади. Ернинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ўрни унинг майдони, катта-кичиклиги, геоморфологик хусусиятлари билан тавсифланади.

Ер жамият ривожланишининг энг қадими, энг бирламчи омилидир. Ксенофонт (э.о.430-355 й.) «Ер инсонни соғлом, тўқ ва адолатли қиласди», деб ёзган эди. Инглиз иқтисодиёти ва статистикасининг асосчиларидан бири У.Петти (1623-1687й.) фикрича, меҳнат бойлиknинг отаси, ер эса унинг онасидир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, агар ер кўпгина хўжалик тармоқлари-саноат, транспорт ва бошқалар учун оддий шароит сифатида хизмат қилса, у қишлоқ хўжалигида бебаҳо бойлик, мухим ресурс ҳисобланади. Айни вақтда саноат корхоналарининг (масалан, иирик металлургия, кимё ёки машинасозлик заводлари) катта майдонларни эгаллашини ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, бундай майдонлар аэропортлар учун ҳам талаб этилади.

Сув ресурсларининг ҳам аҳамияти кўп функцияли. Саноатда сув хусусан сув ва иссиқлик электр станциялари, қора ва рангли металлургия, целлюлоза-қофоз, гидролиз, синтетик тола ишлаб чиқаришда, тўқимачиликда кўп сарфланади (айрим маълумотларга кўра, саноат бутун ҳалқ хўжалигида сарфланадиган сувнинг 40 фоизини истеъмол қиласди). Масалан, 1 тонна синтетик тола ишлаб чиқариш учун  $2000\text{ m}^3$ , 1 тонна ип газламасига  $1260\text{ m}^3$ , 1200 минг кВт кувватга эга бўлган иссиқлик электр станцияси учун эса 1200 млн $\text{m}^3$  сув сарфланади. Демак, бу ва шунга ўхшаш саноат корхоналарининг сув сигими жуда юқори. Мазкур омилнинг қишлоқ хўжалиги ва, айниқса суформа дехқончиликдаги ўрни янада юқори ва анъанавийроқ. Зеро, дастлабки маданийлашган, ривожланган жойлар айнан Ер юзининг суформа дехқончилик районларида, воҳаларда вужудга келган (Нил дельтаси, Месопотамия, Хинд-Ганг пасттекислиги, Хуанхэ дарёсининг ўрта қисми, Мовароуннаҳр ва б.).

Иссиқ иқлимини шароитида саноат корхоналарини очик усулда куриш, сув ва бошқа алкоголсиз ичимликлар, ип газлама ишлаб чиқаришга ўхшаш тармоқларни кўпроқ ривожлантириш талаб этилади. Об-ҳаво ва иқлимин транспортнинг кўпгина турларини ривожлантириш ва жойлаштиришга ҳам таъсир қиласди. Шунингдек, табиий географик шароитлар рекреация ва туризм соҳаларини ташкил этишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Сув мўл бўлган худудларда, одатда, шоли, сазавот кабилар экилади. Пахта ҳам анча сувталабдир. қизиги шундаки, ер майдони бор жойда, сув етишмайди ва, аксинча сув кўп тоғли худудларда суформа дехқончиликни ривожлантириш мушкул. Тўғри, ҳар иккаласи мухайё бўлган жойлар ҳам йўқ эмас. Аммо бундай жойларда ҳаво ҳарорати етишмаслиги мумкин. Демак, қишлоқ хўжалиги ва айниқса унинг сердаромад тармоғи дехқончилик учун уч асосий омил: ер, сув ва ҳарорат зарур. Албатта, бу мазмунда ер фақат оддий экин майдони мазмунидагина эмас, балки унинг тупроқ қатлами билан аҳамиятлидир. Бино-барин, агроиқлимий ресурсларни ҳарорат, сув ва тупроқ бирлигига кўриш янада тўғрироқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ер бойлиги анча катта (майдони 448,9 минг кв.км.). Унинг иқлимини шароитлари ҳам қулаги-баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бир йилда 2-3 марта ҳосилини олиш мумкин. Бироқ, қишлоқ хўжалигида мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш учун ирригация ва мелиорация, агроинфраструктура тизимини ривожлантириш, экологик муаммоларни ҳал қилиб бериш талаб этилади.

**Хом ашё омили.** Табиийки, маҳсулот хом ашёсиз яратилмайди. Аммо айрим маҳсулотларни олиш учун хом ашё бошқаларига қараганда кўпроқ сарфланади. Шунинг учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар ва корхоналар мумкин қадар хом ашё районларига яқин жойлаштирилади.

Саноатнинг барча тармоқлари, масалан, тоғ-кон, ўрмон, балиқчилик ўз-ўзидан маълумки, хом ашё бўлмаган районларда ривожланмайди. Бундай саноат тармоқларининг жойлашуви бевосита фойдали қазилмалар ёки табиий бойликлар географияси билан боғлиқ. Бошқа саноат тармоқларининг худудий ташкил этилиши эса бироз мураккаброқ. Масалан, 1 тонна пахта толаси олиш учун тахминан 3 тонна хом пахта, 1 тонна пахта ёғи учун 5 тонна чигит, 1 тонна писта ёғига 3 тонна кунгабоқар, 1 тонна шакарга 7 тонна қанд лавлагиси ишлатилади. Ушбу ракамларни нисбий кўринишда бериш фойдадан холи эмас. Чунончи, пахта толасини оқ пахтадан чиқиши 32-33 фоиз, пахта ёғининг чигитдан олинниши 19-20 фоиз, шакарни қанд лавлагидан олиш 14-15 фоиз ва шунга ўхшаш. Демак, бу корхоналар хом ашё районида ёхуд унга яқин жойлаштирилади.

Минерал ўғитлар ичida калий ўғитини ишлаб чиқариш географияси батамом хом ашё омили билан белгиланади, чунки уни олиш учун кўп микдорда калий тузи сарфланади. Айни пайтда азот (серлитра) ўғитини ишлаб чиқарувчи корхоналар анча «эркин» жойлашади. Бундай корхоналар қора метал-

лургия марказларига, сув манбаларига яқин, нефт ва газ саноати ривожланган районларда ўрнатилиши ҳам мүмкін. Фосфор ўғити ишлаб чиқаруучи корхоналар хом ашё ва истеъмол районларида жойлаштирилади. Хом ашё сифатида апатит, фосфоритлар хизмат қилади. Шунингдек, бу ўғитни ишлаб чиқаришда олтингугурт кислотаси ҳам талаб этилади. Шу боис улар рангли металлургия марказларida ҳам ташкил этилади. Ўзбекистонда азот ёки селитра Чирчиқ, Навоий, Фарғонада, суперфосфат қўқон ва Самарқандда, аммофос ёки азот ва фосфор ўғитларининг бирикмаси Олмалиқда ишлаб чиқарилади.

Хом ашёга қўпроқ асосланган саноат тармоқларининг жойлашувини ўрганиш энг аввало мамлакат табиий шароити ва бойликларини билишни талаб этади. Турли хил қазилма бойликларнинг маълум худуддаги бирлиги бу ерда ишлаб чиқаришни комплекс ташкил қилишга, худудий мажмуаларни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни худудий ташкил этиш самарадорлигини оширишга сабаб бўлади.

Ёкилғи иссиқлик электр станциялари учун ҳамда кора металлургия саноатининг дастлабки-чўян эритиш босқичини жойлаштиришда асосий рол ўйнайди. Аммо унинг таъсири ҳамма вақт ҳам етакчи кучга эга эмас; иссиқлик электр станциялари ёки металлургия заводлари айrim ҳолларда истеъмол районларида ҳам жойлаштирилиши мүмкін. Бу масала айниқса, нефт ва унинг маҳсулоти мазут, табиий газ асосида ишловчи иссиқлик станцияларини куришга тегишилдири.

Бирок, кора металлургия заводларини жойлаштириш қонуниятлари бир хил бўлмайди. Маълумки, қазиб олинадиган темир рудасининг таҳминан 48-50 фоизи фойдалидир, яъни улардан деярли шунча чўян олиш мүмкін (1 тонна чўян ишлаб чиқишида таҳминан 2 тонна темир рудаси ва 1,2 тонна коксланувчи қўмир сарфланади). Аммо бу «ўргача» рақам ҳамма жойда ҳам бир хил эмас: айrim конларда темирнинг қазиб олинадиган рудадаги улуши атиги 17-19 фоизни ташкил этади, холос. Бундай конларга Уралдаги қўшқанорни ёки қорақалпогистон Республикасидаги Тебинбулоқни мисол қилиб кўрсатиш мүмкін. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ерда қазиб олинадиган рудани бевосита домна печларида эритса бўлмайди, чунки керакли минералдан кўра кераксиз жинслар кўпроқ. Шунинг учун бу руда албатта дастлаб бойитилиши ва унинг таркибидаги фойдали минералнинг хиссаси оширилиши лозим.

Бойитилгандан сўнг руда таркибидаги (рангли металлар учун бойитиш жараёни айниқса муҳим, чунки уларнинг тоғ-кон жинсларидағи улуши жуда паст) металл миқдори бир неча баробар кўпаяди. Аммо бундан кейин ҳам унинг хиссаси етарлича бўлмайди. Шунинг учун металлургия корхоналари қўпроқ ҳом ашё районига яқинроқ жойлаштирилади.

Ер юзида «бой» конлар ҳам йўқ эмас, жумладан, Курск магнит аномалиясига кирувчи Белгород яқинидаги конларда темирнинг рудадаги улуши 60-65 фоизгача этади. Бинобарин, бундан қазиб олинадиган ҳом ашёни бевосита бойитмасдан домна печларида эритса бўлмайди. Модомики шундай экан, уларни ташиб бориш учун транспорт харажатлари ва пировард натижада эритилган чўяннинг таннаҳри унча юкори бўлмайди. Бу эса корхоналарни ёкилғи районида ёки унга яқин жойларда куришни тақозо этади.

қозогистон Республикасидаги қарағанда тўлиқ циклли металлургия комбинати бевосита кўмир ҳавзаси районида жойлаштирилган. Новокузнецк, Липецк, Тула (Россия), Кривой Рог (Украина) комбинатлари эса ҳом ашё, яъни темир рудаси конларига яқин курилган. Айrim ҳолларда металлургия заводлари ҳом ашё ва ёкилғи районлари ўртасида жойлашган, зеро мазкур саноат тармоғи учун бу икки омилнинг аҳамияти бир хил. Бунга мисол сифатида Череповец металлургия комбинатини (Россия Федерацияси) келтириш мүмкін. У Печора коксланувчи қўмир ҳавзаси билан Кола ярим ороли темир рудаси конларининг деярли ўртасида курилган. Лекин ушбу корхона аниқ оралиқ масофада эмас, у бироз гарбга «тортилган». Бунинг сабаби, Санкт- Петербург ва Москва шаҳарларининг йирик машинасозлик корхоналарини пўлат ва прокатга бўлган эҳтиёжидир.

Шунингдек, қўмир ва темир рудасини бир-бири билан худудий алмашув тамойили асосида ҳар иккала районда шаклланган кора металлургия марказлари ҳам мавжуд. Бу борада 30-йилларда амалга оширилган Урал-Кузнецк комбинатини (УКК) эслаш кифоя. Мазкур миңтақавий дастур худудий ишлаб чиқариш мажмуини дастлабки кўриниши бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этишда ҳам ҳом ашё районида-Жанубий Урал темир рудаси конлари асосида ҳам ёкилғи районида-Кузнецк тошкўмир ҳавзасида, яъни Новокузнецкда бундай улкан корхоналар курилган эди.

Маълумки, Донецк-Днепрбўйи райони Украинанинг асосий ёкилғи ва кора металлургия базаси ҳисобланади. У илгари дунёга донғи кетган Урални орқада қолдириб, ўтган асрнинг охирги чорагида капиталистик тузум асосида гуркираб ривожланган, ўша пайтдаги Жанубий саноат райони деб аталмиш ўлка сифатида машҳур бўлган. Ҳозирги даврда бу ерда кора металлургиянинг иккита ихтисослашган райони шаклланган, улар бир-биrlари билан ҳом ашё ва ёкилғи алмашуви негизида амал қиласидар. Бу ҳам бўлса Донбасс ва Днепрбўйидаги бир гурух корхоналар уюшмасидир. Донбассда коксланувчи қўмир, Днепрбўйида темир рудаси (Кривой Рог ҳавзаси). Мазкур миңтақада учинчи, лекин олдингиларга қарағанда кичикроқ металларгия райони, аникроғи маркази ҳам шаклланган. У Мариуполдаги корхоналар бирикмаси бўлиб, Донбасс қўмири ва Керч ярим оролидаги қамишбурун темир рудаси негизида ишлайди.

**Электр энергетика омили.** Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини электр қувватисиз тасаввур килиш қийин. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у яратган маҳсулотни, яъни электр қувватини жамғарип, омборхонларга йигиб бўлмайди, ундан айни пайтнинг ўзида, синхрон равишда фойдаланиш керак. Бундан ташқари, электр қуввати юкори кучланиши электр тармоқлари орқали узоқ масофа-ларга ҳам узатилиши мумкин.

Одатда электр қуввати омилини ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этилишида энг аввало унинг арzon хилларига ургу берилади. Арzon электр қуввати сув станцияларидан олинади, чунки сув сувлигича ГЭСдан кейин ҳам қолаверади, иссиқлик электр станцияларида эса кўмир, мазут ёки табиий газ тамомила сарфланади.

Электр энергетика омилига қўйидаги мисолларни келтириш мумкин. 1 т. қалайи ёки титан ишлаб чиқариш учун (титан пўлатдан бир неча марта енгил ва айни пайтда ундан анча чидамлирок) 40-50 минг кВт/соат, худди шу миқдордаги алюминийга ва натрийга 14-18 минг кВт/с, мисни рафинациялаш (тозалаш), электр печларида пўлат эртишда уларнинг ҳар бир тоннасига 8-10 минг кВт/с атрофида электр қуввати сарфланади. Шунингдек, темир қотишмалари (ферросплав), магний, кўргошин, синтетик тола ва каучук кабиларнинг ҳам электр энергиясига талаби катта. Табиийки, бундай корхоналар арzon электр энергияси манбалари га яқин жойда қурилиши керак.

Жуда қизикарли ҳол: Россиянинг бир қатор шаҳарларида ГЭС ва алюминий заводлари «қўш кулча»дек айнан бир жойда, бир марказда учрайди. Масалан, Братск ГЭСи ва Братск алюминий заводи, Красноярскдаги ГЭС ва алюминий заводи ва ҳ.к. Бундай «жуфтликлар» ёки элементар ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари Украина, Арманистон, Франция ва бошқа жойларда ҳам мавжуд. Ўрта Осиё мамлакатларида ягона бўлган Турсунзода (Регар) шахридаги Тожикистон алюминий заводи ҳам Норак ГЭСига яқин жойда қурилган. Олмалиқда йирик рангли металлургия ва кимё корхоналари шу ердаги ИЭМ ҳамда Янги Ангрен ИЭСидан, Чирчик саноат мажмуаси Чирчик каскад ГЭС қувватларидан фойдаланади. Фарғонадаги кимё, нефтни қайта ишлаш ва бошқа саноат корхоналари бу шаҳардаги йирик ИЭМдан электр энергиясини олади.

Демақ, электр қуввати омил сифатида бир қатор саноат тармоқларини ўз атрофида «йиғар» экан. Шу сабабли, у катта йирик район ва ҳудудий мажмуа хосил қилиш қурдатига эга. Бизнинг шароитимизда электр қуввати янги ерларни ўзлаштириш учун ҳам керак. Жумладан, қарши даштининг асосий қисми Толлимаржондаги бир қатор насос станциялари воситаси билан сугорилади. Электр қуввати Норак-Турсунзода-/узор орқали келади. Ҳозирги кунда эса шу ернинг ўзида жуда йирик, маҳаллий табиий газ асосида ишлайдиган Толлимаржон ИЭСи қурилмоқда.

Республикамизда булардан ташқари Сирдарё, Ангрен, Тошкент, Навоий, Тахиатош ИЭСлари, Андижон, Чорбог, Хожикент, Туямўйин ва бошқа ГЭСлар мавжуд. Улар йилига 50 млрд кВт/соатдан кўпроқ электр энергиясини ишлаб чиқаради. Бу эса рангли металлургия, кимё каби «энергияталаб» тармоқларни ривожлантиришга имкон беради.

Ижтимоий-иктисодий омиллар ичида энг муҳими **аҳоли ва меҳнат ресурслари**дир. Албатта, ҳар кандай ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучисиз содир бўлмайди. Аммо бу ўринда икки ҳолни қайд этиш лозим: биринчидан, шундай корхоналар борки, уларга сон жиҳатидан кўп ишчи керак. Масалан, тикув фабрикаси, консерва заводи, пахта етишириш, уни қайта ишлаш корхоналарининг меҳнат сифими катта ва ҳ.к. Айни бир пайтда бошқа бир корхоналарга меҳнат ресурсларининг миқдори кўп бўлиши шарт эмас, аксинча, «оз бўлса ҳам, соз бўлсин» маъносида уларга малакали, яъни сифатли ишчи кучи талаб қилинади. Мазкур корхоналар ва тармоқлар радио ёки приборсозлик, аниқ машинасозлик ва шунга ўхшаш, одатда, малакали ишчи кучи мавжуд бўлган шаҳарларда жойлаштирилади. Бундай илмталаб корхоналарни ташкил этишда баъзи ривожланган мамлакатларда маҳсус технополис ва фан шаҳарлари яратилади.

Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг табиий кўпайишини нисбатан юқорилиги ва унинг миграцион харакатининг фаолсизлиги меҳнат заҳираларини кўплаб шаклланишига олиб келади. Шу сабабли Республикада меҳнатга лаёқатли аҳоли сони миқдоран жуда кўп. Уларнинг сони, айниқса, қишлоқ жойларида ва суст ривожланган кичик шаҳарларда юқори. Бинобарин, бундай жойларда иш ўринларини кенгайтириш, янги саноат ва бошқа корхоналар, маданий-маший мусассасаларни куриш, меҳнат бозорини шакллантириш керак.

Аҳоли, албатта, фақат ишчи кучи эмас, у балки кўпроқ даражада истеъмолчи ҳамdir. Бу омилнинг роли эса ҳозирги кунда ҳалқнинг яшаш шароити ва даражасини яхшилаш доирасида кескин ошиб бормоқда. Муваққат ижтимоий қийинчиликларни енгиллаштириш учун аҳолининг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва унинг бошқа эҳтиёжларини қондирувчи маҳсулотларни етарли даражада ишлаб чиқариш талаб этилади. Шу боис истеъмол омили озиқ-овқат корхоналарини ўзига «тортади», яъни бундай завод ёки фабрикалар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари қишлоқ ва шаҳарларда жойлаштирилади.

Истеъмол омили фақат ҳалқ эҳтиёжи билан белгиланмайди. Ишлаб чиқаришнинг ўзини талаби, бошқа хил маҳсулотларнинг кенг миқдорда сарфланиши, уларнинг транспортда келтиришнинг нокулайлиги ҳам бундай корхоналарнинг истеъмол районларида қурилишини такозо этади. Масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ўша миңтақанинг ишлаб чиқариш ихтисослашувига мувофиқ шу ернинг ўзида

ривожлантирилиши зарур. Умуман, қайси район нимага ихтисослашса, ўша машинасозлик тармоғи бу ерда яхши ривожланган бўлиши қонуний бир ҳолдир. Ўзбекистонда пахта терувчи, Белоруссияда картошка, Украинада қанд-лавлаги, Шимолий Кавказда ва Волгабўйида фалла йигувчи, қирғизистонда пичан тахловчи, Грузияда чой терувчи машиналарни ишлаб чиқариш бунга яққол мисол бўла олади. Худди шундай районларнинг маълум бир саноат тармоқларига ихтисослашуви ўша соҳаларга тегишли машина, асбоб-ускуна, жиҳозлар ишлаб чиқарилишини талаб этади. Чунончи, Уралда металлургия саноати учун, Бокуда нефт, Донбассда кўмир, Петрозаводсқда ўрмон, Ўзбекистонда тўқимачилик машинасозлиги ривожланган.

Айрим бошқа саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳам аҳоли яшаб турган жойларда ўринлаштириш мақсадга мувофиқ. Масалан, кўп истеъмол қилинадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-сүт, пиёз, карам ва бошқалар шаҳар атрофи хўжалиги доирасида етиштирилади. Бошқа мисол: нефти келтириб, ундан бензин, керосин, мазут ва шунга ўхшаш турли маҳсулотларни олиш, кимё саноатини ривожлантириш маъқулми ёки маҳсулотларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида келтириш-ми? Табиийки, бу ерда биринчи вариант маъқулроқ. Худди шунга ўхшаш: бошқа жойлардан фалла келтириб, ундан ҳар хил маҳсулотлар—ун, сухари, печенеъ, макарон, вермишел кабиларни ишлаб чиқариш кулагай ва арzonроқ.

Гўшт саноатини жойлаштириш ҳам ўзига хос ҳусусиятга эга. Бу саноат бевосита чорвачилик районларида ривожлантирилса, унда истеъмолчига факат музлаган гўшт келади. Бундай гўштдан эса колбаса, консерва, қийма гўшт ёки бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариб бўлмайди. Аксинча, агар гўшт саноати истеъмол районларида ўrnashтирилса-чи? Унда молни келтириши керак, аммо бу даврда бироз бўлсада у ўз тирик вазнини йўқотади. Бундан ташкири, гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш молнинг жуни ва териси, қони ва суюгидан шу жойнинг ўзида фойдаланиш имконини берса-да, мазкур заводларни шаҳар ичига ўrnashтириш экологик нуқтаи назардан яхши эмас.

Бир вақтлар йирик гўшт комбинати Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида, Бўзсув ариги бўйида курилган эди. Бу корхона ўз навбатида кўнчилик, пойафзал саноатининг айнан шу районда шаклланганлигига сабаб бўлган. Кейинчалик комбинатнинг шаҳар ичига жойлаштирилишини кўп жиҳатдан номаъқуллиги сезилиб қолди. Натижада, у Зангиота туманидаги Ўртаовул шаҳарчасига чиқарилди. Демак, бу корхона кўпинча чорвачилик районида ҳам, йирик шаҳарда ҳам эмас-экологик бехатар, истеъмолчига нисбатан яқин жойга курилди.

**Транспорт омили** жуда мухим, чунки у ишлаб чиқаришнинг бевосита давом эттирувчи тармоғи хисобланади. Транспорт инфраструктураси бўлмаса ҳам ашё ҳам келтирилмайди, маҳсулот ҳам истеъмолчиларга етказилмайди, худудий меҳнат тақсимоти ривожланмайди. Шунинг учун транспортнинг аҳамияти барча бошқа омиллар таъсири билан қўшилиб, уйғунлашиб кетади ва уни «соғ» ҳолда ажратиб олиш қийин. Шу билан бирга транспорт масаласи иқтисодий географик ўрин омили билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, бу ўрин обьектнинг энг аввало ташки иқтисодий муносабатларини англатади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг «кулайлиги» кўп жиҳатдан унинг арzonлиги, арzonлиги эса асосан транспорт харажатларининг камайтирилиши демакдир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги классик ғоялар: И.Тюненнинг қишлоқ хўжалиги штандорти, А.Вебернинг саноат штандорти, В.Кристаллернинг «марказий ўринлари», А.Лешнинг «иқтисодий ландшафтларин» транспорт омилисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт иқтисодиёт тизимишнинг қон томири, ҳаракатлантирувчи кучидир. У пировард натижада ишлаб чиқаришни худудий ташкил этишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Айни вактда транспорт тармоғининг ўзини ҳам жойлаштириш қонуниятлари ва омиллари мавжуд. Улар табиий географик, иқтисодий ва сиёсий мазмунга эга.

Ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда **иљмий-техника тараққиётининг** аҳамияти ҳам жуда юкори. Ушбу омилнинг таъсири бир катор тармоқларни худудий ташкил этилишида аниқ ва равшан кўринади. Масалан, «иљмталаб» машинасозлик заводлари юксак даражада фан-техника салоҳиятига эга бўлган йирик шаҳарларда жойлаштирилади.

Юкорида кўрилган омилларнинг ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишга таъсири уларнинг барчаси «экологик омил» билан мувофиқлаштирилиши керак. Зотан вужудга келган вазият буни қатъийлик билан талаб этади.

**Экологик** жиҳатдан ва энг аввало кимё, целлюлоза-қоғоз, гўшт, вино, консерва, чарм заводлари, иссиқлик электростанциялари «номақбул» хисобланади. Бинобарин, улар аҳоли жойлашган марказлардан узоқроқда бўлгани яхшиrok.

Экологик омилнинг ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил этишига таъсирини кимё саноати мисолида кўриш айниқса намунавидир, чунки бу саноат корхоналарини жойлаштирилиши жуда эркин ҳусусиятга эга. Сабаби-улар ўсимлик, хайвонот, минерал ҳом ашёси, сув, ҳаво асосида, бошқа саноат чиқиндилари (қора ва рангли металлургия) негизида ҳам ривожланиши мумкин.

Шундай қилиб, кимё саноати корхоналарини истаган жойда куриш имконияти бор. Аммо, бу масаланинг битта нозик томони бор-бу ҳам бўлса экологик омилдир ва у билан айниқса ҳозирги кунда хисоблашмасдан илож йўқ. Зеро, Ер юзида экологик соглом жойнинг ўзи жуда саноқли.

Юқоридагилардан ташкари **бозор иқтисодиёти** омилини ҳам унутмаслик керак. Содда қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти-бу ишлаб чиқариш эркинлиги, рақобат ва очик иқтисодиёт юргизишдир. Бундай шароитда кўп укладли иқтисодиёт, мулкчиликнинг турли шакллари ва рақобат, кулай инвестиция маконини вужудга келтириш, монополияга қарши кураш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бозор иқтисодиёти омилини ишлаб чиқариш тармоқларини худудий ташкил этишга нисбатан таҳлил этар эканмиз, унда бу борадаги илгариги анъанавий фикр юритишлар тамомила ўзгариб кетиши керак. Чунки, бу шароитда аксарият нарсани, шу жумладан нимага ихтисослашувни ва қаерда жойлаштиришни пировард натижада бозор, рақобат, талаб белгилайди, давлат эса ўзининг минтақавий сиёсати орқали бу жараённи бошқарби, тартибга солиб туради.

Хозирги кунда инфраструктура тизимининг мавжудлиги ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Йўл, ер ости ва ер усти қурилмалари, электр узатувчи шахобчалар, турар жой, майиши хизмат кўрсатиши обьектлари мухайё бўлган жойлар янги ишлаб чиқаришни, кўшма корхоналарни ўзига жалб қиласди. Хорижда бундай жойларни *саноат парки* деб аташади.

Инфраструктура тизимида хусусан транспортнинг ўрни юкори. Чунки, транспортсиз ишлаб чиқариш жараённинг ўзи ҳам бўлмайди, транспорт харажати эса маҳсулот таннархига киради. Шунингдек, ижтимоий инфраструктура тармоқлари ҳам ишлаб чиқаришни жойлаштиришда муҳимдир.

Ўтиш даврида айниқса бозор инфраструктурасининг аҳамияти катта. Бозор иқтисодиётининг ўзи эса ишлаб чиқаришни жойлаштиришда ҳал қилувчи омилдир. Сабаби- бозорталаб соҳаларгина ривожланади; бозори чаққон маҳсулотларни ишлаб чиқарган тадбиркорлар енгади.

Бозор (талаб ва таклиф), эркин рақобат, у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқарадиган маконни, бозор мухитини белгилайди. Шу боис, талабнинг нафақат миқдор жиҳатдан ўсиб боришини, балки унинг хусусийлашувини, сифатини эътиборга олиш, ихчам, харакатчан, бошқариши осон бўлган кичик ва ўрта корхоналарни жойлаштириш ўтиш даври учун айниқса хосдир. Бу даврда вақт ва макондан унумли фойдаланиш ўта зарур.

Хозирги вақтда қулай инвестиция маконини яратиш ҳам катта мазмун касб этади. Инфраструктура ва бошқа шароитларнинг мавжудлиги, хукукий ва ташкилий масалаларнинг ҳал этилганлиги, кафолатланганлиги хорижий сармоядорларнинг кириб келишига қулайлик яратади. Кўпинча инвесторлар хукукий жиҳатдан кафолатланган, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, арzon ишчи кучи бўлган худудларни кидирадилар. қурилган кўшма корхоналар эса минтақа ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришга, унинг тармоқлар ва худудий таркибиға сезиларли ўзгаришлар киритади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу борада тадбиркор албатта фойдани, кўшимча даромадни кўзлайди, давлат эса иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, худудлар ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга интилади. Демак, бундай вазиятда ҳар икки йўналишни мувофиқлаштирган ҳолда масалани ечиш талаб этилади.

### **Савол ва топшириклар**

- 1. Ишлаб чиқариши кучларини жойлаштиришда табиий шароит ва табиий бойликлар таъсирини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.**
- 2. Ишлаб чиқариши кучларини худудий ташкил қилишининг асосий қонуният, принцип ва омилари ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?**
- 3. Жойнинг экологик сигими ва унинг ишлаб чиқариши тармоқларини жойлаштиришга таъсирни нималарда ўз аксини топади?**
- 4. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириши қандай хусусиятларга эга бўлади?**

## **V БОБ. ХУДУДИЙ МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ**

Худудий меҳнат тақсимоти иқтисодий тараққиётнинг асосий омилидир. У ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим бир қисми ёки томони сифатида жамият, ижтимоий-сиёсий ривожланишга катта таъсир кўрсатади.

Махсус илмий адабиётларда худудий меҳнат тақсимоти тушунчасига ўхшаш яна бошқа иборалар ҳам мавжуд: географик меҳнат тақсимоти, регионал меҳнат тақсимоти, акваториал меҳнат тақсимоти ва х.к. Уларнинг орасида жиддий фарқ йўқ ва, бинобарин, мазкур тушунчаларни маънодош сифатида қабул қилиш мумкин.

Дастреб худудий мөхнат тақсимоти таълимотини инглиз классик иқтисодчилари А.Смит ва Д.Рикардолар яратган. Улар **меркантилизмга** карши очиқ, эркин савдо, яъни **фритредизм** гоясини олдинга суришган. Бу гоянинг асосий моҳияти ҳар бир мамлакат ёки минтақа ўзида нисбатан қулай ва арzon маҳсулотларни четта чиқариб, бу ерда ишлаб чиқариш харажатлари кўп ва киммат маҳсулотларни сотиб олишдан, импорт қилишдан иборатдир. Бундай фикрлаш асосида мутлақ ва нисбий (қиёсий) қулайлик ёки афзаллик ётади. Худди шунга ўхашаш фоя ишлаб чиқариш омиллари нуқтаи назаридан швед иқтисодчилари Э.Хекшер ва Б.Олинлар томонидан ҳам яратилган. Бунинг маъноси–ҳар бир мамлакат ўзида арzon омил маҳсулотини чиқариб, киммат омил маҳсулотини четдан келтириш демакдир.

Кўриниб турибдики, мөхнат тақсимоти ҳар бир жойнинг ўзида қулай ва арzon бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувини англатади. Ихтисослашув эса яратилган маҳсулотнинг миқдор ва сифат жиҳатидан яхши, уни маҳаллий бозорларни кондирган ҳолда бошқа минтақавий, ҳалқаро ва жаҳон бозорига чиқариш имкониятини назарда тутади. Айнан шу маънода худудий мөхнат тақсимоти ташки савдо юритишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи, савдо эса, иқтисодчилар фикрича, ҳар қандай бойликнинг яратувчисидир. Юқорида келтирилган илмий гоялар бўйича бундай худудий мөхнат тақсимоти, минтақаларро ва ҳалқаро савдода ҳар икки томон ҳам ютади.

Худудий мөхнат тақсимоти мамлакат ва районлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим кўрсаткичи, белгиси бўлиб хисобланади. У қай даражада кенг ташкил қилинган, диверсификациялаштирилган (яъни турланган) бўлса, мамлакат ҳам шунча ривожланган бўлади. Айни вақтда худудий мөхнат тақсимотининг ривожланмаганини мамлакатда интенсив эмас, экстенсив иқтисодиёт йўналиши мавжудлиги, унинг ички салоҳиятидан тўла фойдаланмаслик ва худуд иқтисодий зичлигининг пастлигиги акс эттиради. Худудий мөхнат тақсимоти ривожланмаган шароитда мамлакатнинг иқтисодий макони тўлалигича шаклланмайди, унинг геосиёсий ва иқтисодий хавфсизлиги таъминланмайди, иқтисодий ландшафти заиф ва кутбийлашмаган бўлади.

Авваллари, худудий мөхнат тақсимотининг шаклланишида асосан ички омилларга, «Бутуниттифок», ёки умумиттифок» имтиёзларга урғу бериларди. Ҳозир эса бу жарабённи энг аввало бозор қонуниятларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил қилиш талаб этилади. Демак, худудда факат нима этиштириш қулиллиги эмас, балки яратилган маҳсулотнинг бозор талабига мослиги, сифати, ҳаридоргирилиги, ракобатбардошлиги муҳимдир.

Албатта, «бозорбоп» маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ички имкониятлар, шарт-шароитлар ҳам мавжуд бўлиши керак. Акс ҳолда худуд-мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий фаоллиги юзага келмайди. Бу хусусда, аввалимбор, табиий шароит ва табиий бойликларнинг аҳамияти катта. Бироқ, таъкидлаш жоизки, табиий бойликларнинг миқдори эмас, уларнинг турли-туманлиги худудий мөхнат тақсимотини кенг ривожлантиришига имкон беради. Бинобарин, табиий бойликларнинг худудий бирикмалари, мажмуалари мамлакатда хўжаликни ҳам томонлами ташкил қилишга сабабчи бўлади.

Худудий мөхнат тақсимоти ривожланишининг яна бошқа бир омили транспортдир. Зоро, транспорт иқтисодий муҳитнинг «қон томири», харакатлантирувчи кучи, ташки миқёсда эса маҳсулот айирбошлиш, савдо-сотиқ юргизишнинг асосий шартидир. Шунингдек, мөхнат тақсимотида ишчи кучи, мамлакатнинг геосиёсий ва геоиқтисодий ўрни, экологик ҳолати, сиёсий баркарорлиги, фан-техника таракқиёти каби омиллар ҳам аҳамиятлидир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, худудий мөхнат тақсимотини амалга ошириш учун ҳам ташки, ҳам ички шароитлар муҳим рол ўйнайди ва факат бу икки томоннинг ўзаро мувофиқлашган ҳолатидагина у яхши иқтисодий самаралар беради. Шу билан бирга худудий мөхнат тақсимоти маҳаллий-ички ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти, ҳалқаро мөхнат тақсимотида фаол қатнашиш мақсадлари ҳам бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Юзаки қараганда, худудий мөхнат тақсимоти ўз моҳиятига кўра мамлакат ёки жаҳон хўжалигини худудий бўлакларга ажратади, регионлаштиради, чунки ҳудудлар ривожланиши, ихтисослашви инди-видуаллашади, «кўшнисида» ёки кўпгина бошқа жойларда ривожланмаган соҳаларга устувор аҳамият берилади. Аммо бундай тор даражада қараш масаланинг факат бир томонини ифодалайди, холос. Сабаби-худудий мөхнат тақсимоти мамлакат ва районлар хўжалигини ажратиш асосида уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларига, интеграция жараёнларига эришилади. Бу ҳар қандай тараққиётнинг қонуниятидир. қолаверса, худуд хўжаликлари тарқоқ, қовушмаган мамлакатда миллий иқтисодиёт бир бутун, ягона тизим шаклида бўлмайди. Ҳалқаро миқёсда эса жаҳон хўжалиги ҳам вужудга келмайди.

Худудий мөхнат тақсимотининг турли даражалари, босқичлари мавжуд. Уларни икки йирик гурухга ажратиш мумкин: жаҳон миқёсидаги ҳамда давлатларнинг ички мөхнат тақсимоти. Ўз навбатида улар ҳам турли босқичларга бўлинади. Масалан, биринчи гурухда (1) жаҳон мамлакатлари ва ҳалқаро, яъни алоҳида мамлакатлараро мөхнат тақсимоти ажратилади. Барча мамлакатлар орасидаги иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалик тизими ва бозорини вужудга келтиради, алоҳида мамлакатларнинг иқтисодий интеграция жараёнлари эса йирик минтақалар иқтисодий ҳамкорлиги ва бозорларни шакллантиради.

Чунончи, 1957 йилда ташкил қилинган Умумий бозор–хозирги кунда ўзининг таркибини мунтазам кўпайтириб бораётган, 15 мамлакатни бирлаштирувчи Европа Иттифоқи бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, даставвал 1967 йилда асос солинган Жануби-шарқий Осиё мамлакатларининг ҳудудий уюшмаси (АСЕАН, хозир у 10 давлатни бирлаштиради) ёки 1989 йилда таъсис этилган Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиги, Шимолий Америка савдо уюшмаси ҳам шулар жумласидандир. Худди шундай ҳудудий-иктисодий иттифоқ келажакда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ҳам шакланиши мумкин.

**Давлат ичидағи (2) меҳнат тақсимоти қўйидаги босқичлардан ташкил топади:**

- 2.1. Йирик иқтисодий районлараро меҳнат тақсимоти;
- 2.2. Вилоят ва бошқа турдаги маъмурӣ-ҳудудий бирликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти;
- 2.3. Вилоят ичидағи меҳнат тақсимоти;
- 2.4. Маҳаллий меҳнат тақсимоти.

Бу даражадаги ҳудудий меҳнат тақсимотининг таркибий тузилиши мамлакатлар майдонининг катта-кичиклиги, ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ. Жумладан, сабиқ Иттифоқ ва жаҳон социалистик тизимининг барҳам топиши ҳудудий меҳнат тақсимотининг барча босқичларига ўз таъсирини кўрсатди, социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар (Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши), умумиттифоқ меҳнат тақсимоти йўқолди.

Сиёсий тизимнинг тубдан ўзгариши, иқтисодиётни ташкил этиш ва бошқаришда марказлашган маъмурӣ-бўйруқбозлиқ, социалистик режалаштириш тизимидан очиқ ва эркин бозор муносабатларига ўтиш ўзига хос, муваққат муаммоларни юзага келтирди. Масалан, сабиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги (горизонтал) иқтисодий алоқаларнинг бузилиши оқибатида барча республикалар-янги мустақил давлатлар кийинчиликларга дуч келди. Айниқса, бу муаммо юқори даражада ривожланган, саноатлашган республикаларда кескин намоён бўлди, чунки, бу ҳудудлардаги саноат, асосан оғир саноат тармоқлари кўп жиҳатдан ташки (экзоген) омилларга боғлиқ, қисман бундай қийинчиликларни Ўзбекистондаги йирик саноат марказларида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, хозирча Тошкентдаги йирик машинасозлик корхоналари, Чирчик, Ангрен саноатининг ривожланиш ҳолати унча яхши эмас.

Айни вактда миллӣ ва минтақавий иқтисодиёт кўпроқ агросаноат мажмуаси билан боғлиқ бўлган ҳудудларда «Умумиттифоқ» меҳнат тақсимотининг йўқолиши катта муаммоларга олиб келмади. Сабаби-бу жойларнинг хўжалиги асосан ички (эндоген) омилларга, маҳаллий табиий шароит, ишчи кучи, оддий технологияларга асосланган.

Сиёсий мустақилликка еришган мамлакатларда иқтисодий мустақилликни таъминлаш, миллӣ иқтисодиётни ривожлантириш уларнинг ичидағи меҳнат тақсимотини зарурият қилиб қўйди. Чунки, илгариги тизимда республикалар иқтисодий макони ички жиҳатдан турланмаган, асосан муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ёки хом ашё базасига йўналтирилган эди. Натижада сиёсий мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш муаммоси энг долзарб бўлиб қолди. Иқтисодий мустақиллик эса макроиқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат (дон), йўл-транспорт тизимини жадал ривожлантириш, мамлакат ички салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, минтақаларнинг бозор муносабатларига тезроқ мослашуви, уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишни такозо этади.

Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва унинг доимий «йўлдоши» бўлган ихтисослашув натижасида иқтисодий районлар шаклланади. Улар эса мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий таркибини ташкил қиласи. Аммо ҳудудий таркиб факат иқтисодий районлар тўридан иборат эмас, у маъмурӣ бирликлар, табиий географик ва гидрографик омиллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Иқтисодий районлар минтақавий иқтисодиёт ва минтақавий сиёсатнинг обьекти хисобланади. Агар илгари иқтисодий районлаштириш халқ хўжалигини планлаштириш мақсадида ажратилган бўлса, хозирги шароитда улар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишнинг асосий шакли, давлат минтақавий сиёсатининг обьекти, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни тартибга солиб бориш ва бошқариш учун зарур. қолаверса, иқтисодий районларсиз мамлакат хўжалиги ички тузилиши, ҳудудий таркиб ва тизимини ўрганиш ҳам қийин. Айнан ана шу максадларда иқтисодий районлаштиришнинг амалий аҳамияти янада ошиб бормоқда. Масалан, Россия Федерациясида 11 та йирик иқтисодий районлар негизида еттига федерал округлар ажратилган. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий районлаштириш мамлакатни ижтимоий-сиёсий ташкил этиш ва бошқариш учун зарур.

Иқтисодий районлаштириш мамлакат ҳудудининг катта-кичиклигига унчалик боғлиқ эмас, энг муҳими иқтисодий макон ички жиҳатдан турланган бўлиши керак. Ички тафовутлар қанчалик катта бўлса, иқтисодий районлар тўри ва тизими ҳам шунча ривожланган бўлади. Чунончи, майдони жуда катта бўлган Австралия мамлакатида жуда кўп иқтисодий районларни ажратиш қийин, ваҳоланки унга қарангандан анча кичик бўлган Европа давлатларида бир қатор районлар шаклланган.

Иқтисодий районларнинг турлари ва шакллари ҳар хил; улар бутун мамлакат ҳудудини ўз ичига олиши (унда майдон, иқтисодий аҳамиятидан қатъий назар, турли қисмларга бўлинади) ёки унинг алоҳида жойларида, яъни дискрет ҳолда ажратилади. Бундан ташкири, иқтисодий районлар умумий (интеграл) ва тармоқ районларга бўлинади. Шунингдек, мамлакат ҳудуди ижтимоий-иктисодий ва социал районларга ҳам

ажратилиши мумкин. Аммо, бу районларнинг худудий кўлами бир-биридан фарқ қиласди. Одатда, иқтисодий районларга кўра ижтимоий-иқтисодий районлар кичикроқ, улардан эса социал районлар янада кичикроқ бўлади. Бундай фарқлар ҳар хил турдаги районлардаги район ҳосил қилувчи омилларга боғлиқ.

Баъзан иқтисодий районлар иқтисодий географик районлар деб ҳам юритилади. Бу ерда жиддий фарқ йўқ, зеро ҳар қандай район ўз моҳият ва мазмунига кўра географикдир. Шу боис, «география» атамасини ишлатиш зарурияти йўқ; «худудий жойлаштириш» тушунчаси қанчалик жойлаштириш учун шарт бўлмаса, иқтисодий районлаштиришда ҳам география сўзи шунчалик ортиқчадир.

**Иқтисодий районлар турли омилларга қараб ажратилади. Улар қуидагилар:**

- *Худудий меҳнат тақсимоти ва худудий ихтисослашув;*
- *Бозорга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариши, бозор маконининг шаклланганлиги;*
- *Табиий шароит ва қазилма бойликлар, уларнинг худудий бирикмалари;*
- *Аҳоли ва меҳнат ресурслари;*
- *Район ҳосил қилувчи ва уни ташкил этувчи марказнинг ёки марказларнинг мавжудлиги;*
- *Иқтисодий географик ўрин;*
- *Транспорт тўрининг ривожланганлиги;*
- *Минтақавий инфраструктура тизимининг шаклланганлиги ва х.к.*

Барча район ҳосил қилувчи омил ва тамойиллар икки катта гурухни ташкил қиласди: иқтисодий (бозор иқтисодиёти, мужассамлашув, ихтисослашув, комплекс ривожланиш, транспорт) ва худудий ёки географик (табиий шароит ва табиий бойликлар, инфраструктура ва аҳоли жойлашув тизими, географик ўрни). Бу икки асосий қисм бирлиги, яъни иқтисод+худудиқтисодий район атамасини шакллантиради. Булардан ташкари, фан-техника тараққиёти, экология кабилар ҳам район чегараларини аниқлашда маълум аҳамиятга эга.

Юқоридаги омил ва шартларга кўра мамлакатнинг иқтисодий макони бир неча районларга бўлиниади. Ҳозирги шароитда айниқса бозор таъсир доираси катта аҳамиятга эга. Немис олими А.Лёш ҳам иқтисодий ландшафтларни (яъни районларни) бозор маконига қараб ажратган эди.

Баъзи олимлар иқтисодий районларнинг объектив борлигига шубҳа билдирадилар (масалан, америкалик Р.Хартшорн) ва улар факат расмий чегараларни тан оладилар. Бу хусусда айтиш жоизки, умуман ёки барча соҳаларни қамраб оладиган «ҳаммабоп» районлар йўқ, балки аниқ соҳаларнинг реал худудий таркиб ва тизимлари, районлари мавжуд (саноат ва қишлоқ хўжалиги, социал районлар; саноат тутуни, шаҳарлар агломерацияси ва х.к.).

Худудий меҳнат тақсимотига ўхшаш иқтисодий районлар ҳам погонасимон бўлади. Чунончи, мамлакат ичida бир неча иқтисодий районларни бирлаштирувчи йирик иқтисодий минтақа ёки округлар, асосий иқтисодий районлар, маъмурий-иқтисодий районлар, вилоят ичидаги районлар ва, ниҳоят, маҳаллий иқтисодий районлар (бизнинг Республикаизда-қишлоқ туманлари) бор. Уларнинг ҳар бирига турли даражадаги бозорлар мос келади.

Ҳар бир иқтисодий районнинг ўзига хос қилувчи омил ва ишлаб чиқариш тармоғи мавжуд. Баъзи районлар шаклланишида қазилма бойликлар, бошқасида-транспорт географик ўрин, учинчисида-малакали ишчи кучи, тўртинчисида йирик шаҳарлар ва айниқса пойтахт шаҳар омили мухим аҳамиятга эга бўлади. Ҳатто жойнинг геологик тузилиши билан иқтисодий районлаштириш ўтрасида ҳам алоқадорлик мавжуд. Бу ҳақда дастлаб таникли рус олими Ю.Г.Саушкин фикр билдирган эди.

Одатда, комбинатлашувга ва ҳамкорликка мойил тармоқларнинг район ҳосил қилиш салоҳияти кучли бўлади. Масалан, нефт ва нефтни қайта ишлаш саноати, кора ва рангли металлургия, тўқимачилик, машинасозлик ва бошқа тармоқларда бу холат кузатилиди. Шунингдек, бундай ролни транспорт, рекреация, ҳалқаро туризм ҳам бажариши мумкин.

Иқтисодий район ўзига хос худудий мажмуя ва худудий тизимни ташкил этади. Албатта, бу ерда район, комплекс ва система тушунчалари айнан бир мазмунга эга эмас, аммо уларнинг бир-бирларига яқинлигини ҳам инкор этиш ноўриндир. Ҳар қандай иқтисодий район комплекс, худудий мажмуя принципига асосланади. Бу комплекслик, энг аввало турли даражага ва аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳолда (пропорционал) ривожланишида ўз ифодасини топади. Чунончи, ҳар бир районда ихтисослашган, яъни бозор аҳамиятига эга бўлган тармоқ ва тармоқлар, уларни тўлдирувчи ёрдамчи, иккинчи даражали тармоқлар ва маҳаллий эҳтиёжларга қаратилган маҳаллий бозорни тўйинтирувчи тармоқлар мавжуд бўлади. Шу З бўғиннинг қайси бири шаклланмаган бўлса, у ҳолда тўла қонли иқтисодий район тўғрисида сўз юритиш қийин.

Одатда, ҳар бир йирик иқтисодий район базавий тармоқларга эга бўлишлари керак. Уларга, масалан, электроэнергетика, қурилиш саноати кабилар киради. Айни вақтда бу тармоқлар юқоридаги З гурухдан иборат бўғинларнинг бирига ҳам кириши мумкин.

Демак, ана шу мазмунда иқтисодий районни худудий ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида талкин қиласа бўлади. Аммо реал худудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан район ишлаб чиқариш мажмуалари бир хил эмас; биринчиси, ҳакиқий борлиқ бўлса, иккинчиси кўп жиҳатдан маъмурий-бошқарув маъносидаги мажмуадир. Жумладан, Ангрен–Олмалиқ ёки қарши худудий ишлаб чиқариш мажмуалари билан

Тошкент вилояти ёки қашқадарё ҳудудий мажмуалари бир-биридан фарқ қиласи. Бундан ташқари, иқтисодий районда бир эмас, бир неча ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари бўлиши ва, айни вақтда мажмуа хосил қилувчи тармоқлар ҳам мавжуд бўлади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай район илмий ўрганишнинг ёки билим эгаллашнинг ўзига хос усулидир; у классификация ва типология сингари умумий гурухлаш турларига киради. Бинобарин, район ҳудудий гурухлаш демакдир, бироқ ҳар қандай гурух комплекс ёки система бўла олмайди. Комплекс эса бирлик, уйғунликни, технологик алоқаларни англатади.

Агар аниқроқ қараладиган бўлса, тизим (система) тушунчаси янада мураккаброқ бўлиб, унинг ўзига хос талаб ва шартлари мавжуд. Жумладан, тизим таркибдан ёки «тизимча»дан ташкил топиши, погонасимон (иерархияли) бўлиши, мустақил фаолият кўрсатиш, бошқарув каби хусусиятларга эга бўлиши керак. Табиики, бундай даражада ёндошилса ҳар қандай район ва ҳатто мажмуа ҳам ҳақиқий тизим бўла олмайди.

Бироқ, шунга қарамасдан, иқтисодий район ҳудудий мажмуа ва ҳудудий тизимлардан унчалик узок эмас. Чунки, иқтисодий район мамлакат ҳудудининг маълум бир хўжалик тармоғига (ёки тармоқларига) ихтисослашган ва бу жиҳатдан қўшни, туташ ҳудудлардан фарқ қилувчи, умумий иқтисодий ландшафт шаклига эга бўлган қисмидир. У яхлит иқтисодий макон сифатида ҳудудий тизим маъносини англатади.

Иқтисодий район ҳудудий мужассамлашув ва ҳудудий ихтисослашувнинг ўзаро уйғулашган, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ҳудудий ташкил қилиш, ушбу жараён иқтисодий самарадорлигини оширувчи муҳим омил ёки шаклдир. Зоро, ҳар қандай иқтисодий район ёки минтақа бирор бир хўжалик тармоғини бошқа жойларга қараганда бу ерда кўпроқ тўпланганилиги, ривожланлиги демакдир.

Иқтисодий районлаштиришнинг энг қадимий йўналиши қишлоқ хўжалигини жойлаштириш билан боғлиқ. Сабаби қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, яъни унинг ареалсимонлиги макроиқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра яққол кўзга ташланади. Шу боис, минтақавий иқтисодиёт, иқтисодий география ва иқтисодиёт тарихи кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини районлаштириш ва жойлаштириш тарихи билан белгиланади. Бежиз эмаски, Ўзбекистонда ҳам бу борадаги илмий ишлар даставвал айнан ана шу тармоқни жойлаштириш ва районлаштириш билан бошланган (В.Н.Четиркин, К.Н.Бедринцев, З.М.Акрамов, К.И.Лапкин, қ.Н.Абиркулов, Р.А.Ходиев ва бошқалар).

Иқтисодий районнинг ҳудудий тизимга яқинлигининг яна бир томони шундаки, у айни вақтнинг ўзида ҳам моноген, ҳам гомоген хусусиятга эга. Агар тизим-таркиб услубиёти нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсақ, иқтисодий район ташки жиҳатдан, яъни «ёпиқ» тизим шаклида асосан бир хиллик ландшафтдир ва, ички жиҳатдан ёки «очиқ» тизим шаклида у турли-туман, ички тафовутларга бой ҳудудий бирликни англатади.

Моҳияттан, иқтисодий район мамлакат маъмурий-ҳудудий таркибини ташкил этиш ва бошқариша катта амалий аҳамиятга эга. Аммо, бу ерда маъмурий-ҳудудий масалаларнинг айрим ҳолларда субъективлиги, юқоридан ташкил қилиниши ва иқтисодий районлаштиришнинг «ичкаридан», объектив ҳолда шаклланиши ўртасида номувофиқликлар келиб чиқади. Бунинг устига маъмурий бирликлар чегараси ва сони тез-тез ўзгариб туради, иқтисодий район эса анча турғунлика эга. Бинобарин, мамлакатни маъмурий районлаштириш билан уни иқтисодий районлаштиришни тўғри йўлга кўйиш муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммодир. Шу жиҳатдан ҳам қараганда, иқтисодий районлаштириш ва иқтисодий районлар ўз илмий ва амалий аҳамиятини саклаб қолаверади.

#### **Савол ва топшириклар**

- 1. Ҳудудий меҳнат тақсимотининг ижтимоий меҳнат тақсимоти билан қандай алоқаси бор?**
- 2. Ҳудудий меҳнат тақсимотининг омиллари ва босқичлари қайсилар?**
- 3. Ўзингиз яшаб турган вилоят ичидағи меҳнат тақсимотини тушунтириб беринг.**
- 4. Иқтисодий районларни ажератилишида қандай омил ва мақсадлар кўзда тутиласди?**
- 5. Иқтисодий район ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари орасидаги фарқ нималардан иборат?**

### **VI БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ**

Минтақавий иқтисодиёт учун ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳар иккала томони ёки шакли муҳимдир. Чунки, ижтимоий ташкил қилиш ва ҳудудий шаклларнинг негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тежамкорлик ва, бинобарин, иқтисодий мақсадлар ётади. Агар ижтимоий ташкил этиш шакллари, ишлаб чиқариш корхоналарининг уларда банд бўлган ишчилар сонига кўра кат-

та-кичиклиги, ходимларнинг нима ишлаб чиқаришига ихтисослашуви ва ҳамкорлигига ўз ифодасини топса, ҳудудий шакллар иқтисодий макон ёки ландшафтда ишлаб чиқариш тармоқларининг қандай шаклда жойлашуви, мужассамлашуви, корхоналарнинг ўзаро ҳудудий муносабатини англатади. Айнан шу нуқтаи назардан ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил қилиш тармоқлар, кишиларнинг касбий ва хунар таркиби, ихтисосини келтириб чиқаради. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш шакллари эса иқтисодий районлар тўри ва тизими, улар ўрта-сидаги иқтисодий интеграция жараёнлари, ҳудудий таркиб ва тизимни шакллантиради.

Иқтисодий ҳарита ёки геоиктисодий муҳитда ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш шакллари ўзига хос «географик геометрия» кўринишида кўзга ташланади. Улар нуқта, «қўш юлдузсимон», майдон ёки тасмасимон бўлади; нукталар қайси бир ишлаб чиқариш майдонининг ичидаги жойлашади ва улар турли ҷизиқлар билан бирлаштирилади. Ана шу нуқта, майдон ва тасмалар мажмуу, уларнинг бирлиги ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини ташкил қилишнинг асоси, минтақавий иқтисодиётнинг негизи хисобланади.

Маълумки, иқтисодиёт тармоқлари ичидаги энг қадимиёси қишлоқ хўжалигидир. Унинг эволюцион ривожланиши ҳудудий ташкил қилиш шаклларининг мураккаблашиб бориши ва тақомиллашуви билан бирга содир бўлади.

қишлоқ хўжалик тармоқлари–дехқончилик ва ҷорвачиликнинг маълум ҳудудда жойлаштирилиши ёки штандорти дастлаб немис иқтисодчиси Иоганн Генрих фон Тюнен томонидан 1826 йилда ишлаб қиқилган.

Таъкидаш жоизки, айнан ана шу олим иқтисодиёт назариясида биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жиҳатига эътибор қаратди, ҳудудий иқтисодиёт таълимотига кўл урди, иқтисодий макон тушунчасини фанга киритди. У иқтисодиётни ҳудудий ташкил этиш масалаларига мажмуали, тизимли ёндошли, қишлоқ хўжалиги тармоқлари жойлашуvining қонуниятларини очиб берди.

И.Тюнен ўзининг илмий гоясина абстракт ҳолатда, алоҳида, бошқа мамлакатлар билан боғлик бўлмаган, ажralиб турган давлат мисолида яратди. Унинг фараз қилишича, бу мамлакатда атиги битта шаҳар мавжуд бўлиб, у қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол килувчи ягона бозор ёки марказ ва-зифасини ўтайди. Мазкур шаҳар атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш асосан транспорт харажати, маҳсулот вазни, унинг сифатини бузилмаслиги ва келтириш масофаси белгилайди. Айнан ана шу транспорт омили, унинг иқтисодий жиҳатлари қишлоқ хўжалик тармоқларини шаҳардан узок ёки яқин масофада жойлашув тизимини шакллантириди. Агар маҳсулот етиштириш ва уни марказга келтириш қанча арzon бўлса, у шунча яқин масофада, акс ҳолда узокроқда жойлашади.

Юқоридаги тартибда қишлоқ хўжалигини жойлаштириш шаҳар атрофида ўзига хос айланаларни ҳосил қиласдики, улар илмий адабиётларда «Тюнен ҳалқалари» номи билан машҳур. Масалан, бу ҳалқанинг энг биринчиси юқори даражада унумдор шаҳар атрофи хўжалигидан иборат бўлиб, ундан кейинги ҳалқа ўрмон хўжалиги, учинчиси-мева ва уруғчиликдан ташкил топади. Жами Тюнен 6 ҳалқа белгиланган; улар, юқоридагилардан ташқари, турли йўналишдаги ҷорвачиликни ҳам ўз ичига олади.

Албатта, И.Тюнен гояси маълум даражада абстрактдир; чунки ҳеч қандай давлат, айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги глобаллашув ва байналминаллашув жараёнида жаҳон хўжалиги тизимидан ажralган ҳолда, алоҳида ривожлана олмайди. қолаверса, бу мамлакатда одатда бир эмас, бир неча шаҳар мавжуд бўлади ва ўрнашган жойнинг табиий шароити айнан бир хил эмас. Бирор, шунга қарамасдан, муаллифнинг ушбу таълимоти ўзининг назарий аҳамиятини, хусусан бозор иқтисодиёти шароитида саклаб қолган.

Чиндан ҳам шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунгача ҳалқасимон ташкил этилади: энг яқин жойда сабзавот, қарам, картошка, ундан узокроқда сут ҷорвачилиги, дончилик, паррандачилик, боғдорчилик ва узумчилик, гўшт- жун ҷорвачилиги маълум тартибда жойлашади. Бундай ҳудудий агротизимнинг вужудга келишида транспорт, бозор омили, маҳсулотнинг арzonлиги ва харидоргирлиги, сифатининг бузилмаслиги катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга кейинги йилларда транспорт инфраструктурасининг тақомиллашуви, истеъмолнинг хусусийлашуви (индивидулашуви), «яшил инқиlob», қишлоқ хўжалигининг механизациялашуви, саноатнинг қишлоқ жойларга кириб бориши каби янгиликлар, агробизнес, яъни қишлоқ хўжалигини қайта ишлаш саноати билан ўйғуллаштириш, бирлаштириш бу соҳанинг ҳудудий ташкил этишга анча ўзгартиришлар киритди. Бундан ташқари, юқорида қишлоқ хўжалик тармоғининг фақат бир функциясига, яъни унинг аҳолини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш томонига кўпроқ эътибор қаратилди, холос. Агар шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, рус олими К.И.Ивановнинг «географик конвейр» гояси ҳам маълум аҳамият касб этади. Ушбу гоянинг асосий мазмуни мамлакатнинг йирик марказларини йил давомида унинг турли ҳудудларидан қишлоқ хўжалиги, айниқса «шахарбоп» маҳсулотлар–помидор, бодринг, қарам, кўкатлар билан таъминлаб туришдан иборат. Дарҳақиқат, охирги йилларда Тошкент бозларида юқоридаги маҳсулотлар йилнинг тўрт фаслида ҳам мавжуд.

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг иккинчи муҳим функцияси қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминлашдир. Бу саноат тармоғининг тарихан вужудга келиши аҳоли сонининг кўпайиб бориши ва унинг эҳтиёжларини (озик-овқат, кийим-кечак) фақат табиий маҳсулотлар билан таъминлай олмасликка боғлиқ. Ўз навбатида қайта ишлаш саноати маҳсулотларини кўп ва сифатли ишлаб чиқариш имкониятига эга.

қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мазкур саноат тармоқлари дастлабки вақтларда истеъмолчига якин, яъни шаҳарларда жойлаштирилган. Ҳатто яқин йилларгача Тошкентда пахта тозалаш, консерва заводлари, гўшт комбинатлари мавжуд эди.

Хозирги кунга келиб бундай саноат корхоналари аста-секин ўрта ва майдада шаҳарларга, қишлоқ жойларга, яъни бевосита хом ашё районларига «кўчмокда». Бунга албатта, транспорт тизимининг ривожланиши, экологик муаммолар, қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳам сабабчидир. Натижада, қишлоқ ландшафти, унинг иқтисодий макони фақат анъанавий соҳа-қишлоқ хўжалиги билангина эмас, балки қисман «шахар» хўжалиги билан ҳам тўлдирилмоқда, ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш тизимлари ёки ҳудудий агросаноат мажмуалари шаклланмоқда.

Мазкур тармоқлараро мажмуалар интеграция жараёнида вужудга келади ва уларнинг таркиби расман қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати киради. Агросаноат мажмуаларининг кенгроқ талқини эса саноатнинг қолган тармоқлари ва ҳатто қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, саклаш, ташиб каби барча хўжалик тармоқларини ҳам қамраб олади ва улар шу мазмунда минтақавий иқтисодиётнинг асосини ташкил этади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий ва даврий ташкил этиш хусусиятлари, мужассамлашув даражасининг юқорилиги, табиий шароити билан бевосита боғлиқ эмаслиги ва, бинобарин, мавсумий бўлмаганлиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий самарадорлигини тавсифлайди. Бу ерда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишловчи саноат корхоналари (пахта тозалаш, консерва ва вино заводлари) қисман агросоҳага хос хусусиятлар таъсирида бўлади; йил давомида бирдай ишламаслиги туфайли уларда меҳнат унумдорлиги ҳам пастрок.

Аммо саноат корхоналарни илмий асосда жойлаштириш гоялари дастлаб айнан ана шу тоифадаги тармоқларни ҳудудий ташкил қилиш билан боғлиқ. Бу гоя яна бир немис олими Альфред Вебер номи билан машхур. У 1909 йилда саноатни жойлаштириш ёки саноат штандорти тўғрисида маҳсус асар ёзди ва И.Тюнендан фарқли ўлароқ, фақат транспорт омили билан чекланмайди. Унгача германиялик В.Лаунхардт ҳам 1882 йилда алоҳида саноат корхонасини жойлаштиришда хом ашё ва маҳсулотни реализация қилиш омилларига эътибор қаратган. Бу олим транспорт харажатларини кисқартиришни муҳим шарт қилиб олган эди. А Вебер эса фақат транспорт чиқимлари эмас, балки умумий сарф-харажатларни камайтиришни ҳисобга олган.

А.Вебер саноат корхонаси жойлашувининг оптималь (энг қулай) нуқтасини унинг иқтисодий фойдан келиб чиқсан холда белгилайди. Бунинг учун у хом ашё ва ёқилғи, ишчи кучи ва транспорт омилларига ургу беради. Кейинчалик хом ашё ва ёқилғи харажатлари ҳам транспорт омилига киритилади ва қолган барча шарт-шароитларни алоҳида агломерация омилида умумлаштиради. Натижада саноат штандорти, яъни жойлашуви ишчи кучи, транспорт ва агломерация омиллари билан белгиланади. Шундай қилиб, бу олим фанга саноат корхонасини жойлаштиришининг кўп омилли таҳлилига асос солади ва бунинг учун у математик усуслан кенг фойдаланади.

Таъкидлаш керакки, агар И.Тюнен фақат ягона истеъмол маркази-шахарни фараз қилган бўлса, А.Вебер ҳам фақат алоҳида саноат корхонаси мисолида (пиво заводи) ўзининг илмий тасаввурларини яратган. Демак, ҳар иккисида ҳам маълум абстракт шароитлар инобатга олинган. Шу билан бирга юқоридаги олимларнинг илмий гоялари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мужассамлашуви ва, бинобарин, унинг нотекис жойлашуви, ривожланишига қаратилган эди.

А.Вебернинг саноат штандорти ўз асосий моҳиятини йўқотмаган бўлсада, кейинги йилларда саноат жойлашувининг шакллари янада мураккаблашиб, такомиллашиб борди. Жумладан, бу борада экологик омилнинг таъсири кучайди, ишчи кучининг микдор жиҳатлари эмас, унинг сифат кўрсаткичлари муҳимроқ бўлиб қолди; саноат ишлаб чиқариш меҳнанталаблиқдан кўпроқ «килмталаб», маблағталаблиқка ўзгарди. Шунингдек, транспорт инфраструктурасидаги янгиликлар конвойр усулиниң ўрнига айни бир маҳсулотнинг турли хилларини ишлаб чиқариш (постфордизм), микдор иқтисодиётидан сифат ёки турли хиллик иқтисодиётига ўтиш, фан-техника тараққиёти саноатни ҳудудий ташкил қилишга жиддий таъсири этди.

Хозирги даврда янги юқори технологияларнинг («нау- хай») ривожланиши натижасида глобал масштабда саноат тармоқлари ўзларининг экологик жиҳатдан тозалиги, бехатарлиги, меҳнанталаблигига кўра турли мамлакатларда жойлашмоқда. Чунончи, юқори даражада тараққий этган мамлакатлардан анъанавий саноат корхона ва тармоқлар-курилиш материаллари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, машинасозликнинг таъмилаш қисмлари ва ҳатто тўқимачилик ҳам аста-секин ривожланаётган мамлакатларга кўчмокда. Агарай район ва мамлакатлар хўжалиги шу асосда индустрялашмоқда, юқори

босқичдаги мамлакатлар эса постиндустрияга қадам қўймоқда. Бу икки кутб оралиғида янги индустрисал мамлакатлар қатлами вужудга келиб, уларнинг сафи тобора ошиб бормоқда.

Юқоридаги глобал ўзгаришлар, шу жумладан транс-миллий корпорацияларнинг (ТМК) бутун дунё мамлакатларига кириб бориши, уларни ўргимчакдек ўраб олиши жаҳон хўжалиги ва иқтисодиётiga тегишилдири.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётда саноатни худудий ташкил қилиш шакллари янада аникрок кўрилади. Саноатни районлаштириш ёки худудий ташкил қилишнинг бирламчи элементи *саноат корхонаси*. Айнан шу даражада ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва худудий ташкил этиш шакли яъни мужассамлашув биргаликда намоён бўлади.

«Пастдан» иккинчи босқич *саноат пункти* хисобланади ва у ҳеч бўлмаганда бир саноат корхонасига эга бўлиши керак. Агар саноат ишлаб чиқаришнинг худудий (урбанистик) мужассамлашув даражаси юқори бўлса, бир эмас, бир неча саноат корхоналари маълум нуктада жойлаштирилса, у холда саноат пункти *саноат марказига* айланади. Мабодо бу марказ факат биргина шаҳардан, аксарият ҳолларда пойтахт ёки порт шаҳарлардан ташкил топса, ундай шаҳарда миллий ёки минтақавий иқтисодиётнинг худудий таркиби ва тузилмаси ҳам бир томонлама бўлади.

Саноат пункти ва марказларига оид ҳам илмий ишламалар мавжуд. Масалан, француз иқтисодчи Франсуа Перрунинг ғояси айнан ўсиш нукта, марказ ва қутбларига бағишиланган. Одатда, бу ғоя иқтисодий макон унча шаклланмаган, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган худудларда яхши самара беради. Бундай худудга турли омиллар ва шарт-шароитлар хисобга олинган, кулагай иқтисодий географик ўринга эга бўлган нуктада-аҳоли пунктida йирик саноат корхонаси жойлаштирилади. Натижада ўсиш маркази вужудга келади.

Албатта, бундай марказлар мамлакатда кўп бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, асосий куч ва маблағ факат алоҳида, яхши иқтисодий самара берадиган жойларга қаратилади. Ушбу марказларда жойлаштирилган йирик саноат корхоналари аста-секин турдош ёки технологик жихатдан боғлиқ саноат тармоқлари билан бойиб бориши натижасида ўсиш қутблари шаклланади ва улар иқтисодий маконда порлоқ юлдуздек атроф мухитга ўз таъсирини кўрсатади. Кўриниб турибдики, Перрунинг фикрлари ҳам иқтисодиётнинг худуд бўйича хотекис ривожланиши, мужассамлашувини назарда тутади.

Ф.Перрунинг ўсиш қутблари ғояси австриялий иқтисодчи, кейинчалик Гарвард университетининг профессори Йозеф Шумпетернинг 1911 йилда ёзган «Иқтисодий ривожланиш назарияси» китобида баён килинган тадбиркорлик асослари билан бироз ҳамоҳангдир. У, шунингдек, швед олимни Т.Хагерstrand (1953 й.) янгиликлар диффузияси, яъни таркалиши тўғрисида илмий иш олиб борган. Ф.Перрунинг хизмати аввалимбор шундаки, у ушбу ғояни худуд жиҳатидан талқин қилган ва худудларнинг айни бир вақтнинг ўзида бундай ривожланиш, мутлоқ тенглаштириш ғоясидан воз кечган.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида барпо этилган саноат марказлари (Асака, коровулбозор ва б.) келажакда ўзига хос ўсиш қутбларига айланишлари мумкин. Бундай қутблар мамлакат миқёсида йирик ва ўрта шаҳарлар асосида ҳам шаклланиб боради (Навоий, Зарафшон, Муборак, Жиззах, карши, кўнгирот ва ҳ.к.).

Ривожланган мамлакатлардаги фан-техника ютукларига асосланган саноатни худудий ташкил этиши шаклларидан технополис, наукоград (фан шаҳарлари) кабилар ҳам миллий ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда аҳамиятилдири. Улар кўпинча университет ва илмий-текшириш институтлари, фан инфраструктураси мухайё бўлган жойларда барпо этилади. Яқин келажакда ўзига хос технополиснинг Улуғбек шаҳарчасида вужудга келиш имконияти кўзда тутилмоқда.

Йирик саноат марказлари ёки кўпинча йирик саноат марказларининг атрофида ихтисослашган саноат пунктларининг жойлашуви саноат тугуни, саноат агломерациясини шакллантиради. Бундай саноат тугунлари оддий ва мураккаб кўринишда бўлади: турли, бир-бири билан ишлаб чиқариш ва технологик жихатдан боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари факат худудий умумийликка эга бўлса, у холда бу тугун саноат корхоналарининг оддий гурӯҳи хисобланади. Агар мазкур саноат корхоналари орасида технологик алоқадорлик ҳам мавжуд бўлса, бундай худудий ишлаб чиқариш бирлиги ривожланган мажмуа шаклини олади. Ҳар икки ҳолатда ва айниқса саноат мажмуасида худудий мужассамлашув, агломерацион самарадорлик юқори, чунки бундай шароитда ягона инфраструктура тизими катта тежамкорликка, капитал маблағ сарфини камайтиришга олиб келади.

Худди шу мақсадда ривожланаётган мамлакатларда *саноат парклари* ташкил қилинади. Бунинг учун маҳсус танлаб олинган жой инфраструктура тизими билан жиҳозланади, йўл, ер ости ва ер усти инишоотлари, электр энергияси ва сув манбалари билан таъминланади. Ҳар томонлама тайёрланган жой саноатчиларга сотилади ёки ижарага берилади. Бундай жойлар одатда чет эл сармоядорларини кириб келиши, кулагай инвестиция мухитини яратиши омилларидан энг мухимларидир.

Турли мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида эркин иқтисодий минтақаларнинг хар хил шакллари ташкил қилинган. Улар жумласига эркин саноат ҳамда саноат-савдо, экспорт-импорт минтақалари ҳам киради. Ушбу минтақалар учун кўпроқ иқтисодий географик ва транспортга кулагай бўлган жойлар-порт ёки чегарага якин ўрнашган шаҳарлар танлаб олинади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ва саноат-асосий макроиктисодий тармоқларнинг худудий ташкил қилиш шакллари ҳар хил хусусиятга эга. Ноишлаб чиқариш, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш ҳам ўзига хосdir. қизифи шундаки, ушбу муаммо билан ҳам немис олими, яъни В.Кристаллер шугулланган. У ўзининг «Жанубий Германия марказий ўринлари» (1933 й.) номли асарида аҳоли манзилгоҳлари тизимининг жойлашуви ва уларнинг функциялари тўғрисида фикр юритган.

В.Кристаллер номи билан марказий ўринлар, аҳоли пунктларининг классификацияси, поғонасимон жойлашуви, яъни иерархияси тушунчалари боғлиқ. Бу гоянинг асосий моҳияти шундаки, турли йирекликдаги шаҳар (марказ) ўзига тегишли худудга ўз таъсирини кўрсатади, уни товар ва хизмат соҳалари билан таъминлади. Марказлар даражасининг юқори lab бориши билан ундан «пастдаги» марказларга хос соҳалар бу марказ учун ички, яъни маҳаллий аҳамиятга эга бўлади, таъсир доираси ёки радиуси кенгайиб боради. Ҳақиқий марказ эса нафақат ўз аҳолисини, балки атрофни ҳам маҳсулот ва хизмат соҳалари билан таъминлаш қобилиятига эга бўлиши шарт.

Демак, марказий ўринлар йириклилашиб борган сари уларда пастдагилар учун ноёб бўлган хизмат соҳалари жойлаштирилади. Буни савдо, соғликни сақлаш ёки таълим тизимларини худудий ташкил килишда яққол кўриш мумкин. Кичик ёки ўрта қишлоқларда кундалик харид дўкони, фельдшер пункти, бошлангич мактаб, йирик қишлоқларда ёки туман марказларида эса турли хил савдо дўконлари, ўрта мактаб, коллеж ёки лицей, район касалхонаси кабилар ташкил этилади ва ҳ.к. Ана шундай тарзда поғонасимон марказий ўринлар тўри ва тизими вужудга келади, улар мамлакат худудини тўла қамраб олади. Идеал ҳолатда бундай ўринлар турли йириклидаги олтибурчакларни ёки асалари ини шаклини олади, худудлар марказларида жойлашган аҳоли пунктлари ўзига хос ва мос таъсир доирасига, хизмат кўрсатиш радиусига эга бўлади.

В.Кристаллер ҳам ўзининг бошқа ватандошлари сингари марказий ўринлар моделини кўпроқ абстракт ҳолатда яратган. Бунинг учун худуднинг барча қисми бир хил аҳоли зичлигига, рельеф шаклига, транспорт ҳамда ҳар хил йириклидаги шаҳарлар билан таъминланган бўлиши фараз килинган. Табиийки, бундай идеал ҳолат ер юзида жуда камдан-кам учрайди. Аммо шунга қарамасдан, В.Кристаллер фоясининг, хусусан унча йирик ва мураккаб бўлмаган геоиктисодий маконда аҳамияти катта. Жумладан, уни Республикализмнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида кўллаб кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, В.Кристаллер ҳам хўжаликнинг атиги бир тармоғини олган. Барча ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришнинг умумий гоялари эса кейинчалик яратилди. Бунинг учун дастлабки қадамни немис О.Энглендер ва швед Т.Паландерлар кўйган (XX аср биринчи ярми). Бироқ, хўжаликнинг худудий ташкил этиши таълимотининг ҳақиқий асосчиси машхур немис иқтисодчиси Август Лёш ҳисобланади.

А.Лёш 1940 йилда ўзининг «Жойлаштириш иқтисодиёти» номли китобини нашрдан чиқаради. У бу асарида ўзидан олдинги штандорт гояларини умумлаштиради, кенгайтиради ва ривожлантиради, алоҳида тармоқдан бутун хўжалик мажмууга кўтарилади, худудий-иктисодий ривожланиш мутаносиблиги, иқтисодий ландшафт (район) тўғрисида мукаммал таълимот яратади.

Аввалги бобда таъкидлаганимиздек, А.Лёш иқтисодий районлар чегарасини бозор макони ва таъсир доирасидан келиб чиқкан ҳолда белгилайди. Умуман олганда эса В.Кристаллер ва А.Леш гояларининг моҳияти регуляр, яъни бир текис худудий ташкил этишга қаратилган, И.Тюнен, А.Вебер ва Ф.Перрулар эса аксинча-омилларни олдинга суриб, худудий нотекислик тарафдори бўлишган.

Россия ва собиқ Иттифоқда ҳам иқтисодий районлаштириш масалалари ўрганилган (К.И.Арсеньев, К.И.Баранский, Н.Н.Колосовский, П.М.Алампиев, Т.М.Калашникова ва б.). Ўзбекистонда бу муаммолар билан В.Н.Четиркин, К.Н.Бедринцев, З.М.Акрамовлар шугулланишган. Ушбу тадқиқотларда иқтисодий районлар ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишнинг интеграл шаклида кўрилган.

А.Лёшнинг иқтисодий ландшафтлари, рус олимларининг иқтисодий районлари билан боғлиқ бўлган худудий ишлаб чиқариш мажмуалари таълимотини таникли иқтисодчи ва географ Н.Н.Колосовский (1947 й.) яратган. Муаллифнинг фикрича, бундай мажмуалар маълум географик нуқта ёки худудда тўғри танлаб олинган ишлаб чиқариши корхона ва тармоқларининг бирлигини англатади. Худди шу ҳолда улар ишлаб чиқаришни худудий ташкил қилишнинг энг мукаммал ва иқтисодий самарадор шакли ҳисобланади.

Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари (ҲИЧМ) оддий ва мураккаб бўлади. Масалан, ГЭС ва алюминий заводи, ёки паҳта тозалаш ҳамда ёғ заводлари бундай мажмуаларнинг унча мураккаб бўлмаган шаклидир. Улар оддий, яъни бир корхона (комбинат) даражасидан район ёки худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг юқори шаклларига ўтишидаги дастлабки бўғиндир. ҲИЧМларнинг ривожланган шакли янада кенгрок, ўзаро боғланган, умумий аҳоли жойлашуви ва инфраструктура тизимига эга бўлган шароитда вужудга келади. Чунончи, бизнинг шароитимизда улар паҳта майдони, паҳта тозалаш ва ёғ заводлари, чорвачилик фермаларидан, транспорт хўжалигидан иборат бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш Ангрен-

Олмалиқ, қарши, Мирзачўл ҲИЧМлари ҳам шаклланмоқда. Аммо уларнинг мажмуя ҳосил қилиш тармоклари ва ихтисослашуви, худудий кўлами бир хил эмас.

Таъкидлаш лозимки, собиқ Иттифоқ даврида гоявий жиҳатдан тўғри бўлган ҲИЧМ таълимоти кўзда тутилган амалий натижаларга эришмади; бундай мажмуулар худуди ҳаддан ташқари кенгайтирилиб юборилди (/арбий Сибир, Жанубий Ёкутистон, Жанубий Тожикистон ҲИЧМлари ва б.), асосий эътибор ишлаб чиқаришга берилди, ижтимоий ва экологик муаммолар эса четда қолди. Ўта марказлаштирилган режалаштиришда, маъмурӣ-буйруқбозлик сиёсатида бундай ҳолатнинг юзага келиши табиий, чунки корхоналар турли вазирликларга бўйсинарди, улар жойлашган худуд эса битта. қолаверса, ҳар қандай мужассамлашув иктисодиётига факат маълум даражадагина эришилади, худуд камрови ҳаддан ташқари катталаштирилса бундай самараదорлик тескари бўлади. Бинобарин, ҲИЧМлар саноат тутуни ёки кичик агросаноат мажмуулари доинрасида яхшироқ натижага беради.

Юкорида барча хўжалик тармоклари алоҳида ва биргаликда худудий жиҳатдан кўриб чиқилди. Аммо улар орасида транспорт тармогига деярли эътибор берилмади; у фақат омил сифатида назарда тутилди, холос. Ваҳоланки, транспортсиз қишлоқ хўжалиги ва саноат штандорти, иктиносидий район ва ҲИЧМлар пайдо бўлмайди. Шу нуктаи назардан транспорт умуман ишлаб чиқариш жараёни ва уни худудий ташкил қилишнинг «кон томири», ҳаракатлантирувчи, мустаҳкамловчи, боғловчи қисмидир.

Транспортнинг ўзини ҳам ҳудудий ташкил қилиш шакллари мавжуд. Энг аввало бу соҳанинг тасмасимон жойлашувини, турли транспорт турларининг кесишган нукталарида транспорт тугунларининг пайдо бўлишини унутмаслик лозим. Агар бир неча транспорт (автомобил ва темир йўллар, кувур ва электрон транспорт) бир йўналишда, бир-бирига параллел ҳолда жойлаштирилса, у ҳолда ўзига хос ҳудудий транспорт мажмуулари шаклланади. Бундай бақувват боғловчи «арқонлар» кўпинча иккита йирик саноат марказлари оралиғида, коридор шаклида вужудга келади.

Магистрал йўллар ва шахарлар, шаҳар агломерациялари миллий ва минтақавий иктиносидиётнинг ички тузилиши, таянч нукта ва чизиқларини ташкил қиласди. Масалан, Тошкент-Жиззах-Бекобод, Самарқанд-Бухоро-қарши «учбурчаклари», Фарғона халқаси Ўзбекистон ижтимоий-иктиносидий ҳаётининг географик ўзагини акс эттиради.

### Савол ва топшириқлар

1. «Географик геометрия» нима ва унинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. қишлоқ хўжалиги ва саноат штандортининг асосий моҳияти нимадан иборат?
3. «Марказий ўринлар» гоясининг туб моҳияти ва унинг амалий аҳамияти ҳозирги шароитда қандай ифодаланади?
4. Нима учун ҳудудий ишлаб чиқарии мажмуулари собиқ Иттифоқ даврида яхши натижалар бермади?

## П ҚИСМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ИҚТІСОДИЁТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ

#### І БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ТАБИЙ ШАРОИТИ ВА ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ

Жамият ва табиат орасидаги ўзаро алоқалар билан боғлик бўлган муаммо-масалалар устида қатор фан вакиллари тадқиқотлар олиб борадилар. Аммо бу борада география ва минтақавий иқтисодиёт фанлари алоҳида ўрин тутади. Чунки тадқиқот обьекти табиат, ахоли, хўжалик бўлиб келган ва ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти, уларнинг келажаги тўғрисида иш олиб бориш ушбу ҳудудий фанлар учун ниҳоятда муҳимдир.

Жумладан, география фанининг алоҳида соҳаси ва минтақавий иқтисодиёт билан бевосита боғлик бўлган иқтисодий география табиий шароит ва табиий ресурсларнинг хўжаликнинг ихтисослашуви, таркибий тузилиши, жойланиш хусусиятларини ўрганади.

Табиий ресурслар ҳакида сўз борганда энг аввало бир масалани яхши тушуниб олиш лозим. Маълумки, табиий ресурслар тугалланниб қоладиган ва тугалланмайдиган ресурсларга бўлинади. Тугаб қоладиган ресурслар қаторига масалан, ер ости ва ер усти бойликлари киради. Шунинг учун улардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозим бўлади. Тугалланмайдиган табиий ресурсларга асосан куёш энергияси, шамол, океан ва денгиз сувлари туфайли олинадиган энергия киради.

Ўз навбатида, тугалланниб қоладиган табиий ресурслар икки қисмга—тикланиши мумкин бўладиган ва қайта тикланмайдиган ресурсларга бўлинади. Тикланадиган табиий ресурслар қаторига ўрмон, сув, тупроқ киради ва уларнинг айримларининг қайта тикланниши учун узоқ вақт керак бўлади.

Ишлаб чиқариш ўсиб борган сари табиий ресурсларнинг деярли барча хилларидан фойдаланиш дарражаси ҳам орта боради.

Табиий ресурслар борасида гап борганда табиий бойликлар мамлакат миллий бойлиги таркибига кирадими ёки йўқми?-деган савол туғилади. Албатта, ушбу саволга рад жавобини бериш маъқулроқ. Чунки миллий бойлик таркибига инсон меҳнати натижалари: ишлаб чиқариш фонdlари, шахсий мулк, маблағлар киради. Шу билан бирга табиий ресурслар миллий бойлик вужудга келтиришда иштирок эта-диган ижтимоий меҳнатга кирадиган сарф-харажатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, ижтимоий ишлаб чиқаришда табиий бойликлар муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Табиий шароит ва табиий бойликлар жамият ёки бирон-бир алоҳида олинган мамлакат ҳаётига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Улар айрим хўжалик тармоқларини ривожини тезлатиши ва аксинча секинлаштиришга ҳам олиб келади. Бу жиҳатдан мустакил мамлакатимиз ўзига хос ва қулай афзалликларга эга.

Ўзбекистон Осиё қитъасида, географик ўрни жиҳатидан ҳудуднинг икки йирик дарёси бўлмиш Амударё ва Сирдарё оралигига жойлашган. Устюрт платосининг шимоли-шарқий қисми, Орол дengизининг ғарбий чеккаси Ўзбекистоннинг энг шимолий нуқтаси ( $45^{\circ}36'$  шимолий кенглик), Термиз шахри эса ( $37^{\circ} 11'$  шимолий кенглик) жанубий нуқтаси бўлиб ҳисобланади. /арбий нуқтаси Устюрт платосининг  $56^{\circ}$  шарқий узоклигига, шарқий нуқтаси Фарғона водийсининг қирғизистон билан чегарадош қисмida ( $73^{\circ}10'$  шарқий узоклик) жойлашган.

Табиий-географик шароити нуқтаи назардан оладиган бўлсак, Ўзбекистон қатор кулайликларга эга бўлган минтақалардан ҳисобланади. Республика майдони  $448,9$  минг  $\text{km}^2$  га teng бўлиб, у гарбдан шарққа  $1425$  км га, шимолдан жанубга эса  $930$  км га чўзилган. Ўзбекистон ўз майдонига кўра Европанинг Буюк Британия, Бельгия, Дания, Швейцария, Австрия каби мамлакатлар майдонини қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан катталик қиласди.

Ўзбекистон Республикаси қатор мамлакатлар билан-шимолда қозогистон, шарқ ва жануби-шарқда қирғизистон ва Тожикистон, гарбда Туркманистон, жанубда Афғонистон давлатлари билан чегарадош. Республикамиз давлат чегараларининг умумий узунлиги  $6221$  километрга teng бўлиб, ундан  $2203$  км қозогистон,  $1621$  км Туркманистон,  $1161$  км Тожикистон ва  $109$  км қирғизистон ва, ниҳоят,  $137$  километри Афғонистон давлатига тўғри келади.

Республика рельефи бир хил бўлмай, унинг жануби- гарбий қисмлари асосан текисликлардан иборат. Ўзбекистоннинг текисликлардан ташкил топган қисми бутун майдоннинг қарийб учдан икки қисмини эгаллаган. колган учдан бир қисми эса тоф ва тоф ёнбағриларидан иборат бўлиб, улар Республикаининг шарқий ҳамда жануби-шарқий қисмини эгаллаган. Ўзбекистоннинг Тяншон ва Хисор-Олой тоф тизмалари таркибига киравчи ана шу тофли ўлкалари Тожикистон ва қирғизистон ҳудудидаги тоғликлар

билин туташган; Ўзбекистонга кириб келадиган Угом, Пском, Чотқол, Туркистон, Зарафшон тоғ тизмалари шимоли-гарб ва жануби-гарб томон аста-секин пасая боради ва текисликларга қўшилиб кетади.

Мамлакат ҳудудидаги тоғларнинг энг баланд қисми 4643 метрга тенг. Ўзбекистоннинг жанубий-шарқий қисмини эгаллаган тоғликлар Республикасининг сувга бўлган талаб- эҳтиёжини маълум жиҳатдан таъминлаб туришда аҳамият касб этади.

Тоғлар орасида каттагина майдонларни эгаллаган чўкма- ботиқлар мавжуд. Улар жумласига Фарғона, Сангзор-Нурота, Самарқанд, қашқадарё ва Сурхондарё ботиқлари киради. «Фарғона водийси» деб ном олган Фарғона ботиғи тоғлар оралигидаги ийрик худуд бўлиб, унинг узунлиги 370 километрга тенг. Фарғона водийси уч томондан тоғлар билан куршалган, у факат гарб томондангина очик.

Республика доирасидаги текислик қисмига Устюрт ясситоғлигининг бир қисми, қуий Амударё, қизилкум қуммиклари киради. қизилкум саҳросининг марказий ва жануби-гарбий қисмидаги Буконтов, Олтинтов, Кўкпатов каби адирлар мавжуд.

Ўзбекистон табиий шароитининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, бу ерда тез-тез ер қимираш рўй бериб туради. Ер қимираш кучи айrim ҳолларда саккиз- тўқиз баллга етиши мумкин. Чунончи, 1823 йилда Фарғонада, 1889 ва 1902 йилларда Андижонда, 1866 ва 1868 йилларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган зилзилалар катта вайроналарга сабаб бўлган. 1966 йил 26 апрел тонгида Республика пойтахтида катта куч билан бўлиб ўтган зилзила кўпчиликнинг ёдида. Бу зилзила оқибатида шаҳар иккى млн. км<sup>2</sup> метрга тенг бўлган уй-жойдан маҳрум бўлди, юзлаб мактаблар, болалар боғчалари ва яслилар, касалхоналар, маъмурий бинолар, маданият, фан ташкилотларига катта шикаст етказилди. Бу зилзиладан шаҳарнинг марказий қисми айниқса катта талафот кўрди.

Мамлакатимиз табиити ўзининг серкүёшлиги билан ажralиб туради. Унинг Осиё қитъаси марказида, океан ва бошқа сув ҳавзаларидан узоқда жойлашганлиги, иқлимининг куруқлиги, ёғин-сочининг камлигига сабаб бўлади. Республика иқлими қўшни Эрон ва Афғонистон учун хос бўлган ўзгарувчан субтропик иқлиmdан маълум даражада фарқ қиласи.

Мамлакатимизнинг энг совуқ даври январ ойидир. Айrim йилларнинг бу даврида совуқ минус 35-38 даражага этади. Ўзбекистоннинг энг шимолий қисмida қиши кариб 5 ойга чўзилса, водийларда 1,5-2 ой давом этади, холос.

Баъзан, қиши мавсуми Ўзбекистонда жуда совуқ келади. 1968-1969 ва 1993-1994 йиллардаги қиши бунга мисол бўла олади. 1994 йил январида Устюртда совуқ 33-35 даражага етди. қизиги шундаки, худди ана шу пайтда собиқ СССР нинг энг совуқ минтақаларидан бири бўлган Ёқутистонда харорат ҳам айнан шу даражада бўлган.

Июл, тоғли туманларда эса июл-август Республика ёзининг энг иссиқ давридир. Бу даврда водийлар ва тоғ ёнбагрларида харорат ўртача 25-30 даражага етса, жанубий вилоятларда у 30-35, айrim вилоятларда 40-42 даражадан ҳам ошиб кетади. Ўзбекистоннинг энг жазирама иссиқ бўладиган Термиз шаҳрида 1944 йилнинг июл ойида ҳарорат плюс 50 даражага етганлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон ёғин-сочин кам тушадиган курғоқчил минтақалар қаторига киради. Бунинг устига барча ҳудудларда ёғин миқдори бир текисда эмас. Республиканинг кўпчилик жойларида йиллик ёғин миқдори 200-300 мм ни ташкил этади. Ёғингарчиллик энг кам бўладиган ҳудудларга қуий Амударё ва қизилкум чўллари киради. Бу ерларга йил давомида ёққан ёғин миқдори жуда оз. Текисликлардан шарқ ва жануби-шарққа борган сари ёғингарчиллик кўпайиб боради ва у тоғли ҳудудларга яқинлашган жойларда 900-950 мм га етади. қишлоқ хўжалик экинларига сув энг зарур бўлган пайтга келиб ёғингарчиллик айниқса камайиб кетади ва сув танқислиги бошланади. Ер усти сувлари Республика ҳудудлари бўйича ниҳоятда нотекис тақсимланган. Мамлакат ҳудудининг учдан иккى қисмини эгаллайдиган поёнсиз текисликларда сув манбалари жуда оз. Айни пайтда мамлакат шарқидаги тоғликларда дарё шаҳобчалари кўп. Ер усти сувларининг бу тарзда ҳудудлар бўйлаб нотекис тақсимланиши табиий шароит хусусиятлари билан боғлиқdir. Республикада ҳукм суроётган сув танқислиги айниқса қишлоқ хўжалигининг ривожланишида катта муаммо бўлиб қолмокда.

Мамлакатимизнинг сувга бўлган эҳтиёжини кондириш борасида иккى ийрик дарё-Амударё ва Сирдарё катта ўрин тутади. Бу икки азим дарёдан бири-Сирдарёнинг узунлиги 2137; Амударёни эса-1437 км га тенг. Сирдарё Амударёдан узунлигига карамай, сув ҳажмига кўра ундан кейин туради.

Ўрта Осиёнинг бу икки дарёси Сирдарё ва Амударё ҳавзасини ҳосил қиласи. Сирдарё ҳавзасига Норин, корадарё, Чирчик, Оҳангарон, Сўх, Исфара, Оқбўра, Исфайрамсой, Шохимардон, /овасой ва Косонсой киради. Амударё ҳавзаси эса Зарафшон, қашқадарё, Сурхондарё, Тўпалангдарё, Шеробод дарёларидан ташкил топади.

Амударёнинг ҳам, Сирдарёнинг ҳам асосий ўзани ўзининг ўрта ва қуий оқимлари доирасидагина Республика ҳудудидан оқиб ўтади, холос. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Амударё ва Сирдарё Ўзбекистоннинг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондиролмайди. Сув танқислигини бироз бўлса ҳам юмшатиш кичик дарёлар ва ер ости сувлари зиммасига тушади.

Ўрта Осиё ва шу жумладан, Ўзбекистондаги дарёларга сув берувчи асосий манба қор ва музликлардир. Ўлкамизда сув танқислиги кўп йиллар давомида сезилиб келинади. Шу туфайли Республиkanинг қатор худудларида бир нечта каналлар қурилган. Бу борада сугориш усталарининг амалга оширган ишлари кишини лол қилдиради. Халқ орасидан чиккан бундай мутахассислар томонидан амалга оширилган ишлар қатор олимлар, тарихчи, археолог ва четдан келган сайёхларни ҳайратга солади.

Амударё, Сирдарё, Зарафшон водийсидаги Исфара, Сўх, қувасой каби сойлардан фойдаланиш максадида ана шундай каналлар вужудга келтирилган. Республика худудларида казилган каналлардан ерларни сугориш ишларидагина эмас, балки электр станциялар куриш учун ҳам фойдаланиб келинган. Нарпай, Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Шимолий Фарғона, Эски Анҳор, Аму-Бухоро, Катта Наманганга ўхшаш каналлар ва бошқа сув иншоотлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон худудида анчагина кўллар мавжуд. Аммо уларнинг кўпчилиги кичик кўллар ҳисобланади. Улар орасида энг йириги Орол кўлидир. Бу кўл анча майдонни эгаллагани туфайли у денгиз деб юритилади. Бироз каттароқ кўллар қаторига Судочье ва Арнасой киради.

Бир вактлар Ўзбекистоннинг кемачилик ва балиқчилик соҳаларида муҳим ўрин тутиб келган Орол денгизининг мавқеи ҳозирги даврга келиб анча пасайди. Аму ва Сирдарёнинг Оролга олиб келадиган сув миқдори анча камайиб кетди. Натижада унинг сув сатҳи бир неча метрга пасайди, кирғоқлари эса ўнлаб метрга чекинди, Орол муаммоси вужудга келди.

Кўзга кўринган мутахассис-экспертлар фикрича, долзарб масала Орол денгизининг аввалги киёфасини тиклаш эмас, унинг ҳозирги сатҳини сақлаб қолишидан иборатдир.

Орол денгизи фожиаси оқибатида вужудга келган экологик вазият эндилиқда мамлакат доирасидан чиқиб, бутун сайёра муаммосига айланди. Ушбу муаммони бирорта давлат ўз кучи, маблағи билан бажаришга оқизлик қиласди. Демак, Европа мамлакатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва жаҳон миқёсидаги қатор нуфузли бошқа ташкилотлар ҳам бу йирик муаммога дикқат-эътиборини кучайтиришлари лозим.

Тошкент, Ашхобод, Тошховуз, Нукус каби шаҳарларда Орол муаммосига бағишлиланган йирик ҳалқаро анжуманлар ўтказилди. Бу анжуманларда ўнлаб мамлакат вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли анжуманларда катнашиб, сайёрамиз мамлакатлари дикқат эътиборини бу масалага қаратиб келди. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллик юбилейига бағишлиланган Нью-Йоркда 1995 йили бўлиб ўтган сессиясида жаҳон жамоатчилиги дикқат-эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратди.

1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО нинг Тошкентда бўлиб ўтган 155-сессиясининг якунловчи йигилишида сўзга чиқкан И.Каримов: «Ишончим комилки, ҳалқаро жамиятнинг биргалиқдаги саъй-ҳаракатлари Орол денгизи ҳавзасидаги сув- экология муаммоларини ҳал этишга амалий таъсир қиласди», деди.

Республикада сув этишмаслиги назарда тутилиб сўнгги йилларда қатор сув омборлари барпо этилди. Ҳозир уларнинг сони 45 тага етди. Улар орасида Чорвок, Оҳангарон, Толлимаржон, Туябўғиз, Жанубий Сурхон, Чимқўргон ва бошқа сув омборлари бор. қашқадарё воҳасининг йирик сув иншоотлари, жумладан жаҳонда тенги йўқ 6 та насос станциялари Амударёдан 1 сонияда 240 м<sup>3</sup> сувни 132 метр баландликка Толлимаржон сув омборига чиқариб туради.

Республикада бир неча шифобаҳш минерал сув маннбалари мавжуд. Айниқса, таркибида олтин-гутурт, водород, йод, радий, радон кабилар бўлган сувлар катта аҳамият касб этади. Уларнинг кўпчилиги Кавказнинг машҳур шифобаҳш маннбаларидан қолишимайди. Мамлакатимизда маъданли сув маннбаларидан фойдаланиш мақсадида Чимён, Чорток, Янгийўл, Турон каби санаториялар ташкил килинган.

Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси ҳам ниҳоятда бой. Ўсимликлар орасида таркибида эфир мойлари бўлган 25 минг хилдан ортиқ ўсимликлар мавжуд. Республика ўсимлик дунёси борасида фикр юритганда Амударё этакларидаги кенг қамишзор майдонларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Улардан мўйнаси киммат бўлган ондатраларни кўпайтириш, қушлар кўриқиҳонаси, чорва моллари учун озуқа майдони сифатида фойдаланиш мумкин. Тоғ яйловларининг кўп жойларини эгаллаб олган мевазор, резавор ва ёнғоқзорлар иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган асаларчиликни ривожлантириш имконини беради.

Мавжуд ўсимликларнинг қарий 30 фоизи факат Республикасида учрайди. Мамлакатдаги ўсимликларнинг катта қисми чорвачиликда озуқа бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистонда ер ости бойликлари ҳам кўп. Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва энг аввало саноатда маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосан ер ости бойликларига асосланади. Бу борада мамлакатимиз катта куляйликларга эга. Табиат юртимишга турли-туман ҳом ашёларни инъом этган. Бу хусусда И.Каримов ғурур билан «Ўзбекистон замини шунча кўп бойликларга эгаки, бу жиҳатдан жаҳон харита-

сида Ўзбекистонга тенг келадиган давлатлар унча кўп эмас»-деган эди<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Республика мизда Менделеев даврий тизимида акс эттирилган элементларнинг кўпчилиги мавжуд.

Ер ости бойликлари орасида мис, кўргошин, олтин, кумуш, рух, вольфрам, уран, табии газ, нефт, кўмир, аллюминий хом ашёси, туз, кимматбаҳо тошлар, мармар, каолин, озокерит, корунд кабилар бор.

Мутахассис-олимларнинг хисоб-китоб қилишларича, Республика миз ер бағридан фойдали қазилма бойликлар заҳираси 3,3 триллион АҚШ долларига тенг. Бу хақда И.Каримов 1994 йил январ ойида Тошкент шаҳрида чақирилган саноатчилар ва тадбиркорлар Халқаро Конгрессида сўзлаган нуткида ҳам таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистон турли фойдали қазилмалар: мис, кумуш, олтин, кўргошин, табии газ каби қатор конлар заҳираси бўйича жаҳон миқёсида кўзга кўринган ўринларни эгаллайди.

Ер ости бойликлари тўғрисида сўз юритилганда, Ўзбекистоннинг олтин заҳиралари тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш ўринли. Олтин мамлакатимизнинг энг асосий бойликларидан бири бўлиб, мустақилликнинг ишончли негизидир. Зоро, барча давлатларнинг ташки иқтисодий алоқаларида олтин жаҳон валютаси вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси олтин қазиб чиқариш бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) таркибидаги мамлакатлар орасида Россиядан кейин 2-ўринни, аҳоли жон бошига хисоблаганда эса 1-ўринни эгаллайди.

Олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда ҳам катта мавкега эга. Мамлакатимиз қидириб топилган олтин заҳираларига кўра жаҳонда 4, уни қазиб чиқариш ҳажми бўйича эса 7-ўринни эгаллайди<sup>1</sup>.

Олтин қазиб чиқаришда Мурунтов Республиканинг асосий маркази хисобланади. Ушбу олтин кони туфайли қизилкўм саҳросида 1972 йили Зарафшон шаҳри вужудга келган. Мурунтовдан ташқари Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятларида ҳам олтин конлари мавжуд. Ўзбекистондаги олтин конлар каторига Маржонбулоқ, Кўкпатас, Зармитон, Кўчбулоқ, қайрагоч, Пирмуроб кабилар киради.

Республиканинг айrim худудларида мис конлари топилган. Тошкент вилоятининг Олмалиқ атрофида мис конлари бор. Бу коннинг ишга туширилиши натижасида 1951 йили Олмалиқ шаҳри ташкил топган, кейинчалик у рангли металлургия саноати марказига айланган.

Ўзбекистонда табии газ, нефт, кўмир конлари ҳам мавжуд. Заминимизда аниқланган табии газ заҳираси 2 трл. м<sup>3</sup>, кўмир заҳираси эса 2 млрд. тоннадан ортиқни ташкил этади. Табии газ ёқилғи сифатидагина эмас, муҳим кимёвий хом ашё сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. қашқадарё ва Бухоро худудлари Ўзбекистоннинг газга энг бой худудлари хисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда чиқарилаётган табии газ ва нефтнинг ўндан тўққиз кисми қашқадарё вилоятига тўғри келади. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ нефт кони мамлакатимиз ёқилғи энергетикаси мажмуасида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда кўп йиллар нефт ва нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида уни ташқаридан олиб келинар эди. Ҳозирга келиб эса Республика нефт чиқариш соҳасида катта истикболларга эга. Кейинги йилларда мамлакатимизда 20 га якин нефт конларининг борлиги аниқланди. қатор нефт конлари ишга туширилиши туфайли нефт қазиб чиқариш кескин кўпайди. Масалан, 1990 йили Ўзбекистонда чиқарилган нефт ҳажми 2810 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 8 млн. тоннадан ортиб кетди. Нефт чиқариш борасида қашқадарё вилояти карvonбошилик қиласи. Ҳозир мамлакатда чиқарилаётган нефтнинг 92 фоизи ана шу вилоятга тўғри келади. Шундай қилиб, Ўзбекистон эндиликда нефт бўйича ҳам мустақилликка эришиди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кўмирнинг аҳамияти ҳам жуда катта. Ангрен кўнғир кўмир кони бу борада етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур коннинг ишга туширилиши туфайли Ангрен шаҳри ташкил топди. Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсун тошкўмир конлари бор.

Ер ости бойликлари табиат инъом этган буюк неъматdir. Бироқ, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш миңтакалар экологик вазиятини соғлом ҳолда саклаш билан биргаликда олиб борилиши керак.

## Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистоннинг географик ўрни ва у билан чегарадоши ҳудудларни таърифлаоб беринг.
2. Ўзбекистоннинг асосий олтин конлари ҳақида нималарни биласиз?

<sup>1</sup> +аранг: И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср быса\асида: хавфсизликка таҳдид, бар=арорлик шартлари ва тара==иёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 230-бет.

<sup>1</sup> Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. - Т.: «Университет». 1998 г., 577-бет.

- 3. Ўзбекистондаги сув манбалари ва сугории иншоотлари қайсилар?**
- 4. Орол ва Орол бўйидаги экологик вазиятнинг вужудга келиши сабабларини тушунтириб беринг.**

## **П БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ**

Минтақавий иқтисодиёт фанининг асосчиларидан бири У.Айзард фикрича, у ёки бу худуднинг хўжалиги мураккаб жумбоқ бўлиб, уни ечишни айнан аҳоли бўғинидан бошламоқ керак. Дарҳақиқат, аҳоли мураккаб ижтимоий-иктисодий категориядир, у билан ишлаб чиқариш «бошдан оёқ», чамбарчас бөглиқ. Чунки, меҳнат ресурсларисиз ишлаб чиқариш бўлмайди, ишлаб чиқариш эса аҳоли учун керак; моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ҳам, уларни истеъмолчиси ҳам айнан ана шу аҳоли, яъни кишиларнинг маълум худуддаги бирлигидир.



Аҳоли салмоғига кўра Самарқанд вилояти биринчи, Фарғона-иккинчи ва Тошкент вилояти учинчи ўринда туради. Демографик салоҳиятнинг энг паст миқдори Навоий ва Сирдарё вилоятларида (1-жадвалга қаранг).

Республика ҳудудининг табиий шароити, ижтимоий- иқтисодий ривожланиш имкониятларининг турли-туманлиги аҳоли жойлашувига ҳам таъсир қилади. Мамлакат бўйича аҳоли жойлашувининг ўртача зичлиги  $1 \text{ km}^2$  га 55,4 кишидан иборат бўлган ҳолда у Навоий вилоятидаги 7,1 кишидан Андижон вилоятидаги 515,6 кишигача фарқ қилади (бу борадаги ички тафовут 70 мартадан зиёд).

Тарихан аҳоли мамлакатимизнинг сугориладиган воҳа ва водийларида зич жойлашган. Чунончи, бу кўрсаткич Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида ҳам анча юкори. корақалпогистон Республикаси ҳамда Навоий вилояти Ўзбекистон ҳудудининг 61,9 фоизини ташкил қиласа-да, бу ерда мамлакат аҳолисининг атиги 9,3 фоизи яшайди; Шу боис, айнан ана шу икки маъмурий бирлик Республика аҳолиси жойлашувининг ўртача кўрсаткичига жиддий таъсир этади.

Бухоро ва Жizzах вилоятларида ҳам аҳоли зичлиги унча юкори эмас (1-чизма). Сурхондарё ва қашқадарёда эса у ўртача кўрсаткичдан бирмунча юкори. Бироқ, шунга қарамасдан, ҳатто бу ҳудудларнинг ҳам ички, қадимдан сугориладиган районларида (масалан, Вобкент, Шофиркон, /иждувон, Шаҳрисабз, қарши, Яккабог туманларида) аҳоли анча зич жойлашган. Умууман олганда, Республика аҳоли жойлашуви кўп жиҳатдан гидрографик шахобчалар-сугориладиган дарё ва ирригация иншоатлари билан белгиланади. Шу билан бирга йирик шаҳарлар, айниқса Тошкент агломерацияси доирасидаги кишлоқ туманларида ҳам аҳоли жойлашуви жуда зич ( $1 \text{ km}^2$  га 600-700 кишини ташкил этади).

2001 йил маълумотларига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 37,2 фоиз аҳолиси шаҳар жойларига тўғри келади. Мутлоқ ракамда у 9225,3 минг киши. Шаҳар аҳолисининг олдинги йиллардаги миқдори қўйидагича бўлган (минг киши хисобида): 1926 й. -1002; 1939 й. -1470; 1959 й. -2729; 1970 й. -4327; 1979 й. -6348 ва 1989 й. -8059,3 минг киши. Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати айниқса 70-80-йилларда юкори



бўлган. Бунга сабаб 1972 йилда аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомига ўтказиш учун талаб этиладиган энг кам аҳоли миқдорини 10 мингдан 7 минггача туширилиши ва бунинг оқибатида шаҳарлар сонининг ниҳоятда тез кўпайишидир (агар 1970 йилда Республикада 42 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, 1979 йилда уларнинг сони 90 тага етган).

1989-2002 йилларда шаҳарликлар сонининг ўсиши анча сусайган. Натижада умумий урбанизация кўрсаткичи 40,7 фоиздан 37,1 фоизга тушиб қолган. Вилоятлар даражасида мазкур жараён айниқса Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразмда сезиларли бўлган ва у факат корақалпогистон Республикаси, Жиззах ва Наманган вилоятларида бирмунча кўтарилган. Ҳозирги кунда шаҳар жойларда яшовчиларнинг нисбий миқдори бўйича корақалпогистон ҳамда Тошкент ва Навоий вилоятлари олдинда туради, унинг энг паст даражаси эса Сурхондарё вилоятида кузатилиди.

Урбанизация жараёни ва унинг якуний кўрсаткичи одатда худудлар иқтисодиётининг ихтисослашуви, шаҳар хосил қилувчи омилларининг мавжудлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан корақалпогистон ва қисман Навоий вилоятида бу кўрсаткичнинг юқорилиги мазкур худудлар саноат салоҳиятидан эмас, балки бу жойларда интенсив кишлоп хўжалигини ривожлантириш шароитларининг чекланганигидан дарак беради. Фақат пойтахт-Тошкент вилоятида у ҳақиқий реал воқеликни акс эттиради, чунки бу ерда, бошқа вилоятларга қараганда, саноат тармоқлари нисбатан яхшироқ ривожланган.

Минтақавий иқтисодиёт ва унинг таркиби тузилишини шаҳарлар тўри ва тизими ҳам яққол ифодалаб беради. Аксарият холларда шаҳарлар сонининг кўплиги, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг мавжудлиги худуд ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг юқорилигини кўрсатади. 2002 йил маълумотларига кўра, Республикада 120 шаҳар ва 113 шаҳарча мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида 9300 минг атрофида аҳоли яшайди. Шаҳарлар сони бўйича корақалпогистон Республикаси (12), қашқадарё (12) ва Тошкент (16) вилоятлари ажralиб туради. Айни вақтда уларнинг тўри Жиззах, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида яхши ривожланмаган.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг асосан кишлоп хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатига ихтисослашганлиги сабабли бу ерда кичик шаҳарлар тўри жуда кенг тарқалган. Жумладан, Республикада кичик шаҳарлар (аҳолиси 20 минг кишигача) 148 та ёки жами шаҳар манзилгоҳларининг деярли 2/3 қисмини ташкил қилади. Аммо уларда мамлакат шаҳар аҳолисининг атиги 15,1 фоизи яшайди, холос. Шунингдек, «ярим ўрта» шаҳарлар ҳам сон жиҳатидан кўп, бевосита ўрта миқёсдаги шаҳарлар эса сон жиҳатидан анча оз; уларнинг сони 16, демографик салоҳияти эса-10,6 фоиз (2-жадвалга қаранг). Айнан ана шу бўғиндаги шаҳарлар сонининг камлиги Республикада урбанизация жараёнининг мукаммал шаклда ривожланмаганлигидан дарак беради.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва шаҳарчаларининг таркиби (2001 йил)

Шаҳар жойларининг категорияси	Шаҳар ва шаҳар-чалар сони		Аҳолиси	
	Сони	Фоиз ҳисобида	Сони, Минг киши	Фоиз ҳисобида
Жами шаҳар ва шаҳарчалар	233	100,0	9225,3	100,0
Шундан аҳоли сони бўйича:				
10 мингтагача	74	31,6	429,2	4,6
10-20 минг	71	30,5	970,8	10,5
20-50 минг	55	23,6	1522,0	16,5
50-100 минг	16	6,9	977,9	10,6
100-250 минг	13	5,6	2103,9	22,8
250-500 минг	3	1,3	1090,4	11,9
500 мингдан ортиқ	1	0,5	2131,1	23,1

Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 17 та катта шаҳар мавжуд бўлиб, уларга жами шаҳар аҳолисининг 57,8 фоизи тўғри келади. Аҳоли сонига кўра Тошкентдан кейинги ўринларда Наманган, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Нукус, қарши шаҳарлари туради. Шунингдек, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, кўқон,

Марғилон шаҳарларининг ҳам ҳар бирида 100 мингдан зиёд аҳоли бор. Айни вақтда Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази—Гулистанда атиги 55,5 минг киши яшайди.

Шу билан бирга йирик марказлар негизида шаҳарлар ҳудудий тизимининг мураккаб шакллари ҳам вужудга келган. Чунончи, Тошкент, Самарқанд, Фарғона—Марғилон агломерациялари шулар жумласидандир.

Бой тарихга эга бўлган, ишлаб чиқаришнинг анъанавий, «осиёча» ёки шарқона усули қишлоқ хўжалигининг сугорма дехқончилиги ва у билан боғлик шаҳарлар тўрига асосланади. Бинобарин, шарқ тарихи ва шарқ маданиятини дехқончилик ҳамда қишлоқ ва шаҳарларнинг ажралмас бирлиги, урбанизациянинг ўзига хос йўналишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳам Республикамиз иқтисодиёти ва демографик салоҳияти кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳолисидан ташкил топади.


Жорий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 11811 та қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари бор. корақалпогистон Республикаси, Бухоро, қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг ҳар бирида мингдан ортиқ қишлоқлар мавжуд, уларнинг энг кам миқдори эса Сирдарё вилоятида-284. Республикамизда ўртача ҳар бир қишлоққа 1297 киши тўғри келади. Бу жиҳатдан Наманганд (2348) ва Андижон вилоятлари (2853) олдинда туради. Ҳудуди қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун унча кулай бўлмаган қорақалпогистон Республикаси ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларида эса қишлоқлар анча кичик (ўртача 640-700 киши).

Юқоридагиларга мос равишда қишлоқ жойларда меҳнат ресурслари ҳам кўп ва ҳатто улар керадан ҳам ортиқча. Иш ўринларининг етишмаслиги, ишсизлик, меҳнат бозорининг фаол эмаслиги аҳолиси зич жойлашган воҳа ва водийларда ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун ҳам Республикада қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга, қишлоқ саноати ва инфраструктурасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ушбу долзарб масала давлатнинг минтақавий сиёсатида ўз ечимини топмоғи лозим.

Ўзбекистон аҳолиси асосан табиий кўпайиш натижасида ошиб боради. Бу омилнинг роли ҳамма вакт ҳам юкори бўлган. Энг сўнгги йилларда эса у аҳоли сони ўсишининг бирдан бир манбаи бўлиб келмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, 90-йилларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнида жиддий ўзгаришлар юз берди; энди Республикамизни анъанавий ҳолатда туғилиш ёки табиий кўпайиш юкори мамлакат сифатида таърифлаш унча тўғри эмас. Бунинг учун қўйидаги ракамларга мурожаат қилиш киғоя (1000 киши аҳолига нисбатан).

Юқоридаги ракамлардан кўриниб турибдики, туғилиш коэффициентининг кескин қисқариши энг сўнгги йилларга тўғри келади. Масалан, туғилиш 1990 йилда 33,7 промиллега тенг бўлган ҳолда 1999

## 2-чизма. Ўзбекистон ашрлисининг табиий шаракати ( $^0/_{100}$ )



йилда у бирданига 22,3 промеллега тушиб қолган, яъни бу қисқа даврда мазкур кўрсаткич 11,4 пунктга, ёки 1,5 мартаға камайган.<sup>1</sup> Ўлим даражасида кескин ўзгаришлар бўлмаганлиги сабабли аҳолининг табиий кўпайиши асосан унинг туғилиш кўрсаткичларига боғлик.

Ўзбекистон шароитида кичик шаҳарчаларнинг кўпчилигига реал демографик вазият оддий кишлоқлардаги ҳолатга ўхшаб кетади. Аммо, шу билан бирга таъкидлаш лозимки, баъзи бир юқори даражада саноатлашган шаҳарларда туғилиш даражаси анча паст. Чунончи, 2000 йил маълумотларига кўра, туғилиш ҳар 1000 аҳолига Чирчиқда 12,5, Янгибодда 12,8, Когонда 13,9 киши. Ҳатто типик шарқона шаҳарларимизда ҳам (Самарқанд, Бухоро, қўқон ва б.) мазкур кўрсаткич 14-15 промеллега teng. Натижада аҳолининг табиий кўпайиши анча кам-Чирчиқ ёки Янгибодда у 5 промеллега ҳам етмайди. Албатта, бундай демографик вазият Республикамиз учун унча анъанавий эмас. Бу ўз навбатида демографик жараёнларда ҳам ўзига хос ўтиш даври кечишидан далолат беради. Табиийки, бу жараёнлар яқин келажакда меҳнат ресурсларининг шаклланишига, ижтимоий-иктисодий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Вилоятлар бўйича туғилиш ва табиий кўпайишнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари қашқадарё ва Сурхондарёда, уларнинг паст даражаси эса Тошкент ва Навоий вилоятларида кузатилади (3-жадвалга каранг). Бу икки вилоядта табиий кўпайиш 14,0-14,5 промеллени ташкил этади. Ўлим кўрсаткичларида унча катта тафовут йўқ; унинг энг кам миқдори туғилиш анча юқори бўлган қашқадарё вилоятида бўлиб, бундай нисбат мазкур ҳудудда аҳоли сонининг тезроқ ортиб боришига олиб келади.

Республика аҳолисининг кўпайишида ташки миграциянинг ҳам роли бор. Аммо бу омилнинг ижобий таъсири кўпроқ аввалги йилларга тўғри келган. 70- ва хусусан 80-йиллар охиридан бошлаб ушбу жараён Ўзбекистон учун манфий натижага эга бўлган. Бу ҳақда 3-чизмадан аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, келтирилган йилларда Республиkaning ташки миграция алокалари доимо манфий оқибатларга эга, яъни эмиграция имиграциядан анча кўп бўлган. Бу асосан бир вақтлар Ўзбекистонга кўчиди келганларнинг яна ўз ватанига қайтиб кетишлари натижасида юз берган.

Чизмадан яна шу аён бўладики, келувчилар сони мунтазам равишда камайиб борган, кетувчилар миқдорида эса аниқ, бир йўналишдаги жараён унча сезилмайди.

---


<sup>1</sup> 2000 йилда Республикада туғилиш 21,5 ва 2001 йилда 20,5 промиллега teng бўлган.



Масалан, Республикамиздан ташқарига кетгандарнинг энг кўп миқдори 1990 йилда кузатилади. Бироқ, шу йили келганлар сони ҳам нисбатан кўп бўлган. Бунинг натижасида миграция қолдиги (сальдоси) 121 минг кишини ташкил қилган. 1994 йилда кетгандар сони аввалги йилларга қараганда унча кўп бўлмасада, аммо келганлар жуда озчиликни ташкил қилган (мос равишда 179 ва 38 минг киши), окибатда миграция қолдиги кўрилаётган даврда энг ююри бўлган (141 минг киши).

Л.П.Максакова ва О.Б.Отамирзоев маълумотларига қараганда, 1991-1997 йилларда Республика шаҳар жойлари бўйича нетто-миграция, яъни соф салбий миграция қолдиги рус миллатига мансуб бўлганларда 302 минг, татарларда 95, яхудийларда 50, украинларда 28, немисларда 20 минг кишини ташкил этади. Кетувчиларнинг асосий кисми Россия Федерациясига тўғри келади. Шунингдек, Ўзбекистон Украина ва қозогистон давлатлари билан ҳам бўлган аҳоли алоқаларида анча кўп манфий миграция қолдигига эга, унинг мусбат натижаси эса асосан қўшни Тожикистон хисобидан юзага келади. Яқин йилларгача бундай натижа қирғизистон билан ҳам кузатилган эди, аммо энг сўнгги йилларда бу Республика

### **3-чизма. Ўзбекистон Республикаси ашрлисининг таш-и миграцияси**



билан ҳам аҳолининг келди-кеттиси биз учун манфий тус олган.

кайд этиш лозимки, ташки миграцияда кўпроқ шаҳар аҳолиси қатнашади. Бинобарин, миграциянинг салбий окибати ҳам айнан шаҳарларда ва, энг аввало русийзабон халқлар кўпроқ жойлашган саноат марказларида кузатилади. Шунинг натижасида, жумладан, Чирчик, Олмалиқ, Ангрен каби шаҳарларда аҳоли сони 1991 йилга қараганда камайган. қолаверса, Тошкент шаҳрида ҳам аҳоли сони охирги ўн йилликда деярли ўсмаган.

Ташки миграциядаги вазият шаҳар жойлардаги меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатади. Чунончи, миграцияда асосан катта ёшдагилар ва малакали ишчи кадрларнинг қатнашгандари сабабли меҳнат ресурсларидан фойдаланишда муваққат муаммолар вужудга келиши мумкин.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатидаги ўзгаришлар унинг миллний, жинс ва ёш таркибида ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат, бу ерда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тенг хукукли бўлиб яшайдилар. 1989 йил аҳоли рўйхатига мувофиқ, ўзбеклар жами аҳолининг 71,4 фоизини ташкил этади. 90-йилларда бир вақтлар кўчиб келган бошқа миллат вакилларининг рээмиграция килиши туфайли ўзбекларнинг улуши ҳозирги кунда янада кўпайган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари кўп миллатли. Нисбатан саноатлашган вилоят ва шаҳарларда маҳаллий халқлардан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам кўп (Тошкент, Навоий вилоятлари, Тошкент, Чирчик, Ангрен, Олмалиқ, Зарафшон, Фарғона ва бошқа шаҳарлар). Шу билан бирга Хоразм вилояти аҳолиси асосан бир миллатли-деярли 95 фоиз аҳоли ўзбеклардан иборат. Ўзбекларнинг ҳиссаси Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда қорақалпоғистон Республикасида камроқ.

Ўзбекистонда тахминан 450 минг қоракалпоқ миллати мавжуд. Уларнинг аксарияти (95 фоиз) қоракалпоғистон Республикасида жойлашган.

Республикада қадимдан тоҷиклар ҳам жуда кўп (1 млн га яқинга). Улар асосан Самарқанд, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган. Тоҷиклар шунингдек, қисман Тошкент, Бухоро, қашқадарё вилоятларида ҳам яшайди. қозоқлар кўпроқ қоракалпоғистонда, Навоий ва Тошкент вилоятларида, қирғизлар-Жиззах, Тошкент ва Андижон вилоятларида, туркмандар-Сурхондарё ва қашқадарё ҳамда қоракалпоғистонда жойлашган. Булардан ташқари, Республикаизда украин, татар, корейц, бошқирд, арман, озарбайжон ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги шаҳар жойларга тўғри келади.

Аҳолининг жинсий таркиби тенглашиб бормоқда. Масалан, 2000 йил маълумотларига кўра, жами аҳоли таркибida эркаклар 12,2 млн, аёллар-12,3 млн.; шаҳарликлар орасида аёллар кўпроқ (50,7 фоиз), қишлоқларда эса жинслар ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди: эркаклар 49,9 ва аёллар-50,1 фоиз.

Ўзбекистонда туғилиш нисбатан юқорилиги сабабли аҳоли таркибida ёшлар улуши катта. Республика аҳолисининг тахминан 30 фоизини 9 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шунинг учун давлатнинг ижтимоий сиёсатида соглом авлод тарбиясига, ёшларга катта аҳамият берилмоқда, 2001 йил эса «Она ва болалар йили» деб эълон қилинган.

Республикада меҳнат ресурсларининг (ёки иқтисодий фаол аҳолининг) сони кўп, бироқ уларнинг жами аҳоли таркиbidаги улуши оз. Бунинг сабаби туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқорилигидadir. Натижада «демографик юқ» ёки меҳнатга лаёқатли аҳоли билан меҳнатга лаёқатсизлар нисбати ўзига хос. Масалан, агар Балтика давлатларида оиласда 3 кишидан 2 киши ишласа, бизда, аксинча 6 кишидан 2 ёки 3 киши ишлаши мумкин.

Расмий маълумотларга караганда, 1.07.2001 йилда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатлилар 12,6 млн. ёки жами аҳолининг 47,4 фоизини ташкил қилади. Шундан 9,1 млн. киши (72,4 фоиз) иш билан банд, расман «ишиз» сифатида меҳнат биржаларида қайд этилганлар эса 37,5 минг ёки атиги 0,4 фоизга teng. Албатта, бу рақам унча аниқ эмас, чунки, биринчидан, хозирча барча иш кидирувчилар ҳам, айниқса қишлоқ жойларда меҳнат биржасига мурожаат қилмайдилар, иккинчидан меҳнат статистикаси ва меҳнат бозори унча такомиллашмаган.

Шу боис, меҳнат ресурсларининг ҳақиқий бандлик даражаси анча паст. Бундан ташқари, бизнинг шароитимизда «яширин ишсизлар» билан бирга мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати иқтисодий жиҳатдан юқори эмас (қишлоқ жойларда меҳнат ресурслари йил давомида иш билан таъминланмаган).

Иқтисодий фаол аҳолининг умумий сони, 2001 йил маълумотлари бўйича, 9,2 млн. киши ёки бу мамлакат аҳолисининг 37,1 фоизини ташкил этади.

Аҳолининг бандлик даражаси номоддий соҳаларда (айниқса соглиқни саклашда) тезроқ ортиб бормоқда. Моддий тармоқлар ичида бу жараён курилиш ва транспортда кўпроқ. Барча банд аҳолининг 3/5 қисмидан кўпроғи нодавлат секторига тўғри келади.

2001 йилда меҳнат ташкилотларига 463 минг кишидан зиёдроқ аҳоли иш сўраб мурожаат қилган. Уларнинг ярмидан кўпроғи 16-30 ёшдагилар, деярли 2/3 қисмини умумий ўрта маълумотга эга бўлганлар ташкил қилади. Шу йилда барча иш сўраб мурожаат қилганларнинг 68,7 фоизини талаби қондирилган.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари бўйича, Республикада расман «ишиз» макомида 7,5 минг киши қайд қилинган. Бу жами иқтисодий фаол аҳолининг 0,4 фоизига teng ёки 2000 йил даражасида қолган.

Кейинги йилларда мамлакатда янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, биргина 2001 йилда 465,3 минг кишилик иш ўринлари ташкил этилган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларга тўғри келади. Бу борада айниқса Фарғона, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Умуман олганда эса меҳнат ресурсларидан тўла ва самараали фойдаланиш муҳим муаммо хисобланади. Бу муаммо энг аввало давлатнинг «Бандлик» дастури доирасида ҳал этилиб борилади.

Кўйидаги жадвалда келтирилган маълумот айни вақтда республикамиз минтакаларида макроиктисодиёт тизимининг таркиби ҳакида ҳам тегишли хуносалар беради. Кўриниб турибдики, саноатда банд бўлган аҳолининг улуши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда Фарғона ва Наманганда юқорироқ, Сурхондарё, қашқадарё, Бухоро ва Жиззахда эса у анча паст. Бироқ, худди шу вилоятларда қишлоқ хўжалигининг мавқеи кучлироқ. Демак, улар асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ва, бинобарин, бу вилоятларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги яхши эмас.



4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси вилоятларида иш билан банд бўлган аҳолининг  
иктисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши (2000 й).**

Вилоятлар	Жамига нисбатан фоиз хисобида								
	саноат	кишлопк хўжалиги	курилиш	транспорт ва алока	савдо, умум. овкатланиш	уй-жой хўжа-лиги, архолига машни хиз мат кўрсатиш	соғликни сақлаш ва спорт	таълим, мада-ният, фан ва илмий тад-қиқот хизмати	Бошқа тармоқлар
Ўзбекистон Республикаси	12,6	36,2	7,2	4,2	8,3	2,7	6,1	12,3	10,4
қорақалпогистон Республикаси	9,1	34,7	8,7	5,0	8,3	2,3	7,3	25,5	9,1
Андижон вилояти	12,0	43,5	5,4	3,1	8,5	2,5	5,0	11,2	8,8
Бухоро вилояти	8,9	44,7	7,1	5,4	7,0	1,8	5,5	10,9	8,7
Жizzах вилояти	8,6	44,5	7,1	3,4	6,8	2,8	5,8	13,8	7,2
Навоий вилояти	19,4	23,0	11,1	3,3	8,5	3,1	7,2	12,5	11,9
Наманган вилояти	13,0	35,8	6,5	3,2	9,7	3,1	7,4	11,9	9,4
Самарқанд вилояти	10,3	41,6	5,5	3,5	8,7	2,2	6,0	12,7	9,5
Сирдарё вилояти	9,0	36,9	7,1	5,7	10,7	2,2	6,0	13,1	9,3
Сурхондарё вилояти	5,7	51,8	6,0	2,7	5,8	2,2	5,7	10,5	9,6
Тошкент вилояти	16,9	37,1	6,1	3,9	7,8	2,3	5,8	11,3	8,8
Фарғона вилояти	13,7	41,9	5,3	3,2	6,3	2,7	5,6	11,0	10,3
Хоразм вилояти	8,8	40,6	8,4	3,2	7,2	3,1	5,8	13,5	9,4
қашқадарё вилояти	7,3	43,3	8,2	4,1	7,0	2,0	6,4	11,6	10,1
Тошкент шаҳри	23,7	0,5	11,2	7,8	12,6	4,7	6,5	15,0	18,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Маълумки, жаҳон мамлакатларида номоддий соҳалардаги аҳолининг бандлиги ошиб бормоқда. Бизда эса у ҳозирча камроқ. Масалан, соғлиқни саклаш, жисмоний тарбия, спорт, таълим, маданият, санъат ва фан каби ижтимоий соҳаларда банд бўлган меҳнат ресурсларининг улуши қўпгина вилоятларда оз (4-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва самарали фойдаланиш мамлакат минтақавий сиёсатининг асосий вазифасидан биридир. қолаверса, жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражаси ҳам қўпроқ айнан шу бандлик ва ишсизлик мезонлари билан ўлчанади.

### **Савол ва топшириклар**

- 1. Ўзбекистон аҳолисининг ўсишида қандай ўзгаришилар содир бўлмоқда?**
- 2. Республика аҳолиси жойланишининг хусусиятларини изоҳлаб беринг.**
- 3. Нима сабабдан мамлакатимиизда урбанизация даражаси юқори эмас?**
- 4. Меҳнат ресурсларининг шаклланишига аҳолининг табиий ва механик ҳаракати қандай таъсир қиласи?**

### **ІІІ БОБ. МИЛЛИЙ ИКТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ)**

Ўзбекистон мустақилликка эришган қундан бери ўтган тарихан қисқа давр—11 йил ичида катта иктиносидий ютуқларга эришиди. Ана шу давр мобайнида юз берган оламшумул ўзгаришлар, қўлга кири-тилган натижалар ва энг асосий- иктиносидий ислоҳотларни амалга оширишда тўғри ва оқилона ёндошиш мамлакат ичидагина эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам ҳақли равишда тан олинди.

Мамлакатимиз иктиносидиёти кўп тармоқли худудий- ишлаб чиқариш мажмуидан иборат бўлиб, унинг пойдеворини ихтисослашган тармоқлар ташкил этади. Ёқилғи, машинасозлик, рангли ва қора металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати кабилар ана шундай макроиктиносидий тармоқлар турларига киради.

Ўзбекистон Ўрга Осиё давлатлари орасида иктиносидий тарақкиёт учун зарур бўлган имкониятлар мавжудлиги жиҳатидан ажратиб туради. Энг аввало табиий-географик шароитнинг қулиялиги, заминимизда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементларининг топилганлиги, серунум ерларимиз борлиги ва айниқса ҳалқимизнинг меҳнатсеварлиги миллий иктиносидиётнинг барча тармоқларини ривож топишига олиб келди.

Республикамиз иктиносидиёти ўзининг маълум тарихига эга. Собиқ СССР мавжудлигига ҳаётнинг барча жабхалари, шу жумладан иктиносидий ҳаёт марказ томонидан «тартибга» солиниб турилар эди. Хоҳ катта, хоҳ кичик масалалар бўлмасин марказ аралашувисиз бажарилиши мушкул эди. Республика дол зарб бўлган муаммо-масалаларни ўз эрки билан ҳал этиши хукуқидан маҳрум эди. қатор асосий бойликларимиз, жумладан олтин, пахта кабиларнинг тақдирли марказ ихтиёрида бўлган. Ўша давларда мамлакатнинг ижтимоий- иктиносидий ривожланишида номутаносиблик вужудга келди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши туфайли юқорида айтиб ўтилган камчилик-нуксоинларни тугатиш борасида мухим чора-тадбирлар амалга оширилди, топталган хуқуқлар аста-секин ўзининг муносиб ўрнини ола бошлиди. Ҳаётимизнинг барча жабхаларида, шу жумладан иктиносидиётда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Маълумки, бозор иктиносидиётига ўтиш жараёни турли мамлакатларда умумий қонуниятлар негизида рўй беради ва аста-секин ривожланиб боради. Шу билан бирга бундай мамлакатларнинг ҳар бири бу борада ўзига хос айрим хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар хўжалик таркиби ва йўналиши, мамлакатнинг географик ўрни, табиий-иқлим шароитлари, мавжуд табиий бойликлари, миллий урф-одатлар, аҳоли анъаналари билан белгиланади. Айтиб ўтилган ана шу омиллар эътиборга олинниб Республикаизда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели шакллантирилган. Ушбу моделнинг энг асосий томонлари мамлакатимиз Президенти асарлари ва фармонларида, давлат томонидан қабул килинган қонунлар, хукумат қарорларида ўз аксини топган.

И.Каримов томонидан суворен давлат тузиши борасида олға сурилган беш тамойил ўз моҳиятига кўра катта ўрин тутади. Бу тамойиллар иктиносидиётнинг сиёсатдан устувор бўлмоқлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши; ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг зарурлиги; бозор иктиносидиётига тадрижий йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтишдан иборатдир. Мазкур тамойиллар мамлакатимиздагина эмас, балки хорижда ҳам тан олинган бўлиб, улар давлатимиз ва иктиносидиёт тармоқлари тараққиётининг негизини ташкил этган. Уларни ҳаётга татбиқ

кила бориши туфайли турли жабхаларда, шу жумладан иқтисодий ривожланиш борасида сезиларли ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалик тармоқлари ривож топмоқда.

Бозор иқтисодиёти талаблари асосида Республикада ўрта ва кичик бизнес фаолияти, тадбиркорлик, ишбилиармонлик кенг тус олмоқда, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда, ишлаб чиқаришда давлат тасарруфидаги фаолиятлар доираси торая бориб нодавлат соҳаси кенг ривожланмоқда.

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналар сони 160 мингга етиб қолди ва уларнинг умунишлаб чиқаришдаги салмоғи 90 фоизга яқинлашмоқда.

2000 йил бошларида Республикада фаолият кўрсатаётган ўрта ва кичик корхоналар сони қарийб 126 мингни ташкил қилди. Мамлакатимизда ишлаб турган барча корхоналар орасида ўрта ва кичик корхоналар салмоғи 87,5 фоизга етди. Ўрта ва кичик бизнес томонидан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми эса 137,6 миллиард сўмга етди, ёки улар саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 10,5 фоизини берди. 2000 йил якунлари бўйича бу ракам 11,3 фоизга етди.

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши устувор масалаларни ҳал этиш, ишлаб чиқаришда таркиби ўзгаришларни амалга ошириш, макроиктисодий барқарорликка эришиш ҳамда аҳоли фаровонлигини кўтариш борасида зарур шароитлар яратиш имконини бермоқда.

**Саноати.** Мамлакатимиз саноати миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган пахтацилик, ипакчилик кабиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ташкил топди ва ривожланди. Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўта бориши туфайли Республика саноат тармоқлари аста-секин такомиллашиб, ўзаро боғланган мажмуя шаклини олмоқда.

Ўзбекистон саноати Республикада мавжуд бўлган табиий ва иқтисодий бойликлардан, тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида ривожланмоқда. Республика ер бағридан топилган ва ишга туширилган табиий газ, нефт, олтин, мис, кўргошин, рух, вольфрам, кўмир ва бошқа бойликлар бу борада айниқса катта аҳамият касб этмоқда.

Асосий саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида кон саноатининг улуши камая бориб, қайта ишловчи саноат хиссаси ортиб бормоқда. Масалан, 1996 йили умум саноат маҳсулотларида тоғ-кон саноатининг улуши 18 фоиз бўлган бўлса, 1999 йилга келиб у 13,7 фоизга тушиб қолди ва, аксинча, қайта ишлаш саноати ўша давр ичидаги 82 фоиздан 86,3 фоизга кўтарилиди.

Ўзбекистон саноатида етакчи ўринни оғир саноат эгаллаб келмоқда. Маълумки, бу саноат таркиби ёқилғи-энергетика мажмуаси, рангли ва қора металлургия, машинасозлик мажмуаси, қурилиш материаллари саноати кабилар киради.

Кўйида келтирилган маълумотлардан Республикамиз саноати таркиби тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

## 5-жадвал.

### Ўзбекистон саноатининг тармоқлар таркиби (2000 й.)

Саноат тармоқлари	Жамига нисбатан Фоиз
Электр энергетика	10,2
Ёқилғи саноати	13,3
Рангли металлургия	8,9
қора металлургия	1,0
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	11,7
Кимё ва нефт-кимё саноати	5,4
Ёғочсозлик ва цеплюзоза-қофоз саноати	1,2
курилиш материаллари саноати	5,5
Ойна, чинни ва фаянс буюмлари саноати	0,3
Енгил саноат	17,3
Озиқ-овқат саноати	13,6
Ун тортиш, ёрма-омухта саноати	9,0
Бошқа саноат тармоқлари	2,6

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бутун саноатининг қарийб учдан икки қисмини оғир саноат ташкил этади.

Оғир саноат миллий иқтисодиётнинг қатор тармоқларини янги техника ва технология билан таъминлайди, транспорт воситалари ва қишлоқ хўжалигини тармоқларини қайта қуриш негизи бўлиб хисобланади. Аммо оғир саноат моҳияти ва унинг тутган ўрни бу билан чегараланмайди. У аҳолининг турли-туман маҳсулотларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришда, унинг моддий фаровонлигини оширишда ҳам аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтадиган бўлсақ, миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи

бўлган оғир саноат енгил, озиқ-овқат саноатлари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини фундаменти хисобланади.

Оғир саноат тармоқлари орасида электр энергетика саноати етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг бош омили ва асоси айнан электр энергия саноатидир. Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг бирон соҳасини ёки умуман кундалик ҳаётимизни бу тармоқсиз тасавур қилиш қийин.

Электр кувватининг асосий қисми Республикада қад кўтарган қатор йирик иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бундай станциялар жумласига Сирдарё, Тошкент, Навоий, Ангрен, Тахиатош ИЭСлари (иссиқлик станциялари) киради.

Ўзбекистон электр энергия тизими тарихи 1923 йилда Тошкент яқинидаги Бўзсув каналида ГЭС курилишининг бошланиши билан боғлик. Ушбу ГЭСнинг биринчи навбати 1926 йили ишга туширилган.

30-йилларда Чирчик-Бўзсув сув йўлида бунёд этилган бир неча ГЭСлар Республика хўжалигини электр куввати билан таъминлашда сезиларли аҳамиятга эга бўлди. Электр станциялар курилиши давом этди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларида Фарҳод ГЭСи курилди. Бу курилиш асосан халқ хашари билан амалга оширилди. Уруш йилларида Ангрен кўумир конини ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. Мазкур кўумир ҳавzasининг ишга туширилиши Ангрен ИЭС ва Олмалиқ ИЭМ курилишида замин бўлиб ҳисобланди. 70-йилларда Чорвоқ ГЭСи ва Хўжакент ГЭСлари ишга туширилди.

Орадан кўп вақт ўтмай катта кучга эга бўлган Сирдарё ИЭСи курилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон энергия тизими республиканинг электр кувватига бўлган эҳтиёжини тўла кондиради.

Энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни тақомиллаштириш ва уларнинг ишлаш самарадорлигини кўтариш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишларини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида республика Президенти 2001 йил 22 февралда «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш» тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Фармонда Ўзбекистон тараққиёти учун зарур бўлган қатор устувор йўналишлар белгиланган. Энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасаруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари кўзда тутилиб, Республика энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тугатилди. Унинг таркибий бўлинмалари негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик кампанияси («Ўзбекэнерго ДАҚ») ни ташкил этиш ва унга мустакил юридик шахс хукуклари билан «Кўумир» акциядорлик бирлашмасини киритиш ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон саноатида машинасозлик саноати ўзига хос ўринни эгаллади. Бу саноат тармоғига мансуб бўлган корхоналарда хилма-хил машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар тайёрланади. Улар қаторида пахта терувчи машиналар, ерга уруғ қадайдиган, тўқув-йигириув, суғориш машиналари, турли хил станоклар, телевизор ва магнитофон каби ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Аҳолиси зич бўлган Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Жанубий Корея билан ҳамкорликда енгил автомобиллар чиқарадиган йирик корхона бунёд этилди. Бу корхона 1996 йилдан бошлаб бирин-кетин «Дамас», «Тико», «Нексия», «Матиз» русумли куляй автомобилларни чиқара бошлади. Шундай қилиб, Ўзбекистон жаҳон миқёсида автомобиллар чиқараётган давлатларнинг 28 чиси бўлди.

1999 йил баҳорида машинасозлик саноатида яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Самарқанд шаҳрида Туркиянинг «Кочхолдинг» компанияси билан биргаликда курилган яна бир автомобил заводи ишга туширилди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу корхона автомобилсозлик соҳасидаги йирик корхоналар қаторига кирмайди. Аммо бу билан унинг моҳияти пасаймайди. Чунки бу корхонада чиқарилаётган ихчам ва куляй автобуслар йўловчилар ташиш ва Республикага ташриф буюрувчи минглаб сайёхларга хизмат кўрсатишда жуда кўл келади. Самарқандда бунёд этилган ушбу завод бир ярим тоннадан саккиз тоннагача юқ кўтарадиган юқ машиналари ҳам ишлаб чиқаради.

Ўзбек диёрида айтиб ўтилган корхоналарнинг вужудга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. қандан-қанча янги иш ўринларининг вужудга келишига ҳам катта ҳисса кўшди.

1999 йилнинг октябр ойида И. Каримов Корея Республикасига ташриф буюрди. Ушбу ташриф даврида икки мамлакат ўртасида Асака автомобил заводида «Нексия-2» ва «Матиз» русумли икки хил машина ишлаб чиқариш тўғрисида келишиб олинди. Ана шу машиналардан бири—«Матиз» русумли ихчам, куляй машиналарни ишлаб чиқариш 2001 йилдан бошланди. Шу билан бирга яқин вақтлар ичида «Нексия»нинг тақомиллашган янги турини чиқариш ҳам режалаштирилган.

Саноатнинг машинасозлик тармоғига Тошкентдаги трактор заводи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Тошкент агрегат заводи каби йирик корхоналар киради. Республиканинг бошқа кўпгина шаҳарларида ҳам машинасозлик таркибига киравчи қатор корхоналар ишлаб турибди.

Ўзбекистон пойтахти Тошкентда жаҳон авиация саноати андозалари бўйича йирик корхоналардан бири бўлиб ҳисобланган В.Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жойлашган. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган кулай самолётлар жаҳоннинг қатор давлатларида хизмат қилмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутаётган саноат тармоклари каторида ёқилғи саноати алоҳида мавқега эга. Ушбу тармоқ асосан табиий газ, нефт, қўмир чиқаришни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда нефт ва газ соҳасида геологик қидирув ишларини кенгайтириш бўйича маҳсус дастур қабул килинган.

Ўзбекистон табиий газнинг катта заҳираларига эга. Республикада газ қазиб олиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 1991 йили Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган газ миқдори 41,8 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, 2000 йили бу кўрсаткич 56,4 млрд. м<sup>3</sup> га етди.

Бекиёс газ заҳираларига эга бўлган Ўзбекистон собиқ Иттифоқ даврида уни қувурлар орқали СССРнинг бошқа ҳудудларига жўнатишга мажбур эди. Шу сабабли мамлакатимиз аҳолиси, айниқса қишлоқ аҳолиси газдан етарли дараҷада баҳраманд бўлолмас ва кўпинча қиши мавсумига ўтин тўплаш билан овора бўлар эди. Республикамиз мустақилликни кўлга киритиши туфайли аҳолини кулай ёқилғи-газ билан таъминлашда катта ўзгаришлар рўй берди. Бунинг далили сифатида аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятининг Хўжаобод шаҳрида йирик ер ости газ омбори қурилганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу йирик иншоотни қуришга 70 млн. АкШ долларига тенг маблаг сарф қилинди.

Ёқилғи саноатининг ривожланишида нефтнинг тутган ўрни йил ортиб бормоқда. Бу борада Бухоро ва қашқадарё вилоятларининг ўрни айниқса катта. Нефт қазиб чиқаришнинг илдам ўсиб бориши туфайли мамлакатимиз нефт мустақиллигига эришди. Республика нефт мустақиллигига Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг қурилиб ишга туширилиши катта аҳамият касб этди.

Кейинги қисқа давр ичida қизилқум фосфорит заводи, «Кимётола» ишлаб чиқариш бирлашмаси, қатор ҳудудларда –Тошкент, қашқадарё, Андижон, Наманган ва бошқа вилоятларда замонавий тўқимачилик ва тикувчилик комбинатлари қуриб ишга туширилди. Андижон, қўқон, Янгийўл шаҳарларидағи биокимё заводлари реконструкция қилинди.

қашқадарёда қад кўтараётган Шўртнангаз кимё мажмуаси Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу улкан корхона тўлалигича маҳаллий хом ашё негизида ишлайдиган бўлади ва йилига 3 млн. тонна газни қайта ишлаб 125 минг тонна полиэтилен, 140 минг тоннага яқин суюлтирилган газ ҳамда газни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган бошқа маҳсулотлар ҳам олади. Ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бир қисми хориж мамлакатларига чиқарилади.

Йирик табиий бойликлар ва бошқа қатор имкониятларга эга бўла туриб, Ўзбекистон яқин-яқинларгача ўзини нефт ва бошқа маҳсулотлар билан тўла таъминлай олмас эди ва йилига 10 млн. тонна нефт маҳсулотларини олиб келишга мажбур эди. Бу эса мамлакат иқтисодиётидаги мувакқат қийинчиликларни янада оғирлаштиради. Эндиликда, мустақиллик туфайли нефт мустақиллигига эришилгач Ўзбекистон четдан нефт ва нефт маҳсулотлари олиб келадиган мамлакатдан бундай маҳсулотларни хорижга чиқарадиган мамлакатга айланмоқда.

Мамлакат ёқилғи саноатида кўмир ишлаб чиқариш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бу борада Ангрен кўнғир кўмир кони ва Сурхондарёдаги Шарғун, Бойсун тошкўмир конларининг улуси катта. Ангрен кўнғир кўмир кони Ўзбекистонда чиқариладиган жами кўмирнинг 97 фоизини беради.

Республика саноати тармоклари орасида етакчи ўринлардан бирини рангли металлургия эгаллайди. Саноатнинг бу тармоғи асосан Тошкент вилоятининг Ангрен-Олмалиқ төғ- кон саноат ҳудудида жойлашган.

Бир вақтлар сувсизликдан қуриб-қақшаб ётган қизилқум чўлларида олтин кони саноати вужудга келди. Мурунтов төғ-кон комбинати бу саноатнинг йирик маркази ҳисобланади. Мутахассислар фикрига караганда, Мурунтов олтин кони жаҳон олтин конлари орасида бой конлардан бири ҳисобланади. 50-йилларда ушбу кондан олтин қазиб чиқарила бошланди. Аммо ўша вақтларда бу конда ишлатилган техника рудадаги олтинни тўла чиқариб олишга қодир эмас эди. Натижада таркибида олтин бўлган руда чиқинди тарзида атрофга чиқариб ташланар эди.

1992 йили АкШнинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан айтиб ўтилган рудаларни қайta ишлаш ва улардаги олтинни чиқариб олиш мақсадида қўшма корхона қуриш тўғрисида келишиб олинди. 1995 йил май ойида «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси битказилиб ишга туширилди. Биринчи йили ушбу корхона чиқиндилардан бир тонна олтин ажратиб олди. 1999 йилга келиб бу рақам 16 тоннани ташкил этди. қўшма корхона ишга туширилган даврдан 2000 йилнинг ярмигача шу йўл билан олинган олтин миқдори 70 тоннага етди. Бу эса мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, «Зарафшон-Ньюмонт» МДХ да чиқиндилардан олтин чиқарадиган ягона корхона бўлиб, у энг замонавий техника ва технология асосида иш олиб боради. Шунинг учун бу корхонада чиқарилаётган олтин таннархи анча паст. Мурунтов олтинининг сифати ҳам жуда юкори бўлиб, бу жиҳатдан у олтин чиқарадиган жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгал-

лайди. қизилқұмда қад күттарған Зарағашон шаҳри ўз номига муносиб шаҳар бўлиб, олтин саноати марказига айланди.

Мамлакатимиз ўзининг кора метуллургия саноатига ҳам эга, аммо унинг Республика иқтисодиётидаги ўрни унчалик катта эмас. Бекобод шаҳрида курилган кораметаллургия комбинати асосан темир-терсакларни қайта ишлаш орқали маҳсулот чиқаради ва маҳаллий эҳтиёжни тўла қондирмайди. Мазкур корхона асосан пўлат, прокат, турли хил трубалар ишлаб чиқаради. Ҳозир хонадонлар учун зарур бўладиган рўзгор маҳсулотларининг турли хиллари ҳам чиқарилмоқда.

2000 йил баҳорида Тошкент шаҳрида Германия ва Австрия билан ҳамкорликда нометалл трубалар чиқаришга мўлжалланган кўшма корхона курилиб ишга туширилди. Ушбу корхона йилига қарийб минг км га яқин хилма-хил трубалар ишлаб чиқаради. Бундай трубаларнинг хизмат муддати 75-80 йилга тенг. Холбуки, металдан ясалган трубалар 20-25 йилга чидар эди, холос. Ўзбекистонда курилган бундай корхона Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги ягона ва бутун жаҳон миқёсида курилган 24-корхона бўлиб ҳисобланади. Ушбу корхонада чиқариладиган нометалл трубаларга факат Ўзбекистондагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам эҳтиёж ниҳоятда катта.

Кимё саноати ҳам Республика саноат тармоқлари орасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Нефт, табиий газ, кўмири, олтингугурт, ош тузи, пахта ва каноп чиқиндилиари кабилар бу саноатнинг ҳом ашёси бўлиб хизмат қилади. Кимё саноати пахтачиликни минерал ўғитлар билан таъминлашда айниқса катта аҳамиятга эга. Мазкур саноат минерал ўғитлардан ташқари кишлоқ ҳўжалиги экинлари заруркунандалариға қарши кураш олиб бориша зарур бўладиган заҳарли моддалар, турли хил сунъий толалар, бўёклар, полиэтилен, аҳоли эҳтиёжига мўлжалланган уй-рўзгор маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Чирчик, Навоий, Олмалиқ каби шаҳарларда кимё саноатига мансуб қатор корхоналар ишлаб турибди.

Кимё саноати корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш ва бу фаолият устидаги бошқаришни такомиллаштириш мақсадида чет эл сармояларини жалб қилиш масалаларини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 13 марта 2001 йили «Кимё саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисида маҳсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг ҳаётга татбиқ килиниши кимё саноати тараққиёт даражасини яна бир босқичга кўтариш имконини беради.

Ўзбекистонда электрокимё, курилиш материаллари, енгил ва тўқимачилик, озиқ-овқат саноати анча ривож топган. қўйида келтирилган маълумотлардан Республикада чиқарилаётган саноат маҳсулотлари бўйича айрим тасаввурга эга бўлиш мумкин.

## 6-жадвал

### Ўзбекистонда асосий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Маҳсулотлар	Ўлчов бирлиги	1994	1997	1999
Электр қуввати	млд.кВт.с	47,8	46,1	45,4
Нефт	млн. т	5,5	7,9	8,1
Бензин	Минг т	1398	1360	1638
Табиий газ	млн.м <sup>3</sup>	47,2	51,2	55,6
Кўмири	Млн.т	3,8	2,9	3,0
Пўлат	Минг т	364	379	355,6
Тракторлар	дона	1684	2852	1707
Пахта териш машиналари	дона	651	1049	278
Енгил автомобиллар	минг дона	-	64,9	58,8
Видеомагнитофонлар	минг дона	23,9	140,6	6,7
Телевизорлар	минг дона	50,7	268,4	50,3
Кимё толаси	Т	12490	7299	11472
Минерал ўғитлар	Минг т	811	954,4	876,2
Цемент	млн. т	4,8	3,4	3,3
Пахта толаси	Минг т	1384,8	1125	1018,0
Ип-газлама	млн.м <sup>2</sup>	480	424,9	303,5
Пойафзал	млн. жуфт	27823	5540	3870
Ун	Минг т	2941,7	1727,1	1848,1
Гуруч	Минг т	240,1	128,8	138,6
Ўсимлик ёғи	Минг т	359,7	276,4	227,6

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўта бориша даврида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жабхасида мухим тадбирлар амалга оширилди. Бу айниқса маҳаллий саноат, савдо ва оммавий овқатланиш, майший хизмат, давлат уй-жой соҳаларига тегишили. қатор йирик ва ўрта саноат корхоналари ва курилиш ташкилотлари хиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон саноати ривожланаётган давлатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Саноат тармоқларида чиқарилаётган маҳсулотлар ниҳоятда хилма-хил. Улар орасида самолётлар, автомобиллар, электр куввати, нефт ва нефт маҳсулотлари кўмур, пўлат, пахта терувчи машиналар, минерал ўйтитлар, газламалар, чинни идишлар, билур буюмлар қатор маҳсулотлар бор.

**қишлоқ хўжалиги.** Заминнинг бирор-бир бурчагида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган мамлакат бўлмаса керак. Республикамиз учун қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан биридир. У мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли учдан бир қисмини беради.

кишлоқ хўжалиги аҳолини турли-туман ноз-неъматлар, саноат тармоқларни эса хом ашё билан таъминлаб туради. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли қишлоқ хўжалик соҳасида колхозлар ва савхозлар бошқа ташкилий-хукуқий ишлаб чиқариш шаклларига айлантирилди. қишлоқ хўжалигига фойдаланиб келинаётган ер ва мулклар қайта тақсимланди, ижтимоий ва таркибий ўзгаришлар рўй берди.

кишлопларда ташкил топган ширкатлар хўжалик юритишнинг янги усусларига ўтдилар. қишлоқларда ширкатлардан ташқари хўжалик юритишнинг яна янги шакллари-ижара хўжаликлари, фермерлар, хар хил турдаги ҳиссадорлик жамиятлари фаолият кўрсатмокда. Шу билан бирга хўжаликларо паро корхоналар, ташкилотлар ҳамда илмий- тадқиқот ташкилотлари тасарруфидаги ёрдамчи хўжаликлар ҳам мавжуд.

кишлоп жойларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бу соҳада тадбиқ қилинаётган агротехнология ва техника, селекция ва уруғчилик соҳасида жаҳон миқёсида қўлга киритилган тажриба, дехқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш асосида арзигулик ютуқларга эришилмоқда. Агротехнологиядиган амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни кўнгилдагидек бажариш мустакил Республикамиз келажагининг қандай бўлишида катта ўрин тутади. Шунга кўра қишлоқ хўжалик соҳасига эътибор кучайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг кулагай табиий шароити, ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, малакаси ва маҳорати бу тармок олдида турган катта вазифаларни тўла бажаришга имкон беради.

Ўзбекистонда иш билан банд бўлган барча аҳолининг 36 фоизидан ортиқроғи қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келади.

Табиий шароити, иқлими ўзига хос хусусиятларга эга бўлган Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик тармоқлари ва, энг аввало, унинг етакчи тармоғи пахтачилик сунъий сугоришга асосланган. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, сугориладиган ерлар майдони 4,2 млн. гектарга тенг бўлиб, умумий ер майдонининг 15 фоизини ташкил этади, холос. Ўзбекистон яйловларининг катта қисми сахро ва чаласахролардан иборат. Бинобарин, мамлакат қишлоқ хўжалик экинларининг барчаси сугориладиган майдонларга тўғри келади.

қўйида келтирилган жадвалдан Ўзбекистон экин майдонларининг таркиби тўғрисида тушунча ҳосил қилиш мумкин.

## 7-жадвал

### қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (барча хўжаликларда, минг гектар ҳисобида)

	1990	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Барча экин майдонлари	4194,2	4165,0	4007,0	4140,6	4029,6	4019,5	3778,3	3438,4
/алла экинлари майдони	1008,1	1656,5	1740,5	1837,6	1686,7	1720,5	1614,0	1391,6
Пахта майдони	1830,1	1492,8	1487,3	1513,1	1531,6	1517,4	1444,5	1452,0
Картошка, сабзавот ва полиз экинлари	270,1	238,2	214,6	214,9	229,5	233,2	219,0	216,3
Ем-харак майдони	1039,7	731,6	521,5	507,8	497,5	452,8	429,0	330,4

Республика қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган катта муаммо сувнинг етишмаслигидир. Ўзбекистонда ёғингарчилик кам бўлади, айниқса куйи Амударё ва саҳроларда ёғин кам ёғади. Унинг устига, қишлоқ хўжалик экинлари учун сув энг зарур бўлган, ўсимлик ўсадиган даврида ёғингарчилик кескин камайиб кетади. қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ана шу сув танқислигини бироз бўлсада енгиллаштириш мақсадида Республиkaning турли худудларида каналлар ва сув омборлари қурилган.

Сув танқислиги муаммосини оқилона ҳал қилиш йўлларидан яна бири сувдан эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан фойдаланиш, уни исроф қилишга йўл қўймаслиkdir. Бу борада катор мамлакатларда ортирилган тажрибалардан тўла фойдаланишга қаратилган тадбир-чораларни кўриш зарур.

Республика қишлоқ хўжалигида пахтачилик билан бирга шоликорлик, боғдорчилик, узумчилик каби тармоклар ҳам ривож топган (4-чизма). Етиштирилган пахтадан фойдаланиш соҳаси ниҳоятда кенг. Ундан факат ип газламалар тайёрлабгина қолмай, жун ва ипак аралаштирилиб чалажун ва чалашойи газламалар тайёрланади. Ёғ-мой саноати учун пахта чигити муҳим хом ашё бўлиб ҳисобланади ва ундан мой олинади. Пахта мойи ахоли рўзгорида кенг ишлатилишдан ташқари, ундан турли хил маргаринлар тайёрланади. Пахта мойи чиқиндиларидан чорва моллари учун тўйимли озуқа- кунжара олинади. Пахта шулҳаси ҳам чорва моллари учун ем сифатида ишлатилади ва гидролиз саноатида хом ашё бўлиб хизмат қиласди. Шулҳадан тери ошловчи модда тайёрланади, қофоз, картон, турли хил лаклар каби маҳсулотлар олинади. /ўзапоя мебел саноатида кенг қўлланилади. Пахта тивитидан сунъий чарм, ойна, цеплофан, фото материаллари, кино тасмалари, линолиум, сунъий ипак ва бошқалар олинади. қуингки, пахтадан олинадиган барча маҳсулотларни санаб тугатиш қийин. Энг аввало пахта эвазига четдан кўп валюта олинади. Юқоридагилардан Республикада пахтачиликни ҳар томонлама тараққий эътиришга эътиборнинг кучая бораётгандигининг сабаби ўз-ўзидан маълум бўлиб турибди.

Андижон вилояти пахтакорлари ташаббуси билан пахтачиликда янги технология-пахтани плёнка остида етиштириш усули вужудга келди. Бу усул жуда самарали эканлиги исботланди. «Андижон технологияси» деб аталган мазкур усулни кенг ёниш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил нояброда «Плёнка остида пахта экиш тадбирлари тўғрисида» карор қабул қилди. Ушбу карорда плёнка остида пахта экиш усулини босқичма-босқич кенгайтира бориши масаласи олга сурилган.

Кейинги йилларда пахта яккаҳокимлигига чек қўйилиб унинг ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилашга, пахтадан олинадиган пахта толасини қўпайтиришга эътибор кучаймоқда. Айниқса ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилни қўпайтириш катта аҳамиятга эга.

#### **8-жадвал**

#### **1980-2000 йилларда Ўзбекистонда пахта етиштириши**


Йиллар	Етиштирилган пахта, минг тонна	Ҳосилдорлиги, ц/га
1980	5579,0	29,7
1985	5382,0	27,0
1990	5058,0	27,6
1995	3934,3	26,4
1996	3350,1	22,6
1997	3641,0	24,1
1998	3206,2	21,0
1999	3652,0	23,7
2000	3002,0	21,8

1998 йилининг кузида Ўзбекистон Президенти И.Каримов давлат ташрифи билан Истроил мамлакатида бўлган пайтида у ернинг қишлоқ хўжалигига катта қизиқиши билан қаради. Бунинг сабаби бор, албатта Истроил давлатида қишлоқ хўжалик соҳаси ва, энг аввало, пахтачиликда катта муваффакиятларга эришилган. қизиги шундаки, пахтачилик борасидаги бундай ютуклар тошлоқ ва кумли, сув камёб ерларда қўлга киритилган. Ҳар бир гектар ерни сугориш учун биздагига қараганда 2-2,5 баробар кам сув сарф қилинади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнатга лаёкатли ахолининг бор-йўғи З фоизигина банд, холос. Шунга қарамай Истроил давлати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, уни хорижга ҳам чиқаради.

4-чизма. Ўзбекистон иқтисодий картаси.

## ИКТИСОДНИЙ КАРТА

МАСШТАБ 1:80000000



Юқорида айтилганлардан аён бўладики, Исроил давлатидан қишлоқ хўжалиги ва айниқса пахтачилик бобида кўп янги тажрибаларни ўрганишимиз мумкин ва зарур.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахтадан ташкари техник экинлардан каноп ва жут етиштирилади. Бу экинлар Тошкент вилоятида экилади. Самарқанд вилоятидаги Ургут тумани юқори сифатли тамаки етиштиришга ихтисослашган. Тамаки қишлоқ хўжалигининг юқори даромадли маҳсулоти бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатнинг деярли барча худудларида ғалла экинлари, асосан бугдой етиштирилади. Яқин йилларгача Республика ғалла маҳсулотлари билан ўзини тўла таъминлай ололмас эди. Эндиликда, самарали аграр сиёсатни амалга ошириш туфайли, Ўзбекистонда ғалла мустақиллигига эришилди. Агар мамлакатда 1990 йили 2 миллион тоннадан бироз ортиқ ғалла олинган бўлса, 2000 йилга келиб бу ракам 3916 минг тоннани ташкил этди. 1990 йилда етиштирилган ғалла таркибида бугдой 553 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб у 3532 тоннага етди.

Республика ғаллачилигига шоликорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Шоликорлик асосан қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ривожланган.

Маълумки, 2000 йил қишлоқ хўжалиги учун анча оғир келди. Ёғингарчилик кам бўлганлигидан Амударё ва бошқа сув манбаларда сув миқдори камайиб, у зарурий меъёр даражасининг 25-40 фоизини ташкил этди, холос. Натижада Республиканинг катта-катта қишлоқ хўжалик майдонларида қаттиқ курғоқчилик рўй берди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бундай курғоқчилик кейинги юз йил ичидаги кузатилмаган эди. Албатта, бундай вазият «сувталаб» қишлоқ хўжалик экинларига, айниқса шоли ва пахта етиштиришга жиҳдий таъсир килди.

Республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғрисида қўйида келтирилган жадвалдан тўла тушунча ҳосил қилиш мумкин.

#### 9-жадвал

#### Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш (минг тонна ҳисобида)

Маҳсулотлар	1990	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Пахта	5058	3934	3350	3641	3206	3652	3002
Дон, жами	1898,7	3215,3	3562,0	3775,6	4147,7	4331	3916
Шундан:							
Бугдой		2347	2742	3073	3555	3602	3532
Шоли	502,1	328	450	386	346	421	155
Картошка	336,4	440	514	692	691	658	723
Сабзавот	2842,5	2724,7	2497,4	284,2	2403,4	2664,6	2362
Мева	660,4	602,3	604,8	547,7	543,5	489,1	691
Узум	744,7	621,0	478,3	511,5	778,3	344,0	609

Ўзбекистонда чорвачилик, айниқса унинг асосий тармоғи бўлган қўйчилик муҳим ўрин эгаллади. қўйчиликда эса қорақўлчилик ўзига хос мавқега эга. Бухоро, кашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жizzах вилоятлари ва қорақалпогистон Республикаси бу борада асосий худудлар ҳисобланади. «Юмшоқ олтин» деб ном олган қорақўл териларига жаҳон бозорида талаб катта.

қўйида Республика чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тааллукли маълумотлар келтирилади.

#### 10-жадвал

#### Ўзбекистонда чорва молларининг сони (минг бош)

Йиллар	Йирик қора мол		қўй ва эчқилар	Чўчқалар	Отлар	Парранда
	жами	Шу ҳисобдан сигирлар				
1985	4099,8	1559,4	9256,3	728,3	88,0	33495,7

1990	4180,2	1644,7	8785,6	742,9	97,0	37339,6
1994	5483,3	2336,9	10059,3	350,4	144,8	13500,0
1995	5203,5	2286,4	9322,3	207,9	150,0	13372,9
1996	5351,6	2248,0	9330,6	86,8	147,3	12942,9
1997	5196,4	2281,3	8586,7	73,9	148,8	12278,0
1998	5228,2	2290,2	8697,9	80,8	148,5	13934,9
2000	5334,4	2344,6	8933,1	83,6	146,1	14419,2

кишлоп хўжалигининг қадимий ва истиқболли тармоқларидан бири бўлган пиллачилик ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутади. Ўзбекистон жон бошига пилла етказиш бўйича жаҳонда биринчи, умумий ҳажми бўйича бешинчи ўринда туради.

## 11-жадвал

### Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг тонна)

Йиллар	Гўшт	Сут	Тухум (млн.дона)	Жун	Пилла
1980	330,5	2265,5	1460,6	20,7	30,3
1990	484,4	3034,2	2452,9	25,8	32,8
1994	285,0	3732,0	1574,0	24,9	22,9
1995	477,7	3665,4	1231,8	19,5	23,7
1996	485,2	3390,3	1056,9	16,6	21,7
1997	461,0	3406,0	1075,3	15,4	20,9
1998	472,1	3494,9	1164,6	15,5	20,4
1999	478,5	3543,4	1242,5	15,6	17,9
2000	841,8	3632,5	1254,4	15,8	16,5
2001	853,7	3667,2	1287,4	15,9	17,3

Пиллачиликнинг Ўзбекистон иқтисодиётида катта ўрин тувишини эътиборга олиб 1998 йил 30 марта Ўзбекистон Президенти «Республика пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон Республиканинг пиллачилик соҳасини ривожлантириш борасида қатор тадбирлар белгилади ва улар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда «Вьетнам-Ўзбекистон» пиллачилик қўшма корхонаси барпо этилди.

Пиллачиликка ихтисослашган шойи чиқариш соҳасини ҳам кенг йўлга қўйиш мўлжалланган ва бунинг учун маҳсус Дастур ишлаб чиқилган. 2005 йилга бориб бу соҳада чиқариладиган маҳсулот ҳажмини уч марта орттириш кўзда тутилмоқда. Мазкур режа бажарилгач, соҳа маҳсулотини экспорт қилишни беш-олти марта кўпайтириш мумкин.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида Республикада вужудга келаётган фермер хўжаликлари сафини кенгайтириш билан боғлик бўлган чора-тадбирларни кучайтириш борасида иш олиб борилмоқда. Ҳозир мамлакатда бундай хўжаликлар сони 30 мингдан ортиб кетди.

кишлоп хўжалиги тўғрисида юқорида келтирилган фикрлар бу соҳанинг кенг тармоқли эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга кишлоп хўжалиги олдида қатор муаммолар ҳам мавжуд. Уларни ҳал қилиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга. Ушбу муаммолар жумласига суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ўсимликларда учрайдиган касалликлар ва заараркунандаларга қарши курашни кучайтириш кабилар киради. Айни вақтда кишлоп жойларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиши, кишлоп саноати ва инфраструктурасини ривожлантириш ҳам Республика аграр сиёсати доирасида долзарб масаладир.

### Савол ва топшириқлар

- Саноатнинг етакчи тармоқларини биласизми?
- Ўзбекистоннинг рангли саноати ва унинг маркази тўғрисида нималарни айти оласиз?
- Шоли экиладиган асосий ҳудудларни таърифланг.
- Пахтачиликда «Андижон технологияси» деганда нимани тушунасиз?
- қоракўлчилик Республиканинг қайси ҳудудларида ривожланган?

### IV БОБ. ТРАНСПОРТ ВА ТАШҚИ

## ИқТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Транспортнинг асосий вазифаси кенг ахоли оммаси ҳамда миллий иқтисодиёт корхона ва ташкилотларининг транспорт хизматига бўлган барча талаб-эҳтиёжларини тўла ва юкори сифат билан қондиришдан иборат.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон уюшмасига кириб бориши учун мукаммал транспорт тизимиға эга бўлиш керак. Турли хил транспорт воситалари саноат ва кишлoқ xўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга ўз вактида, исроф килмастан етказишида фаол иштирок этади. Ахолини бир манзилдан иккинчи бир манзилга етказишида ҳам транспортнинг аҳамияти каттадир.

Транспорт ишлаб чиқариш тизимида муҳим ўрин тутиши билан бирга у ҳар қандай ҳудуд хўжалиги мажмуасининг зарурий бўғини бўлиб хизмат қиласиди. Унинг ривожи туфайли ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан ихтисослаштириш мумкин.

Транспорт инфраструктураси ва йўл тармоқларининг самарали ривожланиши кадрларнинг кишлoқларда мустаҳкам ўрнашиб қолишига, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини яратади.

Республика геосиёсий мавқенини яхшилаш ҳам энг аввало транспорт тўри ва коммуникацияларга боғлиқ. Бу ҳақда И.Каримов «Коммуникациялар тизими ҳақида гапирганд» Ўзбекистон географик мавқенининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устувор, стратегик, хаётий муҳим аҳамият касб этишини таъминламоқ даркор», деган эди.

Мамлакат транспорт тармоғи темир йўл, автомобил, авиация, кувурлар ва дарё сув йўлларидан иборат. Транспортнинг барча турлари ёрдамида Республикада ҳар йили ҳалқ хўжалиги учун зарур бўладиган турли-туман юклар ва ўйловчилар ташилади.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган транспорт турлари орасида етакчи ва муҳим ўринни темир йўллар эгаллади. Мамлакатда ташиладиган юкларнинг 66 фоизига яқини транспортнинг ана шу тармоғи зимасига тушади ва бу транспорт мамлакат транспорт тизимининг негизини ташкил этади.

Экспорт ва импорт қилинадиган юкларнинг қарийб 80 фоизи ҳам темир йўл транспорти орқали амалга оширилади. Ушбу йўл ёрдамида 1999 йил ташилган ўйловчилар сони 13,3 миллион кишини ташкил этган.

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги мурракаб шароитда ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва мамлакат ҳудудларининг самара билан ишлаши кўп жиҳатдан темир йўлларнинг қай даражада фаолият кўрсатишга бевосита боғлиқ. Юкларнинг темир йўллар ёрдамида ва иложи борича арzon ташилиши иқтисодиёт тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Яна шуниси муҳимки, темир йўлларда юқ ташишнинг таннархи автомобилларда юқ ташишга нисбатан 3-5 марта, ҳаво транспортига қараганда эса 12-15 марта арzon тушади. Мазкур транспорт тўрида меҳнат харажатлари ҳам автомобил ва ҳаво транспортига кўра анча кам.

Темир йўл транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан яна бир афзаллиги шундан иборатки, бу транспорт атроф муҳитга кам зарар етказади, унинг юқ ва ўйловчилар ташиш қобилияти жуда юқори бўлиб, об-ҳаво инжиқликлари билан деярли боғлиқ эмас ва мунтазам равишда ҳаракатда бўлади. Бу билан у автомобил ва айниқса ҳаво транспортидан катта фарқ қиласиди.

Ўзбекистонда темир йўллар куриш ўзининг маълум тарихига эга. Мамлакат ҳудудида биринчи темир йўл 1888 йилда Фароб станциясидан Самарқанд шаҳригача курилган бўлиб, у Туркманбоши (собиқ Красноводск шаҳри)-Чоржуй темир йўл тармоқининг давоми эди. Унинг курилиши кейинчалик давом эттирилиб, 1899 йили Андижон ва Тошкент шаҳригача етказилган эди.

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда ҳам мамлакат ҳудудида катор темир йўл тармоқлари курилган. Уларга Фарғона-кувасой, Асака-Шаҳрихон, қорасув-Ўш, Учқўргон-Тошкўмир, Андижон-Тентаксой кабилар киради.

Ўрта Осиёning, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида 30-йилларда курилган, узунлиги 1400 км дан зиёд бўлган Турксеб (Туркистон-Сибир) темир йўл магистралининг бунёд этилиши ўз даврида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида темир йўллар курилиши ва ишга туширилиши муҳим ишларни бажариш имкониятини берди. Душман эгаллаб олган жойлардан ўнлаб саноат корхоналарини Республикамизга кўчириб келиниши, урушга жалб қилинганларни қурол-яроғлар, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа юкларни фронтга етказишида темир йўл транспорти катта хизмат қилди. Ана шу даврда темир йўл тармоқларини бевосита саноат корхоналарига яқинлаштириш муҳим эди. Масалан, йирик Ангрен кўмири ҳавзасига темир йўл тармоғи ўтказилди, Чирчиқ шахридаги ўз

даври учун улкан бўлган ва кейинчалик йирик кимё корхонасига айланган электрокимё комбинатига йўллар курилди.

Уруш тугаб тинч давр бошланган йилларда мамлакатнинг мавжуд темир йўлларини қайтадан тиклаш ва янги темир йўл тармоқларини қуриш, зарур техника билан таъминлаш эвазига транспортнинг бу тури ривожланди. Чунончи, урушдан кейинги йилларда Мирзачўл, қарши чўли, Амударёнинг қуий кисмида кўрик ерларни ўзлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилди.

Узунлиги 410 км бўлган кўнғирот-Бейнов темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Ўрта Осиё иқтисодий минтақасидан қозогистонга, сабиқ СССРнинг Европа қисмига, Кавказ худудларига иккинчи йўл орқали чиқиши имконини яратди. Юк ва йўловчиларни узок айланма йўллар орқали ташишга барҳам бериш транспорт харажатларини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, кўнғирот-Бейнов темир йўл тармоғи Амударёнинг қуий кисми табиий ресурсларини ўзлаштиришга ва мазкур минтақанинг ижти-моий-иктисодий жиҳатдан ривожланишига имкон яратди.

Мамлакат темир йўлларининг умумий узунлиги 20-йиллар бошида 15-89 км ни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб у 6700 км га етди. Шу жумладан, электрлаштирилган темир йўллар узунлиги 587 км ни ёки умумий темир йўл узунлигининг 16,1 фоизини ташкил этади.

Темир йўллар узунлиги борасида анча ишлар қилинган бўлсада, ҳали мамлакатимизда бу тизим талаб даражасида эмас. Масалан, Ўзбекистон темир йўл зичлиги бўйича нафакат «узоқ» хориж мамлакатларидан, балки Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи давлатларидан ҳам орқада туради.

Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, қашқадарё вилоятлари темир йўл тармоқлари билан бироз яхши таъминланган. қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари эса бу борада анча оракада.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1995 йил август ойида /узор-Бойсун-қумқўргон темир йўлини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу йўл мамлакатимизнинг жанубий худудлари-қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари табиий бойликлари ҳамда мавжуд бошқа имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш имконини беради, мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи ахолининг иш билан бандлик дара-жасини кўтариш имконини ҳам яратади. /узор-Бойсун-қумқўргон темир йўли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё станциясидан қашқадарёдаги қарши станциясигача бўлган масофани қарийб икки мартаға кискартиради.

Республиканинг хорижга, жумладан, мамлакатимиз жанубидаги давлатларга чиқишида Машҳад-Сераҳс-Тажан темир йўлининг қурилиши муҳим воқеа бўлди. 1996 йил 13 майда Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрида узунлиги салкам 300 км бўлган бу темир йўл тармоғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу йўл энг қиска масофа орқали Марқазий Осиё мамлакатларини Форс кўлтиғи билан боғлайди ва ташки савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб беради.

2001 йилда темир йўл тармоғида яна бир муҳим воқеа юз берди. Узунлиги 500 км бўладиган Учкудуқ-Султонувайс-Нукус темир йўлининг бир қисми ишга туширилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, темир йўл транспорти жаҳондаги барча мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим алоқа воситаси бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз учун эса унинг аҳамияти яна ҳам катта. Чунки, Республика четга чиқиши учун зарур бўладиган сув йўлларидан олис бўлғанлиги учун темир йўл транспорти мамлакатни жаҳон мамлакатлари билан боғлаб турувчи асосий воситадир. Айни вақтда темир йўл транспорти доирасида мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўлларини топа билиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни эътиборга олиб 2000 йил бошида темир йўл транспортини монополиядан чиқариш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказилди.

Темир йўл транспортининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, тармоқда бозор ислоҳотларини чукурлаштириш мақсадида И.Каримов 2001 йил 2 марта «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон Республикада темир йўл транспорти самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳаётида транспорт тизимининг яна бир муҳим қисми бўлган автомобил транспорти ва автомобил йўллари ҳам катта ўрин тутади. Миллий иқти-содиётнинг автомобил транспортидан фойдаланмайдиган бирорта соҳаси йўқ. қиска масофаларга юк ва йўловчиларни ташиш, замонавий транспортнинг бошқа хиллари мавжуд бўлмаган манзилгоҳларда аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатишида, айниқса транспорт учун нокулай бўлган тоғли жойларда автомобил транспортининг аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистон ҳудудида автомобил йўллари тармоғи анча кенг. Ҳар 1000 км<sup>2</sup> майдонга автомобил йўлларининг зичлиги 210 км га етади. қатор автомобил йўллари ҳалқаро ва давлат аҳамиятига эга.

Ҳозирги кунда автомобил йўлларининг умумий узунлиги 90 минг км дан ортиқ. Мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган автомобил йўллари жумласига, энг аввало Тошкент, Самарқанд, қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар орқали ўтган Катта Ўзбек автомобил тракти киради. 1940 йили қуриб битказилган ва 700 км дан ортиқ узунликка эга бўлган ушбу равон йўл қанчадан-қанча юк ва йўловчилар ташишга ва ҳудудлар орасида транспорт хизмати кўрсатишини яхшилашга олиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан олдин Фарғона водийсидаги уч вилоят ва қатор шахарларни, жумладан қўқон, Марғилон, Асака, Андижон, Наманган, Чуст шаҳарларини боғлаб турувчи айланма йўл қайта курилди. Шунингдек, Тошкент-Ўш, Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши, Тошкент халқа йўли, Нукус-/узор, қўнғирот-Бейнов каби яна қатор автомобил йўллари ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида катта аҳамият қасб этади.

Кейинги йилларда қўшни Тожикистонда вужудга келган вазият сабабли мамлакатимизнинг марказий ва ғарбий қисмларидағи худудларини Фарғона водийси вилоятлари билан алоқасини боғлашда анча муаммолар юзага келди. Шуни эътиборга олиб Республика ҳукумати Тошкент-Ўш йўлининг Ангрен сув омборидан Фарғона водийсига кириб боргунча қисмини қайта куриш бўйича маҳсус қарор қабул қилди. Бу мақсадни кўзлаб қамчик ва Резак довонларида автомобил транспорти ҳаракати учун мўлжалланган тоннеллар куриш борасида катта ишлар бошлаб юборилди ва бу ишлар муваффақият билан амалга оширилди.

камчик тоннелининг узунлиги 890, Резак тоннелининг узунлиги эса 368 метрга teng бўлди. Бу тоннелларнинг ишга туширилиши туфайли қамчик довони орқали амалга ошириладиган автомобил транспорти алоқаларида авваллари тез-тез учраб турадиган хавф-хатарга чек қўйилди. қамчик ва Резак тоннелларидан бир кечакундузда 12 мингга яқин автомобиллар ўтиш имконига эга. Шундай қилиб мазкур йўл Фарғона водийсини Республиkaning бошқа худудлари билан боғлаб турадиган энг яқин ва қулай йўл бўлиб қолди.

Мустақилликка эришиш туфайли республикамизни ҳалқаро автомобил йўллари билан боғлайдиган йўллар куриш ишларига ҳам эътибор кучайди. Жумладан, Хитой Ҳалқ Республикасига чиқиши учун имкон туғдирадиган Андижон-Ўш-Эргаштом-қашқар автомобил йўлининг курилишига Ўзбекистон ўз хиссасини кўшмоқда.

Кўпгина мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ҳалқаро йўналишларда юкларни автомобилларда ташиш бўйича Уюшма ташкил этилган. Женева шаҳрида автомобил транспорти Ҳалқаро уюшмаси конгрессида Ўзбекистон ҳам бу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Ушбу уюшма Республикамиз худудида бошқа мамлакатлар юк ташувчиларининг манфаатларини муҳофаза қиласи ва автомобил йўллари ҳолати, ёқилги нархи, йўл учун тўлов баҳоси ва бошқа масалалар бўйича зарур маълумотлар билан хабардор этиб туради.

1926 йили Республикада мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган эди. Шундан бери ўтган давр ичida йўловчилар ташувчи автобуслар сон ва сифат жиҳатидан тез ривожланди. Транспортнинг бу хили орқали йўловчилар ташиши 1940 йилдагига нисбатан қарийб 250 мартадан зиёд ортди.

Мамлакатда турли ҳажмда юк кўтарадиган янги юк ташувчи автомобиллар, қулай ва шинам автобуслар ҳамда енгил автомобиллар сони йил сайин ошиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларида трамвай ва троллейбуслар қатнови йўлга қўйилган. Республика пойтахти Тошкент шаҳрида 1977 йили метро қурилиб ишга туширилди. Аҳолиси икки миллиондан зиёд шаҳар учун ушбу транспортнинг бу воситаси моҳиятини тўла ифодалаш кийин.

Ҳозирча Тошкентда метронинг уч йўналиши мавжуд: биринчиси Собир Раҳимов-Буюк Ипак йўли, иккинчиси Беруний-Чкалов йўналиши, учинчиси Юнусобод тумани билан Жанубий вокзал орасидаги йўналишдир. Кейинчалик Жанубий вокзалдан Сирғали тумани орасида метронинг тўртинчи йўналишини куриш ва ундан кейин эса Тошкент ҳалқа йўлини вужудга келтириш мўлжалланмоқда.

Мустақил Республика транспорти ҳақида сўз юритилганда ҳаво транспортининг моҳияти тобора ортиб бораётганини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Транспортнинг бу хили ўз ишини биринчи марта 1924 йили бошлаган эди. Ўша йилнинг 12 май куни Тошкент-Бишкек-Олмата шаҳарлари орасида ҳаво транспорти алоқаси йўлга қўйилган эди. Ана шундан бери ўтган давр ичida транспортнинг бу хили тез ривожланиб кетди. Ҳозир ҳаво транспорти орқали асосан йўловчилар ташилади. Шу билан бирга бир манзилдан иккинчи бир манзилга тез етказиш зарур бўлган юкларни, айниқса тез бузиладиган юкларни ҳам ташишда ҳаво транспортидан фойдаланилади.

1993 йили «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил топиши ҳаво йўли транспорти тараққиёти соҳасида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бу компания хизмати туфайли Тошкентдан Нью-Йорк, Лондон, Токио, Пекин, Париж, Истамбул, Дехли, Тел-Авив, Сеул, Куала-Лумпур, Жидда, Урумчи каби жаҳоннинг кўпгина шаҳарлари билан ҳаво транспорти қатнови амалга оширилмоқда. Кейинчалик Тошкентдан самолётлар қатнайдиган манзиллар рўйхати янада кенгайишига шубҳа йўқ.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси билан АқШнинг «Боинг» компанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра 1996 йил август ойидан бошлаб Тошкент билан жаҳоннинг қатор шаҳарлари, жумладан Нью-Йорк, Афина, Жакарта, Сингапур каби шаҳарлар орасида «Боинг» самолётлари учиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон худудида йирик табиий газ, нефт конларининг топилиши ва ишга туширилиши сабабли қувур транспорти ривожланди, муҳим аҳамиятта эга бўлган газ қувурлари вужудга келди.

Республикада электр тизими ташкил топиши ва ривожланиши транспортнинг янги тури-электр транспортиниң вужудга келишини тақозо этди. Ҳозирги вактда транспортнинг бу тури ёрдамида Ўзбекистон Ўрта Осиё электр тизимига уланган.

Мамлакат транспортида сув транспорти ҳам ўзига муносаб ўрин эгаллаб келган эди. Бироқ, кейинги йилларда Орол дengизида вужудга келган вазият, яъни унинг сувини камайиб кетиши, кирғоқлари нинг чекиниши туфайли бу денгиздаги транспорт ўз мөҳиятини йўқотди.

Транспорт тўғрисида сўз юритилганда яна бир масалани эътиборга олмок зарур. 1998 йилнинг сентябр ойида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Буюк Ипак йўлини тиклаш масалаларига багишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуман ишида жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан вакиллар ва қатор нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этди. Унда мамлакатимиз Президенти И.Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

Маълумки, Буюк Ипак йўли орқали бундан ортиқроқ муддат олдин /арб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо-сотик алоқалари амалга оширилган эди. Ҳозирги кунга келиб Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш масаласига эътибор кучаймоқда. қатор мамлакат ва ҳудудлар учун ўта мухим бўлган бу масала ТРАСЕКА (Европа-Осиё-Кавказ орасидаги транспорт йўли) лойиҳаси асосида амалга оширилиши лозим.

Транспорт харакатини яхшилаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўллар ахволи яхшиланмоқда, кўприклар ва бошқа иншоотлар курилмоқда. Масалан, Республика мустақилликка эришганлигининг саккиз йиллиги арафасида Амударёда кўприк курилди. Умумий узунлиги 1260 метр бўлган ушбу замонавий кўприк корақалпоғистоннинг ўрта кисмида, Ўзбекистоннинг азим дарёси Амударёнинг икки кирғогуни бир-бирига улади. Шунингдек, бу йилларда шаҳар транспортига, жумладан Тошкент транспорт йўллари ва воситаларига ҳам катта эътибор берилди. Янги-янги магистрал йўллар, кўприк ва эстакадалар курилди. Шаҳар жамоат транспорти парки замонавий троллейбус, трамвай ва автобуслар билан таъминланди.

Мамлакатда алоқа тармоқлари (почта, телеграф, телефон, радиоэшиттириш, телевидение каби-лар) ҳам ривожланди. 1927 йил 11 февраляда Республикада биринчи маротаба кенг эшиттиришли радиостанция ўз фаолиятини бошлади. 1956 йил 5 ноябрда эса Ўзбекистон телевидениеси ишга туширилди. Ўша йилнинг ўзидаётк телевидениенинг Тошкент студияси ташкил топди.

Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқ аҳолисини телефон билан таъминлашда улкан ишлар амалга оширилди. Республика алоқа тизимини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишларига чет эл сармояларини жалб этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. 1993 йили Япониянинг «НЭК» корпорацияси иштирокида халқаро космик станцияси фойдаланишга топширилди. Америка кўшма Штатлари, Жанубий Корея ва Германия фирмалари ёрдамида телефон алоқалари нуқталари-ни кучайтириш ва уларнинг ишлаш сифатини яхшилаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Республика телекоммуникацияси хизмат даражасини янги, замон талабига жавоб бериш босқи-чига кўтариш борасида Жанубий Корея «ДЭУ-телефом» фирмасининг бевосита иштирокида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур компания ёрдамида қатор АТС корхоналари қурилиб ишга туширилди.

**Ташки иқтисодий алоқалар.** Мустақил Ўзбекистон тобора нафақат жаҳон сиёсати, балки жаҳон иқтисодиётига тез кириб бормоқда ва қатор мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга интилмоқда.

Маълумки, ташки иқтисодий муносабатлар халқаро ҳамкорлигининг энг мухим соҳаларидан бири ҳисобланади. Зоро, ҳар қандай давлат, қай даражада тараккӣ этганлигидан қатъий назар, ташки иқтисодий алоқаларсиз тўлақонли тарзда яшаши мушкул. Чунки, жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган буюм-маҳсулотларнинг тури бехисоб. Табиийки, бирорта давлат уларнинг ҳаммасини ўзида ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас. Айрим ҳолларда эса маҳсулотларнинг баъзи турларини ўзида ишлаб чиқаргандан кўра бошқа мамлакатлардан олиб келиш афзалроқ ва фойдаларишади.

Ташки иқтисодий алоқалар халқаро ҳамкорликнинг энг мухим соҳаларидан биридир. Турли мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техника ва маданият алоқаларининг тобора такомиллашиб бориши, айрим тармоқларни замонавий техника ва технология билан қуролланишга, ер-сув, қазилма бой-ликлар ва меҳнат ресурсларидан самара билан фойдаланиш имконини яратади.

Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимотида, ташки иқтисодий алоқаларни самарали йўлга кўй-иши ва кенгайтиришда фаол иштирок этиш учун Республикада катта имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси билан савдо, иқтисодий алоқалар олиб борувчи мамлакатлар рўйхати тобора кенгайиб бормоқда ва уларнинг сони 140 тадан ортиб кетди. Бундай мамлакатлар қаторига Буюк Британия, АҚШ, Германия, Швейцария, Туркия, Нидерландия, Бельгия, Италия, Франция каби узок хо-риж давлатлари киради.

Мустақил давлатлар ҳамкорлиги таркибидаги мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларда эса Россия, қозоғистон ва Украина катта ўрин эгаллайди.

Кўп йиллар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларида экспорт ҳажмига нисбатан импорт ҳажмининг салмоғи ортиқроқ бўлиб келган бўлса, эндиликда бу борада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Республиканинг ташки савдо обороти 1999 йили 6246,5 миллион АқШ долларига тенг бўлди. Шундан экспорт 3235,8 миллион доллар ва импорт 3110,7 миллион долларни ташкил этди. 2000 йил натижаларига кўра экспорт ҳажми янада ортди ва бу борадаги ижобий сальдо 317,6 миллион АқШ долларига тенг бўлди.

куйида келтирилган жадвалдан Ўзбекистоннинг кейинги бир неча йил давомида олиб борган ташки савдоси хақида маълумотлар олиш мумкин.

#### **12-жадвал**

##### **Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо ҳажми (млн. АқШ доллари ҳисобида)**

Йиллар	Жами	Шундан:	
		Экспорт	Импорт
1994	5299,4	2689,9	2609,5
1995	6012,6	3719,9	2892,7
1996	9311,3	4590,2	4721,1
1997	8910,5	4387,5	4523,0
1998	6816,5	3528,2	3288,7
1999	6346,5	3235,8	3110,7
2000	6212,1	3264,7	2947,1

Мустақил давлатлар ҳамкорлиги таркибига кирувчи мамлакатлар билан Ўзбекистон орасидаги иқтисодий алоқаларда ҳам экспорт ҳажми импорт ҳажмидан юкори. Масалан, 2000 йилда импорт-809,9 миллион, экспорт-982,8 миллион долларни ташкил этди.

Республика Президенти И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтиёйи-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъruzасида шундай деган эди: «Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур. Фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумлари келтириади, факат шу асосдагина ишлаб чиқаришни, техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин»<sup>1</sup>. Мамлакат раҳбарининг ушбу сўзлари ташки иқтисодий муносабатларнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Яқин-яқинларда ҳам, яни СССР ҳукмронлиги даврида четга асосан арзимаган пулга хом ашё чиқариб келган Ўзбекистон, эндиликда мустақилликка эришиш туфайли қатор хорижий мамлакатларга хом ашё билан бир қаторда замон талабларига мос тушадиган, ракобатбардош, турли хил электр асбоб-ускуналари, самолётлар, автомобил, телевизор ва видео магнитофонлар, биллур буюмлар, заргарлик маҳсулотлари ва бошқаларни экспорт қилмоқда.

#### **13-жадвал**

##### **Ўзбекистон ташки савдосида МДХ таркибидаги давлатлар ва узоқ хорижий мамлакатлар салмоғи (%)**

	<b>1998</b>	<b>1999</b>
Ташки савдонинг умумий ҳажми	100,0	100,0
Шундан:		
МДХ мамлакатлари	26,9	28,2
Бошқа мамлакатлар	73,1	71,8
Экспорт	100,0	100,0
МДХ мамлакатлари	26,0	30,4
Бошқа мамлакатлар	74,0	69,6
Импорт	100,0	100,0
МДХ мамлакатлари	27,8	26,0

<sup>1</sup> «Хал=сызи» газетаси ,17 феврал, 2001 й.

Бошқа мамлакатлар	72,2	74,0
-------------------	------	------

Шу билан бирга Республика из чет эллардан саноат ва қисман озиқ-овқат маҳсулотларини олиб турибди. Бу маҳсулотлар орасида турли хил машиналар, асбоб-ускуналар, замонавий станоклар, автобуслар, темир йўл вагонлари, кийим-кечаклар, тамаки маҳсулотлари ва бошқа қатор маҳсулотлар бор.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Андикон, Навоий, қашқадарё, Самарқанд вилоятлари етакчи ўринни эгаллади. Буни қўйида келтирилган жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг муҳим ва самарали йўлларидан бири хорижий мамлакатлар билан қатор соҳаларда қўшма корхоналар куришдир. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг бу йўналиши жаҳоннинг кўп мамлакатларида кенг тарқалган.

қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларни самарали тараққиёт йўлига солиш ишчи кучлари кўп бўлган давлатлар қаторига кирувчи мамлакатимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра Ўзбекистонда ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда.

#### 14-жадвал

**Ўзбекистон худудлари бўйича ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми (млн. АқШ доллари хисобида, 1999 й.)**

	Ташқи савдо ҳажми	Шу жумладан:	
		Экспорт	импорт
Ўзбекистон Республикаси	6346,5	3235,8	3110,7
корақалпоғистон Республикаси	97,4	57,9	39,5
Вилоятлар			
Андижон	475,4	112,9	362,6
Бухоро	258,9	202,6	56,3
Жиззах	45,0	38,6	3,4
Навоий	474,3	249,2	225,1
Наманган	122,8	82,1	40,7
Самарқанд	327,8	149,6	178,2
Сирдарё	83,1	49,7	33,4
Сурхондарё	146,7	129,3	17,4
Тошкент	720,3	321,3	399,0
Фарғона	351,3	186,7	164,6
Хоразм	130	93,0	37,0
қашқадарё	417,0	156,7	260,3
Тошкент шаҳри	1945,7	657,4	1288,3

Ўзбекистонда қўшма корхоналарни ташкил қилишда жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иштирок этмоқда. Улар орасида Америка қўшма Штатлари, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Бирлашган Араб Амириклари, Исломия, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Украина каби мамлакатлар етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Республикада вужудга келаётган қўшни корхоналар сони йил сайн ортиб бормоқда. 1993 йили бундай корхоналар сони 900 та эди. 1999 йилда эса Ўзбекистонда рўйхатга олинган қўшма корхоналар сони 2,5 мингдан ортиқ, шундан 2000 га яқини ишлаб турибди.

Фаолият кўрсатиб турган қўшма корхоналар чиқариб турган маҳсулотлар ҳажми 1999 йили 267 миллиард сўмга яқин бўлди. Бу 1996 йилдагига нисбатан олти баробар, 1998 йилдагига караганда эса 1,5 марта кўп демакдир.

Ўзбекистонда ташкил этилган қўшма корхоналар 1993 йили 23 миллион АқШ долларига тенг бўлган маҳсулот экспорт килган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 371,5 миллион долларни ташкил этди. Бу Республика умумий экспортининг 11,5 фоизига tengdir.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудудида барпо этилган қўшма корхоналар орасида «ЎзДЭУ авто», «Зарафшон-Ньюмонт», «Кабул-Ўзбек», «Ўзбат», «ДЭУ Текстил компани» кабилар шуҳрат қозонган.

Италияниг «Альма-Роза» фирмаси билан Ўзбекистон иштирокида 1998 йили ташкил топган «Совпластитал» қўшма корхонаси ўз фаолияти билан ана шундай корхоналардан биридир. Ниҳоятда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётгандиги учун «Совпластитал» Испания пойтахти Мадридда иккинчи марта Халқаро соврин билан тақдирланган. Бу нуфузли мукофот жаҳоннинг 112 мамлакати тадбиркорларини бирлаширадиган умумжаҳон ташкилоти «Трейд Лидерз Клаб» томонидан таъсис этилган.

2000 йили нометалл кувур ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкентдаги «Хабас Тапо», Андижон вилоятида чарм маҳсулотлари тайёрлайдиган «Олтин тери» каби қўшма корхоналар ҳам ишга тушди.

Келажакда, Ўзбекистон ташкил иқтисодий алоқаларни янги босқичга қўтаришда халқаро туризм мухим ўрин тутмоли лозим. Туризм тармоғи тўғри ва самара билан ташкил этилса, у катта даромад келтирадиган соҳага айланади. Аниқ фойда манбаи бўлмиш халқаро туризм мамлакатга катта микдорда чет эл валютасини олиб келиши ва унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Ўзбекистон туризм соҳасини ҳар тамонлама ривожлантириш учун қатор имкониятларга эга. Унинг ўзига хос табиий шароити, архитектура-меморчиликнинг ноёб ёдгорликлари, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқимизнинг яратган маҳсулотлари чет элдан келган сайёхларни ниҳоятда кизиктиради.

Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасида энг аввало Самарқанд, Бухоро, Хива сингари жаҳонни ҳайратта солаётган, ажойиб тарихий ёдгорликлар сақланаётган қадимги маданият ва меморчиликнинг нодир марказлари катта аҳамиятга эга.

Халқаро туризм соҳасини самарали ривожлантириш мақсадида 1992 йил июлида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу компания туризм борасида арзигулил ишларни амалга ошироқоқда.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ташкил топиши ва унинг 1993 йили жаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиши Республикада халқаро туризмнинг тезроқ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 1962 йили узоқ хориждан мамлакатимизга келган туристлар сони 60 минг киши бўлган бўлса, 2001 йил бошида бу ракам 320 мингдан ортиб кетди. Мустақиллик кўлга киритилгандан сўнг ўтган киска вақт ичига Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизда замонавий, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган меҳмонхоналар мажмуи курилиб ишга туширилди.

Мамлакатимизда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меморчилик ёдгорликлари, бой маънавий мерос жаҳон дикқат-эътиборини ўзига тортмоқда. Айниқса бу борада Буюк Ипак йўлини тиклаши катта аҳамиятга эга. Ана шундан келиб чиқиб Республика Президенти «Буюк Ипак йўлини тиклашида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаоллаштириш ва мамлакатда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича «Ўзбекистонда туризмни 2005 йилгача ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Вазирлар Маҳкамаси эса «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу расмий хужатларда халқаро туризм фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган энг мухим масалалар ўз асини топган.

### **Савол ва топшириқлар**

- 1. Ўзбекистонда транспортнинг қайси турлари ривожланган?**
- 2. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида автомобил транспортининг тутган ўрнини асослаб беринг.**
- 3. Мустақиллик даврида Республика экспорти ва импортида қандай ўзгаришилар рўй берди ва бу ўзгаришиларнинг аҳамияти нимада?**
- 4. Сиз яшаб турган ҳудудда экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қандай корхоналар бор ва улар қандай маҳсулотларни экспорт қиласди?**

### **В БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДӢ ТУЗИЛИШИ**

Сайёрамизга Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Ал Хоразмий, Ал Мотурудий, Беруний, Баҳоуддин Накшбандий, Бехбудий, Бурхониддин Марғilonий, Чўлпон, Фитрат, Жалолиддин Мангуберди каби жаҳонга довруғи кеттан қатор олиму фузалолар, шоири мърифатпарварларни етиштириб берган Ўзбекистон 1991

йилнинг 1 сентябрида мустақил Республика, деб эълон қилинди. Бу Ватанимиз тарихида рўй берган энг муҳим, оламшумул воқеа эди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Йиғилишда қабул қилинган Баёнотда, жумладан, шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг, ўз таркибидаги қорақалпогистон Республикаси билан бирга, худуди бўлинмас ва дахлсиздир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга худудий даволари бўлмай, у ўз худуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий хукукка эгадир».

Жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилоти-Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1992 йил 2 марта мустақил Республикамизни ўз таркибига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мустақил давлатимизнинг равнақ топиши сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксала бориши, миллий иқтисодиёт, давлат қурилиши борасида раҳбарлик ва бошқариш тизимини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ташкил қилинган мамлакат маъмурий худудий тузилишини оқилона белгилаш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, у давлат ва ижтимоий ташкилотлар, бирлашмалар, молия, солиқ каби қатор тизимлар фаолиятини амалга ошириш, ижтимоий-иктисодий алоқаларни худудлар доирасида ижобий тарзда ривожлантириш масалаларини тўғри ҳал этишда ҳам катта ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78 моддасида шундай дейилган: «Маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонун ўйли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Олий Мажлисининг мутлок ваколатлари жумласига киради». Мамлакатнинг маъмурий-худудий тузилиши масаласи қанчалик муҳим эканлиги юқоридаги сатрлардан ҳам кўриниб турибди.

Иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтиш жадаллашиб бораётган ҳозирги даврда Республикамиз олдида иқтисодий, илмий, маданий жиҳатдан ривожланишининг зарур имкониятлари мавжуд. Бу, энг аввало, Республика аҳоли сонининг кўпая бораётганилиги, зарур меҳнат ресурсларининг борлиги, табиий шароитнинг қулайлиги, хилма-хил табиий бойликлар кўплуги билан ифодаланади.

Илмий-назарий жиҳатдан асосланиб оқилона тарзда амалга оширилаётган маъмурий-худудий тузилиши мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий мақсад ҳамда вазифаларни бажаришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Мамлакатимизнинг маъмурий-худудий тузилиши ўз тарихига эга. Мазкур масала борасида ишлаб чиқилган қонун ва қоидалар, тартиблар бир неча марта қайта-қайта кўриб чиқилди, улар айrim ўзгартишлар, янги фикр, мазмунлар билан бойиб борди.

Аввали даврда Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилиши масалаларида айrim ҳолларда мутасадди ташкилотлар томонидан шошма-шошарликка йўл қўйилган, илмий жиҳатдан чуқур ўйлаб кўрилмаган ва кенг муҳокамага қўйилмаган масалалар илгари сурилар эди. Бу айниқса вилоятларни ташкил қилиш, уларни ноўрин тугатиш, бир вилоятни иккинчи бир вилоятга қўшиб юбориш, қисқа вакт ўтиши билан ўша тугатилган вилоятларни яна қайтадан тиклаш ҳоллари учраб турарди. Бу ҳақда куйидаги мисолларни келтириш мумкин.

1941 йил 6 марта ташкил топган Наманган вилояти 1960 йил 25 апрелда тугатилиб, Андижон вилоятига қўшиб юборилди. 1967 йил 18 декабрда эса у қайта тикланади. қашқадарё вилояти 1943 йил 20 январда тузилган. У 1960 йил 20 январда тугатилиб, Сурхондарё вилояти билан бирлаштирилади. 1964 йил 7 февралда эса қашқадарё вилояти яна ўз аслига қайтарилди.

қизилқум саҳросида сувсизликдан қақраб ётган ерларнинг маълум қисмини ўзлаштириш ва самарা билан ишга солиш максадида 1982 йил 20 апрелда ташкил топган Навоий вилояти ҳам шу ўйлни босиб ўтди. Ташкил этилганидан бор йўғи 4 йил ўтиши билан, яъни 1986 йилга келиб бу вилоят ҳам тугатилиб Самарқанд вилояти билан қўшиб юборилди. Орадан яна тўрт йил ўтгандан сўнг Навоий вилояти 1998 йили қайта тикланди.

Бундай ноўрин, мантиққа тўғри келмайдиган, илмий жиҳатдан асосланмаган масалаларни тайёрлашда қанчадан- қанча киши банд бўлди, катта маблаг бехуда сарф этилди ва энг асосийси-аҳоли ҳаёти, унинг кундаклик турмушида учраб турадиган қатор масалалар мураккаблашди. Бу эса турли хил норозилклар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-хукукий тизими» деб аталган XVI бобининг 68-моддасида шундай дейилган. «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, қорақалпогистон Республикасидан иборат».

Конституциянинг 69-моддасида эса қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳозир қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ва Тошкент шаҳридан иборат. Ўз навбатида қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига шаҳарлар, туманлар, шаҳарча ва қишлоқлар киради.

Конституциянинг айтиб ўтилган моддалари асосида вужудга келган маъмурий-худудий тузилиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар қўйида келтирилган жадвалда ўз аксини топган.

Республиканинг маъмурий-худудий тузилиши бўйича юритилган фикрлар асосидан келиб чиқиб қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга қисқача таъриф берамиз.

**қорақалпоғистон Республикаси** (Собиқ қорақалпоғистон автоном Республикаси) 1992 йилнинг 9 январида суверен Республика хукукини олди. У ўзининг географик ўрнига кўра Ўзбекистоннинг шимоли-гарбий чеккасида, Орол дengизининг жанубида, қизилқум сахросининг гарбида ва Устюрт плато-сининг шарқий қисмида жойлашган. Республика худудига Орол дengизининг жанубий қисми киради. Унинг майдони 166,6 минг  $\text{km}^2$  га teng бўлиб, бу мамлакатимиз майдонининг 38 фоизи демакдир.

қорақалпоғистон Республикаси майдони асосан текисликлардан иборат бўлиб, бу ерда унча базанд бўлмаган (473 м) Султон Увайс тоглиги ва айрим қирлар мавжуд. Ана шундай катта майдонни эгаллаган қорақалпоғистонда Ўзбекистон Республикасининг бор-йўғи 8 фоиз аҳолиси яшайди, холос. Шунга кўра, бу ерда аҳолининг зичлиги жуда паст. Бу борада у Республикализнинг барча вилоятларидан (Навоий вилоятидан ташқари) орқада. Ўзбекистонда ҳар бир  $\text{km}^2$  майдонга ўртacha қарийб 55 киши тўғри келса, қорақалпоғистонда бу ракам 9 кишини ташкил этади. Юзага келган ҳолат қорақалпоғистон табиий географик шароитининг яшаш учун анча ноқулайлиги билан боғлиқ. Республика аҳолисининг асосий қисми Амударё соҳилларида истиқомат қиласи, кум сахроларидан иборат бўлган каттагина худудда аҳоли кам яшайди.



*15-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши  
(01.01. 2000 й. маълумотлари).**

Вилоятлар	Майдони (минг км <sup>2</sup> )	Аҳоли сони (минг киши)	Аҳоли зичлиги ҳар бир км <sup>2</sup> /га киши	қишлоқ туманлари	Шаҳар туманлари	Шаҳарлар сони	Шаҳарчалар сони
Ўзбекистон Республикаси	448,9	24583	54,8	164	18	120	113
қоракалпогистонРеспуб- ликаси	166,6	1506	9,0	15	-	12	16
Вилоятлар:							
Андижон	4,2	2192	522,0	14	-	11	5
Бухоро	40,3	1424	35,3	11	2	11	2
Жиззах	20,5	980	46,2	20	-	7	8
Навоий	111,0	786	7,1	8	-	6	7
Наманган	7,4	1930	260,8	11	1	8	11
Самарқанд	16,8	2679	159,5	16	3	11	12
Сирдарё	5,0	646	150,2	9	-	5	5
Сурхондарё	20,1	1741	86,0	14	-	8	7
Тошкент	15,61	2365	290,1 <sup>1</sup>	15	-	16	18
Фарғона	6,7	2676	399,4	15	1	9	10
Хоразм	6,1	1326	217,4	10	-	3	7
қашқадарё	28,6	2170	75,9	14	-	12	4
Тошкент шаҳри	...	2161	-	-	11	1	1

<sup>1</sup> Тошкент шаҳри қўшиб кўрсатилган.

қорақалпоғистон Республикаси таркибида 15 та қишлоқ туманлари бўлиб, улар қуидагилардир: Амударё, Беруний, Кегейли, Мўйнок, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Элликкала, конликўл, қораўзак, қўнғирот. Республика харитасида ўн иккита шаҳар мавжуд. Улар: Нукус, Беруний, Бўстон, Мангит, Мўйнок, Тахиатош, Тўрткўл, Халқобод, Чимбой, Шуманой, Хўжайли, қўнғирот шаҳарлариридир. Маркази Нукус шаҳри.

**Андижон вилояти.** Бу вилоят 1941 йилнинг 6 марта ташкил топган. Андижон вилояти Фарғона водийсидаги Ўзбекистоннинг уч вилоятидан бири бўлиб, у шу водийнинг шарқий қисмини эгаллади. Вилоят шимол, шимоли-шарқ ва жанубда кирғизистон, фарбда Фарғона вилояти, шимоли- гарбда Наманган вилоятлари билан чегараланади. Вилоятнинг гарбий қисмида бироз кўтарилиган (баландлиги 400-500 метр бўлган) тескиклар, унинг шарқий қисмида эса Фарғона ва Олой тоғ тизмалари таркибига кирувчи адирлар бор.

Андижон вилояти Республиkaning майдони энг кичик ҳудуди бўлиб, бу жиҳатдан у қорақалпоғистон ва барча вилоятлар орасида энг охирги ўринни эгаллади. Вилоят бор-йўғи  $4,2 \text{ km}^2$  майдонни эгаллади, бу Ўзбекистон майдонининг 1 фоизга яқинини ташкил этади, холос. Майдонининг шунчалик кичклигига қарамай аҳоли сони бўйича Андижон вилояти қорақалпоғистон ва вилоятлар орасида тўртинчи ўринни эгаллади. Вилоятда 2 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиласди. Кўриниб турибиди, аҳоли зичлиги бўйича Андижон вилояти мамлакатимиз доирасида энг юкори ўринни эгаллади. Ушбу ҳудуднинг ҳар бир  $\text{km}^2$  майдонига 520 дан ортиқ киши тўғри келади.

Андижон вилояти аҳолисининг қарийб 1/3 қисми шаҳар аҳолиси, қолганлари эса қишлоқ аҳолисини ташкил этади. Вилоят 14 қишлоқ туманларига бўлинади. Булар қуидагилардан иборат: Андижон, Асака, Балиқчи, Булокбоши, Бўз, Жалолкудук, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улугнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, кўргонтепа. Шаҳарлар сони ўн битта: Андижон, Асака, Марҳамат, Охунбобоев, Пахтаобод, Пойтуғ, Хўжаобод, қорасув, кўргонтепа, Хонобод, Шаҳрихон. Вилоят маркази Андижон шаҳри бўлиб, у билан Тошкент орасидаги масофа 477 км га тенг.

**Бухоро вилояти.** 1938 йил 15 апрелда ташкил топган. Вилоят мамлакатимизнинг жануби-гарбий қисмида жойлашган бўлиб, қизилқум чўлининг каттагина қисмини эгаллаган. қорақалпоғистон, Хоразм, Навоий, қашқадарё вилоятлари ва жанубда кўшни Туркманистон билан чегарадош.

Аввалига Бухоро вилояти Республиkaning каттагина 144 минг  $\text{km}^2$  майдонини эгаллаган эди. 1982 йили Ўзбекистон харитасида Навоий вилоятининг пайдо бўлиши туфайли Бухоро вилоятининг маълум бир қисми (Конимех, Навбаҳор, Томди, Учқудук, қизилтепа қишлоқ туманлари ва Навоий, Зарафшон шаҳарлари) ана шу вилоятга берилди. Шунга кўра унинг майдони бироз кичрайиб, 39,4 минг  $\text{km}^2$  га тенг бўлиб колди. Кўриниб турибиди, Бухоро вилояти майдонининг катталиги жиҳатидан ҳали ҳам анча юкори ўринни-қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятидан кейин учинчи ўринни эгаллагаб турибди. Аҳолисининг сони бўйича эса у тўққизинчи ўринда. Вилоятда истиқомат қиласиган аҳоли сони 1419 минг кишини ташкил этади. Аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқ аҳолиси. Ҳудуднинг ҳар бир  $\text{km}^2$  ўрта ҳисоб билан 35 кишига тўғри келади.

Вилоят ҳудуди 11 қишлоқ туманларига бўлинади. Улар қуидагилар: Бухоро, Жондор, Когон, Вобкент, Олой, Пешку, Ромитан, Шофиркон, қоровулбозор, /иждуvon, Галлаосиё. Шаҳарларининг сони 11 та: Бухоро, Вобкент, Газли, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, қоракўл, қоровулбозор, Галлаосиё, /уждуvon. Вилоят маркази–Бухоро.

**Жиззах вилояти.** Ушбу вилоят 1973 йил 29 декабрида ташкил топган. У Республиkaning марказий қисмида жойлашган, бу вилоят шимолда қозогистон, жанубда Тоҷикистон давлатлари, фарбда Самарқанд ва шарқда Сирдарё вилоятлари билан чегараланади. Унинг майдони  $20,5 \text{ минг km}^2$  га тенг бўлиб, Республика майдонининг 4,5 фоизига тенг.

Табиий-географик жиҳатдан вилоятнинг жануб томонларида Туркистон тоғ тизмасининг гарбий тармоқлари (Молгузар тизмаси), гарбий қисмида Нурота тоғ тизмаси тармоғи мавжуд. Вилоят аҳолиси 900 мингдан ортиқ бўлиб, унинг таҳминан учдан икки қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. Жиззах вилояти ҳудудида аҳолининг ўртача зичлиги 45 киши.

Жиззах вилояти таркибида 12 қишлоқ тумани мавжуд: Арнасой, Бахмал, Дўстлик, /аллаорол, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш ва Янгибод. Вилоятда 7 шаҳар бор. Унинг маркази Жиззах шаҳри.

**Навоий вилояти.** Бу вилоят Республиkaning энг ёш вилояти ҳисобланади. У дастлаб 1982 йил 20 апрелда қизилқум саҳросининг маълум бир қисмини ўзлашириш ва у ердаги табиий бойликлардан унумли фойдаланиш мақсадида ташкил этилган эди.

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, қизилқум саҳросининг каттагина қисмини эгаллади. Унинг майдони  $110,8 \text{ минг km}^2$  га тенг, бу жиҳатдан у энг катта вилоят ҳисобланади. Навоий вилояти фарбда қорақалпоғистон, шимолда қозогистон, шарқда Жиззах, жанубда қашқадарё ва Бухоро вилоятлари билан чегараланади.

Навоий вилояти аҳолиси 800 минг кишига яқинлашмоқда. Шундан кўриниб турибдики, бу кўрсаткич бўйича Навоий вилояти Республикада 11-ўринни эгаллайди, аҳолининг зичлигига кўра эса вилоятлар орасида охирги ўринда-ҳар бир  $\text{км}^2$  майдонга атиги етти киши тўғри келади, холос.

Навоий вилояти ҳудуди саккиз қишлоқ туманларига бўлинган. Булар қўйидагилар: Конимех, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи, қизилтепа. Вилоятда олтита шаҳар мавжуд: Навоий, Учқудук, қизилтепа, Нурота, Зарафшон, Янгибод. Унинг маъмурий маркази-Навоий шаҳридир.

**Наманган вилояти.** Ўзбекистоннинг шарқида, Фарғона водийсининг шимолий қисмида, асосан Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Наманган вилояти дастлаб 1941 йилнинг 6 марта ташкил топган. Кейинчалик, 1960 йил 25 январда тутатилиб, унинг ҳудуди Андижон ва Фарғона вилоятлари таркибига кўшиб юборилган. 1967 йил 18 декабрда у яна қайта тикланган.

Географик нуқтаи назардан Наманган вилоятининг катта қисми текисликлардан иборат. Наманган ерлари шимол томон анча кўтарилиб, баландлиги 1000-1200 метргача етган адир ва тоғлар билан куршалган. Вилоят ҳудуди шимол ва шимоли-шарқка борган сари кўтарилиб қурама ва Чотқол тоғ тизмаларига туташиб кетган.

Вилоят майдони учча катта эмас-7,4 минг  $\text{км}^2$ . У шимолда қирғизистон, шимоли-гарбда Тошкент вилояти, гарбда Тожикистон, жанубда Фарғона, жануби-шарқда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Наманган вилояти ҳам Фарғона водийси таркибида Андижон ва Фарғона вилоятлари сингари аҳолининг зич ўрнашганлиги билан ажralиб туради. Бу вилоятда ҳар бир  $\text{км}^2$  майдонга қарийб 260 киши тўғри келади.

Наманган вилоятида 11 қишлоқ туманлари (Косонсой, Мингбулок, Наманган, Норин, Поп, Тўракўрон, Уйчи, Учқўргон, Чорток, Чуст, Янгиқўрон) мавжуд. Шаҳарлари 8 та: Наманган, Косонсой, Учқўргон, Чорток, Чуст, Ҳаккулобод, Поп, Тўракўрон. Маркази-Наманган шаҳри.

**Самарқанд вилояти.** Республикада биринчи ташкил бўлган вилоятлардан хисобланади. У 1938 йил 15 январда ташкил топган. Ушбу вилоят Республика ҳудудининг марказий қисмида, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган. Унинг чегаралари ғарб ва шимоли-гарбда Навоий вилояти, шимол ва шимоли-шарқда Жиззах ва жанубда қашқадарё вилоятлари, жануби-шарқда Тожикистон билан туташ.

Вилоятнинг марказий қисми гўзал воҳадан иборат бўлиб, бу воҳа учча кенг бўлмай шарқдан гарбга томон Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмалари орасини эгаллаган. Вилоятнинг асосий суғориладиган ерлари ҳудди ана шу майдонларни эгаллаган.

Аҳоли сони жихатидан Самарқанд вилояти Фарғона вилояти билан деярли бир хил бўлиб, улар Республикада биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб оладилар.

Самарқанд вилояти қишлоқ туманлари сони бўйича қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Бу вилоятда бундай туманлар сони 14 та. Улар қўйидагилар: Булунгур, Жонбой, Иштиҳон, Каттақўргон, Нарпай, Нурабод, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Паҳтачи, Самарқанд, Тойлок, Ургут ва қўшработ туманлари. Шаҳарлар сони 11 та (Самарқанд, Булунгур, Жонбой, Жума, Иштиҳон, Каттақўргон, Нурабод, Оқтош, Пайариқ, Ургут, Челак).

Кўхна, ноёб тарихий обидаларга бой бўлган Самарқанд шаҳри вилоятнинг марказий шаҳри бўлиб, у 1924-1930 йилларда Ўзбекистон пойтахти вазифасини бажарган.

**Сирдарё вилояти.** 1963 йилнинг 16 февраляда Мирзачўлнинг қурғокчиликдан қақраб ётган ерларини ўзлаштириш, унинг ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёт даражасини кўтариш мақсадида ташкил қилинган. Вилоят Ўзбекистоннинг икки йирик дарёсидан бири бўлган Сирдарёнинг Фарғона водийсидан чиқиш жойида, унинг соҳилида жойлашган. Сирдарё вилояти шимолда қозогистон, шарқда Тошкент вилояти, жанубда Тожикистон ва гарбда Жиззах вилояти билан чегарадош.

Вилоят рельефи паст-баландликлардан иборат бўлиб, шимолдан шимоли-ғарб томон пасайиб боради. Шимолий қисмида баландлиги 230 метргача, марказий қисмида 400-450 метр, жануб ва жануби-ғарбий қисмида 600-650 метргача бўлган тепаликлар бор.

Сирдарё вилояти жуда кичик майдонни эгаллайди ( $5,1$  минг  $\text{км}^2$ ). Бу жиҳатдан у вилоятлар орасида охирги ўринлардан бирини, яъни Андижон вилоятидан олдинги ўринни эгаллайди. Аҳолининг сони бўйича вилоят энг охирги ўринда ( $642,2$  минг). Аҳолисининг қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда яшайди.

Сирдарё вилоятида 9 қишлоқ туманлари (Боёвут, Гулистон, Мехнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов) мавжуд. Шаҳарларнинг сони бештагина: Гулистон, Баҳт, Сирдарё, Ширин, Янгиер. Гулистон шаҳри вилоятнинг маъмурий маркази бўлиб, у аҳоли сони жихатидан Республика вилоят марказлари орасида энг кичиги хисобланади.

**Сурхондарё вилояти.** Ўзбекистоннинг энг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 марта ташкил этилган. Вилоят шарқда Тожикистон, ғарб ва шимоли-ғарбда Туркманистон давлати ва қашқадарё вилояти, жанубда Ўрта Осиёнинг йирик дарёси-Амударё бўйлаб Афғонистон мамлакати билан чегарадош.

Сурхондарё вилояти уч томондан тоғлар билан: шимолда Ҳисор, шимоли-ғарбда Бойсун ва Кўҳиганг, шарқда Боботоғ тоғлари билан қуршалган. Сурхондарё воҳаси ана шу тоғлар орасида шимолдан жанубга Амударё томон пасайиб боради. Бу вилоят Ўзбекистоннинг энг иссиқ худудидир.

Вилоят аҳолиси 1700 мингдан ортикроқ Сурхондарё вилояти урбанизация кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг қолган бошқа вилоятларидан кескин фарқ қиласди. Вилоят аҳолисининг атиги 19-20 фози шаҳар аҳолиси хисобланади.

Вилоят майдони 20,1 минг км<sup>2</sup>, унда 14 қишлоқ туманлари (Ангор, Бандиҳон, Бойсун, Денов, Жарқўргон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, кизириқ, кумқўргон) бор. Шаҳарлар сони 8 та: Термиз, Бойсун, Денов, Жарқўргон, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, кумқўргон. Маркази-Термиз шаҳри.

**Тошкент вилояти.** Республикаизнинг марказий вилояти бўлиб, у Ўзбекистон худудида энг биринчи ташкил этилганлардан биридир (1938 йил 15 январ). Унинг майдони 15,6 минг км<sup>2</sup>.

Вилоят Республиканинг шимоли-шарқий қисмида /арбий Тяньшан тоғлари билан ўралган. У Сирдарёнинг ўрта оқими, Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, Мирзачўл ва Жанубий қозогистон вилояти оралиғида ўрнашган. Географик ўринининг кулайлиги вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент вилоятининг шимолий ва шимоли-шарқий чеккаларида Чотқол, Угом, Пском тог тизмалари бор. Вилоят доирасидаги тоғларнинг энг баланд чўқкилари Алелунг (4301 м.) ва Бештор (4299 м.).

Вилоят Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда қозогистон, шимоли-шарқда қирғизистон давлатлари ва Наманган вилояти, жанубда Тоҷикистон Республикаси, ғарбда Сирдарё вилояти билан чегараланди.

Тошкент вилояти, юқорида айтиб ўтилганидек, майдони жиҳатидан Республиканинг унча катта бўлмаган қисмини эгалласада, аҳоли сони бўйича қолган вилоятлар орасида юқори ўринда туради. Унинг аҳолиси 4,5 млн. атрофида (Тошкент шаҳри билан биргаликда). Бу Ўзбекистон аҳолисининг 1/5 қисмидан кўпроғи демакдир. Шунга кўра вилоят аҳолисининг зичлиги 290 кишига тенг.

Тошкент вилоятида 15 қишлоқ туманлари мавжуд-Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Зангиота, Оққўргон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчик, Янгийўл, Ўрта Чирчик, кибрай, куйи Чирчик. Кўриниб турибдики, бу борада Тошкент вилояти Самарқанд вилоятидан кейин иккинчи ўринни, шаҳарлар сони (17) жиҳатидан эса биринчи ўринни эгаллади. Шаҳарлари қуидагилар: Тошкент, Ангрен, Бекобод, Бўка, Келес, Олмалиқ, Оҳангарон, Оққўргон, Паркент, Пискент, Дўстобод, Тўйтепа, Чиноз, Чирчик, Янгийўл, /азалкент. Вилоят маркази-Тошкент шаҳри.

**Фарғона вилояти.** 1938 йилнинг 15 январида вужудга келган. Фарғона водийсида жойлашган уч вилоятнинг биридир. Мамлакатимизнинг шарқида, водийнинг жанубий қисмида жойлашган. Жанубда қирғизистон, ғарбда Тоҷикистон Республикаси, шимолда Наманган ва шарқда Андижон вилоятлари билан чегараланган.

Вилоят майдони жиҳатидан унча катта эмас (7,1 км<sup>2</sup>). Аҳолисининг сони бўйича эса у олдинги ўринларни эгаллади. Шунга кўра вилоядта аҳоли зичлиги анча юқори (345 киши).

Фарғона вилоятида ҳам қишлоқ туманлари кўп. Уларнинг сони 15 та: Боғдод, Бешариқ, Бувайда, Дангара, Ёзёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлок, Учкўприқ, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, кува. Вилоят харитасида 9 шаҳар мавжуд: Фарғона, кўқон, кува, кувасой, Ҳамза, Марғилон, Бешариқ, Риштон, Яйпан. Вилоят маркази-Фарғона шаҳри.

**Хоразм вилояти.** Ўзбекистон харитасида расмий тарзда 1938 йилнинг 15 январида ташкил топган. У Республиканинг шимоли-ғарбий қисмида, Амударё куйи оқимининг чап соҳилида қадимий обикор дехкончилик худудида жойлашган бўлиб, Орол-Каспий пасттекислигининг бир қисмини эгаллади. корақалпогистон сингари Хоразм вилояти ҳам мамлакатимизнинг энгузок худуди хисобланади. Республика пойтахти Тошкент шаҳри билан Хоразм маркази Урганч шаҳри орасидаги масофа 1119 км га тенг. Вилоят шимол ва шимоли-шарқда корақалпогистон Республикаси, шарқда ва жануби-шарқда Бухоро вилояти, жануб ва жануби-ғарбда Туркманистон давлати билан чегарадош.

Майдонига кўра Хоразм вилояти анча кичик вилоят бўлиб, у Республикада охирги ўринлардан бирини эгаллади. Унинг майдони 6,3 км<sup>2</sup> ёки Республика майдонининг бор-йўғи 1 фоиздан сал ортикроғини ташкил этади.

Хоразм вилояти худуди 10 та қишлоқ районларига бўлинган. Улар қуидагилар: Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибод, кўшкўпир, Ҳазорасп. Бу вилоядта шаҳарлар сони энг кам. Унда 3 та шаҳар мавжуд, холос: Урганч, Питнак, Хива. Вилоят маркази-Урганч шаҳри.

**Қашқадарё вилояти.** Вилоят дастлаб 1943 йилнинг 20 январида тузилган. Кейинчалик 1960 йилнинг январига келиб у Сурхондарё вилояти билан кўшиб юборилган. 1964 йилнинг 7 февралида қашқадарё вилояти қайта тикланган.

Вилоят қашқадарё ҳавзасида ва Помир-Олой тоғ тизмасининг ғарбий чеккаларида жойлашган. Ҳудуди ғарбдан шарққа томон 300-400 метргача кўтарилиб боради. Вилоятнинг шарқий қисми Китобкамши тоғ этакларидан иборат бўлиб, у ерларнинг баландлиги 450-500 дан 900-950 метргача боради.

Вилоят доирасидаги тоғларнинг асосий қисми унинг шимоли-шарқий қисмини эгаллаган. Бу ердаги тоғларнинг энг баланд нуқталари 4000 метргача етади.

қашқадарё вилояти майдони  $28,4 \text{ км}^2$ . Ахолиси 2 млн. дан ортиқ. Аҳолининг қарийб  $\frac{3}{4}$  қисми қишлоқларда истиқомат қиласди.

Вилоят шарқда Тожикистон, жануб ва жануби-ғарбда Туркманистон давлатлари билан, ғарб ва шимоли-ғарбда Бухоро ҳамда Навоий, шимолда Самарқанд вилоятлари билан чегарадош.

қашқадарё вилояти ҳудуди 14 қишлоқ туманларига бўлинган. Бу туманлар таркибига Баҳористон, Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Усмон Юсупов, Чирокчи, Шахрисабз, Яккабог, қамаши, қарши, /узор туманлари киради. Вилоятда 12 та шаҳар мавжуд (қарши, Вобкент, Китоб, Косон, Муборак, Толлимаржон, Чирокчи, қамаши, /узор, Яккабог, Янгинишон, Шахрисабз). Вилоят маркази-қарши шаҳри.

### Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда вилоят, қишлоқ туманлари ва шаҳарлар сони қанча?
2. қишлоқ туманлари энг кўп ва энг оз бўлган вилоятлар қайсилар?
3. Шаҳарлари энг кўп ва энг оз бўлган вилоятларни айтинг.
4. Республика маъмурий-худудий бўлининининг аҳамияти нимада?

### III ҚИСМ

#### МИНТАҚАЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЪРИФИ

#### І БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИГИННИГ ХУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ

Минтақавий иқтисодиёт фани моҳиятан ижтимоий ва географик меҳнат тақсимоти натижасида шаклланган ишлаб чиқаришнинг худудий таркиб ва тизими билан шуғулланади. қолаверса, бу фаннинг вужудга келиши ҳам кўп жиҳатдан минтақавий тадқиқотлар, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлаштирилишидаги минтақавий хусусият ҳамда муаммолардан келиб чиқсан.

Умумилмий аҳамиятга эга бўлган тизим ғояси унинг ички тузилиши, яъни таркибга эга бўлиши, таркиб ва тизимни ташкил этувчи тик ва горизонтал, ички ва ташкил алоқаларни тақозо этади. Ўз навбатида тизимнинг ички жиҳатдан яхши ташкил этилганлиги унинг мустаҳкамлиги, мустакил амал қилиши ва бошқарувчанлигини таъминлайди.

Ҳар қандай тизим таркибдан, ички қисмлардан иборат; бу қисмлар бирлиги тизимнинг бутунлигига олиб келади, унга «жон» беради, бутунлик эса қисмларга «ҳаёт» бағишлидай. Шу нуқтаи назардан тизим, жумладан худудий ишлаб чиқариш тизими турли даража ва миқдордаги таркибдан ташкил топади. Аммо, тизимни табақалаштириш, уни қисм ва қисмчаларга «тик» ҳолда тақсимлаш чексиз эмас; унинг бирламчи қисми-элемент бўлиб (масалан, минтақавий иқтисодиётда корхона), у бошқа парчалан-маслиги керак. Акс ҳолда бундай ёндашув минтақавий тизимнинг ишлаб чиқариш ва корхонанинг бошқарув, техник-иктисодий тизимига ўтиб кетади. Элемент босқичидан юқори қаватларда жойлашган таркибий қисмлар эса ички жиҳатдан тизим ёки тизимча ҳисобланади, ташқаридан қараганда эса у таркибdir. Шу сабабдан, турли босқичдаги тизимларни очик ёки ёпиқ шаклда кўриш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг худудий таркиби ҳар хил кўринишга эга. Бу таркиб ёки тизим ҳосил қилувчи омилларга боғлиқ. Бундай омиллар эса оддий худудий ёки географик, гидрографик, орогеографик, маъмурий-худудий (бошқарув) ва иқтисодий географик бўлади. Чунончи, Узбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини (халқ хўжалигини) Аму ва Сирдарё ҳавзаси, тоғ ва текислик районлари, вилоятлар ҳамда иқтисодий районлар ёки минтақаларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин. Айни вақтда улар ҳам ўз навбатида турли босқич ва миқдордаги қисмларга бўлинади.

Юкоридаги ҳар хил кўринишдаги таркиб (тизимлар) асосида умумий омил сифатида худудий бирлик хизмат киласди. Бинобарин, мамлакатларни иқтисодий районлаштириш билан кўпроқ иқтисодий география шуғулланади ва бу фаннинг тарихини энг аввало иқтисодий районлаштириш тарихи билан боғлайдилар. Шунинг учун ҳам иқтисодий география минтақавий иқтисодиётнинг назарий, методологик асоси вазифасини ўтайди.

Миллий иқтисодиёт таркибини таҳлил ва тадқиқ қилишда ишлаб чиқаришнинг худудий таркибини турли шаклларидан фойдаланилади. Уларнинг барчаси давлатнинг бошқарув функциясини ва

унинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда хизмат қилишлари мумкин. Бироқ, бу нұктаи назардан расмий маҳаллий ҳокимият тизимиға эга бўлган маъмурий иқтисодий районлар жуда кўл келади. Шу билан бирга мамлакатнинг маъмурий-худудий бўлиниши, геосиёсий тузилмаси объектив ҳолатда шакланган иқтисодий районларга (минтақаларга) асосланиши максадга мувофиқдир.

Ўзбекистон худудининг табиий географик жиҳатдан турли-туманлиги унинг «географик геометриясини», худудий иқтисодиётининг шаклланишига сабаб бўлади. Жумладан, Республика майдонининг 70 фоиздан кўпроғини текисликлар ташкил этиши, анъанавий суғорма дехкончилик учун керак бўлган сув ресурсларининг хотекис тақсимланиши, аҳоли ва ишлаб чиқариш зич жойлашган воҳа ва водийлар билан бир каторда яхши ўзлаштирилмаган чўл минтақасининг мавжудлиги ички худудий-иқтисодий тузилманинг шаклланишини белгилаб беради. Шунингдек, бунга мамлакат геокиёфаси (худудининг конфигурацияси, шимоли-гарбдан жануби-шарққа чўзилганлиги), чегара чизиги, унинг оддий ва мураккаблиги ҳам таъсир этади.

Таъқидлаш жоизки, мамлакат худуди ички тузилмасининг табиий жиҳатдан ҳар хиллиги унинг иқтисодий ривожланишида ижобий аҳамиятга эга. Чунки, бундай табиий географик ҳолат иқтисодий географик вазиятнинг шаклланиши, худудий меҳнат тақсимотининг кенг ривожланишига имкон беради. Зоро, ҳар қандай мукаммал тизим бир туслаги таркибий қисмларнинг оддий йигинди эмас, балки уларнинг турли-туманлигидан ташкил топади. Айнан ана шундай шароитда худудий бирликлар бир-бирини тўлдиради, улар ўргасида иқтисодий интеграция жараёнига эҳтиёж туғилади ва шу асосда иқтисодиётнинг худудий самарадорлиги вужудга келади.

Бирор-бир мамлакатнинг худуди табиий ва иқтисодий жиҳатдан мутлоқ бир хил бўлмайди. Худди шунга мос равиша ишлаб чиқариш кучлари ҳам худуд бўйича бир текис жойлашмайди. Хотекислик эса ўзига хос худудий-иқтисодий ривожланиш омилидир. қизиги шундаки, ҳар қандай мамлакат ёки вилоят ўзининг худудида ишлаб чиқариш кучларини бир текис жойлаштиришга, худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштиришга ҳаракат қилади, аммо мутлоқ ҳолда бундай тенглик ҳеч қачон амалга ошмайди.

Ўзбекистон иқтисодиёти асосан майдони унча катта бўлмаган водий ва воҳаларга тўғри келади. Масалан, Фарғона водийсида (худуди Республика майдонининг атиги 4 фоизини ташкил қиласди) мамлакат иқтисодий-демографик салоҳиятининг деярли 30 фоизи жойлашган. Демак, бу ерда умумий ижтимоий-иқтисодий зичлик Республика ўргача кўрсаткичидан 7,5 марта зиёд.

Бозор муносабатлари нафакат тармоқ ва корхоналараро ракобатни, балки худудлар-иқтисодий районлар орасида ҳам соглом ракобат муҳитини тақозо этади. Бунда ҳар бир худуд ўз ички имкониятлари, ривожлантирувчи кучларидан тўлароқ ва самарали фойдаланишга, қулай инвестиция муҳитини шакллантирган ҳолда экспорт салоҳиятини оширишга интилади.

Республикамизни иқтисодий районлаштириш анча бой тарихга эга. Дастлаб, масалан, 60-йилларда бу ерда 5 иқтисодий район ажратилган: Тошкент, Фарғона, Зарафшон, куйи Амударё ва Жанубий иқтисодий районлар. Ўша даврларда ҳам бу масала билан ТошДУ (ЎзМУ) иқтисодий географиали-В.М.Четиркин, Ю.Г.Цапенко, кейинчалик З.М.Акрамов, О.Б.Отамирзаев, А.С.Солиевлар ҳамда ЎзФА Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш кенгаши (К.Н.Бедринцев, С.К.Зиёдуллаев) шуғулланишган. Улар ажратган иқтисодий районларнинг миқдори авваллари бир хил, аммо районларнинг таркибида айрим фарқлар мавжуд бўлган. Чунончи, ТошДУ районлаштиришида қашқадарё вилояти Жанубий иқтисодий райони таркибида кўрилган, ЎзФА да эса бу вилоят Зарафшон иқтисодий районига киритилган; ҳар иккисида ҳам Тошкент иқтисодий райони Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан ташкил этилган.

Саксонинчи йилларда ТошДУ олимлари янги Мирзачўл иқтисодий районини ажратишини таклиф қилишган, ЎзФА эса Самарқанд-қашқадарё районини белгилашган. Айни вактда ўрта мактаб дарсликларида бу вилоятлар алоҳида иқтисодий районлар даражасида (яъни Самарқанд ва қашқадарё иқтисодий районлари) ажратилган ва ҳозиргacha шу тартибда ўқитиб келинмоқда. Шундай қилиб, таркиби жиҳатидан мунозарасиз районлар факат Фарғона ва куйи Амударё бўлган. Кейинчалик Тошкент ҳамда Мирзачўл (бир вактлар у ЎзФА да Сирдарё-Жиззах райони деб ҳам аталган) районлари таркиби бўйича ҳам ўзаро «муросага» келишилган.

Сўнгги йилларда, мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришуви, унинг иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши, ички худудий меҳнат тақсимоти ва минтақалараро иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантириш, транспорт мустақиллигини таъминлаш каби долзарб масалалар иқтисодий районлаштириш муаммосини қайтадан кўриб чиқишни талаб қилди. Агар авваллари иқтисодий районлаштириш ва худудий-иқтисодий тадқиқотлар «социалистик планлаштириш» нұктаи назаридан олиб борилган бўлса, ҳозирги шароитда у, энг аввало, давлатнинг илмий асосланган минтақавий сиёсатини амалга ошириш учун зарурдир.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ва узоқ истиқболни ҳисобга олган ҳолда мамлакат миллий иқтисодиётининг худудий таркибини 6 та асосий иқтисодий районлар ёки минтақалар мажмуаси шаклида киритиш таклиф қилинади. Бу ерда аввалги районлаштиришдан фарқ Самарқанд ва қашқадарё вилоятла-

рига тегишли. қашкадарё вилоятини, янги /узор-Бойсун-кумкўрғон темир йўлини қурилиши муносабати билан, Сурхондарё билан биргаликда Жанубий иқтисодий райони таркибига, Самарқанд вилояти эса, унинг тарихий-географик ривожланиш омилини эътиборга олиб, анъанавий Зарафшон иқтисодий районига киритилиди.

**Юқорида ажратилган асосий иқтисодий районлар (16- жадвал) қўйидаги талабларга жавоб берини керак:**

- Катта иқтисодий ва демографик салоҳиятга эга бўлиши (аҳолиси камида 1,5-2,0 млн киши, ялпи миллий маҳсулот 5 фоиздан ортиқ);
- Мамлакат миллий иқтисодиётни ва унинг экспорт салоҳиятини юксалтиришида фаол шитирок этиши;
- Ички ҳудудий-иқтисодий жиҳатидан яхлитлик;
- Район ҳосил қўлувчи тармоқ ва марказларнинг мавжудлиги;
- Минтақавий иқтисодиётнинг комплекс ривожланганилиги;
- Хўжаликнинг базавий соҳаларига эга бўлиши (электр энергетика, қурилиши ва пахта тозалаш саноати);
- Транспорт ва бошқа инфраструктура тизимининг шаклланганилиги ва бошқалар.

Мазкур имкониятларга эга бўлган ҳар бир иқтисодий район икки асосий вазифасини бажаради: **биринчидан**, у мамлакат иқтисодиётининг катта бир қисми сифатида унинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиши ва, **иккинчидан**, ўзининг алоҳида ҳудудий-иқтисодий бирлик (тизим) дараҷасида мустақил ривожланиш имкониятига эга бўлиши керак. Биринчи вазифа иқтисодий районларнинг ихтисослашуви, уларнинг минтақаларро, миллий ва жаҳон бозорларига чиқишини, иккincinnи эса комплекс (яъни ҳар томонлама) ривожланишини назарда тутади.

Демак, ихтисослашув ва комплекс; ихтисослашув район «башараси», ўрнини ифодалаб унинг фаоллиги ва ҳаракатчанлигини белгиласа, комплекслик тамоили район хўжалигининг ички жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиши, маҳаллий муаммоларни ҳал эта олишини таъминлайди. Шу билан бирга комплекслик турли босқичдаги ҳудудий бирлика бир хил бўлмайди. қуи даражадаги комплекслик юқори босқичдаги ҳудуд иқтисодиёти комплекслигидан торроқдир. Айни вақтда қуи даражадаги районнинг ихтисослашган тармоклари юқори босқичдаги район ва мамлакат миллий иқтисодиётидаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

16-жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодий районларининг майдони ҳар хил: уларнинг ўртасидаги фарқ 12 каррага (мартага) баробар. Энг кичик район Тошкент, энг катталари эса қуий Амударё ва Зарафшон иқтисодий районлари. Биргина қорақалпоғистон Республикасининг майдони Зарафшон иқтисодий районидан, Навоий вилояти Тошкент, Мирзачўл, Фарғона ва Жанубий иқтисодий районлар йигиндисидан каттароқ. Энг кичик вилоятлар Сирдарё ва Андижон бўлиб, уларнинг ҳудуди 4 минг кв. км атрофида.

Демографик салоҳият ҳам бир хил тақсимланмаган. Масалан, Фарғона минтақаси Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 28 фоизини ташкил қилади. Шунингдек, аҳоли сони Зарафшон ва Тошкент иқтисодий районларида ҳам кўпроқ, Мирзачўл минтақасида эса у атиги 6,6 фоизни ташкил қилади, холос.

Ялпи миллий маҳсулот бўйича олдинги ўринда Тошкент иқтисодий райони, энг орқада Мирзачўл туради. Ялпи миллий маҳсулот ва демографик салоҳият ўртасидаги нисбат (индекс) факат Тошкент ва қисман Зарафшон иқтисодий районларида ижобий, яъни 1,00 дан юқори, қолган минтақалар бу жиҳатдан заифрок.

Саноат ишлаб чиқариши ҳам айнан ана шу иқтисодий районларда ривожланган. Вилоятлар миқёсида эса Тошкент ва Навоий кескин ажралиб туради; Фарғона, Сирдарё, Андижон, Бухоро вилоятлари ўртача ва ундан бироз юқорироқ даражада. Айни вақтда қолган вилоятлар, айниқса Жиззах, Сурхондарё, Наманган ҳамда қорақалпоғистон саноати унча тараққий этмаган.

Аграр соҳа Тошкент, Фарғона ва Зарафшон районларида яхшироқ ривожланган, қолгандарида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нисбий кўрсаткичлари районлар демографик салоҳиятидан паст. Бинобарин, айтиш мумкинки, улар ўзларининг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондира олмайдилар. Бу хуласа, энг аввало, Жиззах, Наманган вилоятлари ва қорақалпоғистон Республикасига дахлдор.

Инвестиция мухити Тошкент ва Жанубий иқтисодий районларда кулайрок (хусусан, Тошкент ва қашкадарё вилоятларида). Бу жиҳатдан Навоий вилоятида ҳам умумий вазият ёмон эмас, аммо Мирзачўл минтақаси ва Сурхондарё вилоятига сарф қилинган капитал маблағлар миқдори анча кам.

Ижтимоий соҳалар ривожланиши ҳам минтақалар ва вилоятлар миқёсида турлича. Жумладан, бу холат Тошкент минтақасида бирмунча ижобий бўлса, қолгандарида ва, айниқса Жиззах, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Мирзачўл минтақасида савдо обороти ва ахолига пуллик хизмат кўрсатиш даражаси анча пастрок (жадвалга қаранг).

Хар бир иқтисодий район мумкин қадар ўзининг электроэнергетика ва қурилиш базасига эга бўлиши керак. Электроэнергетика тизими Тошкент, Мирзачўл ва қисман Зарафшон иқтисодий районларида яхшироқ шаклланган, қолган районларда эса у бўшроқ. қурилиш базаси Тошкент, Фарғона ва Зарафшон районларида мавжуд. Бу соҳа айниқса қуи Амударё, Фарғона ҳамда Мирзачўл районларида муаммодир.

Ўзбекистон учун унинг барча районларида пахта тозалаш саноати ва тўқимачилик ривожланиши хосдир. Тўқимачилик ҳозирги кунда кўпгина иқтисодий районларда мавжуд, у факат Жанубий ва хусусан, Мирзачўлда ривожланмаган, холос.

Жадвалдаги районлар (туманлар эмас!) **асосий иқтисодий районлар** ҳисобланади. Ундан юкори ва қуий боскичларни ҳам ажратиш мумкин. Масалан, каттароқ кўламда Республикада Марказий (Тошкент ва Мирзачўл иқтисодий районлари), Жануби-гарбий (Зарафшон ва Жанубий иқтисодий районлар) ҳамда асосий иқтисодий районларга мос ҳолда Жануби-шарқий (Фарғона) ва Шимоли-гарбий (куй Амударё) минтақалар ажратилади.

қуий даражадаги иқтисодий районлар факат худуди каттароқ ва ички тафовутлари сезиларли бўлган вилоятларда шаклланган. Жумладан, Тошкент минтақасида Тошкент- Чирчик, Ангрен-Олмалиқ, Бекобод, Наманганд вилоятида Наманганд ва Чуст-Поп, Фарғона вилоятида Фарғона ва қўқон, Самарқанд вилоятида-Самарқанд ва Каттақўргон районлари («округлари») ажратилиши мумкин.

16-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби  
(2000 й., жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

Тартиб №	Иқтисодий миңтака ва вилоятлар	Май-дени	Аҳолиси (1.01.2000)	Иқтисодиётда банд бўлганлар	Ялпи миллий маҳсулот	Саноат маҳсулоти	Халқ истеъмол моллари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Шу жумладан,		Инвестиция (кап. маблағ)	Савдо обороти	Пулли хизмат
									Дехқончилик	Чорвачилик			
1	Тошкент миңтакаси	3,5	18,4	21,2	26,6	32,5	26,1	12,2	11,0	13,4	30,3	34,3	42,1
1.1.	Тошкент вилояти	3,5	9,6	10,0	10,2	15,6	9,2	12,2	11,0	13,4	6,1	8,7	8,6
1.2	Тошкент шаҳри	...	8,8	11,2	16,4	16,9	16,9	-	-	-	24,2	25,6	33,5
2	Мирзачўл миңтакаси	5,7	6,6	6,0	5,7	4,5	3,1	8,7	7,5	10,2	4,6	3,5	3,5
2.1.	Жиззах вилояти	4,7	4,0	3,3	3,0	0,9	1,0	5,0	3,9	6,3	2,3	1,6	2,3
2.2	Сирдарё вилояти	1,0	2,6	2,7	2,7	3,6	2,1	3,7	3,6	3,9	2,3	1,9	1,2
3	Фарғона миңтакаси	4,0	27,7	27,5	24,8	25,4	30,2	27,3	30,6	23,2	17,6	29,5	20,1
3.1	Андижон вилояти	0,9	8,9	9,3	8,3	9,8	14,5	10,4	12,4	7,9	5,6	10,2	8,4
3.2	Наманган вилояти	1,6	7,9	6,8	5,2	3,3	4,8	6,6	6,5	6,7	4,5	5,3	4,2
3.3	Фарғона вилояти	1,5	10,9	11,4	11,3	12,3	10,9	10,3	11,7	8,6	7,5	14,0	7,5
4	Зарафшон миңтакаси	37,4	19,9	20,3	20,7	26,2	23,9	23,1	22,2	24,4	16,6	16,2	17,4
4.1	Бухоро вилояти	9,0	5,8	6,6	7,5	6,4	7,3	8,0	9,0	6,8	4,9	4,4	6,3
4.2.	Навоий вилояти	24,7	3,2	3,5	4,2	10,8	2,0	3,5	2,6	4,7	5,5	2,6	2,8
4.3	Самарқанд вилояти	3,7	10,9	10,2	9,0	9,0	14,6	11,6	10,6	12,9	6,2	9,2	8,3
5	Жанубий миңтака	10,9	15,9	14,5	12,4	10,4	8,4	15,9	14,5	17,8	20,2	9,6	8,6
5.1	Сурхондарё вилояти	4,5	7,1	6,4	5,2	2,6	3,4	7,8	6,6	9,3	3,3	3,8	4,0
5.2	Қашқадарё вилояти	6,4	8,8	8,1	7,2	7,8	5,0	8,1	7,9	8,5	16,9	5,8	4,6
6	Кўйи Амударё миңтакаси	41,5	11,5	10,5	9,8	6,0	8,3	12,8	14,2	11,0	10,6	6,9	8,3
6.1	Қоракалпогистон Республикаси	37,1	6,1	5,4	4,1	2,7	3,3	4,1	5,0	3,0	6,5	3,1	3,1
6.2	Хоразм вилояти	1,4	5,4	5,1	5,7	3,3	5,0	8,7	9,2	8,0	4,1	3,8	5,2

Шунга ўхшаш районлар Сурхондарёда–Термиз ва Денов, қашқадарёда–Шаҳрисабз ва қарши, Навоийда–Навоий ва Зарафшон, қорақалпогистонда Нукус–Хўжайли, Беруний–Тўрткўл, кўнғирот ва Чимбой районлари шаклланиб боради. Мазкур даражадаги районлар фақат майдони кичик ва «ихчам» бўлган Андижон ва Хоразм вилоятларида ажратилмайди. Энг куйи босқичда қишлоқ туманлари миқёсида районлар белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон доирасида (1) йирик иқтисодий минтақалар (4), асосий иқтисодий районлар (6), маъмур иқтисодий районлар (13), вилоятлар ичидағи районлар (20 атрофида) ва маҳаллий, яъни туман районлари (164) ажратилади. Шунингдек, бу босқичда вилоят ва Республика аҳамиятига эга бўлган шаҳарлар ҳам ўрин олади (уларнинг сони 55). Белгиланган барча иқтисодий районларнинг ўзаро алоқаси минтақавий ва миллий иқтисодиётни шакллантиради.

**Асосий иқтисодий районларни ўрганишида қўйидаги тартиб тавсия этилади:**

- Иқтисодий район таркиби, майдони, аҳолиси ва миллий иқтисодиётда тутган мавқеи;
- Районнинг иқтисодий географик ўрни, табиий шароити ва табиий бойликларига баҳо берии;
- Аҳоли ва меҳнат ресурслари, демографик вазият ва меҳнат бозорининг шаклланиши;
- Минтақавий иқтисодиётнинг умумий таърифи;
- Район саноати ва унинг тармоқлар таркиби;
- қишилоқ хўжалиги, унинг тармоқлари;
- Транспорт ва бошқа инфраструктура тизими;
- Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари;
- Районнинг инвестиция муҳими ва ташқи иқтисодий алоқалари;
- Асосий муаммолари ва истиқболдаги устувор йўналишилари.

Ҳар бир иқтисодий район ва вилоятлар хўжалиги таҳминан шу тартибда таърифланиши керак. Хўжалик тизимидағи таҳлилни шу район учун етакчи аҳамиятга эга бўлган йўналиш ва тармоқлардан бошламоқ ҳам мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими-мintaқалар тавсифида иқтисодий кўрсаткич ва муаммолар, худудий хусусиятлар аник очиб берилиши талаб этилади.

**Савол ва топшириқлар**

1. **Худудий таркиб ва тизим моҳиятини тушиунтириб беринг.**
2. **Ўзбекистон иқтисодиётини қандай худудий бирликларга ажратилиши мумкин?**
3. **Ўзбекистон иқтисодий районлари нечта ва улар қайси тамоийллар асосида белгиланган?**
4. **Иқтисодий районлар таърифи қандай тартибда олиб борилади?**

## II БОБ. ТОШКЕНТ МИНТАҚАСИ

Тошкент мінтақаси (иқтисодий райони) ижтимоий-иктисодий ривожланишига кўра Ўзбекистонда етакчи ўринни эгаллайди. Унинг таркибига Тошкент вилояти ва мамлакат пойтахти–Тошкент шаҳри киради. Умумий майдони 15,6 минг км<sup>2</sup> га teng бўлиб, у Республика худудининг 3,5 фоизини ташкил этади.

Мазкур иқтисодий районда, 01.01.2001 йил маълумотларига кўра, жами 4508,7 минг аҳоли яшаган ва бу кўрсаткич мамлакат аҳолисининг 18 фоизига баробар. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км<sup>2</sup> га 290 киши (ЎзР-55 к). Урбанизация даражасининг бирмунча юкорилиги билан ушбу иқтисодий район мамлакатда алоҳида ажралиб туради.

Тошкент иқтисодий районининг шаклланишида муҳим омиллардан бири унинг иқтисодий географик ўрнидир. Жумладан, уни мамлакатнинг шимоли-шарқий қисмида, Чирчик ва Оҳангарон дарёлари ҳавзасида жойлашганлиги, Фарғона иқтисодий райони билан туташганлиги, худуди орқали муҳим транспорт йўлларининг ўтганлиги ва қўшни республикалар ҳамда узок хориж мамлакатлари билан алоқа килишга қулаги шароит яратади.

Район ҳосил қилувчи яна бир муҳим омил унинг худудида қудратли илмий-техник ҳамда иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакат пойтахти–Тошкент шаҳрининг жойлашганлиги билан белгиланади. Шунингдек, унинг минерал ҳом ашё ресурсларига бойлиги хўжалигига саноатнинг етакчи эканлигига ва замонавий тармоқларни тараққий этишига асос бўлган. Бу ерда яратилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 2/3 қисми саноат хиссасига тўғри келади.

Тошкент мамлакат ички меҳнат тақсимотида қора ва рангдор металлургия, машинасозлик, химия, ёқилғи энергетика, қурилиш саноати, пахтачилик, мева, сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган. Ушбу районга мамлакатда ишлаб чиқариладиган пўлат, тайёр прокат, капролактам, тракторлар, кабел ва ойнанинг юз фоизи, кўмир, компрессорлар, электр энергияси, минерал ўғитлар, цементнинг катта қисми тўғри келади. Шунинг билан бирга, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам яхши ривожланган.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри демографик салоҳиятига кўра деярли тенг бўлсаларда, табиий шароити ва бойликлари ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш хусусиятларига кўра ўзаро фарқланади. Жумладан, вилоят ўзининг улкан қазилма бойликлари, ер-сув ресурсларига эга бўлса, пойтахт–Тошкент шаҳри эса саноат ишлаб чиқаришининг юкори даражада мужассамлашуви ҳамда юксак илмий-техник салоҳияти билан ажралиб туради.

Куйидаги жадвалда Тошкент иктисодий районининг мамлакат миллий иктисодиётида тутган ўрни акс эттирилган.

## 17-жадвал

### Тошкент минтақасининг айрим макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда тутган ўрни (2000 йил, фоизда)

№	Кўрсаткичлар	Тошкент иктисодий райони ЎзРга нисбатан	Тошкент вилояти		Тошкент шаҳри	
			ЎзР га нис- батан	Тошкент икти- садий районига нисбатан	ЎзР га нис- батан	Тошкент икти- садий районига нисбатан
1	Аҳолиси, 01.01.2001 й.	18,0	9,4	52,5	8,6	47,5
2	Ялпи ички маҳсулот	23,4	9,9	42,4	13,5	57,6
3	Саноат маҳсулоти	27,7	13,0	47,2	14,7	52,8
4	қишлоқ хўжалик маҳсулоти	14,4	14,4	100,0	-	-
5	Экин майдони	8,4	8,4	100,0	-	-
6	Инвестиция хажми	30,7	7,2	23,3	23,5	76,7
7	Ташки савдо обороти	45,1	12,3	27,3	32,8	72,7
	Шундан: экспорт	35,8	11,6	32,4	24,2	67,6
	импорт	55,2	13,0	23,8	42,2	76,2

Тошкент иктисодий районининг ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 23,4 фоизи, саноат маҳсулотининг 27,7 ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг эса 14,4 фоизи тўғри келади.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар билан қурилган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент минтақасида тўпланган. Чунончи, бундай корхоналарнинг умумий сони районда жами 2803 тани ташкил этса, биргина Тошкент шаҳри ҳиссасига унинг 93,5 фоизи тўғри келади.

Мазкур иктисодий район келажак тараққиётининг асосий йўналишлари бир томондан вилоятиниг мавжуд ресурслари ҳамда, иккинчи томондан, Тошкент шаҳрининг илмий-техник салоҳияти ва минтақавий мавқеидан оқилона фойдаланиш билан белгиланади.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибида 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Пойтахти–Тошкент шаҳри.

Тошкент вилоятида 15 та қишлоқ тумани (Бекобод, Бўстонлик, Бўка, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Тошкент, қибрай, қуий Чирчик, Ўрта Чирчик, Чиноз, Юқори Чирчик, Янгийўл), 16 та шаҳар ва 18 та шаҳарчалар мавжуд. Унинг майдони – 15,6 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси, 1.01.2001 йил маълумотлари бўйича, 2370,2 минг киши.

Тошкент вилояти Республикада кўмири, электр энергияси, пўлат, тайёр прокат, рангли металлар, кимёвий тола ва ўғитлар, курилиш саноати маҳсулотлари, пахта толаси, каноп, сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашганлиги билан ажралиб туради.

Географик ўрни ва фойдали қазилмалари. Тошкент вилояти Ўзбекистоннинг шимоли-шарқида, Чирчик-Оҳангарон водийсида жойлашган. Унинг бундай географик ўрни ижтимоий-иктисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг билан бирга Тошкент вилоятининг геосиёсий мавқеи, яъни пойтахт–Тошкент шаҳрининг мавжудлиги, қозогистон, қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадошлиги, Ўзбекистонни хорижий мамлакатлар билан боғловчи муҳим транспорт йўллари чорраҳасида ўрнашганлиги унинг тараққиёти учун кулагай имкониялар яратади.

Тошкент вилояти ер юзаси тузилишига кўра, асосан текислик ҳамда тоғли худудлардан иборат. Текисликлар унинг гарбий ва жанубий томонларида, дengiz сатҳидан 600 м баландликгача бўлган ерлар-

ни ўз ичига олади. Чунончи, пойтахт-Тошкент шаҳри шу ҳудудда жойлашган. Мазкур ҳудуд вилоят сугорма дәхқончилигининг асосидир. Тоғли ҳудудлар вилоятнинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмларини эгаллаган. Бу ерларда қурама, Чотқол, Пском ва Угом төғ тизмалари жойлашган. Энг баланд нүктаси-Бештор чўққиси (Пском тизмасида) бўлиб, унинг баландлиги денгиз сатҳидан 4299 метрга teng.

Тошкент вилояти фойдали қазилмаларга бой. Бу ерда жойлашган Ангрен-Олмалиқ саноат райони минерал хом ашё салоҳиятига кўра нафакат ушбу минтақада, балки мамлакатда ҳам алоҳида ўрин тулади. Ёкилғи турларидан Республикадаги энг йирик Ангрен (кўнғир) кўмир кони шу ерда жойлашган. Рангли металларнинг катта заҳиралари ва конлари аниқланган. Булар жумласига, қалмоқир мис кони, Кучбулоқ, Оқтурпок олтин кони, Лашкерек полиметаллар кони, Саричеку, Даъннене мис, молибден, олтин, кумуш конлари, кўргошинкон кўргошин ва рух конлари киради. Шунингдек, мазкур ҳудудларда курилиш саноати хом ашёси ҳам қазиб олинади.

Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қиши эса мўътадил совук. Январ ойининг ўртача ҳаво ҳарорати минус  $1^{\circ}\text{-}3^{\circ}$ , июл ойининг ўртача ҳаво ҳарорати  $+26^{\circ}$ га teng. Вилоятнинг текислик қисмida йиллик ёғин-сочин миқдори ўртача 400-500 mm, тоғли ҳудудларда 600 mm ва ундан кўп. Ҳаво ҳарорати йигиндиси текислик ҳудудларда  $4000^{\circ}$ га етади.

Вилоят ҳудудидан Сирдарё ва унинг ирмоқлари, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг оқиб ўтиши, Чорвон, Хўжакент ва Туябўғиз сув омборларининг қурилганлиги сугорма дәхқончиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Мавжуд минерал хом ашё салоҳияти асосида Ангрен-Олмалиқ төғ саноати райони шаклланган. Рангдор металлургия, қурилиш, кимё ва кўмир саноати унинг асосий ихтисослашган тармоқларидир.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Тошкент вилояти аҳолиси 2000 йил бошида 2350,2 қишини ташкил этиб, у 1989 йилга нисбатан 112,6 фоизга ўсган. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача 123,8 фоизга тенгdir. Жами аҳолининг 40,4 фоизи (949,7 минг қиши) шаҳар жойларида истикомат қиласди.

Вилоят ҳудуди бўйича аҳоли жуда хотекис жойлашган. Аҳоли зичлиги  $1 \text{ km}^2$  га ўртача 153 кишидан тўғри келади. Аммо бу кўрсаткич саноатлашган пойтахт атрофида ва интенсив дәхқончилик асоси бўлган текислик ёки тоғли ҳудудларда турличадир.

## 18-жадвал

### Тошкент вилояти қишлоқ туманларининг аҳолиси

Т.р	Туманлар	Майдони, минг $\text{km}^2$	Аҳолиси, минг қиши (2001 й)	Аҳоли зичлиги, $1 \text{ km}^2$ қиши	Ҳар минг қишига нисбатан		
					туғил- ганлар	ўлган- лар	табиий кўпай- иш
1	Бекобод	0,76	128,0	168,4	19,4	4,1	15,3
2	Бўстонлиқ	4,93	141,7	29,0	19,1	6,0	13,1
3	Бўка	0,59	100,4	170,2	20,4	5,0	15,4
4	Зангиота	0,23	146,0	635,0	17,9	5,1	12,8
5	Оқкўргон	0,40	84,7	211,7	20,5	5,8	14,7
6	Оҳангарон	3,19	76,7	24,0	20,5	4,9	15,6
7	Паркент	1,08	110,3	102,1	23,5	4,5	19,0
8	Пскент	0,79	85,2	107,8	20,7	5,0	15,7
9	Тошкент	0,17	127,5	750,0	20,8	5,6	15,2
10	қибрай	0,56	155,0	276,7	17,5	6,7	10,8
11	қўйи Чирчиқ	0,56	94,9	169,5	19,3	7,0	12,3
12	Ўрта Чирчик	0,49	157,0	320,4	19,2	6,0	13,2
13	Чиноз	0,34	112,5	331,0	20,3	5,7	14,6
14	Юқори Чирчик			248,0	19,5	6,5	13,0
15	Янгийўл	0,42	152,3	362,6	19,7	5,9	13,8
	Вилоят бўйича	15,5	2370,2	153,0	18,5	6,5	12,0

Жадвалдан кўринадики, бевосита пойтахтга туташ Зангиота, Тошкент туманларида аҳоли зичлиги 635-750 қишини ташкил қиласди. Сугорма дәхқончилик ривожланган Оқкўргон, Чиноз туманларида

зичлик кўрсаткичи 212 ва 331 киши, тоғли Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларида эса у атиги 24 ва 29 кишига тенг.

Тошкент вилояти Республиkaning бошқа қўпчилик вилоятлари сингари аҳоли сонини ўсиши суръатларининг пасайиши билан кўзга ташланади. Йиллик ўсиш 1,4 фоизга тенг. Аҳоли сони асосан табиий ўсиш хисобига кўпаймоқда. Унинг катта қисми эса қишлоқ аҳолисига тўғри келади. Вилоят бўйича тугилиш ҳар минг кишига 1999 йили 19 кишидан 2000 йилда 18,5 га камайди ва бу жиҳатдан Республика кўрсаткичидан (21,5 %) анча паст. 2000 йили энг кичик тугилиш кўрсаткичи Зангигота (17,9 %) ва кибрай (17,5 %) туманларида, энг юқори кўрсаткич эса Паркент (23,3 %) ва Тошкент (20,8 %) туманларида кузатилади. Шунингдек, шаҳарларда тугилишнинг энг паст даражаси Чирчиқда (11,9 %) ва энг юқори кўрсаткичи Янгийўлда (18,6 %) қайд этилган.

Умумий ўлим коэффициенти 1999-2000 йилларда 6,3 промилледан 6,5 га ўзгарган. Бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача 5,5. промиллени ташкил этади. Болалар ўлими 2000 йили 20,5 % (1999 йилда-20,1).

Тошкент вилояти демографик вазиятининг шаклланишида аҳоли миграцияси ҳам муҳим рол ўйнайди. 2000 йил якунларига кўра механик ўсиш манфий кўрсаткичга эга. Бу жараён асосан шаҳар аҳолисига тегишли. Жумладан, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари аҳолиси миграция оқибатида, мос равища, 1,3 ва 1,0 фоиздан камайди.

Тошкент вилояти бўйича 2000 йилда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1291,1 минг киши бўлиб, унинг 989,8 минг нафари меҳнатда банд. Нодавлат сектори корхоналарида ишловчилар сони ортиб бормоқда ва у 432 минг кишига етди ёки барча соҳаларда ишловчиларнинг 68,7 фоизни ташкил қилди. 1342 киши ишсизлик мақомини олган. 2000 йили меҳнат биржаларига иш сўраб келган ва рўйхатга олинган 21005 кишидан 16445 нафари ишга жойлаштирилган.

Ҳозирги кунда Тошкент вилоятининг 40,4 фоиз аҳолиси 16 шаҳар ва 18 та шаҳарчаларда ва 59,6 фоизи эса қишлоқ жойларида истиқомат қиласи. Энг катта шаҳарлари (Республика пойтахти Тошкентдан ташкари): Чирчик (147 минг киши), Ангрен (130 минг киши), Олмалиқ (116 минг киши). Ўртача катталикдаги шаҳарларга Янгийўл (58 минг киши), Бекобод (86 минг киши) кирса, қолганларининг аҳолиси 50 минг кишидан кам. Вилоят худудида йирик қишлоқлар асосан қадимдан сугориб дехқончилик қилинадиган ерларда ўрнашган.



## Аҳоли бандлиги (2000 йил, фоиз ҳисобида)

Регионлар	жами	Шу жумладан, тармоктар бўйича								
		саноат	қишлоқ хўжалиги	курилиш	транспорт ва алоқа	таълим, маданият, санъат	савдо ва умумий овқатланиш	согликни саклаш	уй-жойдан фойдаланиш	Бошқа тармоклар
Ўзбекистон Республикаси	100,0	12,6	36,2	7,2	4,2	12,3	8,3	6,1	2,7	10,4
Тошкент вилояти	100,0	16,9	37,4	6,1	3,8	11,3	7,7	5,8	2,3	8,7
Тошкент шаҳри	100,0	23,7	0,5	11,2	7,8	15,0	12,6	6,5	4,7	18,0

**Хўжалиги.** Тошкент вилояти иқтисодиёти индустрисал-аграр йўналишда ривожланганлиги билан ажралиб туради. Республика ялпи ички маҳсулотининг 9,9 фоизи ушбу вилоят ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма нархларда олдинги йилга нисбатан 112,0 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотининг 80,0 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилади. Ушбу кўрсаткич қишлоқ хўжалигига 90 фоиздан юқори.


Вилоядта, ҳозирги ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, иқтисодиётнинг тармоқлар ва ҳудудий тузилишини такомиллаштириш, уни эркинлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, соғлом рақобат мухитини яратиш орқали уни янада ривожлантириш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Чунончи, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришини рагбатлантириш, вилоят саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллий хом ашёга йўналтириш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган маҳсус дастур, янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, «Соғлом авлод йили» каби дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

**Саноати.** Тошкент вилояти Республиkanинг 13 фоиз, Тошкент иқтисодий районининг эса 47,1 фоиз саноат маҳсулотини ишлаб чиқаради. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича вилоят Республикада иккинчи ўринни эгаллайди. Металлургия, кимё, қурилиш материаллари, енгил ва озик-овқат саноатлари яхши ривожланган. Шунингдек, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, ун-крупа ва омухта ем саноатлари ҳам саноат мажмуасида муҳим ўрин тутади (5-чизма).

Тошкент вилояти мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пўлат, тайёр прокат, кимёвий тола, кўмир ва ойнанинг деярли ҳаммасини, электр энергия, минерал ўғитлар, цементнинг ярмига яқинини беради. Вилоядта саноат маҳсулоти ишлаб чиқарадиган 212 корхона мавжуд. Ангрен ва Чирчик шаҳарларидан ташқари барча шаҳар ва туманларнинг саноат корхоналари ишлаб чиқаришда ўсишга эришдилар.

Вилоят иқтисодиёти ва аҳолининг ижтимоий турмушидаги ёқилғи энергетика мажмуасининг аҳамияти жуда катта. Республикадаги қазиб олиш ҳажми ва заҳираларига кўра энг йирик бўлган Оҳангарон водийсидаги Ангрен (қўнғир) кўмир кони шу ерда жойлашган. 2000 йилда 2409,0 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган. Бу кўрсаткич мамлакатда қазиб олинаётган жами кўмирнинг асосий қисмини ташкил

### 5-чизма. Тошкент вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (маҳсулот ҳажми бўйича, фоизда)



- ё=илғи энергетика
- кимё
- қурилиш материаллари
- озиқ- ов=ат
- ун- крупа, омухта ем
- металлургия
- машинасозлик ва метални =айта ишлаш
- енгил саноат
- ърмон, ёлочни =айта ишлаш, целлюлоза- =о\оз
- бош=а саноат тармо=лари

этади.

Ангрен кўмири сифати паст бўлишига қарамасдан, таннархининг арzonлиги билан ажралиб туради. Ундан асосан Ангрен ИЭС ва йирик саноат марказларининг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади.

Энергетика ушбу мажмуанинг юқори даражада ривожланган тармоғидир. Ҳозирда, Республикада ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 45 фоизидан кўпроғини Тошкент иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатдаги мавжуд 27 ГЭСнинг 19 таси мазкур минтақада жойлашган. Шунинг

дек, табиий газда ишловчи Тошкент ИЭС (1920 минг кВт), Янги Ангрен ИЭС (2.4 млн.кВт), Ангрен кўмири асосида Ангрен ИЭС (600 минг кВт) кабилар ишлаб турибди.

1980 йиллар бошига келиб Чирчик дарёсида, унинг гидроресурсларидан унумли фойдаланиш ва минтақанинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш максадида, 19 та ГЭСни ўз ичига олувчи Чирчиқ-Бўзсув каскади вужудга келтирилди. Республикадаги энг йирик Чорбог ва Хўжакент ГЭСлари унинг таркибига киради.

2000 йили жами 21598,0 млн. кВт соат электр энергия хосил қилинган, бу Республиkaning 45 фоиздан ортиқроғини ташкил этади. Тошкент вилояти мамлакатдаги асосий электр энергия берувчи Сирдарё, Навоий вилоятлари ҳамда қорақалпогистон Республикаси орасида етакчи ўринни эгаллади.

Металлургия Тошкент вилояти саноат мажмуининг таянч саноат тармоқларидан биридир. Ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотининг энг кўп, яъни 32,3 фоизи айнан унинг ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу минтақанинг қуладай транспорт ва иқтисодий географик ўринга эга бўлган Бекобод шаҳрида нафакат Ўзбекистонда балки, Ўрта Осиёдаги илк қора металлургия заводи (1943 йил) ишга туширилган. Корхона Ўзбекистон ва кўшни республикалардан келтирилаётган темир-терсак асосида ишлайди. Унинг асосий маҳсулотлари пўлат, тайёр прокат, қувурлар, шунингдек, бир неча ўнлаб турдаги кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Рангдор металлургия Тошкент вилоятининг етакчи ҳамда асосий ихтисослашган саноат тармоғидир. Унинг ҳиссасига вилоят жами саноат маҳсулотининг 1/4 ва Республиkaning ярмидан ортиқроғи тўғри келади. 2000 йил вилоят экспорти таркибида рангли ва қора металларнинг улуши 54,5 фоизни ташкил этди.

Рангли металлургиянинг иккита йирик маркази-Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари вужудга келган. Жумладан, Олмалиқда төғ-кон металлургия комбинати, Чирчиқда эса қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати жойлашган.

Тўлиқ металлургия циклига эга бўлган Олмалиқ төғ-кон металлургия комбинати мис рудасига бой бўлган қалмоққир, Сардоб конлари асосида ишловчи руда бойитиш фабрикаси ва мис заводидан ҳамда кўрғошинкон ва Чалатов кўрғошин-рух конлари асосида ишловчи руда бойитиш фабрикаси ва рух заводларидан ташкил топган. Кейинги йилларда ушбу корхонада олтин эритиши йўлга қўйилди. Кўчбулук олтин кони асосида Ангренда руда бойитиш корхонаси курилган. Ҳозирги кунда бу ерда АқШнинг «Ньюмонт–майнинг» корпорацияси билан ҳамкорликда кўшма корхона куриш бўйича лойихани амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Олмалиқ төғ-кон металлургия комбинати асосан мис, кўрғошин, рух, сульфат кислота ва нодир metallлар ишлаб чиқаради.

Ангрен кўнгир кўмири конидан қазиб олинадиган каолин алюминий олишда муҳим хом ашё хисобланади. Ҳозирда унинг бир кисмидан Ангрен керамика заводида хом ашё сифатида фойдаланилади. Шунингдек, Ангрен каолини асосида «Каолин» кўшма корхонаси ишлайти.

Ангрен-Олмалиқ төғ-кон саноати районида учта йирик саноат тугуни ажратилади. Буларнинг асосида Ангрен, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари ётади. Ангрен саноат тугуни ўз таркибига Ангрен, Нуробод шаҳар ва шаҳарчаларни қамраб олади. Унинг ихтисослашви-кўмири саноати, нодир metallлар, электр энергияси, керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан белгиланади.

Олмалиқ саноат тугуни–рангдор металлургия ва кимё, Оҳангарон саноат тугуни эса курилиш материаллари саноатига ихтисослашган.

Тошкент вилоятида рангдор металлургия саноатининг иккинчи йирик маркази-Чирчиқ шаҳри бўлиб, унда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати жойлашган. Ушбу корхона Ингичка (Самарқанд) ва қўйтош (Жиззах) вольфрам ва молибден рудалари ҳамда Олмалиқ мис конларидан олинувчи молибден асосида ишлайди. Комбинат metall кукунлари ва прокатлари, кон-пармалаш, пўлат эритиши, электротехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқаради.

Вилоятда машинасозлик ва metallни қайта ишлаш саноатининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилда 3.8 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан бироз ўсишга эга. Вилоят худудида асосан қишлоқ хўжалиги, электротехника ва кимё машинасозлиги корхоналари мавжуд. Улар жумласига Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва трансформатор заводлари ҳамда Ўзбекистон кимё машинасозлиги, Юқори Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тажриба заводларини киритиш мумкин. Кўнгиллик қишлоқ туманларида қишлоқ хўжалик техникасини таъмирловчи корхоналар мавжуд. Ушбу корхоналарда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун машина ва механизмлар, гўза култиваторлари, ер хайдовчи, ўғит соловчи, текисловчи мослама ва ускуналар, кўсак териш машиналари, тиркама ва осма трактор машиналари, трансформаторлар, кимё машинасозлиги асбоб-ускуналари, турбокомпрессорлар ишлаб чиқарилади.

**Кимё саноати.** Вилоят жами саноат маҳсулотининг 12,2 фоизини беради ёки бу кўрсаткич Республиkaning 1/3 кисмидан ортиқроғини ташкил этади. Кимё саноатининг йирик корхоналари қаторига Чирчиқ электрокимё комбинати, Олмалиқ кимё заводи («Аммофос» бирлашмаси), Янгийўл биокимё заводи, Оҳангарон «Сантехлит» пластмасса заводи, Олмалиқ маший кимё заводи, Ангрен «Ўзбекрезина-техника» бирлашмаси киради.

Вилоят кимё саноати корхоналарида азотли, фосфорли минерал ўғитлар, суперфосфат кислотаси, капролактам, этил спирти, резина техника маҳсулотлари, пластмасса ҳамда майший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 2000 йили 352 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилган, жумладан, азотли ўғитлар 302,7 минг тоннани ташкил этади.

2000 йил якунларига кўра, вилоятда жами саноат маҳсулотининг 10,5 фоизи қурилиш материаллари саноатига тўғри келиб, аввалги йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичига эга. Ушбу саноат мажмуи таркибида асосан цемент, ғишт, керамика, шиша-ойна саноатлари ривожланган. Республикадаги барча цемент хом ашёсининг қарийб ярми, қоплама тошларнинг 20 фоиз, ғишт хом ашёсининг 1/4 кисми Тошкент вилоятида жойлашган.

Мавжуд хом ашё негизида Бекобод, Ангрен ва Оҳангаронда цемент комбинатлари, Ангрен керамика комбинати, Олмалиқ, Чирчик қурилиш материаллари комбинати, Оҳангаронда «қурилишпластмасса» комбинати, /азалкент ойна заводи ҳамда бир неча ғишт заводлари ишлаб турибди. Уларда мамлакатда ишлаб чиқарилган цементнинг катта кисми, шунингдек, шифер, асбоцемент қувурлар, темир-бетон конструкциялари, сопол идишлар, фаянс, пластмасса қувурлар, қурилиш ойнаси, санитария жиҳозлари ва тош плиталар ишлаб чиқарилади.

Вилоят қурилиш мажмууда 2000 йили аввалги йилга нисбатан 74,5 млн. шартли плита шифер, 112,3 минг тонна цемент кўп ишлаб чиқарилган. Жумладан, Ангрендаги «Кулол» акционерлик жамияти 44,2 фоиз, Оҳангарондаги «Сантехқўйма» заводи 55,5 фоизга кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Мажмуадаги «Оҳангароншифер» ОТАЖ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 64 фоиз, Ангрен қурилиш материаллари АЖ 38,4 фоизга ўстирдилар.

Енгил саноатнинг вилоят саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси 16,1 фоизни (2000 йил) ташкил этади. Енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзal, канопни қайта ишлаш тармоқлари ривожланган. 2000 йилда вилоят пахта тозалаш саноати 801 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарган. Пахта тозалаш заводлари Чиноз, Бекобод, Оққўрғон, Пскент, Янгийўл туманларида жойлашган. Юкори Чирчик ва кўйи Чирчик туманларида каноп заводлари қурилган. Тўқимачилик саноатининг йирик корхонаси Жанубий Корея билан ҳамкорликда қурилган «Кобул-Тўйтепа текстил» қўшма корхонасидир. Чирчиқда тикувчилик, пойабзal, Янгийўлда пойабзal, Олмалиқда гилам фабрикаси мавжуд. Чирчиқ ва Чинозда хорижлик инвесторлар билан ҳамкорликда «Кибо-болалар» ҳамда «Чиноз-тўқимачи» қўшма корхоналари қурилган.

Вилоятда озик-овқат саноатининг улуши 11,8 фоизни ташкил қиласи. Бу ерда, гўшт, сут, ўсимлик мойи, мева-консерва, ун-нон, кондитер, алкогиз ичимликлар корхоналари мавжуд. Жумладан, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл гўшт комбинатлари, Ангрен, /азалкент, Чирчиқ сут заводлари, Янгийўл ёғ-мой комбинати ва консерва заводи, Янгийўл «Лаззат» қандолатчилик бирлашмаси, Олмалиқда пиво-шароб, кибрайда алкогиз ичимликлар комбинатлари ишлаб турибди. Бу соҳада бир қанча қўшма корхоналар қурилган.

2000 йили вилоятда 122,0 минг тонна ун, 108,0 минг тонна нон ва нон маҳсулотлари, 9,4 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 6,8 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари, 68,6 миллион шартли банка мева-консерва, 16,7 минг тонна қандолат, 40 минг тонна омухта ем ҳамда 17,4 минг тонна тозаланган ўсимлик мойи ишлаб чиқарилган.

**қишлоқ хўжалиги.** Тошкент вилояти агросаноат комплекси ривожланганлик даражасига кўра, Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Дехкончиликда мева-сабзавот, дон, пахта хом ашёси кўп етиштирилади. Шунингдек, мамлакатда етиштириладиган канопнинг ҳаммаси ушбу вилоятта тўғри келади. Чорвачиликда йирик шохли қорамолчилик ва қўйчилик яхши ривожланган.

2000 йил якунлари бўйича, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 47,9 фоизи дехқончилик ва 52,1 фоизи чорвачиликка тўғри келади. Кейинги йилларда об-ҳаво шароитларининг дехқончилик учун нокулав келиши, вилоят қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида унинг улушкини қисқаришига сабаб бўлди. 2000 йили вилоятда жами 526,6 минг тонна сабзавот, 127,0 минг тонна картошка, 105,5 минг тонна мева, 93,8 минг тонна узум, 350 минг тоннадан кўпроқ дон, 5,1 минг тонна каноп етиштирилди.

қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг 61,0 фоизини дехқон хўжаликлари, 33,3 фоизини қишлоқ хўжалик корхонлари ва қолган 5,7 фоизини фермер хўжаликлари ишлаб чиқаради. Мустақиллик йилларида вилоятда сабзавот, мева, узум ва айниқса дон етиштириш ҳажми ортган.

Вилоятда жами экин майдонлари 339,1 минг гектарни (2000 йил) ташкил этади. Унинг таркиби 6-чизмада келтирилган. Сугорма дехқончилик асосан вилоятнинг ғарбий ва жанубий текислик худудларида ривожланган. Тоголди худудларда эса мевачилик, лалми ерларда асосан дон етиштирилади.

Сут-гўшт чорвачилиги яхши ривожланган. 388 минг бош қорамол (2000 й.), 390 минг бош қўй ва эчки, 3229,8 минг бош парранда бор. 2000 йилда гўшт етиштириш 102,8 минг тонна, сут-346,8 минг тоннани, тухум-315 млн. донани ташкил этди.

Вилоятда жами 3684 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда 20 мингга яқин киши меҳнат қиласи (жами экин майдони 54,2 минг гектар). Етиштирилган пахтанинг 12 фоизи, бошоқли доннинг 9,4, кар-

тошканинг 7,2, сабзавотнинг 10,5, полиз экинларининг 35,2 фоизи ҳамда гўшт ва сутнинг мос равишида 1 ва 1,5 фоизлари фермер хўжаликларига тўғри келади.


Пойтахт-Тошкент шаҳрининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланган.

Тошкент вилояти *ижтимоий соҳаларнинг* ривожланганлик даражаларига кўра мамлакатда алоҳида ўрин тутади. 2000 йилда аҳоли жон бошига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 9 минг сўмни, чакана савдо айланмаси-74,4 минг сўмни, майший хизматлар ҳажми 1,1 минг сўмни ташкил этди.

Вилоятда ҳар 10 минг кишига касал ўринлари билан таъминланиш даражаси 47,1, амбулатория-поликлиника ходимлари бўйича 195,3 ни ташкил этди. Ҳозирги кунда вилоятда аҳоли соғлигини сақлаш ишига 102 шифохона, 20 болалар шифохонаси, 88 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 98 қишлоқ врачлик пункти, 245 фельдшерлик-акушерлик пункти ва 112 соғломлаштириш пунктлари сафарбар этилган.

Таълим тизими такомиллашиб бормоқда. Тошкент вилояти инфраструктура шароитлари тез юксалмоқда. Аҳолининг 91,5 фоизи марказлаштирилган сув таъминоти билан, 80,3 фоизи эса табиий газ билан таъминланган.

#### **6- чизма. Тошкент вилояти экин майдонларининг таъсилланиши (га, 2000 йил)**



**Транспорт ва ташки иқтисодий алоқалари.** Вилоят транспорт мажмууда темир йўл, автомобил транспорти яхши ривожланган. 2000 йилда барча транспорт воситалари орқали жами 152,1 млн. тонна ҳалқ хўжалиги юклари жўнатилган. Унинг 51,8 фоизи автомобил ва қолган 48,1 фоизи эса темир йўл транспортига тўғри келади. Умумий юқ айланмаси (обороти) 2224,1 млн. т/км га тенг. Бу кўрсаткич автомобил транспортида 1439,4 млн. т/км ва темир йўл транспортида 784,7 млн. т/км ни ташкил этади.

Тошкент шаҳри нафакат йирик саноат, балки муҳим транспорт тутуни вазифасини ҳам ўтайди. У орқали яқин ва узоқ хориж мамлакатларини ўзаро боғловчи темир ва автойўллар ўтган. Булар вилоятнинг ташки иқтисодий алоқаларида катта аҳамиятга эга.

Ташки савдо айланмаси 2000 илини 766,9 млн. АкШ долларига тенг бўлди. Шундан 379,1 млн. доллари экспорт, 387,8 млн. доллари импорт хиссасига тўғри келди. Экспорт таркибида биргина рангли ва қора металларнинг улуши 50-55 фоизни ташкил қиласи. Импорт таркибида асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар (30,0 фоиз) эгаллади.

Ташки иқтисодий алоқалар «узоқ» хориж мамлакатлари ҳамда Ҳамдўстлик давлатлари билан олиб борилади. Жумладан, вилоят ташки савдо оборотининг 60 фоизга яқини «узоқ» хориж давлатларига тўғри келади (Нидерландия, Туркия, Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Хитой). Ҳамдўстлик давлатлари билан ташки савдо айланмаси ҳажми ўсиб бормоқда ва унда Россиянинг улуши-18,3 фоизни, қозогистон-14,3 фоиз, Украина-5,5 фоизни ташкил қиласи.

2000 йилда вилоятда хорижий инвесторлар билан 182 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилган. Шундан 109 таси фаолият кўрсатмоқда, 13 таси янги шаклланмоқда ва 60 таси вақтингча фаолиятини тўхтатган. Жами қўшма корхоналарнинг 128 таси ишлаб чиқариш билан, 29 таси тижорат бўйича, 8 таси қишлоқ хўжалиги, 17 таси бошқа соҳаларда (транспорт, қурилиш, алокা, моддий-техника таъминоти ва бошқалар) фаолият олиб боради.

Энг йирик қўшма корхоналар қаторига Тошкент туманидаги «Ганжбойжон», Ўрта Чирчик туманидаги «қобул Ўзбек», Бўстонлик туманидаги «Конмит» ва «Конвин», кибрай туманидаги «Медиз», Зангигиота туманидаги «ФарВаб», Олмалиқдаги «Паллада Восток», Чирчиқдаги «Кибо болалар» ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Ички тафовутлари.** Тошкент вилояти миқёсида /арбий, Шимоли-Шарқий, Жануби-Шарқий, Марказий ва Жанубий иқтисодий районлар ажратилади.

1. */арбий район* таркибиға Чиноз, куйи Чирчиқ, Оққўргон, Бўка, Янгийўл туманлари киради. Ушбу район Тошкент вилоятининг 25 фоизга яқин худуди ва шундан ортиқроқ аҳолисини ўзида мужассам этгани ҳолда, 30-35 фоиз қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳамда 10 фоизга яқин саноат маҳсулотини етказиб беради. Бу вилоятнинг пахта ва пилла етишитирувчи асосий районидир. Янгийўл, Чиноз, Оққўргон, Бўка шахарларида асосан енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Районнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида Тошкент шахрининг таъсири катта.

2. *Жануби-шарқий район* Оҳангарон ва Пскент туманларини ўз ичига олади. Вилоят худудининг 20,5 фоизи ҳамда аҳолисининг 20 фоизга яқинини мужассам этган. Район вилоят саноат маҳсулотининг 45 фоиздан ортигини етказиб бериш қурдатига эга. қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши эса нисбатан озрок (10,3 фоиз).

Жануби-шарқий район нафакат Тошкент вилояти, балки мамлакатдаги мухим төғ-кон саноати районидир. Унинг асосини Ангрен ва Олмалиқ саноат тугунлари ташкил қиласди. қурилиш материаллари саноатининг йирик маркази-Оҳангарон шахри (30,5 минг киши) шу районда ўрнашган. Олмалиқ шахрида (113,3 минг киши) рангдор металлургия, кимё, қурилиш материаллари саноатининг йирик корхоналари жойлашган. Йирик саноат маркази-Ангрен шахрининг (129,0 минг киши) хўжалигига эса кўмир қазиб олиш, энергетика, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари етакчи рол ўйнайди. Районнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида қайта тикланаётган Буюк Ипак йўлининг Тошкент-Ангрен-кўён тармоғининг қурилиши катта аҳамиятга эга.

3. *Шимоли-шарқий район* Зангигиота, Тошкент, кибрай ва Бўстонлик туманларидан ташкил топган. Вилоят худудининг 38,0 фоизи, аҳолисининг 30 фоизини камраб олган. Унинг улуши вилоят саноат маҳсулотини, ишлаб чиқаришда 20 фоизга яқин, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида 20-25 фоизни ташкил этади. Район саноат ишлаб чиқаришида рангдор металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, минерал ўғитлар ва кимёвий тола ишлаб чиқариш, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати етакчи аҳамиятга эга.

Шаҳар атрофи хўжалиги вужудга келган. Сабзавотчилик, мева-узумчилик ҳамда сут-тўшт чорвачилиги яхши ривожланган. Йирик саноат маркази-Чирчик шахрида (142 минг киши) Ўзбекистон кийин эрувчи ва ўтга чидамли металлар комбинати, электркимё комбинати, кимё машинасозлиги, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқа йирик саноат корхоналари жойлашган. Шунинг билан бирга ушбу район электр энергияси ишлаб чиқаришида ҳам алоҳида ўрин тутади.

4. *Марказий район* таркибида Паркент, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик туманлари бор. Иқтисодий, демографик салоҳиятига кўра вилоятда ўртача ўринни эгаллайди. Унинг вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси 10 фоиздан ортиқроқ ва ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг эса 20 фоизини беради. Ўрта Чирчик тумани саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмига (9,2 фоиз) кўра яққол ажралиб туради. Унинг маркази Тўйтепа шахрида (21 минг киши) «Қобул-Ўзбек» қўшма корхонаси ишга туширилган. Асосан енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожланган. қишлоқ хўжалигига пахтачилик, боғдорчилик, дон етишитириш етакчи ўрин тутади. Каноп ўсимлиги етишитиради ва бу хом ашё асосида ишловчи бир неча каноп фабрикалари қурилган.

5. *Жанубий район* Бекобод шахри ва тумани доирасида ажратилган. Вилоятнинг 5 фоиз худуди ва 9 фоизга яқин аҳолисини ташкил этади. Иқтисодий жиҳатига кўра вилоятнинг нисбатан суст ривожланган районидир. Шундай бўлсада, вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг 11 фоизини ҳамда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 7-10 фоизини беради. Саноат ишлаб чиқариши асосан кора металлургия, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари билан белгиланади. Пахтачилик, пиллачилик, қорамолчилик қишлоқ хўжалигининг асоси. Районнинг иқтисодий маркази-Бекобод шахри (85 минг киши). Унда Ўрта Осиёдаги ягона қора металлургия заводи, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд.

Тошкент вилояти иқтисодий районининг келажак ривожланишида турлича устувор йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунга аввало, унинг географик ўрни, минерал хом ашё, демографик ҳамда инфраструктура салоҳиятлари, транспорти катта таъсири кўрсатади. Шу билан бирга, мамлакат

пойтахти, йирик ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи-Тошкент шаҳрининг мавжудлиги келажакда вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги муҳим омиллардан бири бўлиб қолади.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. У Республикаининг шимоли-шарқий кисмида, Чирчик дарёси яқинида, бундан 2000 йил муқаддам вужудга келган.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳри нафакат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёдаги энг йирик саноат, фан ва маданият марказидир. Ушбу шаҳар ўзининг юксак ижтимоий-иқтисодий, демографик салоҳияти ҳамда минтақавий тутган ўрнига асосланган ҳолда Тошкент вилояти билан биргалиқда Республикадаги етакчи бўлган-Тошкент иқтисодий районини шакллантиради.

Тошкент шаҳрининг куладай географик ўрни ва айниқса, муҳим транспорт йўллари чорраҳасида ўрнашганлиги унинг тарихан вужудга келиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Тошкент шаҳри хиссасига Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 16,4 фоизи ва саноат маҳсулотининг 16,9 фоизи тўғри келади. Унда Тошкент иқтисодий районининг 47,4 фоиз аҳолиси истиқомат қилгани ҳолда, 57,5 фоиз ялпи ички маҳсулоти ҳамда 52,5 фоиз саноат маҳсулоти яратилади.

Тошкент шаҳри иқтисодиёти, энг аввало машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқларининг устувор ривожланганлиги билан белгиланади. Тошкент шаҳрининг юксак ишлаб чиқариш, илмий-техник ва инфраструктура салоҳияти бу ерда кўплаб кўшма корхоналарнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

2001 йил ҳолатига қўра Тошкент шаҳри куйидаги 11 та туманни ўз ичига олади: Акмал Икромов, Бектемир, Мирзо Улугбек, Миробод, Собир Раҳимов, Сирғали, Хамза, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой.

**Аҳоли ва меҳнат ресурслари.** Тошкент шаҳри аҳолиси, 2001 йил 1 январ маълумотлари бўйича, 2138,5 минг кишидан иборат бўлиб, мос равишда Республика ва Тошкент иқтисодий райони аҳолисининг 8,5 ва 47,4 фоизини ўзида мужассам этган.

Сўнгги ўн йил мобайнида Тошкент шаҳри аҳолиси сонида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Ҳар минг кишига нисбатан тугилиш 14,6, ўлим кўрсаткичи эса 8,4 кишига тенг. Аҳолиси кўп миллатли. Унинг таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари бошқа миллатлар қаторига руслар, татарлар, қозоклар, тоҷиклар ва бошқаларни киритиш мумкин. Аҳоли маъмурий туманлар бўйича турлича тақсимланган (20-жадвал). Энг кўп аҳоли Юнусобод, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларига тўғри келади. Жами аҳоли таркибида меҳнатга яроқли қисми 1258,7 минг кишидан иборат. Меҳнатда бандлар сони эса 1005,2 минг кишига тенг.

**20-жадвал**

### **Тошкент шаҳри аҳолисининг туманлар бўйича тақсимланиши (1.01.2001 й.)**

№	Шаҳар ва туманлар	Аҳолиси, 01.01.2001йил, минг киши	Хар минг кишига (2000 й.):		
			тугилиш	ўлим	табиий ўсиш
	Тошкент шаҳри	2138,5	14,6	8,4	6,2
	Шу жумладан,				
1	Акмал Икромов,	225,0	16,3	8,2	8,1
2	Бектемир	29,0	15,1	8,4	6,7
3	Миробод	123,0	14,7	10,3	4,4
4	Мирзо Улугбек	248,1	12,3	9,8	2,5
5	Собир Раҳимов	279,6	17,1	6,8	10,3
6	Сирғали	153,9	15,0	9,8	5,2
7	Хамза	209,2	12,2	9,7	2,5
8	Чилонзор	216,1	12,8	9,3	3,5
9	Шайхонтоҳур	256,1	18,4	6,1	12,3
10	Юнусобод	288,0	13,6	8,3	5,3
11	Яккасарой	110,5	11,8	7,9	3,9

**Хўжалиги.** Тошкент шаҳри Республикада ривожланган саноат ишлаб чиқариши билан алоҳида ажралиб туради. Саноат маҳсулотининг 2/3 қисмига яқини оғир саноат корхоналарида яратилади.

Тошкент шаҳрининг хўжалик ихтисослашувида энг аввало машинасозлик ва метални қайта ишлаш, хусусан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, енгил ва озик-овқат саноати тармоқлари етакчи рол ўйнайди.

Хозирги даврда, Тошкентда 500дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд. Хорижий инвесторлар билан барпо этилган 2621та кўшма корхона ҳисобга олинган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга 1999 йилга нисбатан 111,5 фоизга ўсган. Тошкент шаҳри саноати тармоқлар ва худудий тузилиши хамда ривожланишига кўра турлича хусусиятларга эга. Шаҳар туманлари орасида энг кўп саноат маҳсулоти ҳажми бўйича Хамза тумани етакчи ўринни эгаллайди. Ундан сўнг М.Улуғбек, Бектемир, Миробод туманлари туради. Хозирда Тошкент шаҳри бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 87,3 фоизи нодавлат секторига тўғри келади (21-жадвал).

## 21-жадвал

### Тошкент шаҳри саноатининг тармоқлар таркиби (2000 йил, фоизда)

№	Саноат тармоқлари	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми
1	Металлургия	1,5
2	Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	27,9
3	Кимё	10,2
4	Целлюлоза-қоғоз	3,9
5	курилиш материаллари саноати	3,7
6	Енгил саноат	11,4
7	Озик-овқат саноати	24,3
8	Ун, крупна ва омухта ем саноати	6,8
9	Полиграфия саноати	6,1
10	Тиббиёт саноати	1,4
11	Бошқа саноат тармоқлари	2,8
	Тошкент шаҳри:	100,0

Тошкент шаҳри саноат мажмуи таркибida қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан алоқадор корхоналар кўпчиликни ташкил этади. Бу эса, энг аввало, собиқ Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон оғир индустриясининг тўйнич корхонаси Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи 1932 йили барпо этилди. Худди шу йили тўқимачилик комбинати қурилиши бошланган. 1941 йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ишга туширилди.

## 22-жадвал

### Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг туманлар бўйича тақсимланиши (2000 йил, фоизда)

№	Туманлар номи	Саноат маҳсулоти ҳажми	Нодавлат сектори-нинг улуси
	Тошкент шаҳри	100,0	87,3
1.	Акмал Икрамов,	2,0	67,7
2.	Бектемир	12,3	94,6
3.	Миробод	12,4	97,2
4.	Мирзо Улуғбек	10,9	62,1
5.	Собир Раҳимов	4,7	85,0
6.	Сирғали	7,5	75,3
7.	Хамза	23,6	96,1
8.	Чилонзор	5,6	90,1
9.	Шайхонтохур	5,5	82,0

10.	Юнусобод	6,4	51,8
11.	Яккасарой	9,1	93,5

Шахар саноатининг тармоқлар таркиби ва салоҳиятини юксалишида Иккинчи Жаҳон уруши йилларида кўчириб келтирилган саноат корхоналарининг ҳам роли катта. Бу даврда Ўзбекистонга кўчирилган юздан ортиқ саноат корхоналарининг эллиқдан кўпроғи Тошкент шахрига жойлаштирилган. Улар орасида В.Чкалов номидаги Москва авиаация заводи, «Ростсельмаш», «Электрокабель» корхоналари бор эди.

Тошкент шахрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати (27,9 фоиз) етакчи ўринни эгаллади. Унинг корхоналари қаторига «Ташсельмаш», Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, Тошкент трактор заводи, Тошкент авиаация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Экскаватор, «Подъемник», «Компрессор», «Ташгазаппарат», Электр лампалари, агрегат заводлари, «Тошкенткабель», аниқ асбоблар ва ўлчов аппаратлари, электрон техникаси заводлари киради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига кўра иккинчи ўринни озиқ-овқат саноати (24,3 фоиз) эгаллади. Унинг корхоналари ёғ-мой комбинати, консерва заводи, вино-ароқ, алкогиз ичимликлар заводлари, тегирмон, гўшт, сут, қандолат ва тамаки фабрикалари, нон заводлари ва бошқалардан иборат. Улар орасида ун-крупа, макарон, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар салмоқли улушга эга.

Енгил саноатнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмига кўра улуши 11,4 фоизга teng бўлиб, машинасозлик ҳамда озиқ-овқат саноатидан сўнг учинчи ўринни эгаллади. Унинг корхоналари маҳаллий хом ашё асосида ишлайди. Енгил саноатнинг йирик корхоналарига тўқимачилик комбинати, «қизил тонг», «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Орзу» чарм-галантерия ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойабзал корхоналари, каноп фабрикаси ва бошқалар киради.

Кимё корхоналарининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги хиссаси 10,2 фоизга teng. Унинг таркибида пластмасса қувурлар, синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар бор.

Тошкент шахри қурилиш саноати корхоналарига тўртта уйсозлик комбинати, темир бетон буюмлари заводи, фишт заводлари, қоплама безак ва куёш нуридан сақлаш мосламалари заводи мансуб. Ушбу тармоқда «Тошкент мармар» бирлашмасининг аҳамияти катта.

Тошкент шахар саноат мажмуининг фаолиятини электр энергетикасиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг етакчи корхоналари ТошИЭС, Тошкент ГЭСлар каскади ва Тошкент иссиқлик электр марказидан иборат. Тошкент ГЭСлар каскади таркибида Бўзсув, Бўржар, Оқтепа ва Шайхонтохур ГЭСлари ишлаб турибди.

Юкорида қайд этилган саноат корхоналаридан ташқари аҳоли учун истеъмол буюмлари ишлаб чиқаридиган фабрикалар, граммофон пластинкалари ва заргарлик заводлари, мусика асбоблари ва мебел фабрикалари, чинни, фаянс, термос, бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқа корхоналар бор.

2000 йили Тошкент шахри бўйича хорижий инвесторлар билан барпо этилган 2621 қўшма корхона рўйхатга олинган. Ҳозирги кунда уларнинг 1686 таси ёки 65 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Йирик қўшма корхоналарга «УзДЭУ электроникс» (Жанубий Корея), «УзБАТ» (Буюк Британия), «Тошинтерм» (XXR), «Узиталхолдинг», «Совпластитал» (Италия), «Кабул-Ўзбек» (Ж.Корея) ва бошқаларни киритиш мумкин. қўшма корхоналарда ишлаётганларнинг сони 37,2 минг кишини ташкил қилади.

Республикада қурилаётган қўшма корхоналарнинг кўпчилигини бевосита Тошкент шахри ва унга туташ худудларда ўрнашувига энг аввало Тошкентнинг мамлакат пойтахти ҳамда йирик саноат, фан ва маданият маркази эканлиги, муҳим транспорт йўллари чорраҳасида жойлашганлиги ва айниқса, ишлаб чиқариш ҳамда социал инфраструктуранинг юқори даражада ривожланганлиги катта таъсир кўрсатади.

Тошкент шахрида социал соҳалар хусусан, ижтимоӣ инфраструктура тизими яхши ривожлантирилган. Тошкентда жами 29 та олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда 80 мингдан ортиқ талаба билим олмоқда. Умумтаълим мактаблари сони 359 та, ўқувчилар сони 380 мингга якин. Шунингдек, пойтахтда мустақиллик йилларида 18 та академик лицейлар барпо қилинди. Уларда жами 3709 ўқувчи таҳсил олмоқда. Мактабгача болалар муассасалари сони 586 та бўлиб, уларда 108,2 минг бора тарбияланади. Болаларнинг мактабгача ёшдаги тарбия муассасалари билан таъминланганлик даражаси 50,9 фоизга teng.

Ҳозирги кунда Тошкент шахрида жами 96 та касалхона мавжуд, улардаги койкалар сони 17,3 мингдан иборат. Ҳар 10 минг кишига 80,9 койка ҳамда 220,7 та бир сменадаги врач қабулига мурожаат этувчилар тўғри келади. Шахар соглиқни сақлаш муассасаларида жами 17 минг врач меҳнат қилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат муассасаларининг сони 142 га етди.

Булардан ташқари, Тошкент шахрида катор театр, музей ва истироҳат боғлари барпо қилинган.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари.** Тошкент шахрида транспортнинг темир йўл, автомобил, ҳаво, шахар электр транспорти каби турлари яхши ривожланган.

2000 йилда ташилган юкларнинг умумий ҳажми 63238,7 минг тоннани ташкил этиб, юк обороти 6672 млн.т.км га тенг. Жами ташилган юкларнинг 80,9 фоизи автомобил, 19,0 фоизи темир йўл ҳамда 0,1 фоизи ҳаво транспорти ҳиссасига тўғри келади.

Жами ташилган пассажирлар сони 1055152,4 минг кишини ташкил этди. Пассажирооборот-12842,1 млн. пасс. км га тенг. Пассажир ташишда автомобил транспорти 72,3 фоизини, шахар электртранспорти 26,5 фоизини ташкил қиласди.

Тошкентда 1977 йилдан метро қатновининг йўлга қўйилиши йўловчи ташишда жуда катта кулайликларни яратди. Тошкент шаҳри 2000 йилда Тошкент иқтисодий райони ташки савдо оборотининг 72,7 фоизни ўзида мужассам этди. Шахар ташки савдо оборотида импортнинг улуши экспортдан устун, яъни 61,2 фоизга тенг. Кейинги йилларда импорт ҳажми қискариб, экспорт ҳажмининг бироз ўсиши қузатилмоқда.

Тошкент шаҳри ташки савдо оборотининг 54,2 фоизи «узок» хориж ва Болтиқбўйи давлатлари улушига, қолган қисми эса Ҳамдўстлик мамлакатларига тўғри келади.

**Ички тафовутлари.** Тошкент шаҳрида жойлашган барча 11 маъмурий туманлар иқтисодий, ижтимоий ва демографик салоҳиятлари бўйича ўзаро тафовутларга эга. Улар орасида иқтисодий салоҳияти, яъни йирик саноат корхоналари ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг қурдатлиси Ҳамза туманидир. Айни вактда, Юнусобод, Миробод, Яккасарой, Чилонзор туманлари ишлаб чиқариш салоҳиятларидан ташқари, муҳим маъмурий-сиёсий хусусиятларга ҳам эга. Чунончи, айнан ушбу туманлар худудида мамлакат бошқарувининг олий орган ва ташкилотлари жойлашган.

Йирик темир йўл ва автостанциялар ҳамда аэропортнинг жойлашганилиги Миробод, Ҳамза, Сирғали, Яккасарой, Чилонзор туманларини Тошкент шаҳрининг ташки иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларида муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

**1. Шайхонтоҳур тумани**-Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмida 1926 йили ташкил этилган. Аҳолиси 256,1 минг киши (2001 й.). Тошкент шаҳри майдонининг 8,2 фоизи, аҳолисининг эса 12 фоизини ўзида мужассам этади.

2000 йили Тошкент шаҳри саноат маҳсулотининг 5,5 фоизи Шайхонтоҳур туманида ишлаб чиқарилган. Туман худудида 50 га яқин саноат корхоналари жойлашган. Улардан йириклари: Тошкент тикувчилик ва «Орзу» чарм-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасини, лак-бўёқ заводи, нон комбинати, тамаки фабрикаси, полиграфия комбинати, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар.

Шайхонтоҳур туманида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йил 1999 йилга нисбатан 148,9 фоизга ўсган. Жами саноат маҳсулотининг 82 фоизи нодавлат секторига тўғри келади.

Бу ерда лойихалаш институти, ФА Х.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти, Сейсмология, Полимерлар кимёси ва физикаси, Микробиология, Архитектура ва қурилиш институти, 41 та умумтаълим мактаблари, 7 ўрта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртлари, 2 академик лицей, 6 касалхона, 20 га яқин амбулатория поликлиника муассасалари ҳамда 60 га яқин мактабгача тарбия муассасалари жойлашган. Шунингдек, туман худудида Ҳамза, Аброр Ҳидоятов номидаги театрлар, сатира театри, рус ёш томошибинлар театри, цирк, 20 дан ортиқ кутубхона, «Паҳтакор» стадиони, Санъат саройи, Навоий номидаги Адабиёт музейи ва бошқа маданий муассасалар бор. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда «Чорсу» бозорининг аҳамияти катта.

**2. Миробод тумани**-1929 йили ташкил топган бўлиб, у Тошкентнинг жануб томонида жойлашган. Аҳолиси 123 минг киши (2001 й.). Ушбу туман Тошкент шаҳрининг 5,7 фоиз майдони ва яна шунча миқдорда аҳолисини ўзида мужассам этади.

2000 йили Тошкент шаҳри бўйича жами саноат маҳсулотининг 12,4 фоизи Миробод туманига тўғри келади (22-жадвал). Ишлаб чиқариш салоҳиятига кўра туман ўртacha мавқега эга. Саноат маҳсулоти ҳажми 2000 йили 1999 йилга нисбатан 136,5 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотининг 62,1 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Туман худудидан темир йўл магистрали ўтган.

Миробод туманида 60 га яқин саноат корхоналари бор. Йирик саноат корхоналаридан «Ўрта Осиё электр аппаратлари», «қизил тонг», «Фотон», «Учкун» ишлаб чиқариш бирлашмалари, тепловоз ремонти, кимё-фармацевтика, «Ташхимсельмаш», иккинчи темир-бетон буюмлари (ЖБИ-2) заводлари қурилган.

Ижтимоий соҳа муассасаларидан 24 та умумтаълим мактаблари, 50 дан ортиқ мактабгача тарбия муассасалари, 10 касалхона, 15 амбулатория-поликлиникалар мавжуд.

Миробод туманида Темир йўл транспорти инженерлари институти, Кимё-технология, Фармацевтика, Автомобил йўллари институтлари, 3 ўрта маҳсус билим юрти, академик лицей ва шунингдек, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, санъат музейи, 10 кутубхона, маданият ва истироҳат боғлари, кўплаб майший хизмат кўрсатиш муассасалари бор (мазкур туман худудидан Тошкент шаҳри ҳокимияти жойлашган).

**3. Мирзо Улугбек тумани**-Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқий томонида жойлашган бўлиб, 1929 йили ташкил топган. Аҳолиси 248,1 минг киши (2001 йил). Мазкур туман майдони ва аҳоли сонига кўра мос равища 11,3 ва 11,6 фоизни ташкил этади.

Тошкент шаҳри саноат мажмуида туманинг улусига кўра М.Улуғбек тумани 10,2 фоизга (2000 й.) тенг. Саноат маҳсулотининг 97,2 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Туманда жами 65 та саноат корхонаси бор. Йирик саноат корхоналари жумласига пахта териш машиналари ишлаб чиқарувчи Ўрта Осиёдаги ягона Тошкент трактор заводи, «Ўрта Осиё кабел», «ТошЭкс» ишлаб чиқариш бирлашмалари, лак-бўёқ, граммпластинка, экскаватор, нон ва консерва заводлари киради. Тошкент трактор заводи базасида АқШ билан ҳамкорликда «Кейс» қишлоқ хўжалиги тракторларини ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.

Туманда 42 умумтаълим мактаблари, 5 ўрта маҳсус ўқув юртлари, 1 академик лицей, 10 касалхона, «Она ва бола» саломатлик маркази, 11 поликлиника мавжуд. Олий ўқув юртларидан Маданият, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, Жисмоний тарбия институти, М.Ашрафий номидаги консерватория, Умумкўшин командирлари олий билим юрти, Ички ишлар вазирилиги Олий мактаби, 30 га яқин кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғлари жойлашган.

**4. Яккасарой тумани**-1936 йили ташкил топган. Аҳолиси 110,5 минг киши (2001 й.). Тошкент шаҳри майдонининг 4,8 фоизи, аҳолисининг эса 5,1 фоизини ташкил қиласди. Яккасарой тумани Тошкент шаҳри саноат маҳсулотининг 8,8 фоизини ишлаб чиқарadi. Бунда нодавлат секторининг ҳиссаси 93,5 фоизга тенг. Туманда 47 саноат корхоналари жойлашган. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Эльбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик машинасозлиги заводи, «Промстройиндустрия» бирлашмаси, «Полимер» заводи, нон заводи, пойафзал фарикаси каби йирик саноат корхоналари бор.

Туманда Тошкент давлат педагогикауниверситети, тўқимачилик ва енгил саноат институти, санъат институти, 26 илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, институтлари, 4 ўрта маҳсус ўқув юрти, 2 академик лицей, ўрта мактаблар, 15 мактабгача тарбия муассасалари, 7 поликлиника, ҳалқ амалий санъати музейи, рассомлар уюшмаси кўргазма зали, кўплаб майший, савдо хизмати муассасалари ишлаб турибди.

**5. Юнусобод тумани**-1936 йили ташкил топган. Тошкент шаҳрида аҳоли сонига кўра энг катта туман бўлиб, 2001 йил маълумотига кўра бу ерда 288 минг киши яшайди. Майдони ва аҳолиси мос равишда Тошкент шаҳрининг 14,3 ва 13,4 фоизига тенг.

Юнусобод тумани Тошкент шаҳри саноат маҳсулотининг 6,4 фоизини беради. 2000 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1999 йилга нисбатан 115 фоизга ўсган. Саноат маҳсулотининг 51,8 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Туманда жами 47 саноат корхонаси бўлиб. Улардан энг йириклири жумласига «Ўзбексельмаш», «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаси, асбобсозлик, вагон ремонт заводлари, «Ўрток» қандолат фабрикаси, «ЎзБАТ» қўшма корхонаси, Ўрта Осиё ремонт-энергетика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, инструментал, абразив заводлари киради.

Туман худудида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФА, вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртларидан Тошкент юридик институти, Тошкент тибиёт педиатрия институти ва алока электротехника институтлари жойлашган. Ўрта маҳсус ўқув юрти, 4 академик лицей, 47 ўрта мактаб, 20 га яқин касалхона ва поликлиника, 3 санаторий бор.

Юнусобод туманининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг худудида Республика бошқаруви ташкилотлари жойлашганлиги билан ҳам белгиланади. Мустақиллик майдони, Марказий хиёбон, Амир Темур музейи, Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, ботаника боғи, Олой бозори айнан шу ерда жойлашган.

**6. Чилонзор тумани**-1963 йили Тошкентнинг жануби-гарбий қисмida ташкил этилган. Аҳолиси 216,1 минг киши (2001 й.) майдони бўйича Тошкент шаҳрининг 9,4 фоизи ва аҳолисининг 10,1 фоизини ўзида мужассам этади.

2000 йили Тошкент шаҳри бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 5,6 фоизини Чилонзор тумани берган. 2000 йилда маҳсулот ҳажми 1999 йилга нисбатан 112,3 фоизга ортган. Туманда жами 51 саноат корхонаси мавжуд. Шулардан энг йириклари: «Алгоритм», электр-рўзгор буюмлари заводи, «Совпластитал», Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси, мебел заводи, 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар.

Туман худудида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жаҳон тиллари институти, 15 дан ортиқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, 8 ўрта маҳсус ўқув юрти, 3 академик лицей, 37 ўрта мактаб, 16 касалхоналар жойлашган. Олий Мажлис биноси, Муқимий театри, Халқлар Дўстлиги саройи, Ўзбекистон Миллий боғи, «Тошкент» автовокзали, Тошкент отчопари ҳам Чилонзор тумани худудида жойлашган.

**7. Сиргали тумани**-1967 йили ташкил топган. У Тошкентнинг жануб томонида алоҳида жойлашув хусусиятига эга; шимолда Яккасарой ва Миробод туманлари билан туташ. Аҳолиси 153,9 минг кишидан иборат (2001 й.). Майдони бўйича Тошкент шаҳрининг 15,8 фоизи, аҳолисининг эса 7,2 фоизини ташкил қиласди.

Тошкент саноат мажмуида саноат маҳсулоти ҳажмига кўра Сиргали туманининг улуси 7,0 фоизга тенг. 2000 йили саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1999 йилга нисбатан 110,6 фоизга ўсган. Саноат маҳсулоти ҳажмидан нодавлат секторининг улуси 75,3 фоизга тенг (22-жадвал).

Туманда жами 34 саноат корхонаси мавжуд. Асосий саноат корхоналари жумласига мебел ва «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, суный ва табиий чарм заводлари, темир-бетон конструкциялари, авиаремонт, маҳсус мебел заводлари киради.

Сирғали тумани Тошкент шаҳрида Бектемир туманидан кейин олий ўқув юрти жойлашмаган иккинчи туман хисобланади. Туманда 2 ўрта маҳсус ўқув юрти, 28 ўрта мактаб, 2 қасалхона бор.

**8. Собир Раҳимов тумани**-Тошкент шаҳрининг шимоли-гарбида 1970 йили ташкил этилган. Аҳолиси –279,6 минг кишига тенг (2001 й.).

Ушбу туманда Тошкент саноат мажмуасининг 4,7 фоиз маҳсулоти яратилади. Саноат маҳсулоти ҳажми 2000 йили 1999 йилга нисбатан 133,7 фоизга ўғсан. Туманда жами 55 саноат корхонаси бор: «Миконд», «Агрегат», «Подшипник», «Компрессор», тажриба-механика, экскаватор ремонти, чинни заводлари, «Тошкентмармар», «Тошкент» мебел ишлаб чиқариш бирлашмалари, бош кийимлар фабрикаси энг йирик корхоналар хисобланади.

Туман худудида 15 илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги йирик олий ўқув юртларидан бири бўлган Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, 2-Тошкент тиббиёт институти, 6 ўрта маҳсус ўқув юртлари жойлашган.

Хозирги кунда туманда 42 та ўрта мактаб, 2 та академик лицей, 20 дан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари ишлаб турибди. Маданий муассасалардан Ёш томошабинлар театри, Республика табиат музейи жойлашган.

**9. Акмал Икромов тумани**-Тошкент шаҳрининг шарқида, 1977 йили ташкил этилган. Аҳолиси 225 минг киши (2001 й.). Майдони бўйича 7,3 фоизга, аҳоли сонига кўра 10.5 фоизга тенг.

А.Икромов тумани саноат маҳсулоти ҳажмига кўра Тошкент саноат мажмуидаги энг кучсиз туманлардан хисобланади. Жумладан, 2000 йили барча саноат маҳсулоти ҳажмида унинг улуши атиги 2,0 фоизни ташкил этган, холос. 2000 йили саноат маҳсулоти ҳажми 1999 йилга нисбатан 118,7 фоизга ўғсан.

Туманда жами 26 та саноат корхонаси бор. Шулардан йирик саноат корхоналарига-«Средаэгазавтоматика», «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Прогресс», «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Тошинтерм» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси, миллий мусиқа асборлари фабрикаси, хисоблаш техникиси ремонтни, тажриба-механика заводи, Тошкент механизация воситалари ва жиҳозлари ҳамда станоксозлик тажриба-экспериментал механика заводи, йигирив-тўкув фабрикаси киради.

Бу ерда олий ўқув юртларидан Рус тили ва адабиёти институти, Юридик техникуми, 37 та ўрта мактаб. 2 академик лицей, 6 даволаш-профилактика муассасалари мавжуд. Фарҳод бозори шу туманда жойлашган.

**10. Ҳамза тумани**-Тошкентнинг жануби-гарбида жойлашган. Аҳолиси 209,2 минг киши (2001 й.), майдони ва аҳоли сонига кўра мос равишда Тошкент шаҳрининг 10,6 ва 9,8 фоизини ташкил этади.

Ҳамза тумани саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Тошкент шаҳрининг энг қудратли тумани хисобланади. Чунончи, 2000 йили саноат маҳсулоти ҳажми 22,5 фоизни ташкил қилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда оғир саноат корхоналарининг улуши катта. Саноат маҳсулотининг 96,1 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилади.

Туманда 54 саноат корхоналари мавжуд. Йирик саноат корхоналари: Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» (Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи), «Подъемник» заводи, Пластмасса заводи, асфальт-бетон заводи, вино, ёғ-мой комбинатлари, дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналари, коғоз фабрикаси, уйсозлик комбинатлари ва х.к. Шунингдек, туман худудида тепловоз ва вагон деполари, «Гошкент юқ ортиш-тушириш станцияси», ФА Президиуми, илмий-тадқиқот институтлари, 1-Тошкент тиббиёт институти, ўрта маҳсус ўқув юртлари, 35 ўрта мактаб, академик лицей, 20 га яқин даволаш-профилактика муассасалари ҳам жойлашган.

**10. Бектемир тумани**-Тошкент шаҳридаги энг кенжा туманлардан бири-1990 йили ташкил этилган. Унинг худуди Тошкентнинг жануби-шарқида жойлашган бўлиб, бу ердан Чирчик дарёси оқиб ўтади. Аҳоли сони (29 минг киши- 2001 й.) бўйича 1,3 фоизни ташкил этади, холос. Шунга қарамай, Тошкент шаҳри саноат маҳсулоти ҳажмида Бектемир туманининг улуши 11,2 фоизга тенг.

Туманда жами 26 саноат корхонаси бор. Шулардан йирик корхоналар жумласига «Иргидромаш», Тошкент мотор заводи, темир-бетон буюмлари экспериментал ремонт-техника, экспериментал механика заводларини киритиш мумкин.

Ижтимоий инфраструктура шаҳобчаларидан 5 ўрта мактаб, 15 мактабгача тарбия муассасалари, поликлиника, савдо ва маишӣ хизмат шаҳобчалари мавжуд.

Юқоридагилардан кўринадики, Тошкент шаҳри туманлари турлича иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларга, ривожланиш даражаларига эга. Шундан келиб чиқкан ҳолда унинг келажак ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туманларнинг хўжалик ихтисослашувини такомиллаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда энг аввало саноатнинг тармоқ ва худудий тузилишини такомиллаштириш, кўп меҳнат талаб қилувчи ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсири кам бўлган чиқиндисиз технологияларни

кенг жорий қилиш, хизмат кўрсатиши муассасалари тизимини такомиллаштириш ва хизматлар даражасини ўстириш муҳим аҳамиятга эга.

### Савол ва топшириклар

1. *Тошкент иқтисодий районининг шакланишига таъсир этувчи омилларни аниқланг.*
2. *Иқтисодиётнинг қайси тармоқлари Тошкент минтақаси хўжалик ихтисослашувининг ўзагини ташкил қиласди?*
3. *Тошкент шаҳри хўжалигини тармоқлар таркибининг ўзига хос хусусиятларини асослаб беринг.*
4. *Ангрен-Олмалиқ саноат райони минтақавий иқтисодиётда қандай ўринга эга?*

### ІІІ БОБ. МИРЗАЧЎЛ МИНТАҚАСИ

Ўзбекистоннинг Мирзачўл минтақаси ўз таркибига Жиззах ва Сирдарё вилоятларини олади. Унинг майдони 25,6 минг км<sup>2</sup> бўлиб, Республика ҳудудининг 5,7 фоизини ташкил қиласди. Майдонининг катталиги жиҳатидан Жанубий минтақадан кейин тўртинчи ўринда туради.

Янги ерларни ўзлаштириш, минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида вужудга келган иқтисодий район Республика марказида жойлашган бўлиб, ғарбий кисми Самарқанд, Навоий вилоятлари, жануби кўшни Тожикистон Республикаси, шарқ томондан Тошкент вилояти, шимолда қозогистон Республикаси билан кўшнилиги иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама кулайдир. Мирзачўл иқтисодий минтақасининг ривожланган иқтисодий районлар оралигига жойлашуви мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимотида турли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга имкон беради.

Минтақада район текислик, тоғ ёнбағри ва тоғли ерларнинг кўшилиб кетганлиги, табиий шароитнинг хилма-хиллиги турли хил хўжалик тармоқларини ривожлантиришга шароит яратган. Жумладан, Жиззах вилоятининг Бахмал, /аллаорол районлари Туркистон, Молгузар, Губдин, кўйтош ва қароқчи тоғлари ботигида жойлашган бўлса, Сирдарё вилоятининг аксарият ҳудуди текислик минтақасига тўғри келади. Районнинг иқтисодий географик ўрни турли иқтисодий алоқалар қилиш учун ҳам қулай. Республиkanинг тараққий этган вилоят ва шаҳарларини, қолаверса, кўшни республикалар билан боғловчи темир йўл, автомобил, қувур йўлларининг ўтганлиги ҳамда шу йўллар орқали ҳом ашё, турли хил маҳсулотлар айирбошлишдаги хизматини кўрсатиб ўтиш лозим.

Мамлакат меҳнат тақсимотида район кўп иссиқ ва узоқ вегетация даврини талаф этувчи экинларни (пахта, пилла, ғалла, полиз) етиштиришга ҳамда боғдорчилик, чорвачилик, узумчилик, саноатда электроэнергетика, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат тармоқларига ихтисослашган. Охирги йилларда бу ерда тоғ-кон, кимё, тўқимачилик саноатлари ҳам ривожланиб бормоқда.

23-жадвал

Мирзачўл минтақасининг баъзи бир макроиктисодий  
кўрсаткичлари (2000 й., фоиз хисобида)

Кўрсаткичлар	Мирзачўл райони ЎзР га нисбатан	Шу жумладан	
		Жиззах вилояти	Сирдарё вилояти
Майдони	5,6	$\frac{4,5}{80,1}$	$\frac{1,1}{19,9}$
Аҳолиси	6,8	$\frac{4,1}{60,4}$	$\frac{2,7}{39,6}$
Ялпи ички маҳсулот	5,0	$\frac{2,9}{58,4}$	$\frac{2,1}{41,6}$
Саноат маҳсулоти	2,3	$\frac{1,1}{47,8}$	$\frac{1,2}{52,2}$

кишлоқ хўжалиги маҳсулоти	8,9	$\frac{5,3}{59,3}$	$\frac{3,6}{40,7}$
Умумий экин майдони	17,3	$\frac{10,7}{61,9}$	$\frac{6,6}{38,1}$
Инвестицияланиши	4,3	$\frac{2,3}{52,6}$	$\frac{2,0}{47,4}$
Ташки савдо айланмаси	2,0	$\frac{0,7}{35,2}$	$\frac{1,3}{64,8}$

*Изоҳ: каср сурати Ўзбекистонда, маҳраҗси-минтақада тутган ўрни.*

Иқтисодий районни ташкил этувчи, худудий тузилишига кўра бир-бирига деярли ўхшамайдиган Сирдарё ва Жиззах вилоятлари табиий шароити ва фойдали қазилмаларига кўра қисман ўзаро фарқ қиласди. Дарҳақиқат, Сирдарё вилоятида деярли бирорта фойдали қазилма конлари учрамасада, Жиззах вилояти бундан мустасно.

Жадвалда Мирзачўл иқтисодий районининг ички тузилиши ва унинг мамлакат хўжалигига тутган ўрни тўғрисида айрим маълумотлар келтирилган.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилояти ҳудудининг катталигига кўра иқтисодий районда салмоқли ўрин эгаллаган ҳолда маъмурий тузилиши бўйича 12 та райондан, 8 та шаҳар ва 8 та шаҳарчадан иборат. Майдони 20,4 минг км<sup>2</sup> бўлиб, аҳолиси, 1.01.2001 йил маълумотига кўра, 991 минг киши ёки Мирзачўл минтақаси аҳолисининг 60,7 фоизига тенг.

Ушбу минтақа мамлакат ичидаги меҳнат тақсимотида йирик аграр-саноат ишлаб чиқариш мажмуига эгадир. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларда лалмикор дехқончилик, узумчилик, боғдорчилик, сут ва сут-гўшт чорвачилиги кенг ривожланганлиги билан аҳамиятли.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** Жиззах вилояти Республикализнинг марказий минтақасида жойлашган бўлиб, ҳудудининг узунлиги шарқдан ғарбга қадар 150 км, жанубдан шимолга 175 км ни ташкил этади.

Минтақанинг таракқий этган Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ўртасида ўрнашганлиги унинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳар томонлама қўмак бериб келмоқда. Айни вактда жануби-шарқда Тожикистон, шимолдан қозогистон Республикаси билан кўшничилиги унинг геосиёсий мавқеини ҳам белгилаб беради.

Ҳудуднинг шимолий, шимолий-ғарб ва қисман шарқий томонлари пасттекисликлардан иборат. Шимол томондаги пасттекисликлар орасида Айдаркўл ва Арнасой кўллари жойлашган.

Жиззах вилотининг ер усти тузилиши хилма-хил, тоғ, тоғ ёнбағри ва текисликларнинг ўзаро муҷассамлашганлиги билан тавсифланади. Тоғ ва тоғ олди ерлари минтақанинг анча катта қисмини эгаллаган ҳолда энг баланд жойи 3401 метрdir. Чунончи, Молгузарнинг баландлиги 2620 метр, кўйтошники 1905 метр ва ҳоказо.

Вилоят қўшни Сирдарёдан фарқ қилиб турли фойдали қазилмаларга бойлиги билан ажralиб турди. Бахмал, Зомин, /аллаорол, Жиззах, Фориш, Зарбдор районларида минерал-хом ашё заҳиралари: олтин, кумуш, вольфрам, қўроғшин, рух, мармар, молибден, мармар, волостанит, оҳак, гранит, корунд мавжуд. кўйтошнинг вольфрам, Маржонбулоқнинг олтин, Учқулочнинг қўроғшин-рух конлари иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлидир. Аммо аниқланган қазилма конлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ҳозирча суст даражада. Бинобарин, ушбу бойликларни ўзлаштириш юқори технологияга асосланган турли шаклли корхоналарни қуришни зарур қилиб қўяди.

Туркистон, Нурота, Молгузар ва кўйтош, Писталитоғ, Губдин тоғ тизмалари ўзига хос иқлим ҳамда табиат манзарасини вужудга келтиради. 1976 йилда вилоятнинг Зомин районида 48 минг гектарли Халқ парки ташкил қилинди. Бу парк Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган бўлиб, унинг ёнида Зомин кўриқхонаси ҳам вужудга келтирилган. кўриқхона ва Халқ парки 78 минг гектар майдонни эгаллади.

Табиий иқлим шароити кескин мўътадил, ёзи иссиқ ва қуруқ; фақатгина Бахмал, Зомин ва Фориш районларининг ёзи нисбатан салқинроқ. Лалмикор дехқончилик сугорма дехқончилик билан биргалиқда олиб бориладиган сут ва сут- гўшт этиштиришга мослашган, сув танқислиги сезилиб турадиган ҳудудлари айнан шу районларга тўғри келади.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Жиззах вилоятининг аҳолиси 2001 йил январ маълумотига кўра, 991 минг киши унинг аксарият қисми қишлоқ жойларда яшайди.

Зичлик 1 км<sup>2</sup> га 48,5 киши (2001 йил). Аҳолисининг сони бўйига Республикада Хоразм вилоятидан кейин 10-ўринда туради.

Вилоятда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига хос аҳоли ўсишининг юқори даражада сакланиб қолаётганлигини кузатиш мумкин. қолаверса, 70-йиллардаги ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий қайта тақсимланиши нафақат Жиззах вилояти аҳоли сонининг ўзгаришида, балки унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам катта аҳамият касб этган. Ўша пайтда аҳолининг шаклланишида табиий кўпайиш билан бир қаторда аҳолининг механик ҳаракати ҳам асосий манбалардан бири бўлган.

#### 24-жадвал

#### Жиззах вилояти туманларининг демографик салоҳияти

№	Маъмурий бирликлар	Аҳолиси, минг киши (1.01.2001)	Аҳоли зичлиги (1км <sup>2</sup> киши)	Ҳар 1000 кишига нисбатан		
				туғилиш	ўллим	табиий кўпайиш
1	Арнасой	38,4	81,8	20,7	3,0	17,7
2	Бахмал	102,1	54,7	34,5	5,5	29,0
3	/аллаорол	119,8	61,4	26,2	5,3	20,9
4	Жиззах	142,3	136,8	27,3	4,9	22,4
5	Дўстлик	49,5	111,5	22,6	3,5	19,1
6	Зомин	120	46,2	26,6	5,4	21,2
7	Зарбдор	46,4	47,6	24,6	4,3	20,3
8	Зафаробод	40,7	133,8	22,7	4,1	18,6
9	Мирзачўл	49,1	116,9	19,0	3,4	15,6
10	Пахтакор	56,2	147,5	21,4	3,8	17,6
11	Фориш	72,5	7,3	24,6	4,8	19,8
12	Янгиобод	21,5	9,1	24,1	4,7	19,4
13	Жиззах шаҳри	132,5		19,0	4,3	14,7
	Жами	991,0	48,5	24,1	4,4	19,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўриқ чўл ўрнида вужудга келган Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор ва Зарбдор районлари аҳолисининг сони нисбатан кам. Тоғ ва тоғ олдида жойлашган, қадимдан аҳоли яшаб келаётган Бахмал, /аллаорол ва Жиззах районлари демографик салоҳиятининг юқорилиги билан тавсифланади. Мазкур районларнинг аҳолиси 1989-2000 йилларда 1,4-1,7 мартағача ошган.

Жиззах вилояти аҳолисининг ҳудудий жойлашувидағи ҳолат Республика ўртача кўрсаткичидан пастрок. Аҳоли ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Жумладан, Нурота тизма тоғларининг шимолий ён бағрида жойлашган Фориш районида 1 км<sup>2</sup> жойга 7,3 кишидан тўғри келса, Пахтакор районида аҳолисининг зичлиги энг юқоридир (147,5).

Минтақада аҳоли асосан табиий кўпайиш хисобига ошиб бораётти. Унинг энг юқори кўрсаткичи 1985-1986 йилларда кузатилади. Ҳудди шу йиллари тугилиш ҳар минг кишига 43,6 тадан тўғри келган ва бу жараён 1990 йилларгача сакланиб қолган.

#### Геодемографик жаҳарёнлардаги ҳудудий фарқларни куйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Табиий ўсиши суръати энг юқори бўлган туманлар-Бахмал, Зомин, Жиззах;
2. Ўртача кўрсаткичига эга туманлар-Зарбдор, Фориш, Янгиобод, Дўстлик;
3. Табиий ўсиши суръати нисбатан паст бўлган туманлар: Арнасой, Зафаробод, Пахтакор, Мирзачўл ва Жиззах шаҳри.

Табиий ўсиши суръати баланд бўлган районлардаги аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар кўпиликни ташкил этади (90-96 фоиз).

Демографик вазиятнинг яна бир омили бўлган аҳоли ўлими даражаси тугилиш сингари ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи, 1982-1983 йилларда ўлим 7,5 промиллега тенг бўлган бўлса, 2000 йилда эса унинг даражаси 4,4 промиллега тушганлигини қайд этиш мумкин. Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди, адир минтақаларида жойлашган Бахмал, /аллаорол, Зомин районларида аҳоли ўлими минтақа умумий кўрсаткичдан бироз юқори (24-жадвал). Сабаби, ушбу ҳудудлардаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъмин-

лаш паст даражада. Натижада турли юкумли касалликларнинг пайдо бўлиши, туғилишнинг кўплиги, ёш болалар ва 1 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимнинг нисбатан кўплиги умумий ўлим даражасининг юкори бўлишига олиб келади.

Аҳоли таркибида маҳаллий миллатлар кўп сонли бўлиб, унинг 85 фоизга яқинини ўзбеклар ташкил этади. 1979-1989-йилги аҳоли рўйхати маълумотларига биноан Ўзбекистонда яшовчи ўзбекларнинг 3,6-4,0 фоизи Жиззах вилоятига тўғри келган.

Иккинчи туб аҳоли-козоклар асосан Фориш, Арнасой, Мирзачўл, Зафаробод районларида яшашади. Минтақада, бундан ташкари, кирғизлар (Дўстлик, Бахмал, Арнасой), тожик, рус, татар каби бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилишади.

Жиззах вилояти жами аҳолисининг 47,2 фоизи (2001 йил) меҳнат ресурсларидан иборат ва улар йилига 24,2 минг кишига кўпайиб бормоқда. Иқтисодий фаол аҳоли 295 минг, шундан 64,3 фоизи иқтисодиётда банд. Расман рўйхатга олинган ишсизлар сони 1,2 мингни ташкил қиласди. Охирги йилларда, барча минтақаларда бўлгани сингари, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси бу ерда ҳам мавжуд.

Жиззах Республикада урбанизация даражаси паст бўлган вилоят ҳисобланади. Аммо, бу ерда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари борлигини кўриш мумкин. Бунинг учун мавжуд қазилма конлари асосида саноатни ривожлантириш, вилоят ичидаги меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш талаб этилади.

**Хўжалиги.** Жиззах вилоятининг хўжалиги мамлакатимиз аксарият худудлари каби аграр-индустриал тараққиёт йўлидан бораётганлигини таъкидлаш зарур. Мирзачўл худудий-ишлаб чиқариш мажмууда вилоят хўжалик ихтисоси пахтачилик билан боғлик тармоқларнинг жадал ривожла наётганлиги билан асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташкари, бу енинг табиий иклим шароити ғаллачилик, лалмикор ғаллачилик, боғдорчилик, пиллачилик, мева-сабзавот етиштириш, чорвачилик каби кишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун қулай.

Саноатда рангли металл рудаларини қазиб олиш, озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу тармоқларни ривожлантириш худудда мулкчиликнинг турли шаклларига молик корхоналарни вужудга келтириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш асосида олиб борилмоқда.

**Саноати.** Жиззах вилояти ялпи ички маҳсулотининг 19,9 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келади. Саноатда аккумуляторлар, мебел, пластмасса буюмлар, ипак газлама, трикотаж кийим-кечаклар, темир-бетон буюмлар, турли хил курилиш материаллари, пахта мойи, ун, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган 40 га яқин корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ёқилғи-энергетика мажмуи, Сирдарё вилоятидан фарқ қилган ҳолда, умуман ривожланмаган, керакли маҳсулот ва хом ашё асосан бошқа минтақалардан келтирилади.

Тоғ-кон саноатида рангли металлар, шу жумладан кўйтошдан 1937 йилдан бери вольфрам-молибден рудаларни, Маржонбулук конларидан олтин (1980 йил) ва кўйтошда волостанит, мармар, гранит, оҳак, Фориш районидаги кўргошин, рух қазиб олинадиган Учқулоч, Баноз конлари мавжуд.

Кимё ва машинасозлик соҳасида ирригация ва мелиорация мақсадларида ишлатиладиган полиэтилен кувурлар (Жиззах пластмасса кувурлар заводи) ҳамда полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш жами саноат маҳсулотининг 1,1 фоизини ташкил киласди.

Машинасозлик (2,8 фоиз) саноатнинг нисбатан янгироқ тармоғи ҳисобланиб, у асосан қишлоқ хўжалик машиналари, курилиш ва йўл техникасини таъмирлашга хизмат қиласди. Жиззах, Гагарин, Пахтакорда жойлашган бундай корхоналар Тошкент қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик машинасозлиги заводларининг филиаллари ҳисобланади.

Курилиш материаллари саноати бирмунча яхши ривожланган бўлиб, у вилоят ҳалқ хўжалигининг курилиш материалларига бўлган талабини қондиради. Мазкур тармоқка тегишли корхоналар Жиззах, Дашибод, /аллаорол шаҳарларида жойлашган. Деярли аксарият районларда гишт ишлаб чиқарилади; 1930 йилдан бери Жиззахда оҳак заводи ишламоқда. Шунингдек, ирригация ва уй-жой қурилишида кенг фойдаланиладиган юкори сифатли силикат ишлаб чиқариш ҳам мавжуд.

Саноат тармоқларида енгил саноат ҳам тез ривожланган бўлиб, унинг асосини маҳаллий хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ташкил этади. Жами саноат маҳсулотлари ичидаги енгил саноат ҳиссаси 45,6 фоизга teng. Шундан пахта тозалаш саноати етакчи мавқени эгаллаган ҳолда Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл пахта заводларини ўз ичига олади. Пахта толаси ишлаб чиқариш 63,5 минг тоннага teng (2000 йил) бўлиб, толаси ажратиб олинган техник чигит ёғ-мой комбинатларида қайта ишлашга жўннатилади. Бир йилда вилоят бўйича 2,7 минг тоннага яқин ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилади. Ҳамкорликда ташкил этилган «Кумуш тола» (Ўзбекистон-Тожикистон), «Базальт» (Ўзбекистон-Украина), «Жибри» (Ўзбекистон-Англия) корхоналари Жиззах шаҳрида барпо этилган.

Озиқ-овқат саноати аҳолининг эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласди. Саноатнинг бу тармоғи факат ички имкониятлар асосида фаолият юргизиб келмоқда. Жумладан, Бахмал, /аллаорол, Пахтакор районларида сут, Жиззах, Арнасой, Дўстлик ва Жиззах шаҳрида мева ҳамда сабзавотларни қайта

ишилайдиган ва ширинли ичимликларни тайёрловчи корхоналар ишлаб турибди. Вилоят саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг 20 га яқини озиқ-овқат маҳсулотларидир. Ун-нон саноати корхоналари Республика аҳамиятига эга. Бундай корхоналар Жиззах ва /аллаоролда жойлашган.

Вилоятнинг барча районларида маҳаллий хом ашёдан саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

Хозирга келиб жами 10 га яқин чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилган. Бундай ҳамкорлик алоказалари минтақа ижтимоий-иктисодий ҳолатини юксалтиришга хизмат килади.

**Кишлоқ хўжалиги.** Жиззах вилояти ер юзасининг тузилиши ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашувини эътиборга олиб, уни бир-биридан кескин фарқ қилувчи районларга ажратиш мумкин.

Биринчи районга чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик ва дехқончиликка ихтисослашган Бахмал, /аллаорол, Зомин ва Фориш туманлари киради. Ушбу район майдони вилоят умумий худудининг 79,5 фоизни эгаллади.

Иккинчи районга вилоятнинг 20,4 фоиз майдонини эгаллаган Пахтакор, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод каби қолган барча текислик қисмида жойлашган, асосан пахтачилик, пиллачилик, полиз экинлари етиштириш ва чорвачиликка ихтисослашган туманлар киради.

Жиззах вилояти Республика умумий ер майдонининг 4,6 фоизини эгаллаган ҳолда жами қишлоқ хўжалик ерларининг улуши 4,7 фоизга tengdir. У бу жиҳатдан Самарқанд вилоятидан (4,8 фоиз) кейинги олтинчи ўринда туради. Суғориладиган ерлар майдони 248 минг гектар, ҳайдаладиган ерлар 452, яйлов ва ўтлоклар 13 минг гектарга яқин, қолган қисмини кўп йиллик экинлар ҳамда бўз ерлар ташкил этади.

Вилоят Республикада етиштирилган пахтанинг 4,8 фоизи га яқинини, доннинг 7,4 фоизини, картошкани 1,9 фоизни етказиб беради. Кейинги йилларда пахта экин майдонлари қисқариб дон етиштириш кенгаймоқда. Жами экин майдонларининг 26,1 фоизига пахта экилди.

Кишлоқ хўжалигидаги тоғ, тоғ олди ва адир зоналарида лалмикор дехқончилик (буғдой, нўхат, полиз экинлари, боғдорчилик) ва обикор дехқончилик қилинади. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Бахмал (14,8 фоиз), /аллаорол (10,4 фоиз), Жиззах (11,3 фоиз), Зомин (10,7 фоиз), Пахтакор (8,3 фоиз) туманлари етакчи ҳисобланади. Барча районларнинг 9 тасида пахта етиштирилади. Вилоят бўйича 105,3 минг гектарга пахта экилиб, ундан 155,5 минг тоннага яқин ҳосил олинди (2000 й.).

Вилоятнинг Жиззах, Зомин, /аллаорол, Бахмал туманларида пиллачилик ривожланган. қишлоқ хўжалигининг шу соҳадаги катта имкониятларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон-Тожикистон «Кумуш тола» ипак толаси тайёрлайдиган қўшма корхона ташкил этилган.

Полиз экинлари 4,8 минг гектар ерга экилиб 47,3 минг тонна (2000 й.) ҳосил олинди. Бундан ташқари, сабзавотчиликда картошка (12,4 минг т.) мева ва сабзавотлар (10,6 минг т.) етиштириш ҳам йўлга кўйилган.

Кишлоқ хўжалиги тармокларидан чорвачилик, яъни кўйчилик ва паррандачилик мавжуд Бахмал, Зомин, Фориш ва /аллаорол туманларидаги чорвачилик тармоғи сут-гўшт ва гўшт етиштиришга ихтисослашган бўлса, Жиззах, /аллаорол ҳамда Зафаробод туманлари саноатлашган паррандачиликка, парранда гўшти ва тухум етиштиришга мўлжалланган.

Тоғ ва тоғ олди минтақасига кирувчи туманларда гўшт йўналишидаги чорвачилик ривожланмоқда. Буларга кўйчилик, Бахмал, /аллаорол туманларидаги чўчқачилик наслчилик фермаларини, йилқачиликда Жиззах туманидаги от спорти мактабларига хизмат қиласидиган «Равот» наслчилик хўжалигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хозирги вақтда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, бозор инфраструктурасини барпо этиш, аҳолининг ишсиз қолган қатламини иш билан таъминлаш, озиқ-овқат, курилиш, енгил саноат тармокларida кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мухим аҳамият касб этади.

**Транспорти.** Жиззах вилоятида транспортнинг баъзи турлари, яъни темир йўл, автомобил, ҳаво транспорти мавжуд. Аммо асосий транспорт тури автомобил бўлиб, у барча районларни бир-бири билан боғлайди. Вилоятда жами автомобил йўллари 36,8 минг км ни ташкил этади. 1427 км йўл давлат, 248 км вилоят, 1330 км йўл хўжалик ва корхоналар тасарруфида. Автомобил йўлларининг қаттиқ қоплама зичлиги 1 кв. км га 0,180 км. Республиkaning бошқа вилоятлари билан алоқа қилишда Катта Ўзбек трактининг аҳамияти катта.

Вилоят худудидан Тошкент-Самарқанд шаҳарларини боғлайдиган темир йўллар (217 км) ўтган. Ушбу транспорт тури мазкур вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида хизмат килади.

Бундан ташқари, мамлакат аҳамиятига эга бўлган газ қувурлари, электр узатиш шахобчалари (Сирдарё ИЭСдан) нинг ўтганлиги худуд иктисодиётини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳаво транспортида Жиззах шаҳридан Республиkaning бошқа вилоят марказларига алоқа йўли ўрнатилган. Умумий майдони 18 км<sup>2</sup> бўлган Учтепа аэропорти мавжуд.

Шаҳар йўловчи ташиш транспортида аҳолига йўловчиларни белгиланган маршрутларда ташийдиган жамоат транспорти-автобус, троллейбус, енгил автомобил транспорти ҳисобланади.

Автомобил транспорти Жиззах шаҳрини вилоятнинг туман марказлари билан боғлашда ҳамда шаҳар ичидаги ўрин тутади. 1997 йилда Жиззах шаҳрида узунлиги 14 км бўлган троллейбус йўли ишга туширилган.

Вилоятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида, инфраструктура алоқаларини яхшилашда транспортнинг барча турларини имконият даражасида йўлга кўйиш мақсадга мувофиқдир.

**Ташки иктиносидий алоқалари.** Жиззах вилоятининг иктиносидий фаолиятини кенг мажмууда ривожлантириш учун ҳар томонлама кулай, табиий имкониятлар мавжуд. Шу боисдан ҳам Буюк Британия, Германия, Туркия, Хитой, Россия, Украина, Тожикистон каби давлатлар билан алоқалар ўрнатилган.

Ташки савдо айланмаси 45,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Шундан экспорт ҳажми 81,3 фоизга тенг бўлса, колгани импорт маҳсулотларига тўғри келади. Мустақилликка эришгандан буён вилоятда 30 дан ортиқ қўшма корхоналарга асос солинди. Ташқарига чиқариладиган маҳсулот турларига пахта толаси, кунжара, ўсимлик ёғи, курилиш материаллари киради.

Ташки савдо айланмасида «Жибри» (Ўзбекистон-Буюк Британия), «Кумуш тола» (Ўзбекистон-Тожикистон), «Базалт» (Ўзбекистон-Украина) каби қўшма корхоналарнинг ўринини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Иктиносидиётнинг худудий таркиби.** Жиззах вилоятида хўжалик тармоқлари нотекис жойлашган. Вилоят маркази- Жиззах шаҳрида жами саноат корхоналарининг 25 фоизга якини тўпланган.

Асосий қўшма корхоналар мужассамлашган, транспорт инфраструктура тармоқлари яхши ривожланган марказ ҳам Жиззах шаҳридир. Дашибод, /аллаорол, Дўстлик туманларида тоғ саноат тугунига киравчи тармоқлар, яъни Маржонбулук олтин, кўйтотш вольфрам қазиб олиш саноати ривожланган, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманларида курилиш материаллари комбинати, пахта заводлари, ун комбинатлари мавжуд.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишда Бахмал, Мирзачўл, Дўстлик туманлари ажралиб турса, Жиззах, /аллаорол, Зафаробод туманларида ушбу тармоқ маҳсулотларини қайта ишлаб беरувчи корхоналар жойлашган. Умуман олганда, Жиззах вилояти хўжалигининг худудий таркибида иккаки асосий район ажралиб туради. Уларнинг биринчисига тоғ ва тоғ олди минтақаларида жойлашган боғдорчилик, чорвачилик, лалмикор дехқончилик ва тоғ-кон саноатига ихтисослашган худудлар киради. Иккичинисининг вужудга келиши ва ривожланиши эса асосан ерларни ўзлаштириш, пахта етишириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш билан боғлик.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Мазкур вилоят 1963 йилда ташкил топган. Унинг худудида 9 та туман, 5 та шаҳар-чалар мавжуд.

Сирдарё вилоятининг умумий майдони  $5,1 \text{ km}^2$  бўлиб, Мирзачўл иктиносидий райони худудининг 19,9 фоизини ташкил этади. Ахолиси, 2001 йил маълумотларига биноан, 649,6 минг киши ёки Республика жами аҳолисининг 2,6 фоизига тенг.

Маъмурӣ маркази Гулистан шаҳри. Вилоят Республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 1,2 фоизини, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 3,7 фоизини беради.

Хўжалиги, транспорт ва инфраструктура тармоқларининг ривожланишида қўшни Тошкент вилоятининг аҳамияти юкори.

**Иктиносидий географик ўрни ва табиий бойликлари.** Сирдарё вилояти Мирзачўл иктиносидий районининг шимоли-шарқий худудини эгаллаган ҳолда қулай иктиносидий географик мавқега эга. Бундай кулийликни Тошкент вилояти, Зарафшон ва Фарғона водийларига қўшилиги, магистрал транспорт йўлларининг ўтганлигига кўриш мумкин. Шунингдек, шимолдан Жанубий қозогистон, жанубдан Тожикистон Республикаси билан чегарадошлиги унинг алоҳида геосиёсий аҳамиятга эгаигини ҳам билдиради.

Сирдарё вилояти ер усти тузилиши унча мураккаб бўлмаган ҳолда фойдали қазилмаларга ҳам бой эмас. Фақатгина курилиш материалларида ишлатиладиган фишт ишлаб чиқариш учун хом ашёни хисобга олмаганда деярли бошқа бойликлари йўқ.

Худудининг аксарият кисми текисликлардан иборат бўлиб, Жиззах вилоятидан фарқ қилган ҳолда у суғорма дехқончилик қилишга яхши шароит яратади. Аммо умумий ер фонди нафакат иктиносидий районда, балки Республикада ҳам нисбатан кичик ҳисобланади.

Вилоядаги вегетация даври узун бўлиб, у 210-228 кунга етади. Иклимининг иссиқлиги, вегетацийнинг узоқлиги иссиқсевар экинлар етишириш учун қулай. Асосий сув ресурсларига Сирдарё киради ва у худуд ерларини суғоришга хизмат қилади. Республикамиздаги газ билан ишлайдиган энг йирик, қуввати 3000 мВт бўлган Сирдарё ИЭС вилоятнинг Ширин шаҳрида курилган.

Сирдарё вилоятидаги ўзига хос табиий-иктисодий географик омилларнинг мавжудлиги хўжаликнинг сугорма дехқончилик ва шу асосда баъзи тармоқларнинг ривожланишига олиб келган.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Вилоят Мирзачўл иқтисодий райони аҳолисининг 39,6 фоизи иди ўзида мужассамлаштирган. Аҳолининг сонига кўра минтақалар ичидаги Навоий вилоятидан кейин охирги ўринда туради. Зичлиги ҳар 1 км<sup>2</sup> га 127,3 киши. Мазкур кўрсаткич туманлар доирасида қўйидагида тақсимланган.

Сирдарё аҳолисининг зичлиги Жиззах вилоятиникуга қараганда 2,6 марта юқори. Буни майдонинг кичикилиги ва унинг барча қисмини яхши ўзлаштирилганлиги билан изохлаш мумкин. Ховос, Мехнатобод ва Мирзаобод туманларида аҳолининг сони ҳар бирида 50 минг кишига ҳам етмайди. Қолган олтида туманининг аҳолиси вилоят умумий аҳолисининг 60,9 фоизига teng. Гулистон, Янгиер ва Ширин каби шаҳарларнинг аҳолиси эса 22,2 фоизни ташкил қилади. Вилоят маркази-Гулистон шаҳрининг аҳолиси 55 минг кишидир.

## 25-жадвал

### Сирдарё вилояти меҳнат ресурсларининг ҳудудий тақсимланиши (2001 йил 1 январ маълумотлари)

Туманлар ва шаҳарлар номи	Фоиз ҳисобида			
	Доимий аҳоли сони	Мехнатга лаёкатли аҳоли сони	Халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлганлар	Расман қайд қилинган ишсизлар
Вилоят бўйича	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
Гулистон шаҳри	11,5	13,6	12,7	17,1
Янгиер шаҳри	8,4	7,5	5,9	8,6
Ширин шаҳри	2,5	2,2	2,5	-
Туманлар:				
Оқолпин	7,9	8,5	9,6	3,8
Боёвут	12,4	13,2	13,7	8,8
Гулистон	7,8	7,6	7,7	12,4
Мирзаобод	6,5	4,8	4,8	6,1
Мехнатобод	3,6	3,8	4,2	2,1
Сирдарё	15,8	15,9	15,8	21,8
Сайхунобод	9,2	9,3	9,7	2,9
Ш.Рашидов	7,7	8,0	8,0	6,8
Ховос	6,7	5,6	5,4	9,6

Мамлакат минтақалари ичидаги Сирдарё вилоятининг аҳолиси кам сонли бўлсада, бу ерда табиий кўпайиш ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, 2000 йил якунларига кўра, аҳолининг табиий кўпайиш кўрсаткичи ҳар минг кишига 16,6, туғилиш коэффициенти эса 22,1 ва ўлим 5,5 промиллена teng бўлган. Мазкур жараёнларнинг ҳудудий фарқлари деярли сезилмайди. Масалан, туғилиш Ш.Рашидов (25,2%), Сайхунобод (25,4%), Мирзаобод (24,3%), Боёвут (24,6%) ва Гулистон (23,3%) туманларида вилоят ўртача кўрсаткичадан юқори бўлса, бошқа туманларда у аксинча, пастрок.

Ўлим даражаси шаҳар жойларда нисбатан баланд бўлиб, у 6-8 промиллени ташкил этади. Мазкур кўрсаткич, Сирдарё туманини (7,0%) хисобга олмагандан, қолган барчасида вилоятнинг ўртача даражасидан паст.

Аҳолининг механик харакати бу вилоятга маълум йилларда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган бўлсада, ҳозирда унинг аҳамияти анча камайган.

Миллий таркибида асосан ўзбеклар, бундан ташқари қозоқлар, тожиклар, руслар, корейс ва бошқа миллат вакиллари бор.

Вилоят аҳолисининг 32,2 фоизи шаҳар жойларда яшайди. Мавжуд 5 та шаҳаридан нисбатан ийиклари Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарлари ҳисобланади. Умуман олганда эса бу ерда том маъносидаги йирик шаҳар йўқ.

Мирзачўлни ўзлаштиришда Сирдарёга кўшни вилоятлар ўзининг ишчи кучи ва малакали кадрлари билан катта ёрдам кўрсатишган. Ҳозирда вилоят ўз меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган. Мехнатга лаёкатли аҳолининг сони, 2001 йил 1 январ маълумотларига кўра, 306,6 минг киши ёки жами

вилоят аҳолисининг 47,2 фоизига тенг. Халқ хўжалиги тармоқларида барча меҳнатга лаёкатли аҳолининг 246 минги, яъни 80,2 фоизи банд.

Статистика маълумотларига биноан, расман ишсиз деб тан олинган шахслар сони 991 кишини ташкил этади (2001 йил). Аммо «яширин» ишсизларни ҳам хисобга олинадиган бўлса, юқоридаги кўрсаткич анча кам.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги муаммоларни инобатга олиб, қишлоқ жойларда 2000 йилда 4,6 минг кўшимча иш ўринлари яратилган. Меҳнат ресурслари сонининг йилдан-йилга ошиб бориши натижасида вилоятда янги иш ўринларини кўпайтириш асосий муаммолардан бири бўлиб қолмокда.

**Хўжалигининг умумий таърифи.** Сирдарё вилояти мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимотида асосан пахта етиширишга ихтисослашган. Шу билан бирга вилоятда турли хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ҳам мавжуд.

қишлоқ хўжалигига пахтачилик мажмуасига киравчи тармоқларнинг ривожланганигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, полиз экинлари етишириш, ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари билан минтақалар ичига алоҳида ажраби туради.

2000 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 100,2 фоизга ўсган. Ялпи ички маҳсулот ҳажмида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни 75,6 фоизни ташкил этади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилда 131,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари 107,8, чакана савдо айланмаси 105,2 фоиз ва пуллик хизмат кўрсатиш 108,3 фоизга ошган.

Вилоядта электроэнергетика, енгил, озиқ-овқат саноат тармоқлари ривожланмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги билан бир вақтда саноат ҳам тараққий этишига имкон туғдиради.

**Саноати.** Сирдарё вилоятида асосий саноат корхоналарининг сони 43 тага етган бўлиб, улар ҳудудда бутунлай янгидан барпо этилгандир. Саноат ишлаб чиқариш сўнгги 40-50 йил давомида шаклланган. 50-йилларда Мирзачўлни мажмуали ўзлаштириш мақсадида унинг курилиш базаси яратилди ва пахта тозалаш саноати, озиқ-овқат ҳамда электр энергетика ривожланиб борди.

Вилоят саноатининг ҳозирги кундаги ахволи бирмунча паст бўлиб, у бу жиҳатдан фақатгина Жиззах вилоятидан олдинда туради, холос. 1999-2000 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 112,2 фоизга ошган.

Саноат ривожланишида ёқилғи ресурслари бошқа иқтисодий районлардан, аникроғи Шўртан газ конидан келтирилади. Республикаиздаги энг йирик Сирдарё ИЭСининг қурилиши муносабати билан бу ерда Ширин шаҳри барпо бўлди. ИЭСининг қурилиши қишлоқ хўжалиги билан бир вақтда саноатнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир этди. Асосий саноат маҳсулот ҳажмида электр энергетика тармоғининг улуши 66,6 фоизга тенгdir.

Иккинчи ўринда енгил саноат туради, унинг умумий саноат тармоқларидағи хиссаси 11,8 фоизни ташкил этади, озиқ-овқат саноати 7,4 фоиз билан учинчи ўринни эгаллайди. Сирдарё вилояти саноати айнан мана шу тармоқларга ихтисослашган.

## 26-жадвал

### Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари(2000 йил)

№	Шаҳар ва туманлар	Аҳоли сони, минг киши	Саноат маҳсулоти, фоизда	қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти,%	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, %
1.	Гулистон шаҳри	73,7	28,9	2,8	37,4
2.	Янгиер шаҳри	55,2	4,4	0,6	6,9
3.	Ширин шаҳри	15,0	1,7	0,4	0,5
4.	Туманлар:Оқолтин	51,3	4,9	15,9	0,6
5.	Боёвут	80,5	10,9	17,2	1,5
6.	Гулистон	50,9	0,3	8,1	0,5
7.	Мирзаобод	42,2	0,1	5,3	0,2
8.	Меҳнатобод	23,4	0,1	4,2	0,1
9.	Сирдарё	103,0	21,4	14,5	32,5
10.	Сайхунобод	60,0	20,1	13,6	19,2
11.	Ш.Рашидов	50,4	6,9	9,6	0,2
12.	Ховос	44,1	0,3	7,8	0,4

13.	Вилоят бўйича	649,6	100	100	100
-----	---------------	-------	-----	-----	-----

*Жадвал ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

Саноат тармокларининг худудий таркибини таҳлил қилганда вилоят маркази Гулистан шаҳрини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Бу шаҳар зиммасига Сирдарё вилояти саноат маҳсулотининг 23,2 фоизи (2000 йил) тўғри келади. Гулистанда енгил ва озиқ-овқат саноати тармоклари яхши ривожланган.

Кишлоқ туманларидан Сирдарё, Сайхунобод, Ш. Рашидов ва Оқолтин туманларининг хиссаси анча юкори. Жумладан, вилоят саноат маҳсулотининг 17,2 фоизини Сирдарё ва, 16,2 фоизини Сайхунобод туманлари беради. Айни вақтда Мехнатобод, Гулистан, Мирзаобод туманларида саноат ривожланниши паст даражада.

Енгил саноат асосан вилоят пахта хом ашёсига таянган ҳолда ривожланиб келмоқда. Дехқонбод, Боёвут, Мирзаобод, Фарғона ва Гулистан пахта тозалаш заводлари шулар жумласига киради. Мазкур заводлар вилоятдаги етиштирилган пахтани тўла қайта ишлаш кувватига эгадир.

Озиқ-овқат саноатининг корхоналари деярли барча шаҳар ва туманларда мавжуд бўлиб, бунга Сирдарё, Гулистан сут заводлари, ёғ-пишлок заводи, ёғ-экстракция, қандолат фабрикаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Юқоридаги тармоклардан ташқари машинасозлик ва метални қайта ишлаш тармоғи ҳам шаклланмоқда. Асосан Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг Сирдарё филиали, Гулистан таъмирлаш-техника заводлари, рефрижератор-вагонларни таъмирлаш заводлари шулар жумласидандир. Мазкур тармоқнинг вилоят саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ҳажми 2,2 фоизга баробар.

Курилиш материаллари саноатига жами саноат маҳсулотининг 1,2 фоизи яқини тўғри келади. У асосан Янгиер шаҳри ва Сирдарё туманларида ривожланган.

Янгиер курилиш материаллари ва конструкциялари комбинати таркибида темир-бетон маҳсулотлари, темир-бетон қувурлари заводлари ва цехлари мавжуд. Сирдарёда ҳам темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, бу ерда уйсозлик комбинати барпо этилган.

Сирдарё вилоятида қазилма бойликлар, етарлича ишчи кучи бўлмаганлиги боис оғир саноат тармоклари суст ривожланган, аммо келажакда тўқимачилик, машинасозлик, фармацевтика ва курилиш саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар бор.

**Кишлоқ хўжалиги.** Сирдарё вилояти мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 3,6 фоизини, Мирзачўл иқтисодий районининг 40,8 фоизини беради. Янги ерларни ўзлаштириш орқали ривожланган бу тармоқда дехқончилик етакчилик қиласди.

Хозирги пайтда Сирдарё вилоятининг умумий экин майдонлари 260 минг гектар бўлиб, шундан 104,4 минг гектарга донли экинлар экиласди. қолган қисмида пахта, полиз ва сабзавот етиштирилади. 2000 йилда вилоятдаги 104,4 минг гектарга экилган донли экинлардан 217,2 минг тонна ҳосил олинган (асосан буғдой), ҳосилдорлик ўртacha 20,8 центнер.

Дехқончиликнинг етакчи тармоғи-пахтачилик бўлсада, кейинги йилларда унинг экин майдонлари анчага кискарди. Хозирги вақтда Сирдарё вилояти барча экин майдонларининг 53,1 фоизига пахта экилмоқда.

Полиз ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳам муҳим қишлоқ хўжалиги тармоклари бўлиб, вилоят бу жиҳатдан минтақалар ичida етакчилардан ҳисобланади. Айнан ана шу маҳсулот турларининг ялпи ҳосили Республика умумий кўрсаткичидаги 3,7 фоизни, шундан полиз экинлари 54,1 фоиз, қолгани сабзавотларга тўғри келади. Полиз экинлари етиштириш бўйича (63,4 минг тонна) вилоятлар орасида мазкур вилоят биринчи ўринни эгаллайди.

Сирдарё вилоятида дехқончилик маҳсулотларини етиштириш билан бир вақтда чорвачилик тармоклари ҳам ривож топиб бормоқда. Мазкур тармоқнинг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмидаги улуши 45,7 фоизга teng. Гўшт етиштириш тирик вазнда 25,1 минг тоннани ташкил этган ҳолда Республикада етиштирилган гўштнинг 3,1 фоизни, сутнинг 3,3 фоизини беради. Бундан ташқари, пиллачилик ҳам яхши йўлга кўйилган.

Кишлоқ хўжалигидан олинаётган маҳсулотларнинг ялпи ҳосилига кўра 2000 йилда Оқолтин (15,9 фоиз), Сайхунобод (13,6 фоиз), Боёвут (17,2 фоиз) ва Сирдарё (14,5 фоиз) туманлари бошқа туманларга нисбатан ажралиб туради.

2001 йил маълумотлари бўйига, ўтган давр оралиғида вилоят қишлоқ хўжалигига биронта ҳам ортиқча ишчи кучи бўшамаган. Аксинча, айнан шу тармоқда 4,6 минг кишилик янги иш ўринлари ташкил этилган. Бу эса вилоятдаги меҳнат ресурслари муаммоларини ҳал этишга ижтимоий-иктисодий ривожланишини юксалтиришга хизмат қиласди.

Сирдарё вилояти мамлакат ҳудудий меҳнат тақсимотида қишлоқ хўжалигининг баъзи тармокларини ривожлантириш учун етарлича шароит ва имкониятлари борлиги туфайли келажакда минтақалар иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллаш зарур.

**Ташқи иқтисодий алоқалар ва транспорт.** 2000 йил Сирдарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси 83,1 млн. АқШ доллари, шундан экспорт ҳажми 49,7 ва импорт 33,4 млн. долларга teng бўлди. Унинг аксарияти МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий мамлакатлар билан олиб борилган савдо-сотикка тўғри келди. Шунингдек, қўшма корхоналарнинг экспорт ҳажми 0,1, импорт ҳажми эса 1,8 млн. АқШ долларини ташкил этган.

Сирдарё вилояти ҳудудидан Тошкентни, мамлакатимиз жанубий ва марказий районларини Фарғона водийси билан боғлайдиган Тошкент-Сирдарё-Гулистан-Ховос-Фарғона водийси, Тошкент-Сирдарё-Жиззах-Самарқанд-қарши-Термиз темир йўллари ўтади. Бундан ташқари, вилоятда ички алоқаларини таъминлашга хизмат кибути транспорт тизими ҳам ривожланмоқда. Бу ўринда Сирдарё-Гагарин-Дўстлик-Пахтакор-Жиззах темир йўли ҳамда вилоятни Тошкент билан боғловчи темир йўлнинг электрлаштирилганлиги катта аҳамиятга эга.

**Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби.** Гулистан-вилоят саноат ишлаб чиқаришида етакчи мавқега эга ва маъмурий марказ ҳисобланади. Саноат маҳсулотининг 23,1 фоизи шу шаҳар зиммасига тўғри келади. 1896 йилда бу ерда, Тошкент-Красноводск темир йўлининг курилиши бошланган пайтда, бугунги Гулистан ўрнида кичик Аччиқкудук кишлоғи бор эди. 1905 йилда у Мирзачўл станцияси деб атала бошланди. Ҳозирги пайтда Гулистанда бир неча енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналари мавжуд. Бундан ташқари, шаҳарда курилиш материаллари комбинати, тикувчилик фабрикаси ишлаб турибди.

Янгиер шаҳри ривожланиш даражасига кўра иккинчи ўринда. Мазкур шаҳар 1956 йили ташкил этилган. Тошкент-Ховос темир йўли, Катта Ўзбекистон тракти бўйида, Жанубий Мирзачўл канали ёқасида жойлашган. Бу шаҳарда курилиш материаллари, паҳта тозалаш ва ун саноатининг келажакда янада ривожланиши учун барча шароитлар етарли. Ҳозирда жами вилоят саноат маҳсулоти ҳажмининг 3,6 фоизи Янгиер шаҳрига тўғри келади (2000 йил).

Туманлардан Сирдарё, Сайхунобод, Оқолтин саноат ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича нисбатан яхши ривожланган. Айни чоғда бу кўрсаткичлар Мирзаобод, Мехнатобод ва Гулистан туманларида суст даражада.

Сирдарё вилояти мамлакатимизда хорижий сармояларни жалб этиш ва шу асосда қўшма корхоналар қуриш борасида анча орқада. Аммо вилоят туманларини ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш учун тегишли имкониятлар мавжуд.

### Савол ва топшириқлар

- Жиззах ва Сирдарё вилоятларини Мирзачўл иқтисодий район доирасида бирлаштиришига нималар асос бўла олади?**
- Жиззах вилояти қайси саноат тармоқларига ихтисослашган?**
- Жиззах вилояти иқтисодиёти Сирдарё вилояти хўжалик ихтисослашувидан нималар билан фарқ қиласида?**
- Сирдарё вилоятининг миллий ва минтақавий иқтисодиётда тутган ўрни нималарга боғлиқ?**
- Иқтисодий район вилоятлари транспорти ва ташқи иқтисодий алоқаларини баҳоланг.**

### IV БОБ. ФАРҒОНА МИНТАҚАСИ

Фарғона минтақаси таркибига Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари киради. Майдони 18,4 минг км<sup>2</sup> ёки мамлакат ҳудудининг 4,1 фоизини ташкил қиласи. Аҳолиси, 1 январ 2002 йил маълумотларига кўра, 6965 минг киши, бу эса Ўзбекистон аҳолисининг 27,7 фоизига teng.

Иқтисодий район Фарғона водийси (чўқмаси)нинг Ўзбекистон қисмida жойлашган маъмурий бирликларни ўз ичига олади. У Республикасининг шарқий қисмida ўрнашган, шимол, шарқ ва жанубда кирғизистон Республикасининг Жалолобод, Ўш ва Боткон вилоятлари билан, жануб ва жануби-ғарбда Тожикистон Республикасининг Суғд (Ленинобод) вилоятни билан чегарадош, бевосита Ўзбекистонда эса у Тошкент вилоятига туташ.

Район деярли тўрт томондан тоглар билан ўралган: шимол, шимоли-ғарб ва шарқда Тянь-Шан (Тангри тоғ)га қарашли курама, Чотқол ва Фарғона, жанубда Туркистон ва Олой тоғ тизмалари жойлашган. Иқтисодий район ҳудудидан ўтувчи Сирдарё (у Наманган шаҳри яқинида Норин ва корадарёнинг кўшилишидан ҳосил бўлган) водийни нисбатан каттароқ ва текисроқ шимол ва асосан тоголди (адир) районлардан иборат жанубий қисмларга ажратади. Фарғона чўқмасини водий деб аталиши ҳам айнан ана шу Сирдарёга боғлиқ. Бироқ, водийнинг «Ўрта Осиё дурдонаси» бўлишига кўп жиҳатдан Сирдарё эмас, балки унинг кўп сонли ирмоклари сабабчи бўлган. Ушбу ирмоклар-сойларнинг қуий қисмida қадимдан

воҳа ҳамда воҳачалар ва уларга мос ҳолда шаҳарлар вужудга келган, уларнинг кейинчалик сугориши иншоотлари билан бирлаштирилиши натижасида бутун Фарғона воҳаси ташкил топган. Шундай қилиб, мазкур район худудини бир вақтнинг ўзида тоғлараро чўкма (котловина), водий ва воҳа сифатида қараш мумкин.

Водийнинг марказий қисмларида баландлик денгиз сатҳидан 200–300 метрдан ошмайди ва чекка томон эса ер усти кўтарилиб боради. Бу кўтарилиш шимолда кескинроқ, бинобарин, худуднинг энг баланд қисмлари унинг шимол, шимоли-ғарбиға тўғри келади (тахминан 2200 м).

Майдони анча кичик, лекин аҳоли сони кўп ва ниҳоятда зич жойлашган ушбу худуднинг иқтисодий район шаклида ажратилиши, энг аввало, унинг географик ўрни ва демографик салоҳияти билан тавсифланади. Бу ерда район хосил қилувчи ишлаб чиқариш тармоқлари бўлиб эса асосан пахта ва пилла етиштириш, боғдорчилик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари хизмат қиласи. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, минтақа иқтисодиётини ривожланган агросаноат мажмуаси ташкил қиласи. Унга қўшимча равишда кимё, нефт ва нефт кимёси ҳамда машинасозлик, айниқса автомобилсозлик ривожланиб бормоқда.

Фарғона иқтисодий райони мамлакат ялпи ички маҳсулотини 23,7, саноат ишлаб чиқаришини 1/5 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 30 фоизига яқинини беради. Водийда қадимдан пахтачилик ва пиллачилик билан шугулланиб келишган, бунга унинг географик ўрни, яъни Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Худуднинг айнан ана шундай транзитлик (ўтувчанлик) хусусияти ўтмишда бу ерда хўжалик ва маданиятнинг ривожланиши ўтишларини қисман белгилаб берган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Буюк Ипак йўлининг тикланиши, Трансконтинентал Европа–Осиё магистралининг очилиши водий иқтисодий географик ўрнини тубдан ўзгартириди, унинг берк ҳолатини йўқотади ва яна шарққа томон «очади». Шубҳасиз, мазкур омил минтақа ижтимоий- иқтисодий ривожланишини янада тезлаширади.

Водий қазилма ресурсларга бой эмас ва, бинобарин, бу омил район хосил қилувчи бўла олмайди. Бу ерда ёқилғи (нефт) ва рангдор металларнинг кичик конлари бор, холос. Асосий минерал бойликлар водийнинг тог қисмидаги туташ республикалар худудида жойлашган.

Сув ресурслари ҳам айнан ана шу худудларда ташкил топади, бироқ улардан суформа дехқончиликда фойдаланиш водийнинг ички, яъни Ўзбекистон қисмидаги вужудга келган. Бу ерда биз тог ва текислик табиий-хўжалик тизимларининг геожуфтлик ҳолатини, уларнинг ўзаро алоқадорликда ривожланиш зарурятини, худудий иқтисодий интеграция жараёнларининг зарурлигини кўриб турибиз. Шу боис, минтақада қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга кўйиш, ягона мамлакатлараро иқтисодий макон яратиш муҳим аҳамиятга эга.

## 27-жадвал

### Фарғона иқтисодий районининг ички тузилиши ва Республикада тутган ўрни (2000й., фоиз)

№	Кўрсаткичлар	ФИР ЎзРда	Андижон вилояти		Наманган вилояти		Фарғона вилояти	
			ЎзР	ФИР	ЎзР	ФИР	ЎзР	ФИР
1	Майдони	4,1	0,9	23,0	1,7	41,3	1,5	35,7
2	Аҳолиси	27,7	8,9	32,3	7,9	28,5	10,9	39,2
3	Ялпи ички маҳсулот	23,7	8,2	34,5	5,3	22,2	10,2	43,3
4	Саноат маҳсулотлари	24,5	8,1	33,2	3,7	15,0	12,7	51,8
5	қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	29,1	10,5	35,9	8,0	27,6	10,6	36,5
6	Экин майдонлари	20,1	6,1	30,4	6,1	29,5	7,9	40,1
7	Инвестиция	16,8	4,9	29,3	5,5	32,7	6,4	38,0
8	Ташкил савдо обороти	12,0	6,0	44,9	1,6	13,7	4,4	41,4
	экспорт	11,9	3,9	32,5	2,3	19,8	5,7	47,7
	импорт	12,4	8,4	68,2	1,0	7,1	3,0	24,7

Иқтисодий районни шакллантирувчи асосий омил бу ерда яшовчи кўп сонли аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳисобланади. Бинобарин, водий, воҳа тушунчалари аҳоли зич жойлашган, меҳнатни кўп талаб қилувчи хўжалик тармоқлари, аҳоли манзилгоҳларининг йўл ва сойлар, каналлар бўйларида занжирсимон худудий ташкил этилганлик ва бошқа ўзига хос, бетакрор хусусиятлари билан уйғунлашиб кетади. Водийда аҳоли кўп, ер-сув манбалари эса чекланган. Айнан ана шундай номувофиқлик минтақанинг асо-

сий ижтимоий-иктисодий муаммоларини келтириб чиқаради. Энг мухими-бу ерда аҳоли бандлигини яхшилаш, минтақавий меҳнат бозорини шакллантириш, кўшимча иш ўринларини яратиш, иктиносидётни юксалтириш негизида ижтимоий ривожланишни таъминлаш зарур.

Иктиносидий районга кирувчи вилоятлар майдони, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳияти ўзаро бироз фарқ қилади. Худуди жиҳатдан нисбатан катта бўлган Наманган вилоятида қўшини худудларга караганда аҳоли зичлиги камроқ, иктиносидёт кўрсаткичлари ҳам пастроқ. Ушбу вилоят иктиносидий районнинг 22,2 фоиз ялпи ички, 15,0 фоиз саноат ҳамда 27,6 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини беради. Бу жиҳатдан Фарғона вилоятининг иктиносидий қурдати катта, у иктиносидий район ялпи ички маҳсулотининг 41,3 ва саноат ишлаб чиқаришининг ярмидан кўргонини таъминлайди (27-жадвалга қаранг).

Кейинги, хусусан мустақиллик йилларида Андижон вилояти иктиносидётни тез ривожланиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари аҳоли сонининг нисбий улушларидан зиёд. Вилоядта нафакат саноат (автомобилсозлик), балки қишлоқ хўжалиги, пахтачилик («Андижон усули») ҳам яхши тараққий этган. Иктиносидий районнинг шунга ўхшаш ички хусусиятлари вилоятлар хўжалигининг алоҳида таърифларида янада яққолроқ намоён бўлади.

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Вилоят 6 март 1941 йилда ташкил топган. Унинг таркибига ҳозирги кунда 14 қишлоқ туманлари – Андижон, Асака, Балиқчи, Булокбоши, Бўз, Жалолқудук, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улугнор, Хўжаобод, Шаҳриҳон ва қўргонтепа туманлари киради. Унинг майдони 4,2 минг  $\text{km}^2$  ва бу жиҳатдан Андижон вилояти Республикада энг кичик ҳисобланади.

Аҳолиси 2220 минг кишидан зиёдроқ. Аҳоли сони бўйича вилоят Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан кейин тўртинчи ўринда туради. Андижон вилояти Ўзбекистон худудининг 1 фоизини ҳам ташкил қилмайди, бироқ, бу ерда мамлакат аҳолисининг деярли 9 фоиз истикомат қилади. Маъмурий маркази – Андижон шаҳри (339 минг киши); вилоятда ҳаммаси бўлиб 11 шаҳар ва 5 шаҳарча мавжуд.

Андижон вилояти минтақавий ва мамлакат меҳнат тақсимотида пахта ва пилла етишириш, ип-газлама ва автомобил саноатлари билан ажralиб туради. Шунингдек, бу ерда озиқ-овқат, электр энергетика саноати ҳам қисман ривожланган.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** Вилоят худуди Фарғона иктиносидий райони ва Ўзбекистон Республикасининг чекка шарқида жойлашган. У қыргизистон Республикасининг Жалолобод ҳамда Ўш вилоятлари билан чегарадош. Республикамиз доирасида эса Андижон вилояти жануби- гарбда Фарғона ва шимоли-гарбда Наманган вилоятлари билан кўшни.

Ер усти тузилиши баландлик адир ва текисликлардан иборат, энг баланд нуқталари жануб ва чекка шарқда – Хўжаобод ва қўргонтепа туманларида жойлашган (1350–1550 м.). Андижон гуруҳ районларини вилоятнинг жануби-шарқда жойлашган худудларидан 800–900 метр баландликдаги адир зонаси ажратиб туради. Айнан ана шу адирнинг жанубий қисмida Полвонтош, Андижон, Жанубий Оламушук каби унча катта бўлмаган нефт конлари мавжуд.

Вилоятнинг гарбий ва шимолий-гарбий, нисбатан янги ўзлаштирилаётган худудларининг баландлиги 400–420 м. Бу икки орографик шакллар ўртасида қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашуви учун ниҳоятда қулагай бўлган пасттекислик бор.

Иклими континентал, йиллик ёғин-сочин микдори водийнинг бошқа қисмларига караганда кўпроқ (500 мм. атрофида). Асосий гидрографик элементлари қорадарё ва унинг ўнг ирмоқлари – Мойлисув ва Тентаксойдан иборат. Чекка жануби-шарқда қирғизистон худудига туташ жойда Андижон сув омбори ва 100 минг кВт кувватга эга бўлган Андижон ГЭСи курилган. Шунингдек, вилоят худудида Жанубий Андижон, Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона ҳамда Жанубий Фарғона каналлари мавжуд.

Шундай қилиб, Андижон вилоятида қазилма бойликлар оз, сув захиралари эса бирмунча кўп. Айнан ана шу агроклиний имкониятлар бу ерда қадимдан сугорма дехқончилик ва шу асосда хўжаликнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга сабаб бўлган.

**Аҳоли ва меҳнат ресурслари.** Вилоят аҳолиси 1989–2002 йилларда 1,4 марта ўсган (у 1989 йилда 1721 минг киши бўлган). Аҳоли зичлиги Республикаизда ва, колаверса МДҲ давлатлари бўйича ҳам энг юқори – ҳар бир  $\text{km}^2$  майдонга 540 кишига яқин. Зичлик айниқса Шаҳриҳон (732) ва Асака (870 киши) туманларида катта. Айни вактда бу кўрсаткич Бўз (240) ва, хусусан, Улугнор (100 киши) туманларида «андижонча» эмас. Аҳолининг бундай жойланиш хусусиятлари ердан фойдаланиш, ижтимоий-иктиносидий ривожланишга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Аҳолининг табиий ўсиши, 2001 йил якунлари бўйича, ҳар минг кишига 15 киши. Туғилиш коэффициенти 19,6 ва ўлим 4,9 промиллека тенг. Туғилиш кўрсаткичлари вилоят туманлари даражасида унча

кatta фарқ қилмайди; ўлим эса шаҳар жойларда нисбатан юкори бўлиб, у Улугнор туманида энг кичик (3,6-4,0 промилле атрофида).

Миграция харакатлари аҳоли ўсишига катта таъсир этмайди. 1997 йилда миграция қолдиги шаҳар жойларда минус 970, 1998 йилда-960 кишига тенг бўлган ҳолда шу йилларда қишлоқ манзилгоҳларида у бироз кўпроқ (1690 ва 1555 киши).

Вилоят аҳолисининг 30,1 фоиз ёки 666 минг кишиси шаҳарларга тўғри келади. Катталиги жиҳатидан «иккинчи» шаҳар Шаҳрихон ҳисобланади (60 мингга яқин). Шунингдек, ўзбек автомобилсозлари шаҳри Асакада ҳам анча кўп аҳоли яшайди-52 минг киши; корасув, Хонобод, Охунбобев, Пойтүғ, Пахтаобод, кўргонтепада 20-25 минг кишидан аҳоли мавжуд. Вилоятнинг қолган шаҳар ва шаҳарчаларида аҳоли миқдори бундан кам.

Жами аҳолининг деярли ярми меҳнатга лаёқатли ёшлилардан иборат; 840 мингга яқин кишилар иш билан банд, расмий «ишислар» 2350 киши атрофида. Барча банд бўлган аҳолининг 12,0 фоизи саноатга ва 43,5 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. қурилишда 5,4 фоиз, савдо, умумий овқатланишда 8,5, таълим, маданият, санъат ва фанда 11,2 фоиз меҳнат ресурслари банд. Биргина 2000 йилда меҳнат биржалари 7,6 минг кишини иш билан таъминлаган; умумий бандлик даражаси 77,2 фоиз.

**Хўжаликнинг умумий таърифи.** Андижон вилоятида макроиқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулот ўртача иилига 3-5 фоиз кўпаймоқда. Саноат ишлаб чиқарининг ўсиш суръатлари бўйича эса ушбу вилоят Республикада энг олдинда: мустақиллик йилларида мазкур тармоқ маҳсулоти яқин 5 марта ортган.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда қишлоқ хўжалиги ҳам илдам ривожланиб бормоқда. Вилоят бу борада 1991 йил даражасидан 1996 йилда ёки бетиб, ҳозирда барқарор ўсиш кўрсаткичига эга. Ҳатто Республикамиз учун об-ҳаво шартлари нокулай келган 2000 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 108,8 фоизга ўсган.

Мустақиллик йилларида Андижон вилояти мамлакатимизга биринчи ўзбек автомобилини, пахтачилиқда янги «Андижон усулини» берди. Бу ерда хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам яхши кўрсаткичларга эга. Масалан, 2000 йилда капитал қурилиш (маблағ) 127 фоизга, пуллик хизмат ҳажми 140,5, шу жумладан, майший хизмат кўрсатиш 120,7 ва чакана савдо обороти 108,8 фоизга ошган.

Ҳозирги кунда вилоятда 40 га яқин қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар жумласига, Асакадаги «ЎзДЭУавто» корхонасидан ташқари, Ўзбекистон-Америка «Антри» (трикотаж маҳсулотлари), Хонобод шаҳридаги «Хон-Бугдо» Ўзбек-Хитой (макарон маҳсулотлари), «Эталон-Плюс» Ўзбек-киргизистон, Андижондаги олмос асблобарини ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Италия, Шаҳрихондаги кабел, Куйганёр шаҳарчасидаги маъданли сувлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар мавжуд. Шунингдек, Хонободда «ЎзКоджи» (енгил автомобиллар учун электр асблобари), Андижонда трикотаж ва тикув маҳсулотлари берувчи «РамздзинДу», Ўзбек-Хитой ва «Полипропилен» қўшма корхоналари ҳам қурилган. Барча қК вилоят саноат маҳсулотининг 63,4 фоизини ва экспортнинг асосий қисмини ташкил қиласиди. 2001 йилда Шаҳрихондаги «Антекс» корхонаси ҳам четга маҳсулот чиқара бошлади.

Кўриниб турибдик, вилоядада бозор ислоҳотлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Саноат маҳсулотининг 95,6 фоизи, қишлоқ хўжалигига эса деярли барча маҳсулот давлат тасарруфида бўлмаган корхона ва хўжаликларда яратилади.

**Саноати.** Андижон вилоятида 150 асосий саноат корхонаси бор. Улар Республиканинг 1/10 га яқин, иқтисодий районнинг 1/3 саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришади. Жумладан, вилоят Ўзбекистоннинг 100 фоиз енгил автомобилларини, 10,5 фоиз енгил саноат маҳсулотини беради. Бу ерда электротехника машинасозлиги, ип-газлами ишлаб чиқариш ҳам мамлакат аҳамиятига эга.

Мазкур вилоят Ўзбекистон Республикасининг 100 фоиз электр двигателларини, 10 фоизга яқин пайпоқ маҳсулотлари ва ип газламасини, деярли 1/3 трикотаж, 17 фоиз пойафзал, 15 фоиз тикув маҳсулотлари, 10 фоиздан ортиқроқ ўсимлик ёғини ишлаб чиқаради (2000 й.).

Вилоят саноати мажмуасида маҳсулот қиймати бўйича машинасозлик ва метални қайта ишлаш (53,3 фоиз), енгил саноат (17,8 фоиз) ҳамда ун-крупа, омухта ем ишлаб чиқариш етакчилик қиласиди. Бу ҳакда 28-жадвал аниқ маълумотларни беради.

**28-жадвал**

**Андижон ва Наманган вилоятлари  
саноатининг тармоқлар таркиби  
(2000 й., маҳсулот ҳажми бўйича, жамига нисбатан фоизда)**

№	Саноат тармоқлари	Андижон вилояти	Наманган вилояти
1	Электр энергетикаси	1,3	0,0

2.	Кимё ва нефт кимёси	2,7	1,3
3.	Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	53,3	3,9
4	курилиш материаллари саноати	2,0	8,0
5	Енгил саноат	17,8	45,8
6	Озиқ-овқат саноати	6,4	25,0
7	Ун-крупа, омұхта ем ишлаб чиқариш	13,1	12,3
8	Бошқа саноат тармоқлари	3,4	3,7

*Жадвал ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирилги маълумотлари асосида тузилган.*

Вилоятда сўнгги йилларда 500-700 млн. кВт/с электр энергия, 110-120 минг т. нефт, 17-24 минг т. тозаланган ўсимлик ёғи, 85-100 минг т. пахта толаси ишлаб чиқарилади. 1999 йилда Асака заводи конвейеридан ҳаммаси бўлиб 58,3 минг енгил автомашина, шу жумладан 28,3 минг «Нексия», 16,4 минг «Тико» ва 13,6 минг дона «Дамас» чиқарилган.

Асакадаги завод курилиши 1994 йилда бошланиб, ундан 1996 йилда биринчи ўзбек енгил машинаси чиқарилган. Умумий лойиҳа куввати бир йилда 200 минг дона машиналар ишлаб чиқаришга тенг. Республика мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида енгил машиналарнинг янги маркалари (русумлари) «Матиз» ҳам завод конвейеридан чиқарилади. Вилоятда ип-газлама, трикотаж буюмлари, электр двигателлари, эмал идишлар, электр кабеллари, гидроцилиндр ҳамда ирригация машиналари ҳам ишлаб чиқарилади. Асосий саноат марказлари Андижон, Асака, Шаҳриҳон, Марҳамат, Хонобод ва бошқалар. Туман марказларида пахта тозалаш заводлари бор, Хўжаободда эса йирик ер ости газ омбори қурилган.

**қишлоқ хўжалиги.** Вилоят 10,5% Республика ва 35,3% иктиносидай район қишлоқ хўжалик маҳсулотини беради. Макроиқтисодиётнинг бу соҳасида дехқончилик анча устунлик қиласи ва у жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 2/3 қисмини таъминлайди. Андижон вилояти зиммасига Ўзбекистонда етиштирилган фалланинг 14 фоизи, картошканинг 9 фоизи тўғри келади.

2000 йилда вилоятда барча экин майдонлари 231 минг гектарни ташкил этган. Шундан 86 минг гектарга фалла экилган ва 580 минг тонна ҳосил олинган (асосан буғдой). Пахта майдонлари 106 минг гектарга тенг бўлиб, 337 минг тоннадан ортиқ пахта олинган, ҳосилдорлик 31,8 ц/га. Эътиборга олиш жоизки, ушбу кўрсаткичларга вилоят мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ривожланиши оғир кечган йилда эришган.


Ушбу вилоят Республика қишлоқ хўжалиги ривожланишига бетакрор, ўзига ҳос янгиликлар киритди. 1995 йилда Хитой мутахассислари билан ҳамкорликда кўргонтепа туманининг «Савай» хўжалигига илк бор плёнка остига чигит қадалди. Тахминан 20 гектар ерга экилган эртапишар пахта навидан 40,2 центнердан ҳосил олинди. 1996 йилда бундай экин майдонлари 9300 гектарни ташкил этди. 2000-2001 йилларда ҳам ана шу янги усул туфайли Андижон вилояти Ўзбекистонда биринчи бўлиб пахта планини ортиғи билан бажарди.

қишлоқ хўжалигига фойдаланадиган ер майдонининг анчагина қисми боғдорчилик (19 минг га), узумчилик (37 минг га) ва сабзавотчилик (12 минг га) билан банд. Айни вақтда картошка етиштириш ва ем-хашак майдонлари камроқ.

Андижон вилояти йилига 2600-2700 тонна пилла етиштиради. Йирик шоҳли моллар сони 440 минг бошдан зиёд, кўй ва эчкилар 500 минг атрофида. Табиийки, бундай аҳоли зич жойлашган, дехқончилик интенсив ривожланган ҳудудда чорвачилик учун имкониятлар катта бўлмайди.

2000 йилда вилоят қишлоқ хўжалигига 15 мингга яқин ортиқча иш кучи бўшаган, 20,9 минг кишилик янги иш ўринлари ташкил этилган.

## 7- чизма. Андижон вилояти экин майдони, 2000 йил



### ■ \алла ■ пахта ■ сабзавотлар ■ бош=а экинлар

Иқтисодиёт билан бир қаторда ижтимоий соҳалар ҳам ривожланиб бормоқда. Вилоят ахолиси-нинг марказлаштирилган тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 87,7 фоиз. Бироқ, табиий газ билан таъминланиш учун юкори эмас-64,6 фоиз.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** 2000 йилда жами ташилган юклар 35,1 млн тоннага тенг, шундан 32,8 минг тоннаси автомобиль транспортига тўғри келади.

Ташқи савдо обороти 373 млн. АҚШ доллари (бу ўтган 1999 йилга нисбатан камрок), шундан экспорт 126 ва импорт 246 млн. доллар. Экспорт бўйича вилоят Навоий вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан кейин 4-ўринда, импорт ҳажми жиҳатидан эса Тошкент шаҳридан кейин 2-ўринда туради.

Ташқи савдо оборотининг таҳминан 2/3 қисми узоқ хориж мамлакатларига тўғри келади; импортнинг-90 фоиздан зиёдрогини асосан машина ва асбоб-ускуналар ташкил этади. Кўпгина вилоятлардан фарқ қилган ҳолда бу ерда пахта толасининг экспортдаги улуши камрок-33 фоиз. Андижон вилояти-нинг ташқи савдо алоқаларида Жанубий Корея мамлакати муҳим ўринга эга.

**Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби.** Вилоят саноат ишлаб чиккашининг 1/4 қисмини унинг маъмурий маркази Андижон шаҳри беради. Шунингдек, бу борада Асака шаҳрининг ўрни ҳам катта (40 фоиз атрофида). кишлоқ туманлари орасида саноат кўргонтепа ва Шаҳрихонда нисбатан яхши ривожланган. Айни чоғда у Булоқбоши, Бўз ва Улугнор туманларининг саноат салоҳияти пастроқ.

Кишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда Шаҳрихон, Избоскан ва кўргонтепа туманлари ажралиб туради. Энг кичик кўрсаткич яна ўша Улугнор ва Бўз туманларига тўғри келади.

Умуман, Андижон вилоятини микроиқтисодий районларга ажратадиган бўлсак, у ҳолда бу ерда уч районни кўрсатиш мумкин: Марказий (Андижон ва Асака шаҳарлари, Андижон, Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод, Избоскан туманлари); Жануби-шарқий (Марҳамат, Жалолқудук, кўргонтепа, Хўжаобод, Булоқбоши туманлари) ва /арбий район (Балиқчи, Бўз ва Улугнор).

Шубҳасиз, улар орасида марказий районнинг иқтисодий қудрати катта. Бу борада айникса Андижон-Асака-Шаҳрихон «учбурчаги» муҳим мавқега эга. Андижон агломерацияси ва саноат тугуни вилоят геоиқтисодий маконининг ўзагини ташкил этади. Шу билан бирга, адир орқасидаги Жануби-шарқий район ҳам анча ривожланган, аммо учинчи, яъни кейинги йилларда ўзлаштирилган /арбий районнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти ҳозирча юкори эмас.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Вилоят Ўзбекистон Республикаси таркибида 6 март 1941 йилда ташкил топган. У ҳозирги вақтда 11 туман, 8 шаҳар ва 11 шаҳарчадан иборат.

Наманган вилоятига киравчи туманлар-Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Тўракўрон, Уйчи, Учкўрғон, Чорток, Чуст ва Янгиқўргон бўлиб, уларнинг барчасининг майдони 7,4 минг км<sup>2</sup>, ёки Республика ҳудудининг 1,7 фоизини ташкил қиласди. Ахолиси, 2001 йил маълумотига мувофиқ, 1957 минг киши (ЎзР га нисбатан 7,9 фоиз). Маъмурий маркази Наманган шаҳри.

**Жойлашган ўрни ва табиий бойликлари.** Наманган вилояти асосан Сирдарёнинг ўнг қирғоги, Фаргона водийсининг шимолий қисмини эгаллайди. У Ўзбекистон Республикаси худудининг шаркй қисмиди, кирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятининг жанубида жойлашган; гарбда Тошкент вилояти, жанубида Фаргона, жануби-шарқда Андижон вилоятлари билан чегарадош.

Вилоят худудининг ярмидан кўпроғи тоғ ва тоғ олди районларидан ташкил топган. Бу ерда адир минтақаси қўшни вилоятларга қараганда кенг тарқалган ва у боғдорчилик, узумчилик ҳамда чорвачилик учун қулай. Шу нуқтаи назардан Наманган вилоятининг ер фонди ҳам каттароқ. Бироқ, унинг энг чекка шимоли-гарбий қисми баланд тоғликлардан иборат (баландлиги 4000 метгача етади).

Ер бойлигидан ташқари вилоят худудида айрим қазилма бойликлар ҳам мавжуд. Улар Чодоқ, Чоркесар, Ўргурсой полиметалл ва кимматбаҳо металлар ҳамда Мингбулоқ нефт конларидир. Аммо рудали конларда қазилма бойликларнинг захираси кўп эмас ва, бинобарин, улар минтақа иқтисодиётига кучли таъсир этмайди.

Ёғин-сочин миқдори гарбдан шарққа томон ортиб боради (100-400 мм). Асосий гидрографик элементи Сирдарё бўлиб, у шу номда айнан вилоят ҳудуди, Норин ва қорадарёнинг қўшилиши натижасида шаклланади. Бироқ, Сирдарёнинг ерларни сугоришдаги аҳамияти катта эмас, чунки у анча пастлиқда оқиб ўтади. Бу жиҳатдан унинг ирмоқлари-сойларнинг аҳамияти юқоририк: Резаксой, /овасой, Косонсой, Чортоксой, Намангансой ва ҳ.к. Ушбу сойларнинг юқори қисмida кичик-кичик сув омборлари курилган (Чорток, Кўксарой, Олмоссой, /овасой ва бошқалар).

Норин дарёси кирғизистон худуди, баланд тоғликлардан водийга чиққандан сўнг кенг ёйилиб кетади. Худди ана шу ердан водийнинг аксарият каналлари бошланади. Жумладан, Катта Наманган, Шимолий Фаргона, Катта Фаргона каналлари ҳам Учқўрғон шахри ва Шамолдисой шаҳарчаси яқинидан бошланиб гарбга томон оқади. Катта Наманган канали кейинги йилларда курилган бўлиб, у адир зонасининг пастроқ қисмларини сугоришга мўлжалланган. Умуман олганда эса Наманган вилояти, айниқса унинг гарбий қисми қўшни вилоятларга қараганда сув билан яхши таъминланмаган.

**Аҳоли ва меҳнат ресурслари.** Наманган вилояти аҳолиси 1989-2001 йилларда 133 фоизга ёки ўртacha ҳар йили 2,50 фоизга кўпайиб борган. Бу жиҳатдан у Республикасида аҳолиси нисбатан тез ўсиб бораётган Сурхондарё, қашқадарё, Хоразм вилоятлари қаторига киради (Ўзбекистонда ўртacha кўпайиш 1,95 фоизга тенг).

Аммо бу вилоядта ҳам демографик ўсиш бироз пасайиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда Наманган вилоятининг аҳолиси 25 минг кишига ёки 1999 йилга нисбатан 1,70 фоизга кўпайган.

Наманган вилоятида аҳолининг зичлиги ўртacha  $1\text{km}^2$  га 263 кишини ташкил қиласи. Бу ракам қўшни Фаргона ва айниқса Андижон вилоятига қараганда бироз пастроқ бўлсада, у республика кўрсаткичидан 5 марта кўпdir.

Вилоят худудида аҳоли зичлиги ҳар хил. Масалан, у Наманган шаҳрига бевосита якин, сугорма дехқончилик яхши ривожланган туманларда (Уйчи, Тўракўрғон, Наманган) 520-620 кишига етади. Ваҳоланки, майдони бўйича энг катта Поп туманида (унинг худуди вилоятга нисбатан 39,1 фоизни ташкил этади) зичлик атиги 52 киши, холос. Бу эса бутун Фаргона иқтисодий районида энг кичик кўрсаткичидир. Шунингдек, янги ўзлаштирилган Мингбулоқ туманида ҳам аҳоли жойлашуви унча зич эмас-115 киши ва бу жиҳатдан у қўшни Андижон вилоятининг Улуғнор, Бўз туманларига ўхшаб кетади.

Демак, вилоят туманларининг демографик сифими бир-биридан анча фарқ қиласи. Бундай ҳолат асосан сув ресурсларининг худудий шаклланишига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий хусусиятларига ҳам таъсир кўрсагади.

Вилоят аҳолисининг нисбатан юқори суръатларда ўсишига унинг табиий ҳаракати сабабчиидir. Чунончи, 2001 йилда туғилиш 20,7 промилле, ўлим 4,7 ва табиий кўпайиш 16,0 промиллега тенг бўлган (1999 йилда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос равишда 23,1, 4,9 ва 18,2 промиллени ташкил этган). Айни вақтда табиий ҳаракат даражаси туманлар доирасида катта фарқ қилмайди.

Миграция жараёнининг аҳоли ўсишига таъсири айтарлича эмас; шаҳар жойларида унинг натижаси вилоят учун ўртacha минус 1500, 1900 кишига баробар, қишлоқларда эса келганлар билан кетганлар сони деярли тенглашиб бормоқда.

Гарчи саноат ривожланиши Наманган вилоятида унча юқори бўлмасада, бу ерда урбанизация кўрсаткичи Андижон ва Фаргона вилоятларига қараганда каттароқ бўлиб, у Республика даражасига тенг (37,5 фоиз). Вилоят маркази-Наманган, аҳолиси кейинги 20 йилда жуда тез суръатлар билан кўпайди. Масалан, 1979 йилда бу ерда 226,6 минг ва 1989 йилда 304,2 минг киши яшаган бўлса, 2001 йилда шаҳарнинг аҳолиси 390 мингдан ошиб кетди. Ана шу йиллар давомида Наманган, Андижон ва, ҳатто Самарқанддан ўзиб кетиб, Ўзбекистоннинг аҳоли сони бўйича иккинчи шаҳрига айланди. Такқослаш учун ана шу йилларда Андижон аҳолиси 229,7; 290,5 ва 336,7 минг, Самарқандники-338,6; 364,0 ва 361,1 минг кишини ташкил қиласи.

Аммо Наманган вилоятида унинг маъмурий маркази яккаю-ягона катта шаҳар; иккинчи шаҳар-Чустда 61 минг ёки Намангандан 6,5 марта кам аҳоли яшайди. Булардан ташқари, Чорток (46 минг) ва

Косонсой (41 минг) ҳам анча кўзга ташланади; Поп, Тўракўргон, Ҳаққулобод ва Учкўргоннинг хар бирида 20-30 мингдан ахоли бор; энг кичик шаҳарча Чоркесар ва Навбаҳор (Поп тумани) бўлиб, уларга 1,4 минг кишидан ахоли тўғри келади. Шаҳар манзилгоҳларининг бундай турланиши вилоят иқтисодиётининг ҳудудий таркиби ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг хусусиятларига мос келади.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар 950 мингга яқин, шундан 64,9 фоизи мулкчиликнинг турли шаклларида банд; 2000 йилда меҳнат биржаларида 2920 киши ишсиз мақомида рўйхатга олинган. Бу ерда ҳам, иқтисодий районнинг бошқа вилоятлари каби, аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш муҳим муаммо ҳисобланади. Бир йилда ташкил этилган янги иш ўринлари 1,4 марта ортган ва 34,9 мингни ташкил этган.

**Иқтисодиётнинг умумий таърифи.** Ялпи ички маҳсулот 2000 йилда 108,2, саноат ишлаб чиқариши 123,7 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 111,7 фоизга, капитал маблағ 103,0 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичлар мамлакат миқёсида анча юкоридир. Худди шу йилда чакана савдо обороти 110,0 фоизга, пуллук хизмат ҳажми 139,9 ва майший хизмат 132,5 фоизга кўпайган. Умуман мустақиллик йилларида саноат ишлаб чиқариши бу ерда қарийб 1,5 марта ўсили, қишлоқ хўжалиги, маҳсулот қиймати бўйича со-лиштирма нарҳда, 1998 йилда 1991 йил даражасидан ўтиб кетди.

Наманган вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг 96 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг эса деярли 100 фоизи нодавлат секторига тўғри келади.

Вилоятда 80 га яқин кўшма корхоналар мавжуд бўлиб, улардан 60 таси 2000 йилда фаолият кўрсатган (кўпчилиги кичик корхоналар). кўшма корхоналар 1/5 дан кўпроқ жами саноат маҳсулотини берсада, уларнинг экспортдаги улуши 23,7 фоизни ташкил этади. кўшма корхоналардан энг муҳимлари «Косонсой-Текмен», «Аснамтекстил», «Поп-Фен», «Силк-Роад», «Сиб-Нам» ва бошқалар. Шунингдек, Косонсойда «Касмир-Дери», Тўракўргонда «Шомо ЛТД» кабилар мавжуд. Туркия билан ҳамкорликда бунёд этилган «Косонсой-Текмен» кўшма корхонаси жундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Яқин келажакда ушбу корхона янада кенгайтирилади ва жуда кўп миқдорда янги иш ўринларига эга бўлади.

Бевосита хорижий мамлакатлар инвестициялари ёрдамида 30 га яқин корхоналар қурилган, бироқ уларнинг ярмидан сал кўпроғи ишламоқда, холос. Барча корхоналарда 1250 киши хизмат қилади. Жами саноат корхоналари вилоятда 135 та бўлиб, уларда 37 минг киши банд.

**Саноати.** Наманган вилояти асосан енгил ва озиқ-овқат саноатига ихтисослашган; уларнинг ихтисослашув коэффициенти 2,9 ва 1,75 ёки Республика миқёсида олганда, мазкур тармоқлар бу ерда саноатнинг ўртача холатидан шунча марта юкорироқ ривожланган.

Вилоят Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган юмшоқ қоплама (кровел) материалларнинг 100 фоизини, ипак газламанинг 20 фоизга яқинини, пойафзалнинг 11 ва узум виносининг 10 фоиздан кўпроғини беради.

28-жадвал маълумотларига кўра, 1999 йилда енгил саноат вилоят жами саноат маҳсулотини 45,8 фоизни, озиқ-овқат саноати 25,0 фоизини берган. Булардан ташқари, қурилиш материаллари саноати ҳам бирмунча ажralиб туради.

2000 йилда эса озиқ-овқат саноатининг олдинги мавқеи сақланиб қолган ҳолда енгил саноат улуши янада ошган ва 57,6 фоизга етган. Бу мазкур саноат тармоғининг бошқаларга қараганда илдамроқ ривожланиши асосида юз берган.

Вилоятда шу йили 23 минг тонна нефт, 25 млн. погон метр ип газлама ва 1,4 млн. ипак газлама, 1,6 млн. м<sup>2</sup> жун газлама, 15 минг тонна ўсимлик ёғи, 70,6 минг тонна пахта толаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Шунингдек, бу ерда қоғоз ва гутурт саноати ҳам шаклланмоқда.

Саноатнинг асосий маркази Наманган шаҳри бўлиб, у вилоят саноат маҳсулотининг 40 фоизини ишлаб чиқаради. Бу, албатта мужассамлашувнинг жуда юкори кўрсаткичидир. Айни вактда саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил қилишнинг бундай ҳолати унинг бир томонламалигини ва бошқа ҳудудларда ушбу мақроиқтисодиёт тармоғини суст ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Сўнгги йилларда Косонсой туманининг саноати анча жадал ривожланиб бормоқда. У Поп тумани билан биргаликда вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 1/4 қисмини таъминлайди. Кейинги ўринда Учкўргон, ўртача мавқеларни Тўракўргон, Уйчи, Чуст ва Чорток туманлари эгаллайди, Норин ва Мингбулоқ туманларининг эса бу борада аҳамияти сезиларли даражада паст. Учкўргонда пахта тозалаш, ёғ заводи ҳамда тўқимачилик корхонаси мавжуд, Тўракўргонда куруқ мева тайёрловчи ҳамда экскаватор таъмирловчи корхона, Косонсойда турли енгил саноат корхоналари ишлаб турибди.


**Агроиқтисодиёт.** Дехқончилик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотини 58,7 фоизни ташкил қилади (2000 й.). Вилоятнинг экин майдони қуийдаги чизмада келтирилган.

Жами экин майдони 230 минг гектарга яқин. Унинг асосий қисми ғалла (буғдой) ва пахта билан банд (8-чизма). 1998 йилга қараганда ғалла ва пахта майдонлари бироз кисқарган, ем-хашак ҳамда сабзавот экиладиган ерлар эса бунинг ҳисобидан күпайган.

2000 йилда 320 минг тонна ғалла (300 минг тонна атрофида буғдой), 240 минг тоннадан ортик пахта, 57,4 минг тонна узум ва бошқа маҳсулотлар етиширилган. Вилоятмамлакатнинг 10 фоизга яқин картошкасини беради. Пиллачилик ҳам яхши ривожланган (2500 тонна пилла).

Шу йилда йирик шохли моллар 350 минг бошқа яқин, жумладан сигирлар 140 минг, қўй ва эчки-

## **8-чизма. Наманган вилояти экин майдонининг таркибий тузилиши, 2000 йил**



лар 480 минг бош бўлган.

Пахта вилоятнинг жанубий қисмида, боғдорчилик ва узумчилик тоғолди районларда, қўй ва эчки бокиши кўпроқ гарбда-Поп ва Чуст туманларида жойлашган. Умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми бўйича Чуст тумани олдинги ўринда (18,0 фоиз), ундан кейинги ўринларни Тўракўргон (11,2 фоиз), Учкўргон (10,5 фоиз), Мингбулук (10,0 фоиз) ва Косонсой (8,9 фоиз) туманлари эгаллади. Поп туманининг мавқеи ҳам яхширок, Чортоқ тумани ўртacha ҳолатда, Наманган, Норин ва Уйчи эса анча орқада.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоятда транспортнинг барча турлари мавжуд. Бир йилда ташилган юк 36 млн. тоннадан ортиқроқ. Бироқ, бу ерда темир йўл транспортининг ҳам аҳамияти катта; автомобил транспортига жами ташилган юкнинг ярмидан камроғи тўғри келади, ваҳоланки кўпгина бошқа вилоятларда бу кўрсаткич анча юқори.

Ташки савдо обороти 100 млн. АҚШ долларидан кўпроқ; экспорт бунинг тахминан 3/5 қисмини ташкил этади. Ташқарига чиқариладиган маҳсулотларнинг ярмидан ортиқроғи пахта толасига, импортнинг эса 60 фоизга якини машина, асбоб-ускуналар ва озиқ-овқатга тўғри келади.

Таъкидлаша жоизки, экспортда кўшма корхоналарнинг ҳам ўрни сезиларли. Бу хусусда энг аввало «Косонсой-Текмен», «Поп-Фен», «Силк-Роад» ҳамда Туркияning «Астол» фирмаси билан биргиликда курилган «АсНам-Текстил» корхоналарининг роли катта.

Ташки иқтисодий алоқалар яқин ва узоқ ҳориж мамлакатлари билан олиб борилади.

**Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби.** Бу жиҳатдан вилоятни иккى асосий қисмга ажратса бўлади: Наманган гурух районлари ва Чуст-Поп райони. Албатта, биринчи районнинг иқтисодий юки каттароқ. Бошқа томондан, вилоят иқтисодиётини текислик ва тог-тоғолди районларга ажратиш мумкин. У ҳолда иккинчи табиий-иктисодий минтақага Косонсой ва Янгиқўргон туманлари ҳамда Чуст ва Поп туманларининг шимолий кисмлари киради. Ушбу ҳудудда нисбатан тезроқ Косонсой шаҳри ривожланиб бормоқда, иқтисодий салоҳияти эса биринчи, яъни текислик районида катта (Наманган саноат тугуни ҳам айнан шу минтақада жойлашган).

**Асосий муаммолари.** Наманган вилояти иқтисодиётини такомиллаштиришда унинг саноати, айниқса оғир саноат тармоқларига устувор аҳамият бермоқ зарур. Бу борада электр энергетика, машина-созликни ривожлантириш талаб этилади. Шунингдек, адир зоналарини ўзлаштириш, гарбий районларни сув билан яхши таъминлаш, меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Вилоят иқтисодиётининг ҳудудий таркибини такомиллаштиришда эса Наманган шаҳри ривожланишини бироз чегаралаб, бошқа районларга катта урғу бермоқ мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан энг аввало Чуст шаҳри иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, Косонсой, Учкўргон каби шаҳарларни ўсиш нуқтаси сифатида кўриш мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ жойлар ижтимоий-иктисодий ривожланиши,

Жомашўй, Ҳаққулобод, Янгикўргон, Уйчига ўхшаш туман марказларининг мавқенини юксалтириш ҳам маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш ва бошқариша муҳим аҳамият касб этади.

## ФАРГОНА ВИЛОЯТИ

Фаргона вилояти Ўзбекистонда энг олдин ташкил этилган вилоятлардан бири ҳисобланади. У 1938 йил 15 январда тузилган. Унинг таркибига 15 қишлоқ туманлари-Боғдод, Бешарик, Бувайда, Дангарा, Ёзёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприқ, Фаргона, Фурқат, қува ва Ўзбекистон киради. Майдони 6,76 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 3 млн. кишига яқин (11,0 фоиз). Демографик сифими бўйича у Самарқанд вилояти билан биргаликда 2-3-ўринларни бўлишиб оладилар. Вилоятнинг маъмурий маркази-Фаргона шахри (185 минг киши).

Вилоят мамлакатимизда «юки оғир», ишлаб чиқариш салоҳияти юксак бўлган минтақалардан. У Республиканинг 12,7 саноат ва 10,6 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини беради. Ҳудудий меҳнат таҳсисотида енгил, озиқ-овқат, нефт ва нефтни қайта ишлаш, кимё саноати ҳамда пахта, пилла ва мева етишишириш билан ажралиб туради.

Минтақа иқтисодиёти юксак шаклланган кўп тармоқли ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этади ва у бу жиҳатдан Ўзбекистонда Тошкент вилоятига ўхшаб кетади. Бинобарин, мамлакат миллий иқтисодиётининг равнақ топишида Фаргона вилоятининг салмоқли ўрни бор.

**Географик жойланиши ва табиий бойликлари.** Вилоят Фаргона водийсининг гарбий ва жанубий қисмида жойлашган. У гарбда ва жануби-гарбда Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти, жанубда қирғизистон Республикасининг Ўш ва Боткен вилоятлари билан чегарадош, Республиканинг эса, шимолда Наманганд шарқда Андижон вилоятлари билан қўшничилик қиласи. Вилоятнинг шимоли-гарбидаги чегараси Сирдарё оқими бўйлаб ўтади.

Фаргона вилоятининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шуки, унинг ҳудуди географик жиҳатдан яхлит эмас; Фаргона туманининг бир қисми (Шоҳимардон) ва Сўх тумани тамомила қирғизистон ҳудудининг ичиди. Бундай геосиёсий ҳолат айниқса ҳозирги даврда, маълум қийинчиликларга олиб келади.

Ер усти тузилиши унча мураккаб эмас, у жанубдан шимолга томон пасайиб боради. Шимолда мутлок баландлик дengiz сатҳидан 360-380 м, жанубда энг баланд нукталар 2800 м га етади (Туркистон тизмасининг шимолий қисми, Сўх тумани ҳудудида). Рельеф шаклининг бундай тузилиши вилоят жанубий қисмини тоғлардан оқиб чиқадиган сойлар суви билан сугориш учун табиий қулайлик яратади.

Фаргона вилояти ҳам, қўшни ҳудудлар сингари, қазилма ресурсларга бой эмас. Бу ерда бироз нефт ва курилиш саноати учун ҳом ашё мавжуд, холос. Нефт заҳираларини қазиб олиш бундан 100 йил аввал чет мамлакатлар сармояси ёрдамида (Бельгия ва бошқалар) қазиб олина бошлаган. Республикадаги энг қадимий нефт кони ҳам шу вилоятда (Чимён). Шўрсувда илгари олтингугурт ва озокерит қазиб олинарди, ҳозирда эса унинг заҳиралари саноат аҳамиятига эга эмас.

Иқлими куруқ, континентал; ийлилк ёғин-сочин микдори Наманганд вилоятидан сал кўпроқ, Андижондан эса бироз камрок (300-400 мм атрофида). Вилоятнинг жанубий қисмида Марказий Фаргона чўллари-қорақалпоқ ва Ёзёвон чўллари мавжуд бўлиб, уларнинг давоми қўшни Наманганд ва Андижон вилоятларига ўтиб кетади. Ушбу чўлларни ўзлаштириш факат суный сугориш ёрдамида бўлиши мумкин. Чегарадаги Сирдарёни ҳисобламаганда бу ерда катта сув манбалари йўқ.

Фаргона вилояти ҳам Наманганд вилоятига ўхшаш сойлар ўлкасиdir. Бироқ, бу ерда сойлар қадимдан классик типдаги воҳаларни вужудга келтирган-ки, бундай маданий ландшафтлар Республиканинг жуда кам учрайди. Чунончи, Сўх ва Исфара сойлари тоф оралиқларидан такисликка чиқиш қисмида панжасимон таралиб кетади, жуда кўп канал ва ариқларни сув билан таъминлайди. Бинобарин, Фаргона вилоятидаги ариқлар жуда кўп. Масалан, Сўх сойи Риштон, Самарқанд, Нурсуқ ариқларига, кўқонсой, Янгинайман, Томоша, Авғонбоғ, Шоҳимардон каналларига таҳсисланниб кетади, Исфара дарёсининг куйи қисмидан эса Олтиариқ, Янгиқишлоқ ариқлари, Бешкапа, Исфара, Жанубий Исфара, Жўга каналлари бошланади.

Демографик жараёнларнинг сусайиб бориши энг аввало тугилиш даражасининг пасайишига боғлик. Ҳозирги даврда вилоят туманларида умумий тугилиш коэффиценти 17,8 промилледан (Фурқат тумани) 24,7 промиллекача (Сўх тумани) фарқ киласи, ўртача кўрсаткич 20,0 промилле. Ўлим коэффициенти 4-5,5 промилле; табиий кўпайиш 14,5-15,0 кишига баробар. Бу эса мамлакатимизда унча катта ракам эмас, албатта. Айниқса, Фаргона шахри аҳолисининг табиий харакат кўрсаткичлари паст: тугилиш-15,1, ўлим-7,9, табиий кўпайиш-атиги 7,2 промилле.

Аҳоли ўсиш суръатининг пасайишига ташки миграция ҳам таъсир килган. Факат 1997-1998 йиллардагина шахар жойларда (хусусан Фаргона шахрида) салбий миграция қолдиги 4,7 минг кишини ташкил этган. Қишлоқларда эса бу кўрсаткич 4,1 минг кишига баробар бўлган. Аҳолининг ташки миграцияси айниқса 1993-1995 йилларда янада кучлироқ бўлган.

Фарғона вилоятида катта шаҳарлар ва йирик қишлоқлар кўп. Бу ерда учта катта шаҳарлар мавжуд: Фарғона (185 минг), қўқон (198 минг) ва Марғилон (156 минг). Бир ҳудудда бундай катталикдаги уч шаҳарнинг борлиги Ўзбекистонда фақат Фарғона ва Тошкент вилоятлари учун хосдир, холос. Бинобарин, вилоятнинг урбанистик таркиби анча ривожланган, аммо умумий урбанизация даражаси паст-28,9 фоиз.

Ҳаммаси бўлиб, вилоядта 9 шаҳар ва 20 шаҳарча бор. Аммо бу ерда бирорта ўрта шаҳар йўқ: кува, Яйпан, Бешарик, қувасой каби шаҳарларнинг аҳолиси 20-40 минг кишидан иборат. Айни вактда Фарғона вилоятида, хусусан қўқон воҳасида типик, қадимий қишлоқлар кўп (Ултарма, Телов, Нурсук, Найман, Яккатут, Рапқон ва ҳ.к.). Ушбу аҳоли манзилгоҳларининг номи маҳаллий ҳалқда «қишлоқ» тушунчаси билан уйғуллашиб кетган.

Умуман олганда, Фарғона вилояти гарчи бу ерда бирданига 3 та йирик шаҳар жойлашган бўлсада, у анъанавий ҳолда ариқлар ва ариқлар бўйидаги бир-бираига уланиб кетган қишлоқлар, одамлари тўғри, ҳозиржавоб, сухандон, шоирнамо, меҳмондўст, санъатсевар, хуллас, чинакам ўзбекона хуш кайфиятли кишилар ўлкасидир. Фарғона шаҳар ва қишлоқларини доимо миллий қўшиқчилик янграйдиган чойхона, боғлар ва сўлим табиат масканларисиз тассавур қилиш кийин.

Вилоядта меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1330 минг, банд аҳоли 1025 минг киши. 2000 йилда меҳнат биржасига иш сўраб 77,3 минг киши мурожаат қилган, шундан расмий ишсизлар мақомида 2,1 минг киши рўйхатга олинган.

2000 йил маълумотлари бўйича, жами банд аҳолининг 13,7 фоизи саноатга, 41,9 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келган, таълим, маданият ва фанда—11 фоиз. кўшни вилоятлarda бўлганидек, бу ерда ҳам қишлоқ жойларда ортиқча ишчи кучи кўп. Бу эса аграр соҳанинг иқтисодий самарадорлигига салбий таъсири кўрсатади. Шу боис, вилоядта ишчи кучини иш ўринлари билан таъминлаш ниҳоятда долзарб муаммо бўлиб, унинг ечими катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Вилоят шаҳар ва қишлоқларида ўзбек миллий хунармандчилиги, косибчилик, қўшиқчилик, аскиябозлик ва бошқалар қадимдан ривожланиб келган. Айниқса, қўқон ва Марғилон шаҳарлари Республикаизга жуда кўп санъат (қўшикчи, актёр, рассом), адабиёт ва фан арбобларини етиштириб берган.

**Вилоят иқтисодиётининг умумий таърифи.** Фарғона вилоятида ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари мавжуд ва уни анча шаклланган кўп йўналиши ҳудудий-иқтисодий мажмуя сифатида таърифлаш мумкин. қолаверса, бу ерда Ўзбекистонда «биринчи» бўлиб қурилган талайгина ишлаб чиқариш корхоналари бор: Фарғона тўқимачилик, иссиқлик электр станцияси, Чимён нефт қазиб олиш, Олтиарик нефтни қайта ишлаш, қўқон пайпок ишлаб чиқариш, қўқон суперфосфат, Марғилон ипакчилик каби саноат корхоналари шулар жумласига киради. қишлоқ хўжалиги, энг аввало, пахта, пилла, мева етиштиришда катта тажрибага эга. Бу борада кува анорлари, Олтиарикнинг бодринг, турп, шолғом ва бошқа маҳсулотлари мамлакатимиз бозорларида машҳурдир.

Мустақиллик йилларида хўжаликнинг турли соҳаларини ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Саноат ишлаб чиқариши 1998 йилда 1991 йил даражасидан ўтиб кетди, биргина 2000 йилда унинг ўсиши кўрсаткичи 109,3 фоизга тенг бўлди. Ниҳоят қишлоқ хўжалигига ҳам юкори кўрсаткичларга эришилди (2000 йилда ўсиши 114 фоиз), ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши эса 106,7 фоизни ташкил этди.

Айни вактда бозор ислохотлари ҳам юкори натижаларга эга. Вилоядта 70 га яқин қўшма корхона, шу жумладан 1 та тўлиқ хорижий мамлакат корхонаси мавжуд (Тошлок туманидаги «ДЭУ Текстайл Компани»). Улар минтақа экспорт салоҳиятини юксалтиришга ўзларининг салмоқли улушларини қўшмоқдалар.

Вилоят иқтисодиётининг тармоқлар таркибидаги хусусиятларга мос ҳолда бу ерда нодавлат тасаруфида маҳсулот етиштириш бироз пастроқ. қишлоқ хўжалигига мазкур кўрсаткич деярли 100 фоизни ташкил килади, саноатда у тахминан 40 фоиздан сал кўпроқ.

2000 йилда чакана савдо обороти 103,2, пуллик хизмат ҳажми 115,2 ва майший хизмат ҳажми 125,3 фоизга ўсган. Шу билан бирга қишлоқ жойлар инфраструктураси ҳам яхшиланиб бормоқда ва бу ерда янги иш ўринлари ташкил этилмоқда (60,6 минг ўрин).

**Саноати.** Фарғона вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Республикада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоядидан кейин 3-ўринда туради. Унинг зиммасига 12 фоиздан ортиқроқ мамлакат саноат маҳсулоти тўғри келади. Жумладан, вилоят Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган минерал ўғитларнинг 15 фоизини, асбест-цемент маҳсулотининг 1/3 қисмини, ойна-шишанинг деярли 100 фоизини, мебелнинг 11, ипак-газламанинг 37 фоизини, ип-газламанинг 16, пайпок маҳсулотининг 42 ва пойафзалнинг 40 фоизга яқинини беради (2000 й.).

Вилоят саноатининг тармоқ тузилиши анча мураккаб. Фарғонада енгил, озиқ-овқат, кимё ва нефт кимёси, қурилиш материаллари саноати ва бошқалар яхши ривожланган. Чунончи, жами саноат маҳсулотининг 40 фоиздан ортиқроқ ёқилғи, 16,3 фоизи енгил ва 11,7 фоизи озиқ-овқат саноатига тўғри келади.

2000 йилнинг якунларига кўра, ёқилғи саноатининг маҳсулот қиймати 50,4 фоиз, кимё ва нефт кимёсиники 5,8 фоиз, қурилиш материаллари атиги 5 фоиз, енгил саноат 19,6 фоиз, озиқ-овқат 9,9 фоиз ва ун-крупа, омухта ем саноати 5,7 фоизга баробар бўлган. Кўриниб турибдики, вилоятда саноатнинг деярли барча тармоқлари ривожланган. Факат машинасозлик ва метални қайта ишлаш, металлургия тармоқларининг улуши пастрок, холос.

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикаси саноати маҳсулотининг 12,7 фоизини таъминлайди. Бу ерда мамлакат саноатидаги ишлаб чиқариш фондларининг қиймати бўйича 5,5 фоизи ва саноатда банд бўлган ишчи ходимларининг 11,4 фоизи мужассамланган. Хусусан, ёқилғи, кимё ва нефт кимёси, шиша-чинни саноат тармоқларининг худудий мужассамлашув даражаси юкори: 39,7, 13,3 ва 65,8 фоиз. Буларнинг ҳар бирини индекси умумий ўртача кўрсаткичдан (1,00) катта: 3,13; 1,05 ва 5,18. Демак, бу саноат тармоқлари вилоятнинг ихтисослашган йўналишлари хисобланади. Шунингдек, нефтни қайта ишлаш, минерал ўғит ишлаб чиқариш, тўқимачилиқ, озиқ-овқат саноатларининг ривожланганлик даражаси хам юкори.

Вилоятда қуйидаги қК мавжуд: Дангарга туманида «Бештов» Ўзбек-Россия, Риштонда сопол идишлари ишлаб чиқарувчи Ўзбек-БАЭ, қўконда Ўзбек-Россия «қўқонмебел», Ўзбек-Истроил «Хўқанд», Марғилондаги Ўзбек-Грузия «Дил-Бад Компани» ва бошқалар. Булардан ташқари, Фарғонада «Узсаламон», «Луфер» (тери маҳсулотлари), Бағдодда «Файз-Явар» (мебел), Ёзёвонда «Мехнат» (полиэтилен плёнкалари), кувада «Ахрор» (сут маҳсулотлари), Бешариқда «Фартекс», кувасойда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар хам фаолият кўрсатмоқдалар. Яқинда Япония билан биргаликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланиб, бу ерда тоза дизел ёнилғиси хам ишлаб чиқариладиган бўлди. Бунинг учун кетган харажат тахминан 200-250 млн. АқШ долларига тенг бўлди.

Ҳаммаси бўлиб 40 га яқин ишлаб турган қК мавжуд, шундан саноатда 23 та. Уларнинг барчаси 2000 йилда 32,4 млн. АқШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилган ва бу вилоят экспортининг 20 фоизга яқинини ташкил қиласди. қўшма корхоналарда 4100 киши ишлайди.

Саноат мажмусасида Фарғонадаги йирик иссиқлик маркази ва кувасойдаги ИЭС, кимё ва нефт кимёси, нефтни қайта ишлаш заводлари (Фарғона ва Олтиарик), азот ва суперфосфат ишлаб чиқарувчи корхоналар (Фарғона ва қўқон), фуран бирикмалари корхонаси (Фарғона) кабилар катта аҳамиятга эга. қурилиш саноати кувасойда, тўқимачилик машинасозлиги қўконда, газ аппарати заводи Фарғонада, дон маҳсулотлари комбинати кувада жойлашган.


Марғилонда ипак тўқимачилиги, Фарғона ва Бешариқда ип-газлама, қўконда пайпок ишлаб чиқариш, Фарғонада тери ва пойафзал саноати, мебел-кува, Риштон, қўкон ва Бағдодда ривожланмонда. Ёғ-мой ишлаб чиқаришнинг марказлари Фарғона ва қўқон, спирт-қўкон, консерва-Фарғона, қандолат саноати кувада шаклланган. кувасойда «Кварц» корхонаси шиша ва чинни идишлар, «ЎзДЭУ авто» корхонаси учун ойна ишлаб чиқармоқда. Риштонда қадимдан кулолчилик ривожланган, Тошлок туманидаги чет эл инвестициясига тегишли енгил саноат корхонаси эса ўз маҳсулотини, яъни пахта толасини батамом экспорт қиласди. Булардан ташқари, хорижий мамлакатлар сармояси иштироқида қайта жихозланган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи хам катта мавқега эга. У вилоят экспорт қудратини мустаҳкамлашда ўзининг ҳиссасини қўшиб бормоқда (10 фоиз атрофида).

Фарғона вилоятида йилига 130-140 минг тонна нефт, 1,1 млн. тонна бензин, 1,5 млн. мотор (дизел) ёнилғиси, 140 минг тоннага яқин минерал ўғитлар, 750 минг тонна атрофида цемент, тахминан 100 минг тонна пахта толаси, 53 млн. м<sup>2</sup> ип ва 2 млн. м<sup>2</sup> ипак газлама, 10 млн. жуфт пайпок, 26,5 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи, 40 млн. шартли банкадан ортиқ турли консервалар ишлаб чиқарилади. Булардан ташқари, газ плиталари, мебел, хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотларни чиқариш хам йўлга кўйилган.

**қишлоқ хўжалиги.** Бу соҳада пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва сабзавот етишириш Республика аҳамиятига эга. Жами экин майдонлари 300 минг гектар атрофида. Шундан галла экинлари 125 минг, пахта 120 минг, ем-хашак 30 минг гектарни ташкил этади (9-чизмага қаранг). Вилоят мамлакатда етишириладиган галланинг 13 фоизи ва картошканинг 11 фоизидан кўпроғини беради.

Гарчи 2000 йил қишлоқ хўжалиги учун унча қулай келмаган бўлсада, бу ерда шу йили 450 минг тонна дон (шундан 420 минг тонна буғдой), 363 минг тонна пахта, 83 минг тонна картошка, 269 минг тонна сабзавот, 90 минг тоннага яқин мева, 30 минг тонна узум, 2,7 минг тонна пилла етиширилган.

## 9-чизма. Фарғона вилоятининг, экин майдони (2000 й.)



Ҳосилдорлик гектарига: буғдой 35,8, пахта 29,9, картошка-143,5, сабзавот-174,5 центнерни ташкил қилган.

Вилоятда йирик шохли моллар сони 461 минг бош (бу жиҳатдан у Самарқанд ва қашқадарё вилоятларидан кейин 3-ўринда туради), кўй ва эчкилар-400 минг.

Умуман чорвачилик қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 41,9 фоизини таъминлайди.


**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоят худудини халқаро темир ва автомобил йўллар кесиб ўтади. кўкон йирик транспорт тугуни хисобланади. Бу ердан Фарғона-Андижон-Ўш, Наманган ҳамда Исфара йўналишларига ҳар хил йўллар кетади. Бир йилда ташилган юк микдори 59,4 млн.т., шу жумладан автомобил транспортида 50,9 млн.т. Йиллик ташқи савдо ҳажми 275 млн. АқШ доллари, экспорт-186 ва импорт-89 млн.доллар. Экспортда пахта толасининг улуши бошқа (23 фоиз), кимё маҳсулотлари (24 фоиз) ташкил қиласди. Ташқи иқтисодий алоқаларда Ҳамдўстлик мамлакатларнинг ҳиссаси кўпроқ (экспортнинг 61,3 ва импортнинг 42,5 фоизи, 2000й.).

Жами экспортнинг 3/5 қисмидан ортикроғини Фарғона шаҳрининг ўзи таъминлайди (асосан нефтни қайта ишлаш ва «Азот» корхоналари); Тошлоқ туманининг ҳиссаси 16,3 фоиз. Шунингдек, бу соҳада қува, кўкон ва Марғилон шаҳарлари ҳам қатнашади.

**Иқтисодиётнинг худудий тарқиби.** Вилоят иқтисодиётида Фарғона-Марғилон саноат тугуни етакчилик қиласди. Бу ерда электр энергетика, тўқимачилик, кимё ва нефт кимёси, озиқ-овқат саноати кенг ривожланган.

Умуман вилоят худудида 2 иқтисодий район шаклланган: Фарғона-Марғилон ва кўкон районлари. кўконда асосан озиқ-овқат, енгил ва кимё саноатлари мавжуд.

**Фарғона иқтисодий райони агросаноат ҳудудий  
ишлаб чиқариш мажмуасининг тузилиши.**



Фарғона-Марғилон районига Олтиариқ, қува, Ёзёвон, Фарғона туманлари, қувасой шаҳри, кўқон гурӯҳ районларига Ўзбекистон, Бешариқ, Боғдод, Данғара, Тошлоқ, Учкўприқ, Фурқат, Риштон, Сўх, Бувайда туманлари киради.

Туманлар ичидаги Тошлоқ, қува саноати яхшироқ ривожланган (вилоятга нисбатан 5,9 ва 3,5 фоиздан). Риштон, Олтиариқ ва Боғдод туманларида ҳам қишлоқ саноати бирмунча шаклланган. Айни вактда у Сўх, Фурқат, Охунбобоев, Данғара ва Бувайда каби туманларда суст даражада.

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича олдингига ўринларда Фарғона, қува, Учкўприқ, Олтиариқ ва Бешариқ туманлари турди, ўртача мавқега Боғдод, Бувайда, Данғара, Охунбобоев ва Риштон туманлари эга. колган туманларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти пастроқ (энг кичик кўрсаткич Сўх, Ёзёвон ва Фурқат туманларида).

Вилоятнинг Марказий Фарғона ёки қорақалпоқ чўлида ўрнашган ҳудудлари ҳамда тоғ оралиғида жойлашган Сўх тумани нисбатан суст ривожланган. Бинобарин, келажакда ушбу ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш, қишлоқ меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, Фарғона-Марғилон агломерацияси экологик вазиятини яхшилаш минтақанинг долзарб муаммолариdir.

\* \* \*

Шундай килиб, Фарғона иктисодий районига кирувчи вилоятлар ишлаб чиқариш салоҳияти ва ривожланиши ўйналишлари ўзаро бирмунча фарқ қиласди. Чунончи, саноат қудрати бўйича Фарғона вилояти Андижон ва Намангандан вилоятларини биргаликда хисоблаганда ҳам улардан катта. Аммо, Андижонда ривожланиши суръати юқори, колган вилоятларда эса бу кўрсаткич пастроқ.

Агар Республика даражасини 1,00 деб олсак, Фарғона вилоятида жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш индекси 1,15, Андижонда 0,91 ва Намангандан 0,47 га тенг. Демак, Намангандан вилояти бу жихатдан мамлакат кўрсаткичидан 2 мартадан кўпроқ орқада. қишлоқ хўжалиги индекси эса факат Фарғонада ўртачадан камроқ, қолганларда ва, айниқса Андижон вилоятида у юкори.

Вилоятларда саноат ишлаб чиқаришининг корхона даражасидаги мужассамлашуви ҳам ҳар хил. Масалан, Намангандан вилоятининг ҳар бир саноат корхонасига 276 киши тўғри келса, Андижонда у 365 кишига тенг. Фарғона вилоятида ҳам бу кўрсаткич юкорирок.

Минтақа иктисодиётининг асосини кенг маънодаги агросаноат мажмуи ташкил қиласди (10-чизмага қаранг). Шу билан бирга бу ерда электр энергетика базаси яхши ривожланмаган. Бинобарин, районда электр қувватини кўп талаб қилувчи тармоқлар учун шароит унча қулай эмас. Айни вактда иктисодиётнинг ривожланишида маҳаллий саноат ҳамда катта анъаналарга бой бўлган хунармандчилик ва косибчиликнинг ўрнини ҳам таъкидлаш жоиз (Чуст ва Шаҳриҳон пичоқлари, Чуст ва кўқон дўпписи, Марғилон хонатласи, Андижон маҳсилари, Риштон сопол идишлари ва ҳ.к.). Келажакда бу ерда рекреация ресурсларидан ҳам кенг фойдаланиш, ҳалқаро туризмни ривожлантириш зарур. Чорток, Чимён, Шоҳимардон, Сўх, сўлим табиатли сойлар водий силари, қадимий Поп, Ахсикент, Косонсой археологик обектлари, кўқон, қува кабилар, сугориш иншоатлари бу борада катта аҳамиятга эга.

**Келажакда иктисодий район ривожланишида қуйидаги муаммоларни ҳал қилиши зарур:**

- қишлоқ хўжалигида иктисодиёт самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ жойлар ижтимоий инфраструктураси ва қишлоқ саноатини ривожлантириш;
- аҳоли бандлигини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш;
- минтақа ишлаб чиқарии мажмуасини янада тақомиллаштириш;
- «УзДЭУ авто» корхонаси негизида минтақада машинасозлик мажмуасини шакллантириш, шу мақсадда айрим корхоналарни қайта иктинослаштириш, автомобил учун бутловчи қисмларни асосан шу ерда тайёрлаш;
- ишлаб чиқарии кучларини ҳудудий ташкил этилишини тартибга солиш;
- янги ўсии нуқтати ва марказларини шакллантириш;
- Марказий Фарғона ҳудудининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тезлаштириш;
- Саноат марказлари ва шаҳарлар экологиясини яхшилаш ва ҳ.к.

Шунингдек, вилоятлар ўртасидаги иктисодий алоқаларни янада кучайтириш, туташ ҳудудлар билан мамлакатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Келажакда бу ерда ўзига хос ҳалқаро иктисодий иттифоқ ёки макон яратиш мумкин.

**Савол ва топшириклар**

1. *Фарғона иктисодий районининг географик ўрни ва унинг минтақа ривожланишига таъсири қандай?*
2. *Водий сув ресурслари ва гидрографик шаҳобчаларининг иктисодий аҳамиятини тушунтириб беринг.*
3. *Андижон вилояти иктисодиётининг ҳудудий ва тармоқлар таркибининг ҳусусиятлари нимада?*

4. Асака автомобиль заводининг минтақа ижтимоий- иқтисодий ривожланишига таъсири қандай?
5. Наманган вилояти табиий ресурслари, иқтисодиётининг ихтинослашуви ва жойланиши қандай хусусиятларга эга?
6. Фаргона вилояти иқтисодиётининг ҳудудий таркиби ва йўналиши нималарда ўз аксини топади?
7. Иқтисодий районнинг истиқболда ривожланишида қандай муаммолар мавжуд?

#### **В БОБ. ЗАРАФШОН МИНТАҚАСИ**

Иқтисодий район Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуий қисмини, қадимда унинг таъсирида вужудга келган хўжаликнинг худудий тизимини ўз ичига олади. У ҳозирги кунда Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларидан ташкил топган. Тахминан, худди шундай кўламда мазкур район 60-70-йилларда ҳам ажратилган эди.

Районнинг умумий майдони 168,1 минг км<sup>2</sup> бўлиб, у мамлакат ҳудудининг 37,4 фоизни ташкил килади. Бу жиҳатдан Зарафшон иқтисодий райони Ўзбекистонда факат қуий Амударё районидан бирор кичикроқ, холос. Аҳолиси 5,0 млн. ёки Республика умумий аҳолисининг деярли 1/5 қисмига баробар.

Маълумки, сўнгти йилларда мутахассислар томонидан бу ерда Бухоро-Навоий (кизилкум) ва Самарқанд иқтисодий районлари ажратилиб келинар эди. Худди шу таркибда бу минтақа ҳозир ҳам ўрта умумтаълим мактабларида ўқитилиб келинмоқда. Баъзи бир илмий адабиётларда эса Самарқанд вилояти ҳатто қўшни қашқадарё билан биргалиқда кўрилмоқда.

**Хўши, Зарафшон минтақасини айнан шу таркибда ажратилишига нималар асос бўлиб ҳизмат қилади? Бу хусусда қуийдагиларни кўрсатиш мумкин:**

- Тарихий сугории манбаи, яъни Зарафшон дарёсининг умумийлиги;
- қазилма бойликларининг, айниқса рангдор metallurgияга тегисиши конларнинг мавжудлиги;
- мамлакатимизнинг икки қадимиш шаҳарларининг (Самарқанд ва Бухоро) жойлашганлиги;
- географик ўрнининг умумийлиги, районнинг Ўзбекистон ҳудудининг марказида жойлашганлиги ва ҳ.к.

Тўғри, ҳозирги кунда Бухоро воҳаси кўпроқ Амударё сувлари билан сугорилади. Бирок, бу худуднинг, аниқроғи Мовароуннахрнинг тарихида Зарафшон дарёсининг аҳамияти катта бўлган; Бухоро унинг қуий, Самарқанд эса дарёнинг юкори қисмида жойлашган, улар ўлканинг бой ўтмишида навбат-ма-навбат етакчилик қилиб, пойтахт ролини бажариб келишган.

Навоий вилояти бошқаларга қараганда кечроқ ташкил этилган бўлиб, у қўшни-Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятларини боғлаб туради. Айни вақтда таъкидлаш жоизки, ҳеч қандай иқтисодий районнинг чегараси қатъий бўлмаганидек, бу ерда ҳам шу ҳол кузатилади. Масалан, Самарқанд қадимдан қашқадарёнинг Шахрисабз минтақаси ҳамда Жиззах вилоятининг ғарбий қисми (/аллаорол, Бахмал туманлари) билан боғлиқ, Бухоронинг нефтни қайта ишлаш корхонаси-қоровулбозор заводи қашқадарё ресурслари асосида курилган. колаверса, Самарқанд-Бухоро-қарши «учбурчаги» Ўзбекистон иқтисодий маконида яққол кўзга ташланиб туради.

Аммо, шуларга қарамасдан, ушбу район айнан уч вилоят таркибida ажратилгани маъқулроқ. Сабаби-келажақда қашқадарёнинг қўшни Сурхон водийси билан иқтисодий алоқалари кучайиб боради ва улар биргалиқда ягона Жанубий иқтисодий районни ташкил қилишлари мумкин.

## 29-жадвал

### Зарафшон иқтисодий районининг таркибий тузилиши (2000 й., фоиз ҳисобида)

	Бухоро вилояти		Навоий вилояти		Самарқанд вилояти		Зарафшон иқтисодий райони ЎзР нисбатан
	Иқт. районда	Республикада	Иқт. районда	Республикада	Иқт. районда	Республикада	
Майдони	24,0	9,0	66,0	24,7	10,0	3,7	37,4
Аҳолиси	29,1	5,8	16,1	3,2	54,8	10,9	19,9
Ялпички махсулот	35,4	6,4	22,8	4,0	41,8	7,7	18,1
Саноат махсулоти	28,9	6,4	45,5	10,0	25,6	5,6	22,0
қишлоқ хўжалиги махсулоти	33,7	7,7	17,1	4,0	49,2	11,3	23,0
Инвестиция	25,1	4,1	39,6	6,4	35,3	5,7	16,2
қўшма корхоналар	22,4	1,3	14,7	0,8	62,9	3,5	5,6
Ташки савдо Обороти	24,1	4,5	48,5	7,1	27,4	4,0	15,6
Экспорт	33,1	5,9	42,1	7,0	24,8	4,1	17,0
Импорт	23,2	3,4	50,1	7,2	26,7	3,9	14,5

*Жадвал ЎзР макроиқтисодиёт ва сатистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

Зарафшон иқтисодий райони мамлакатимизда кўзга кўринарли мавқега эга. Ушбу район Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 18-20, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 22-23 фоизини беради. Мамлакат ички меҳнат тақсимотида район ҳосил қилувчи тармоқлар сифатида пахтачилик, коракўлчилик, рангдор металлургия, халқаро туризм ва бошқалар хизмат қиласи. Шунингдек, бу ҳудудда пилла етишириш, узумчилик, кимё ва нефт кимёси, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатлари ҳам ривожланиб бормоқда. Районни ғарбдан шарққа томон кесиб ўтувчи халқаро темир ва автомобил йўллар, сугориш иншоатлари унинг иқтисодиётини шаклланишида катта аҳамиятга эга.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, район таркибига кирувчи вилоятларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт ҳамда демографик салоҳиятлари ҳар хил. Улар хўжалик тузилмаси, мамлакат миллий ва минтақа иқтисодиётидаги тутган ўринлари билан ҳам ўзаро фарқ қилишади. Бинобарин, вилоятларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг алоҳида таърифларида яққолроқ намоён бўлади.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ

Вилоят 1938 йил 15 январда ташкил топган. Унинг таркибига ҳозирги кунда 11 қишлоқ туманлари-Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, коровулбозор, қоракўл ва /иждувон туманлари киради. Майдони 40,3 минг км<sup>2</sup> ёки иқтисодий район худудининг 24,0, республика майдонининг 9,0 фоизига teng. Аҳолиси, 2001 йилнинг маълумотларига қараганда, 1438 минг киши. Маъмурий маркази-Бухоро шаҳри.

Бухоро вилояти минтақа ва миллий иқтисодиётда асосан қоракўлчилик, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик саноат тармоқлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга бу ерда озиқ-овқат саноати, пахта етишириш, халқаро туризм ҳам ривожланиб бормоқда.

**Географик ўрни ва табиий ресурслари.** Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикасининг гарбий кисмида жойлашган, унинг кўшни Туркманистон давлати билан чегараси қисман Амударё бўйлаб ўтади. Вилоят шимолда, қисқа масофада Хоразм вилояти ва қорақалпогистон Республикаси билан, шимол ва шимоли-шарқда кенг миқёсда Навоий ва жанубда Самарқанд вилоятлари билан чегарадош.

Ер усти тузилишининг тахминан ярмидан кўпроғи текислик-қизилқум чўлларидан иборат. Баландлик ва тоғликлар асосан вилоятнинг шимоли-шарқи ва шарқида жойлашган. Энг баланд нуктаси дengiz сатхидан 800 метрга яқин бўлиб, у кўлжук тогининг вилоят худудидаги қисмига тўғри келади.

Вилоятнинг ер майдони катта, бироқ сув ресурсларининг етишмаслиги сабабли ушбу омилнинг минтақа иқтисодиётини ривожланишидаги роли бирор чекланган.

Якин ўтмишда бу ерда собиқ Иттифокда донғи кетган Газли табиий газ кони мавжуд эди. Ҳозирги вақтда ҳам Бухоро вилоятида мазкур ёқилғи турининг заҳиралари бор (Жарқоқ, Учқир, Денгизкўл ва бошқа конлар). Газли, Ўртабулоқ ва Жарқоқ конларидан қисман нефт қазиб олинади.

Ёқилғи ресурсларидан ташқари вилоят худудида қурилиш материаллари ҳом ашёси мўл. Жумладан, Когон ва коровулбозор атрофида оҳактош ва гипс, Тасқозғонда графит, Жонкелдида минерал бўёқ конлари мавжуд. Шунингдек, жанубда гишт ва кулолчилик учун тегишли ҳом ашё, /иждувон туманининг чекка шимоли-шарқида рангдор металлар кони (Зафаробод) жойлашган. Умуман, вилоятда аникланган казилма бойликлар кўпроқ ёқилғи ва қурилиш саноатини ривожлантириша аҳамиятлиdir.

Иқлими континентал ва чўл минтақасига хос. Январ ойининг ўртacha ҳарорати -2 даражада, июл ойида иссиқлик баъзан 40 даражадан ҳам ошиб кетади. Ёғин-сочин миқдори жуда кам; Газлидан шимолроқда у 100 мм га ҳам етмайди, Бухоро воҳасида йилига тахминан 150-200 мм атрофида ёғин-сочин ёғади.

Кўриниб турибдики, Бухоро вилоятининг иқлими асосан яйлов чорвачилигига қулайроқ, сугорма дехқончилик учун эса бу ерда шароит учча яхши эмас. Зарафшон дарёси вилоят худудининг шарқий чеккасига етиб келади, холос, сугориш учун эса сув кўпроқ Амударёдан олинади. Айнан шу мақсадда Аму-қоракўл, Аму-Бухоро, Ёмонжар каналлари қурилган. кўшни Навоий вилоятида жойлашган қуюмзор сув омборларидан шу номли канал бошланади ва у Бухоро, Когон, Жондор туманларининг бир кисмини сугоради. Булардан ташқари Зарафшон, Хайробод, Шофиркон каби каналлар, Шўркул сум омборлари ҳам мавжуд.

Вилоядта жуда кўп коллекторлар (зовурлар) ҳамда оқова кўллар (қора кўллар) жойлашган. Уларга мисол қилиб Шимолий, Оғитма, Парсонкўл зовурлари, Денгизкўл, Солённое, Оёқоғитма, Шўрхок, коракир кўлларини келтириш мумкин.

1993 йилда қурилган Дамхўжа-Бухоро сув қувури вилоят марказини ичимлик суви билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ, шунга қарамасдан, бу ерда сув муаммоси кескин. Юзага келган ҳолат нафақат қишлоқ хўжалигига, балки аҳолининг саломатлигига ҳам катта таъсир кўрсатади.

**Демографик вазият.** Аҳоли сони 1438 минг киши, у 1989 йилга нисбатан (1136 минг) деярли 1,3 мартаға ёки 300 минг кишига кўпайган. Туғилиш бу ерда ҳар минг аҳолига 20 киши, ўлим кўрсаткичи 4,6

кишига тўғри келади. Демак, табиий кўпайиш 15,0-15,5 промилле, ёки 1,5 фоизга баробар.

Туғилиш коэффициенти фақат Бухоро шаҳрида пастрок (13,1 промилле), қишлоқ туманлари доирасида эса у катта фарқ қилмайди (20-24 промилле). Ахоли миграцияси шаҳар ва қишлоқ жойларида манфий натижага эга. Масалан, 1997 йилда миграция колдиги шаҳарларда минус 2,0 минг, 1998 йилда эса 1,9 минг кишига teng бўлган, қишлоқларда мазкур кўрсаткич 800-900 кишини (минус) ташкил қиласди.

Ахоли вилоят худудида ниҳоятда нотекис жойлашган. Ўртacha зичлик 1 км<sup>2</sup> майдонга 36 кишига тeng ҳолда у бевосита Бухоро-коракўл воҳасида анча юқори кўрсаткичга эга. Вилоятнинг катта чўл кисмида эса ахоли зичлиги жуда паст. Туманлар доирасида ушбу кўрсаткич Пешкуда ўн кишига етмаса, у Вобкентда 350 кишини ташкил қиласди.

Вилоядта 11 шаҳар ва 2 шаҳарча мавжуд бўлиб, уларда жами аҳолининг 30,8 фоизи яшайди. Бухоро (Бухоро Шариф) ахоли сонига кўра Республикаизда Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Андижондан сўнг бешинчи ўринда туради; бу ерда 240 минг кишидан зиёдроқ ахоли истиқомат қиласди.

Бухоро вилоятининг иккинчи шаҳри Когон (53 минг киши); ундан кейинги поғонани эса кўхна /иждувон эгаллайди. қолган шаҳарларда ахоли сони 20 минг кишидан камроқ. Вилоят шаҳарчалар сони бўйича Ўзбекистонда энг охирги ўринда-бу ерда атиги Зафаробод ва Жондор шаҳарчалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида 6-8 минг кишидан ахоли яшайди, холос.

Мехнат ресурслари 752 минг киши, шундан 600 минг кишига яқини хўжаликнинг турли шаклларида банд. Бошқа худудларга ўхшаш бу ерда ҳам ишчи кучидан самарали фойдаланиш муаммоси мавжуд. Биргина 2000 йилда қишлоқ хўжалигидан 7,5 минг ортиқча ишчи кучи бўшаган. Худди шу йили вилоядта 19 мингдан кўпроқ иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларига тўғри келади. Агар ҳар бир иш ўрнига тахминан 115 минг сўмдан ҳаражат қилинган бўлса, жами иш ўринларини яратиш учун 1 йилда 220 млн. сўм атрофида пул сарфланган жорий нарҳда.

**Хўжалигининг умумий таърифи.** Вилоят иқтисодиёти аграр-индустрiali йўналишга эга. Мустақиллик йилларида Бухоро вилояти ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича мамлакатда энг олдинги ўринларда. Масалан, ана шу йиллarda бу ерда саноат маҳсулоти 3 мартадан зиёдроқ кўпайди (солиширма нарҳда). Агар Бухоро вилояти саноатининг ривожланиш индекси 1991 йилда 0,50, яъни ўртacha Республика кўрсаткичидан 2 марта паст бўлган бўлса, ҳозирги кунда у 1,25 ни ташкил қиласди; мазкур макроиктисодиёт тармоғининг ривожланиши бўйича вилоят Ўзбекистонда 9-ўриндан 6-ўринга чиқиб олди.

Жумладан, 2001 йил натижалари ҳам Бухоро вилояти учун ижобий: ялпи ички маҳсулот 2000 йилга нисбатан 103,3 фоизга, саноат 108,7, ҳалқ истеъмол моллари 108,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 101,9, қурилиш 105,5, чакана савдо обороти 114,2, капитал маблағ сарфлаш 102,0 фоизга ўсан. Булар, албатта, анча юқори кўрсаткичлар ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг нефт мустақиллигини таъминлашда Бухоро (коровулбозор) нефтни қайта ишлаш заводининг аҳамияти катта бўлди. Ушбу корхона асосан Франция билан ҳамкорликда қурилиб, бунинг учун тахминан 500 млн. АқШ доллари сарфланди. Ҳозирги вактда вилоядта, бундан ташқари, 50 га яқин қўшма корхоналар барпо этилган. Улар жумласига АқШ билан қурилган «коракўлтекс», «Ромсиб»-Ромитандо Россия билан қурилган қК, қайта жиҳозланаётган «Бухоротекс», ишга туширилган «Бухоро-Коском» уяли телефон алоқаси, «Уруғчилик компанияси», Ромитандаги «Трансфрукт», Вобкентдаги «Мидетекс», «Мрамор», «Бухоройўлгранит» кабилар киради. қўшма корхоналарни қуришда 20 дан ортиқ хорижий давлатлар, шу жумладан, АқШ, Буюк Британия, Франция, Туркия, Россия, Украина, Жанубий Корея қатнашган. Яқин йилларда бу ерда яна 30 дан ортиқ қК қурилиб ишга туширилади, бунинг натижасида вилоятнинг экспорт салоҳияти янада ошади, минглаб янги иш ўринлари яратилади.

**Саноати.** Бухоро вилояти Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотининг 6,4 фоизини беради. Мазкур тармоқда иқтисодий фаол аҳолининг 9 фоизи банд. Вилоят, 2000 йил якунлари бўйича, мамлакатнинг 9,0 фоиз узум виносини, 10,3 фоиз пойафзали, 12,6 фоиз ўсимлик ёғини ва 30,0 фоиз ип газламасини беради.

Жами саноат корхоналари 65 та, саноат ходимларининг сони 33 минг киши. Вилоядта хусусан ёқилғи ва енгил саноат яхши ривожланган; бу ерда мамлакат ёқилғи саноати маҳсулотининг 18,7 ва енгил саноатининг 12,5 фоизи яратилади. Демак, ушбу саноат тармоқларининг мужассамлашув кўрсаткичлари, юкоридагиларга мос ҳолда деярли 3,0 ва 2,0 ни ташкил қиласди. Саноат маҳсулотининг 62 фоизи давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарга тўғри келади.

Ҳозирги вактда вилоят саноат маҳсулотининг 1/3 дан кўпроғи ёқилғи, 44,3 фоизини енгил саноат ташкил қиласди. Айни чоғда бу ерда электр энергетика ва машинасозлик каби оғир саноат тармоқлари яхши ривожланмаган (30-жадвалга каранг).

Бухоро вилояти саноати асосан ёнилғи (бензин, керосин, дизел ёнилғиси), мебел, оҳак, гипс, пахта толаси, ип газлама ва бошқаларни ишлаб чиқаради. Жумладан, 2000 йилда бу ерда 28,2 минг тонна ўсимлик ёғи (Республикада 246 минг тонна), 124 минг тонна пахта толаси, 107 млн. м<sup>2</sup> ип газлама, 0,8 млрд. м<sup>3</sup> табиий газ ишлаб чиқарилган.

Ип газлама корхоналари асосан Бухоро ва қоракўлда, ўсимлик ёғи Когонда, ёнилғи турлари коровулбозорда, пахта толаси Вобкент, Шофиркон, /иждувон, қоракўл, Олотда, консерва заводи Вобкентда, қурилиш материаллари корхоналари кўшилади. Когонда, қоракўл териси заводи Бухорода жойлашган. Шунингдек, Бухоро, /иждувон каби шаҳарларда маҳаллий саноат ва миллий хунармандчилик яхши ривожланган (зардўзлик, мисгарлик, заргарлик ва х.к.).

### 30-жадвал

#### **Бухоро вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (маҳсулот қиймати бўйича, жамига нисбатан фоизда)**


Саноат тармоқлари	1999 йил	2000 йил
Ёқилғи саноати	37,3	34,3
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	2,2	0,8
курилиш материаллари саноати	0,4	1,0
Енгил саноат	42,0	44,3
Озиқ-овқат саноати	6,7	3,8
Ун-крупа, омухта ем саноати	5,7	4,9
қолган саноат тармоқлари	5,7	8,9

Саноат ишлаб чиқаришининг худудий таркиби бир хил эмас; бу борада Бухоро ва Когон шаҳарларидан ташқари қоровулбозор тумани кескин ажralиб туради. Масалан, 2000 йил якунлари бўйича, Бухоро шаҳри вилоят саноат маҳсулотининг 34,8 фоизини, қоровулбозор тумани 34,5 ва Когон шаҳри 5,3 фоизини етиштириб беради. Ана шу худудий бирликлар зиммасига Бухоро вилояти саноатининг 3/5 қисмига яқини тўғри келади. колган худудлар ичida саноат ишлаб чиқариши /иждувон, қоракўл туманларида бирмунча ривожланган, Олот, Бухоро туманларининг саноат салоҳияти эса анча паст.

**Агроиктисодиёт.** Вилоят қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли хусусиятга эга. Жами маҳсулотнинг 55,4 фоизи дехқончиликка, қолган қисми эса чорвачиликка тўғри келади. Бироқ, агроикклимий шароитлардан, хусусан сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиккан ҳолда бу ерда ер майдонининг иктисодий салоҳияти юкори эмас; интенсив суформа дехқончилиги асосан худуди кичик бўлган жанубда, Бухоро-қоракўл воҳасида ривожланган, холос. Вилоятнинг қолган катта чўл қисмини эса экстенсив қишлоқ хўжалиги–чорвачилик эгаллайди.

Жами экин майдони 240 минг гектарга яқин. Шундан 81 минг гектари ғалла экинлари билан, 129 минг гектари пахта, 16 минг га ем-хашак, 7 минг гектари сабзавот етиштириш билан банд (11-чизма). Бир йилда бу ерда ўртacha 330-350 минг тонна ғалла, 350-400 минг тоннадан зиёд пахта, 150 минг тонна турли хил сабзавот етиштирилади; ғалланинг ҳосилдорлиги гектарига 40,3 центнерни, пахтаники 27,3

#### **11-чизма. Бухоро вилояти экин майдони (2000 й.)**



центнерни ташкил қиласы.

Албатта, бошқа вилоятларга караганда, бу ерда бөгдорчилік ва узумчилик нисбатан суст ривожланган. Айни вақтда Бухоро вилояти қоракұлчилік бүйіча Республикада етакчи ўринде туради. Бир йилда вилоятда 180-190 минг дона қоракұл териси тайёрланади. Шунингдек, пиллачилик хам ривожланиб бормоқда (2000 йилда 2200 тонна, Ўзбекистон бүйіча жами 18,9 минг тонна).

Йирик шохли моллар сони 430 минг бош атрофида, майда шохли моллар-құй вә эчкілар эса 810 минг бош (бу борада Бухоро қашқадаре, Навоий ва Самарқанд вилоятидан кейин 5-ўринде туради). Чорвачилік вилоятнинг шимолий ва гарбий қисміда кенг тарқалған.

Кишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини етиштириш бүйіча Бухоро, Вобкент, Жондор ва /иждувон туманлари ажралиб туради. Ушбу худудлар зымасига жами кишлоқ хұжалик маҳсулотининг 30,4 фоизи тұғри келади. Бироқ, Когон ва хусусан, қоровулбозор туманларининг агрокұтқисодий салоҳияти жуда паст.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоятда транспорт тизимиңнинг күпгина турлари мавжуд. Аммо, улар билан худуднинг асосан жанубий қисми яхшироқ таъминланған, холос. Бир йилда жами транспорт турлари бүйіча 280 млн. тонна юк ташилади, унинг 96 фоизи автомобил транспортига тұғри келади (2000 й).

Вилоят худудида Чоржүй-Навоий ҳамда Бухоро-қарши темир йүллари, шу билан бирга халқаро ва мамлакат ахамиятига әга бўлган автомобил (шу жумладан, Катта Ўзбек трактининг Бухоро-Газли-Хоразм вилояти қисми) ва қувур транспорти мавжуд; қоракұлда жуда катта электр подстанцияси қурилган.

Йиллик ташқи савдо обороти 220-250 млн. АҚШ долларига тенг. 2000 йилда экспорт ҳажми 180, импорт 98,5 млн. долларни ташкил этган. Экспортнинг 60-62 фоизини пахта толаси, импортнинг күпчилік қисми эса машина ва асбоб-ускуналарга тұғри келади. Экспортда узок хориж мамлакатларининг улуши Ҳамдүстлик давлатларига қараганда 2 мартача кўп.

Бухоро вилоятининг иқтисодий ривожланишида халқаро туризмнинг ахамияти ҳам ошиб бормоқда. 2000 йилда бу ерда 85,4 минг сайдёхларга хизмат кўрсатилган, шундан 35 минг киши хорижий сайдёхлар. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг Бухоро бўлимидан тушган даромад бир йилда 730 млн. сўмни ташкил қиласы.

**Вилоят иқтисодиётининг худудий таркиби ва муаммолари.** Бухоро вилоятida, авваламбор иккى асосий табиий-хұжалик миңтақаларни ажратиш мүмкин. Бу ҳам бўлса воҳа ва чўл қисмлариди. Воҳа иқтисодий маконининг ўзагини Олот-/иждувон ҳамда қисман Бухоро-коровулбозор йўналишилари шакллантиради, унинг маркази эса Бухоро-Когон саноат тугуни (шаҳар агломерациясига) мос келади. Ана шу бош иқтисодий худуддан четроқда кичик Газли ва Зафаробод «ресурс» (тоғ-кон саноати) шаҳарчалари жойлашган.

Бухоро вилояти иқтисодиётини ривожланишида энг аввало унинг электр энергетика ва қурилиш базасини мустаҳкамлаш, оғир саноат тармокларини шакллантириш катта ахамиятга әга. Шу билан бирга қишлоқ хұжалиғи самарадорлигини ошириш, қишлоқ жойлар инфраструктурасини яхшилаш, айниқса аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш (бу ҳолат хусусан Жондор, Когон ва қоракұл туманларидан кўнгилдагидек эмас), мавжуд туристик-рекреация ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга ҳам эътибор бериш лозим. Худудий жихатдан эса туман марказлари, хусусан /иждувон, Шофиркон, Вобкент каби шаҳарларнинг иқтисодий құдратини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Вилоят Ўзбекистон Республикасидаги шу мақомдаги янги маъмурий бирликлардан бўлиб, у 1982 йил 20 апрелда ташкил этилган. Унинг таркибиغا 8 қишлоқ туманлари, яъни Конимех, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Томди, Учкудук, Хатирчи ва қизилтепа киради. Майдони 111 минг км<sup>2</sup> ёки Ўзбекистон Республикаси худудининг 24,7 фоизи, Зарафшон иқтисодий районининг 2/3 қисмiga тенг. Аҳолиси 791 минг киши (ЎзРГа нисбатан 3,2 фоиз, иқтисодий районда эса 16,1 фоиз). Демографик салоҳияти жихатидан у Сирдарё вилоятидан олдинда туради, холос (2001 й.).

Навоий вилоятининг мамлакатимиз миллий иқтисодиётидаги ўрни анча катта. У Республика ялпи ички маҳсулотининг 4,0, саноат маҳсулотининг 10,0 ва қишлоқ хұжалигининг 4,0 фоизини беради. Шунингдек, вилоятта Ўзбекистон инвестиция ҳажмининг 6,4 фоизи тұғри келади. Зарафшон иқтисодий райони доирасида қарайдиган бўлсак, у ҳолда вилоят районнинг 1/5 қисмидан ортиқроқ ялпи ички маҳсулотини, 45,5 фоиз саноат ҳамда 17,1 фоиз қишлоқ хұжалик маҳсулотларини таъминлайди; унинг зымасига инвестиция ҳажмининг деярли 2/5 қисми тушади. Вилоятда иқтисодий районнинг 15 фоиз қўшма корхоналари жойлашган, у миңтақанинг таҳминан ½ қисм ташқи савдо оборотини беради.

**Вилоятнинг географик ўрни ва ресурс салоҳияти.** Навоий вилояти мамлакатимизнинг марказий ва шимолий қисміда жойлашган. У катта масофада қозогистон Республикаси билан чегарадош. Шу-

нингдек, вилоят ҳудуди гарбда Бухоро, жануб ва жануби-шарқда Самарқанд ва қисман Жиззах вилоятлари билан, шимолда ва шимоли-гарбда қорақалпогистон Республикаси билан туташган.

Навоий вилояти ўзининг орографик хусусиятлари бўйича Республиkaning бошқа миңтақаларидан кескин фарқ қиласди. Унинг ҳудудида кичик-кичик колдиқ тоғликлар мавжуд. Пасттекисликлар чекка шимол ва шимоли-гарбда (қизилқум чўллари), ботиқлар-Мингбулоқ, Молали, қоратов-вилоятнинг ички қисмида жойлашган. Баландликлар дengiz сатҳидан 250-300 м. юқорида, тоғликларнинг энг тепа нуқталари эса 2000 метрга яқин (Оқтов тизмасида).

Нурота, Оқтов, қоратов тизмалари жануб ва жануби-шарқда Туркистон ва Зарафшон тизмаларига кўшилиб кетади. Мазкур тоғлар турли хил қазилма заҳираларга бой. Бу жиҳатдан айникса кичик колдиқ тоғларнинг аҳамияти катта (Буконтов, Томдитов, қозоктов, кулжуқтов, Овминзотов). Вилоят ҳудуди энг аввало ўзининг олтин заҳиралари билан ажralиб туради. Бу ерда олтин, уран, фосфорит, асбест, дала шпати, мармар ва бошқа конлар мавжуд. Айнан ана шу минерал ҳом ашё ресурслари вилоят иктисадиётини шакллантириш, унинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Бироқ, иқлими ниҳоятда қуруқ ва континентал, ёғин-сочин миқдори жуда кам. Бу эса вилоятда қишлоқ хўжалигини, хусусан, унинг дехқончилик тармоғини ривожлантиришга қулай шароит яратмайди. Шу боис, Навоий вилояти асосан ялов чорвачилиги, қоракўлчиликка ихтисослашган.

Вилоятда гидрографик шаҳобчалар ривожланмаган; Навоий шаҳри яқинида Зарафшон дарёсининг суви жуда озайиб қолади. Жанубий районларда сугорма дехқончиликни ривожлантириш мақсадида қуюмозор, Шўркўл, Тўдакўл сув омборлари курилган. Шунингдек, бу ерда Аму-Бухоро, Ўртачўл, Конимех каналлари ҳам мавжуд. Нисбатан катта майдонни эгаллаган Ҳайдарқўлнинг эса (унинг бошланиши қисми кўшни Жиззах вилоятида) қишлоқ хўжалигида аҳамияти йўқ.

Навоий вилояти ҳудудининг узоқ масофада шимолдан жанубга чўзилганлиги, унинг ўзлаштирилган ҳудудлари ҳамда маъмурӣ-марказини чекка жанубда жойлашганлиги миңтақа ижтимоий-иктисодий ривожланишини ташкил қилиш ва бошқаришда бироз қийинчиликлар туғдиради. Айни克斯а, вилоятда ички транспорт инфраструктураси ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш анча қийинрок.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Навоий вилоятининг демографик салоҳияти унча катта эмас. Ҳудуд сув заҳираларига танқислиги туфайли аҳоли зичлигининг энг паст кўрсаткичларига эга ( $1 \text{ км}^2$  га 7,1 киши-Ўзбекистонда охирги ўринда).

Ўртacha ҳар бир қишлоқ туманига  $13,9$  минг  $\text{km}^2$  дан ер тўғри келади (Республикада бу кўрсаткич  $2,7$  минг  $\text{km}^2$  ни ташкил қиласди). Биргина Учкудуқ туманининг майдони  $46,6$  минг  $\text{km}^2$  ёки мамлакат ҳудудининг деярли  $1/10$  қисмига teng. У бу жиҳатдан Ўзбекистонда қўнгирот туманидан кейин иккинчи ўринда туради. Шу билан бирга Томди туманининг майдони ҳам ниҳоятда катта- $42,5$  минг  $\text{km}^2$ . қолган туманлар эса анча кичик (энг кичиги Навоий тумани- $0,95$  минг  $\text{km}^2$ ).

Кишлоқ туманларининг катта эканлиги ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашуви учун қулай шароитга эга эмаслигидан дарак беради. Дарҳақиқат, аҳоли зичлиги бу ерда анча паст. Жумладан, у Учкудуқ туманида 1 кишига ҳам етмайди, Томдида бундан ҳам кам. Фақат Хатирчи ва Навоий туманларида аҳоли зичроқ жойлашган (104 ва 74 киши). Туманларнинг аҳоли сони 27 мингдан (Томди) 143 минг кишигача (Хатирчи) фарқ қиласди.

Вилоят аҳолиси 1989-2000 йилларда 130 минг кишига кўпайган, ўсиш суръати 120,0 фоиз, ўртача йиллик кўпайиш 1,70%. Бу борада у Сирдарё вилоятидан устунроқ, холос.

Навоий вилоятида туғилиш коэффициенти охирги 1999-2001 йилларда 19-20 промиллега, ўлим 5,0-5,3 га, табиий кўпайиш 14-15 промиллега teng. Туғилишнинг энг юқори кўрсаткичлари Хатирчи ва Нурота туманларига тўғри келади. Айни вактда ташки миграциянинг аҳоли сонини ўсишига таъсири айрим йилларда салбий. Масалан, 1998 йилда шаҳар жойларда миграция колдиғи минус 1,3 минг кишини ташкил қиласган.

Вилоятда 6 шаҳар ва 7 шаҳарча мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида жами аҳолининг 40,4 фоизи яшайди. Кўриниб турибдики, умумий урбанизация кўрсаткичи бу ерда анча юқори. Мазкур ҳолат, бир томондан, ҳудудда чиндан ҳам саноатнинг нисбатан яхши ривожланганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, интенсив қишлоқ хўжалиги учун имконият чекланганлиги билан боғлик.

Навоий шаҳрининг аҳолиси 141 минг киши, у мамлакатимиздаги 17 катта шаҳарлар қаторига киради. Тарькидлаш жоизки, Навоий бундай даражага бошқа tengкур шаҳарларга қараганда жуда тез, киска муддатда эришди. Зарафшонда 54 минг, Учкудуқ ва Нуротада 26 минг кишидан аҳоли яшайди. қолган шаҳар ва шаҳарчаларда эса аҳоли сони 20 мингдан кам.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 400 минг кишидан ортиқроқ, иш билан банд бўлганлар 320 минг киши атрофида (2001 й.). Бошқа вилоятларга қараганда, бу ерда ишсизлар улуши каттароқ. Жами банд аҳолининг 19,4 фоизи саноатга, 23,0 фоизи қишлоқ хўжалигига, 11,1 фоизи-қурилишга, 12,5 фоизи-

таълим, маданият, санъат ва фанга тўғри келади. Сўнгги вактларда йилига 10 мингдан кўпроқ янги иш ўринлари яратилмоқда. Бироқ, ишсизлар муаммоси тўлалигича ҳал этилмаган.

**Иқтисодиёт.** Вилоят хўжалиги кўпроқ бирламчи секторнинг тоғ-кон саноати ва яйлов чорвачи-лигига ихтисослашган. Республика меҳнат таксимотида рангдор металлургия, кимё, қурилиш материаллари, электр энергетика ва қоракўлчилик маҳсулотларини етиштириш билан ажralиб туради.

Бошқа вилоятларда бўлганидек, бу ерда ҳам бозор ислоҳотлари амалга оширилмоқда. қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулоти, саноат маҳсулотининг 71 фоизи нодавлат корхоналарида яратилади. Ушбу кўрсаткичнинг нисбатан пастлиги вилоят саноатининг ихтисослашув хусусиятларига боғлик.

Навоий вилоятида 20 дан ортиқ кўшма корхоналар мавжуд. Улардан энг катталари «қизилкум-цемент», «қизилкум-Рус-Нур», «Электрохимзавод», «Зарафшон-Ньюомонт» ва бошқалар. Ушбу корхоналарнинг кўпчилиги вилоятнинг ташқи савдо оборотида фаол қатнашади.

2000 йилда ҳам вилоятда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг юкори кўрсаткичларига эришилди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот 1999 йилга нисбатан солиштирма нархда 104,4 фоизга, саноат 102,7, қишлоқ хўжалиги 104,5, ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 116,6, савдо обороти 103,8, аҳолига пуллук хизмат кўрсатиш 118,5 фоизга ўси.

**Саноати.** Вилоят саноатининг энг муҳим хусусияти шундаки, бу ерда ўндирувчи (тоғ-кон) саноати кўпроқ ривожланган. Масалан, агар Республикада ушбу тармоқка ўртacha 14,4 фоиз саноат маҳсулоти тўғри келса, Навоий вилоятида бу кўрсаткич 48,7 фоизга тенг. Мазкур вилоят Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган 30 фоиздан ортиқроқ минерал ўғитлар ва цементини беради (2000 й).

Мустақиллик йилларида вилоят саноат маҳсулоти солиштирма нархда 1,4 марта га ўси. Бу даврда хусусан рангдор металлургия тезрок ривож топди ва, айни пайтда саноат тармоқ тузилишининг такомиллашувига катта эътибор берилди. Бироқ, шунга қарамасдан, Навоий вилоятида асосан базавий соҳалар-электр энергетика, қурилиш материаллари ва тоғ-кон саноати етакчилик қиласи. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг кўпчилик вилоятларига хос анъанавий тармоқлар-енгил ва озиқ-овқат саноати бу ерда нисбатан суст ривожланган.

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, 1991-2000 йилларда электр энергетика, рангдор металлургиянинг нисбий кўрсаткичлари бироз кўпайган, енгил саноат, кимё ва нефт кимёсиники камайган. Айни вактда, қурилиш материаллари саноатининг ўрни янада мустаҳкамланган.

### 31-жадвал

#### Навоий вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (саноат маҳсулоти бўйича, фоиз)

Тармоқлар	1991 йил	2000 йил
Жами саноат маҳсулотлари	100,0	100,0
Шу жумладан, электр энергетика	4,8	12,2
Рангдор металлургия	10,5	13,2
Кимё ва нефт кимёси	69,4	59,6
Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	0,8	0,7
қурилиш материаллари саноати	3,1	6,0
Енгил саноат	7,2	3,7
Озиқ-овқат саноати	1,5	1,6
Ун-крупа, омухта ем саноати	2,5	2,4
Бошқа тармоқлар	0,2	0,6

Хозирги пайтда бу ерда электр энергетика, кимё ва нефт кимёси ҳамда рангдор металлургия ихтисослашган тармоқлар хисобланади. Навоий вилояти мамлакатимизнинг 37,2 фоиз ўндирувчи саноат маҳсулотини, 12,3 фоиз электр энергетика, 73,7 фоиз рангдор металлургия, 26,4 фоиз кимё ва нефт кимёси ва 11,3 фоиз қурилиш материаллари саноати маҳсулотини етиштириб беради. Барча саноат корхоналарида банд бўлган ходимлар 23 минг киши бўлиб, бу Ўзбекистон Республикасига нисбатан 8,0 фоизни ташкил этади. Вилоятда Ўзбекистон жами саноат ишлаб чиқариш асосий фондларнинг 13,1 фоизи мужассамланган.

Вилоядада бир йилда 5,9-6,0 млрд. кВт/с. электр энергия, 300 минг тоннадан зиёд минерал ўғитлар (Республикада 832 минг тоннна), 200 минг тоннадан кўпроқ олтингугурт кислотаси, 730 минг тоннна азот кислотаси, 1,3 млн.тонна цемент, 35 минг тонна пахта толаси ва бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, бу ерда мармар плиталари, кир юувучи машиналарни ишлаб чиқариш, зар-

гарлик саноати (ювелир) ҳам йўлга қўйилмоқда. Айни вақтда вилоятда ип ва ипак газлама, ўсимлик ёғи ёки консерва саноатлари унча ривожланмаган.

Таъкидлаш жоизки, Навоий вилояти мамлакатимиз учун энг муҳим ва ноёб «стратегик» аҳамиятга эга бўлган саноат тармоқларига ихтисослашган. Бу ерда олтиннинг асосий кисми олинади, миллий иктисолидёт учун энг зарур бўлган фосфорит комбинати ҳам ишга туширилди (2001 й).

Вилоят саноатининг худудий таркиби келсак, бу борада энг аввало Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ажралиб туради. Жумладан, Навоий шаҳрига жами вилоят саноат маҳсулотининг 51,0 фоизи ва Зарафшонга 40,0 фоизи тўғри келади. қолган худудлар ичидаги саноат бироз қизилтепа ва Хатирчи туманларида ривожланган, Томди ва Учкудуқ қишлоқ жойларида эса бу тармоқнинг мужассамлавшуви анча паст.

Навоий шаҳри вилоят ташкил этилишидан олдин Ўзбекистондаги мавжуд типик индустриал шаҳарлардан бири эди (Чирчик, Ангрен, Олмалиқ, Бекободга ўхшаш). Ҳозирги кунда бу ерда йирик иссиқлик электр станцияси, азот ўғити ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, цемент заводлари, тоғ-кон металлургия комбинати жойлашган. Ундирувчи саноат, шунингдек, Учкудуқ, /озғон, Лангар, Мурунтов каби «ресурс» шаҳар ва шаҳарчаларда ҳам ривожланиб бормоқда. қизилтепада ғишт, Конимех, Янгирабода пахта тозалаш заводлари бор.

**Қишлоқ хўжалиги.** Юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги, айниқса, сугорма дехкончилик суст ривожланган. Жами агросоҳа маҳсулотининг 63,8 фоизи чорвачиликка тўғри келади.


Вилоят худудининг кўёламига караганда унинг иктисолиди фаол кисми, яъни экин майдонлари жуда кам. Бу ерда барча экин майдонлари атиги 100 минг гектардан сал кўпроқни ташкил қиласди, холос. Унинг тахминан 40 фоизи ғалла, шунга яқинроқ қисми пахта (41 минг гектар) билан банд. Ем-хашак этишириш экин майдонларининг 10 фоиздан зиёдрогини, сабзавот 25 фоизни эгаллайди (12-чизма).

Бир йилда ўртача 125 минг тонна ғалла (кўпроқ буғдой), 110-150 минг тонна пахта олинади. Боғдорчилик ва узумчилик асосан Хатирчи ва Нурутга туманларида яхшироқ ривожланган.

Йирик шоҳли моллар сони 175 минг бош атрофида, майдошаҳиллар, яъни кўй ва эчкилар 1 млн. бошдан кўпроқ (бу борада вилоят Ўзбекистонда 2-ўринда). Бир йилда олинган қорақўл териси 240 минг дона, пилла 640 тоннага тенг.

Кишлоқ хўжалиги, маҳсулотларини этиширишда Хатирчи, қизилтепа ва Навбаҳор туманлари олдинда. Кейинги ўринда Навоий тумани туради, Томди ва Учкудуқ туманларида эса мазкур тармоқ суст ривожланган.

## 12-чизма. Навоий вилоятининг экин майдони (2000 й.)



**Транспорт ва ташқи савдо.** Вилоятда транспорт тизими унча яхши ривожланмаган. Унинг жанубидан халқаро темир ва автомобил йўллар ўтади, ана шу йўлларга перпендикуляр шаклда Навоий-Учкудуқ темир йўли қурилган. Ҳозирги вақтда ушбу йўлнинг давоми, яъни Учкудуқ-Нукус йўналиши курилиб битирилган. У ишга тушгач Хоразм вилояти ва қоракалпогистон Республикаси мамлакатимизнинг бошқа худудлари билан бевосита темир йўл орқали, яъни Туркманистонга чиқмасдан боғланди. Натижада Навоий шаҳрининг (Кармана билан биргага) транспорт тугуни вазифаси янада кучайди, Зарафшон, Учкудуқ, Конимех шаҳарлари ривожланишига ҳам кулагай имкониятлар яратилди.

2000 йилда ташқи савдо обороти 440 млн. АҚШ долларидан зиёд бўлган (республикада 1-ўринда), шундан экспорт 230, импорт 210 млн. доллар атрофида. Ташқи савдо оборотининг ярми, импортнинг асосий кисми Навоий шаҳрига тўғри келади, Зарафшон тахминан 40 фоиз савдо оборотини,

экспортнинг ярмидан кўпроғини таъминлайди. қолган худудларнинг ичидаги қизилтепа туманинг экспорт салоҳияти бирмунча ривожланган.

Экспортнинг  $\frac{1}{2}$  қисмидан ортиги хорижий мамлакатлар билан қурилган корхоналарга зиммасига тушади, импортда эса уларнинг улуши 20 фоизга якин. Экспортда кимё саноати маҳсулотлари, пахта то-ласи, импортда асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар эгаллади.

**Асосий муаммолар.** Навоий вилояти иқтисодиётининг истиқболи саноатнинг тармоқлар таркибини такомиллаштириш, хусусан енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аграр соҳани мустаҳкамлаш, транспорт тизимини яхшилаш билан боғлиқ. Шунингдек, қишлоқ инфраструктураси ва саноатини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан тўларок фойдаланиш, Навоий шаҳри атрофи экологијасини согломлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам (бу муаммо айниқса Навоий ва Томди туманларида кескин) муҳим аҳамиятга эга.

Навоий вилояти катта худудий ва ҳозирча тўла ўрганилмаган минерал ҳом ашё захираларига эга. Уларни аниқлаш ва хўжалик оборотига киритиш айни вақтда ишлаб чиқаришнинг худудий таркибини яхшилашга ҳам имконият беради. Мавжуд Навоий ва Зарафшон-Учқудук ички иқтисодий районлар ривож топади, вилоят худудининг иқтисодий самарадорлиги янада ошади.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. У маъмурий жиҳатдан 14 қишлоқ туманларидан (Булунгур, Жомбой, Иштихон, Каттакўрон, Нарпай, Нурабод, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Пахтаки, Самарқанд, Тойлок, Ургут ва кўшработ) иборат. Майдони 16,8 минг км<sup>2</sup> бўлиб, бу Зарафшон иқтисодий районининг 1/10 қисми, Республикализнинг 3,7 фоизига teng. Маъмурий маркази – Самарқанд шаҳри.

Вилоятнинг худуди унча катта эмас. Унинг Зарафшон иқтисодий районига киритилиши энг аввало ҳавза омили билан боғлиқ; Зарафшон дарёси қадимдан Самарқанд ва Бухоро-икки тарихий шаҳарларни, ҳозирги Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларини бирлаштирган. Бугунги Самарқанд вилояти кўшни вилоятларнинг туташ районлари билан ҳам азалдан боғлиқ (Жиззах вилоятининг /аллаорол ва Бахмал, Навоий вилоятининг Нурота ва Хатирчи, қашқадарёнинг Китоб ва Шахрисабз туманлари).

Самарқанд вилояти мамлакатимиз миллий иқтисодиётида муҳим мавқега эга. Бу ерда машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари, пахта, узум, тамаки етиштириш, ҳалқаро туризм ихтисослашган тармоқлар хисобланади.

**Жойлашган ўрни ва табиий бойликлари.** Самарқанд вилояти кулай географик ўринда, Республикализнинг марказий қисмида жойлашган. У гарб ва шимоли-гарбда Навоий, шимоли-шарқда Жиззах, жанубда қашқадарё вилоятлари билан, жануби-шарқда киска масофада Тожикистон Республикасининг Суғд (Панҷакент райони) вилояти билан чегарадош.

Ер усти тузилиши асосан баландлик, тоғолди ва тоғликлардан ташкил топган. Нисбатан пастхам жойлар Каттакўрон шаҳридан ғарброқда ҳамда чекка жануби-гарбда бор (Карнаб чўли). Вилоятнинг энг баланд нуқтаси-карчагай тоги (2136 м.) Нурота тизмасида. Шунингдек, вилоят худудида Оқтов, қароқчиев, /абдунтов ҳамда қашқадарё билан чегарадош жойда Зарафшон тизмасининг гарбий қисми мавжуд.

Самарқанд вилоятида олтин, вольфрам, молибден, қалай, симоб, курилиш материаллари ҳом ашёси, жумладан, оҳактош топилган. Аммо уларнинг минтақа иқтисодиётига таъсири ҳозирча унча катта эмас.

Иқлими континентал, намгарчилик қўшни Навоий вилоятига қараганда бироз кўпроқ (300-400 мм). Бироқ, гидрографик тўр бу ерда ҳам яхши ривожланмаган. Асосий дарё, минтақа ижтиёмий-иктисодий ривожланишининг тарихий-географик «ўқи» Зарафшон бўлиб, у Самарқанддан сал ўтгандан сўнг иккига, яъни Оқдарё ва қорадарёга бўлинади, вилоят чегарасида эса (Хатирчи туманида) улар яна кўшилади. Икки дарё оралиғи Миёнқал деб аталади.

Зарафшоннинг доимий, айтарлича сув захираларига эга бўлган ирмоклари деярли йўқ. Самарқанддан юқорироқда, Тожикистон Республикасининг Панҷакент туманига қўшни жойда, Зарафшоннинг тоғ оралиқларидан водийга чиқиш қисмидан каналлар бошланади. Улардан энг муҳими қадимги Дарғом хисобланади, айнан ана шу каналдан Эски Анҳор канали сув олади ва у қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманини ҳам суғоради. Каттакўрон, Оқдарё, Тусунсой сув омборлари, Нарпай, Булунгур каналлари, Бешарик ариғи ҳам дехқончилик ривож топган худудларни сув билан таъминлайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят иқтисодиётини шаклланишида минерал ресурсларга кўра агроиклиний шароитларнинг роли катта. Бундан ташқари, бу ерда туризм ва рекреация ресурслари мавжуд бўлиб, уларнинг аҳамияти ҳам сезиларли даражада юқори.

**Демографик вазият.** Вилоят аҳолиси 2710 минг киши ва у бу жиҳатдан Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида аҳоли сонининг ўртача йиллик кўпайиши 2,15 фоизга

тeng бўлди. Аммо, бутун мамлакатда бўлганидек, бу ерда ҳам демографик ривожланиш суръати пасайиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда аҳоли сони 40 минг кишига кўпайди, бу эса 1,50 фоизни ташкил қиласди.

Вилоятда умумий тугилиш коэффициенти ҳар минг аҳолига 22,6, ўлим 5,0 ва табиий кўпайиш 17,6 га тенг (2001 й.). Тугилиш Иштихон, кўшрабод туманларида юкорироқ, Самарқанд шахри ва унинг агломерацияларига кирувчи шаҳарчаларда эса у жуда паст. Самарқанд шахрининг ўзида тугилиш 14,6, ўлим 7,6 промиллега баробар.

Аҳоли сонининг ўсишида миграциянинг роли катта эмас. Жумладан, 1997-2000 йилларда шаҳар ва қишлоқ жойларнинг ҳар бири ўртача бир йилда 3,0-3,7 минг кишидан «ютказган», яъни миграция қолдиги салбий бўлган.

Аҳоли зичлиги ўртача 1 км<sup>2</sup> майдонга 161 киши; энг катта кўрсаткич Самарқанд қишлоқ тумани (512), Тойлоқ (461), Нарпай (342) ва Пастдарғомда (340). Айни вақтда тоголди ва чўл минтақаларининг аҳолиси ниҳоятда сийрак. Масалан, кўшробод ва Нуробод туманлари вилоят ҳудудининг 40 фоизини қоплаган ҳолда унинг атиги 6,8 фоиз аҳолисини мужассамлаштиради, холос (зичлик 20-40 киши). Мутлоқ микдорда энг кўп аҳоли сони Самарқанд ва Ургут туманларида жойлашган.

Жами аҳолидан атиги 27 фоизи шаҳар жойларида яшайди. Шундан 360 мингдан кўпроғи Самарқандга тўғри келади. Гарчи Самарқанддан аҳоли микдори бўйича Наманганд ўтиб кетган бўлсада, у ўз мавқеига кўра, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг «иккинчи» шахри ҳисобланади.

Каттақўргон шахрида 66, Ургутда 50 минг аҳоли бор. қолган шаҳарларда (ҳаммаси бўлиб вилоядта 11 шаҳар ва 12 шаҳарча мавжуд) аҳоли сони кўп эмас. Ҳудудий жиҳатдан аксарият шаҳар ва шаҳарчалар Самарқанд агломерацияси ва Каттақўргон гурухига киради.

Вилоядта меҳнатга лаёқатли аҳоли 1280 мингдан кўпроқ, шундан 72 фоизи турли соҳаларда банд. Мехнат бозорида расман ишсиз мақомида 2000 йилда 4140 киши қайд этилган. Ҳудди шу йилда 37,3 минг киши қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучи сифатида бўшаган ва 52,3 минг кишилик янги иш ўринлари яратилган. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг 10,3 фоизи саноатга, 41,6 фоизи қишлоқ хўжалигига, 12,7 фоизи таълим, маданият ва фанга тўғри келади.

**Иқтисодиётнинг умумий таърифи.** Самарқанд вилояти ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Тошкент шахри, Фарфона, Тошкент ва Андижон вилоятларидан кейинги бешинчи ўринни эгаллайди. У Республиканинг 5,6 фоиз саноат ва 11,3 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, 8,6 фоиз товар обороти, 7,9 фоиз пуллук хизмат кўрсатиш ҳажмини беради. Ялпи ички маҳсулот 2000 йилда 4 фоизга кўпайган.

Вилоядта 120 дан ортиқ кўшма корхоналар рўйхатга олинган, улардан 90 таси фаолият кўрсатмоқда. Биргина 2000 йилда 8 та кК ишга тушган; барча корхоналарда 8 минг киши ишлайди. Бундай корхоналар саноат, савдо, туризм каби соҳаларда мавжуд бўлиб, улар экспортнинг 1/5 қисмини таъминлайди.

**Саноати.** Самарқанд вилояти саноати кўп тармоқли хусусиятга эга. Бу ерда айниқса озиқ-овқат, машинасозлик, енгил, кимё, фарфор саноати яхшиrok ривожланган. Мустақиллик йилларида Туркия билан қурилган автомобилсозлик заводи вилоят иқтисодиётини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, кК лар тамаки, фарфор идишлар, енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқиришда ҳам фаол иштирок этмоқда; ҳаммаси бўлиб 130 та асосий саноат корхоналари бор, уларда 50 минг ишчи ходим хизмат қиласди.

2000 йил маълумотларига кўра, озиқ-овқат саноати жами саноат маҳсулотининг 31,8 фоизини берган. Иккинчи ўринда енгил саноат-22,6 фоиз, учинчидан ун-крупа ва омухта ем ишлаб чиқариш-18,9 фоиз, тўртинчи ўринда машинасозлик ва метални қайта ишлаш-8,4 фоиз. Шунингдек, кимё ҳамда қурилиш материаллари саноат тармоқларининг мавқеи ҳам анча сезирларли. Вилоядта шиша-чинни идишлар ишлаб чиқариш, енгил (у мамлакатимизнинг 41,8 фоиз ипак газламасини беради), озиқ-овқат саноат тармоқларининг ҳудудий мужассамлашув дараражаси ёки ихтисослашув индекси юкори.

Самарқанд вилоятининг саноати йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида унинг ҳажми (солиштирма нарҳда) 1,5 мартаға яқин кўпайган. Бу ерда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида йўқ ёки жуда кам учрайдиган саноат тармоқлари мавжуд. Улар жумласига лифт, кино аппаратурулари, чой қадоқлаш, совутгич машиналар, автомобил, тамаки ферментация каби заводлар киради. Айни вақтда вилоятнинг электр энергетика ҳамда қурилиш базаси сустроқ, ип газлама ишлаб чиқариш ҳам энди ривожланмоқда.

Бир йилда таҳминан 2,2-2,5 млн. м<sup>2</sup> ипак газлама, 14-15 минг тонна ўсимлик ёғи, 12-13 минг тонна тамаки маҳсулотлари, 60-75 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади. 2000 йилда 600 га яқин замонавий юқ машиналар ва автобуслар янги «СамкочАвто» кўшма корхонасининг конвейерларидан чиқди. Яқин кела-жакда бу рақам янада кўпаяди.

Асосий саноат корхоналари Самарқанднинг ўзида жойлашган. Бу ерда лифт, автомобил, совутгич, шиша-чинни идишлар, консерва, вино заводлари, ипак газлама, тамаки, чой қадоқлаш фабрикалари каби корхоналар мавжуд. Каттақўргонда машинасозлик, ёғ, пахта тозалаш (Республикада энг тўнгич) заводлари, Жомбойда йирик дон маҳсулотлари комбинати ва «Самтекс», Булунғурда вино заводи

бор. Самарқанднинг «йўлдош» шаҳарчаларида Хишров ГЭС, суперфосфат заводи жойлашган. қишлоқ туманлари марказларининг кўпчилигида пахта тозалаш заводи, Ингичкада тоғ-кон корхонаси ишлаб туриди.


Саноатнинг худудий ташкил қилиш тизимида энг аввало Самарқанд ва Каттакўрғон туманлари ажralиб туради. Умуман олганда, Самарқанд вилоят саноат маҳсулотини ярмидан кўпини беради, Каттакўрғоннинг бу соҳадаги кўрсаткичи 6,4 фоизга баробар. қишлоқ туманлари орасида Жомбой, Нарпай-нинг саноат салоҳияти каттароқ, қолган туманлар, айниқса Нуробод ва кўшрободда хозирча саноат ишлаб чиқариши яхши ривожланмаган.

**Кишлоқ хўжалиги.** Самарқанд вилояти Республикализнинг агроклиматида мухим ўринга эга. У мамлакатнинг 1/10 қисмидан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини беради. Иқтисодий районда, қолган вилоятлардан фарқ қилиб, қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли. Масалан, Самарқанд вилоятида пахтачилик ва галлачиликдан ташкири боғдорчилик, узумчилик, тамаки етиштириш анча яхши ривожланган. Узумчилик бўйича у Тошкент вилояти билан биргаликда Ўзбекистонда етакчи ҳисобланади.

Деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, қўйчилик, қоракўл қўйларини бокиши (асосан Карнабчўлда) катта аҳамиятга эга.

Жами экин майдонлари 403 минг га (2000 йил). Шундан 208 минг гектари ғалла (Ўзбекистонда 2-ўринда), 94 минг гектари пахта, 9,6 тамаки, 17,7 сабзавот ва 55,1 минг гектари ем-хашиб етиштириш билан банд. Бир йилда (об-ҳаво шароитига қараб) тахминан 380-400 минг тонна дон, шундан 350-360 тонна буғдой, 170-200 минг тонна пахта, 23-25 минг тонна тамаки ва 410-432 минг тонна турли сабзавот маҳсулотлари олинади. Самарқанд теварагида, хусусан Тойлок ва Самарқанд қишлоқ туманларида шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган.

### 13-чизма. Самарқанд вилояти экин майдонининг таркибий тузилиши (2000 й.)



Вилоят бўйича йирик шохли моллар сони 800 минг бошга яқин (Республикада 1-ўринда туради), қўй ва эчкилар 900 минг бош (4-ўринда) атрофида. Бир йилда етиштирилган қоракўл тери 60 минг дона-дан зиёд, пилла 1650-1700 тоннани ташкил этади.

Интенсив қишлоқ хўжалиги асосан вилоятнинг марказий худудларида яхши ривожланган. Умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати бўйича Ургут (11,3 фоиз), Иштихон (9,7 фоиз), Самарқанд (49,7 фоиз), Каттакўрғон (8,5 фоиз), Пахтachi (7,7 фоиз) туманлари олдинда туради. Шунингдек, Булунгур, Тойлок, Пастдарғом туманларининг мавқелари ҳам яхшироқ. Айни вақтда Жомбой, кўшробод, Нуробод туманларининг ишлаб чиқариш салоҳияти анча паст.

Самарқанд вилоятида рекреация ва айниқса туризм ривожланиб бормоқда; туризм тизимини ривожлантириш бўйича маҳсус давлат дастури ҳам ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда. 2500 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган қадимий Самарқанд-илму-фан, маданият, санъат маркази-ўзининг бетакорр архитектура ёдгорликлари билан (Регистон ансамбли, Гўри Амир, Шохи Зинда, Бибихоним мақбараси, Улугбек абсерваторияси, Афросиёб археологик обьектлари ва бошқалар) дунёга машхур.

Самарқанд-Амир Темур яратган Буюк империянинг дорулсалтанати, пойтахти. Унинг яқин атрофи ҳам туризм обьектлари ҳисобланади. Бу борада айниқса Челак туманидаги Ҳазрати И мом ал Бухорий мақбараси, Даҳбеддаги Маҳдуми Аъзам масжиди, Ургут чинорлари, Самарқанд яқинидаги қадимий боғлар катта аҳамиятга эга.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** Вилоядта темир ва автомобил транспорти яхши ривожланган, Самарқандда халқаро тоифадаги аэропорт мавжуд. Бир йилда барча транспорт турлари бўйича 47-50 млн. (Ўзбекистонда тахминан жами 795-850 млн.) тонна ҳажмда турли халқ хўжалик юклари ташилади. Бунда автомобил транспортининг улуши устун туради.

Ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми 250 млн. АқШ доллариға яқин ( Республика бўйича 6212 млн. доллар). Шундан экспорт 135,5, импорт 113,2 млн. доллар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг 74,5 фоиз, экспортнинг 61,8 ва импортнинг 89,7 фоизи Самарқандга тўғри келади (2000 й.).

**Вилоят иқтисодиётининг ички хусусиятлари.** Самарқанд вилояти хўжалигининг ҳудудий таркиби энг аввало унинг марказий қисми, бевосита Зарабшон дарёсига туташ жойлар иқтисодий ривожланиши билан белгиланади. Айни чорда майдони бўйича энг катта бўлган қўшработ ва Нуробод туманларининг иқтисодий ўзлаштирилганлиги, салоҳияти анча паст.

Умуман вилоядта 2 асосий иқтисодий районни ажратиш мумкин: Самарқанд гурух районларига, Самарқанд шаҳридан ташқари, Булунгур, Жомбай, Ургут, Тойлок, Пастдарғом, Оқдарё, Пойариқ туманлари киради. Албатта, бу районнинг иқтисодий қудрати каттарор.

Каттақўрғон гурух райони Каттақўрғон, Иштиҳон, Нарпай, Пахтаки туманларини бирлаштиради. қўшработ ва Нуробод қишлоқ туманлари асосий иқтисодий ареаллардан анча ичкарида бўлиб, улар алоҳида мавқега эга.

**Асосий муаммолар.** Самарқанд вилояти иқтисодиётининг келажакда ривожланиши қўп жиҳатдан мавжуд минерал ҳом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, саноатнинг замонавий йўналишларини ҳамда ҳалқаро туризмни юқори даражада шакллантириш билан боғлиқ. Шу билан биргага қишлоқ хўжалигида асосий иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлик даражасини янада кўтариш катта аҳамиятга эга.

### Савол ва топшириқлар

- Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларини бир иқтисодий район доирасида бирлаштиришга нималар асос бўла олади?*
- Бухоро вилояти иқтисодиётининг етакчи тармоқлари қайсилар ва уларнинг ривожланиши омилларини таърифлаб беринг.*
- Навоий вилоятининг миллий ва минтақавий иқтисодиётда тутган ўрни нималарга боғлиқ?*
- Яйлов чорвачилиги ва тоз-кон саноати ривожланган ҳудудлар қайсилар?*
- Самарқанд вилояти иқтисодиёти қўшини вилоятлар хўжалик ихтисослашувидан нималар билан фарқ қиласди?*
- Иқтисодий районнинг асосий сугории инишоотларини таърифлаб беринг.*
- Минтақа транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида нималарни биласиз?*
- Ҳалқаро туризмни Зарабшон иқтисодий районида ривожланиши учун қандай имкониятлар мавжуд?*

### VI БОБ. қУЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИ

Ўзбекистоннинг қуи Амударё минтақаси ўз таркибига қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятини олади. Ушбу таркибда унинг майдони 172,6 минг км<sup>2</sup> ёки мамлакат ҳудудининг 38,4 фоизини ташкил этади. У бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг энг катта иқтисодий райони ҳисобланади.

Район аҳолиси, 2002 йил маълумотига кўра, 2910 минг киши бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг 11,6 фоизига teng. Аҳоли жойлашувининг ўртacha зичлиги 1 км<sup>2</sup> майдонга 17 киши, умумий урбанизация даражаси 36,9 фоиз.

Асосий район ҳосил қилувчи омил бўлиб унинг иқтисодий географик ўрни хизмат қиласди. Район, ўз номига мос ҳолда, Амударёнинг қуи оқимида, Орол денгизининг жанубий қисми ва Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбий чеккасида, яқин ва «узок» хориж мамлакатларга чиқиш жойида ўрнашган. қуи Амударё районининг бундай иқтисодий-географик ва геосиёсий мавқеи унинг ижтиёйи-иктисодий ривожланиши, ички инвестиция маконини яратиш ҳамда мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалиги тизимида интеграция (алоқа) қилишига имкон беради.

Иккинчи район ҳосил қилувчи омил унинг гидрографик бирлигидир. Ушбу ҳудуднинг тарихи, ҳозирги ҳолати ва истиқболи қўп жиҳатдан Амударёга боғлиқ. қадимда бу ўлқада сурорма дехқончилик маданийтининг ривожланганлиги ва у билан боғлиқ фан, савдо каби соҳаларнинг юқори даражада тараққий этганлиги сир эмас. Минтақа иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ҳам айнан ана шу район «умуртқаси» -Амударёга асосланади. Зоро, қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши, қайта ишлаш саноати энг аввало мазкур гидрографик омил негизида вужудга келган. Айни вақтда қуи Амударё иқтисодий районнинг келажаги, тақдирни ҳам асосан сув, хусусан Орол денгизи муаммоси билан боғлиқ. Чунки бу район денгизнинг чекинаётган, антропоген чўллашув жараёни авж олаётган кисмида жойлашган.

**қуий Амударё районининг баъзи бир  
макроиктисодий кўрсаткичлари  
(2000 йил, фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	қуий Аму- дарё райони	Шу жумладан:	
		қорақалпогистон Респуб- ликаси	Хоразм вилояти
Майдони	38,4	$\frac{37,1}{96,5}$	$\frac{1,3}{3,5}$
Ахолиси	11,5	$\frac{6,1}{53,2}$	$\frac{5,4}{46,8}$
Ялпи ички маҳсулот	7,3	$\frac{2,8}{37,4}$	$\frac{4,5}{62,6}$
Саноат маҳсулоти	4,5	$\frac{1,7}{38,5}$	$\frac{2,8}{61,5}$
кишлоқ хўжалиги маҳсулоти	8,8	$\frac{2,6}{29,6}$	$\frac{6,2}{70,4}$
Умумий экин майдони	14,8	$\frac{8,9}{60,1}$	$\frac{5,9}{39,9}$
Инвестиция ҳажми	8,8	$\frac{5,2}{59,9}$	$\frac{3,6}{40,1}$
Ташки савдо обороти	3,3	$\frac{1,8}{53,8}$	$\frac{1,5}{46,2}$

*Изоҳ: каср суратида Ўзбекистон Республикасига, маҳражида қуий Амударё иқтисодий районига нисбатан.*

Мамлакат меҳнат тақсимотида район пахта, шоли, жун, ўсимлик ёғи, гилам каби маҳсулотларни етиширишда муҳим ўринга эга. Бинобарин, бу ерда ихтисослашган, яъни район ҳосил қилувчи хўжалик тармоғи сифатида пахтачилик, дончилик, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат, енгил саноатнинг айрим тармоқлари хизмат қиласди. Сўнгги йилларда минтақада тог-кон кимёси, курилиш материаллари ва тўқимачилик саноати ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга районда ҳалқаро туризмни ривожлантириш имконияти ҳам мавжуд.

қуий Амударё иқтисодий райони ички жиҳатдан Ўзбекистоннинг икки, турли катталиқдаги маъмурӣ ҳудудий бирликларидан иборат. Масалан. қорақалпогистон Республикаси ўзининг майдони бўйича қўшни Хоразмдан 26,2 марта катта. Айни вактда уларнинг ахоли сони миқдорида бундай туфовут йўқ.

Ушбу ҳудудлар ўзларининг табиий шароити ва қазилма бойликлари билан ҳам тубдан фарқ қиласди. Агар Хоразм вилоятида қазилма бойликлар деярли мавжуд бўлмаса, қорақалпогистон бу борада анча ажралиб туради. Шундай қилиб, қорақалпогистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг демографик, табиий географик ва ресурс салоҳиятининг бир хил эмаслиги уларда иқтисодиётнинг ўзига хос йўналишларини шаклланишига олиб келади. Айни чоғда ҳудди шу ноўҳашашлик ушбу ҳудуднинг иқтисодий интеграциясини, ўзаро ҳамкорликда, ягона иқтисодий маконда ривожланишини тақозо этади.

32-жадвалда қуий Амударё иқтисодий районининг ички тузилиши ва унинг мамлакат хўжалигинида тутган ўрни тўғрисида айрим маълумотлар келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, иқтисодий район Ўзбекистон Республикаси ахолисининг 1/10 кисмидан кўпроғини ташкил қилган ҳолда унинг 7,3 фоиз ялпи ички маҳсулоти, 4,5 фоиз саноат ҳамда 8,8 фоиз кишлоқ хўжалиги маҳсулотини беради. Район таркибида эса Хоразм вилоятининг иқтисодий кўрсаткичлари нисбатан юкорироқ. Чунончи, унинг ҳиссасига минтақа саноат ва қишлоқ хўжалиги

ишилаб чиқариш ҳажмининг 60-70 фоизи тўғри келади, ваҳоланки вилоятнинг худудий ва демографик салоҳияти қорақалпоғистонга кўра анча камроқ. Шу билан бирга қорақалпоғистонда умумий экин майдони, инвестиция ҳажми ва ташки савдо обороти бирмунча кўпроқ. Иқтисодий районнинг шунга ўхшаш ички хусусиятларини уни ташкил этувчи маъмурий бирликларнинг таҳлилида кўриб чиқамиз.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

корақалпоғистон Республикаси (қР) Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен давлат сифатида 9 январ 1992 йилда эълон қилинган. Пойтахти-Нукус шахри.

Унинг таркибига 15 та қишлоқ туманлари, 12 та шаҳар ва 16 та шаҳарча киради. Майдони 166,6 минг  $\text{km}^2$ , аҳолиси, 1.01.2002 й. маълумотига кўра, 1541 минг киши.

корақалпоғистон минтақа ва Ўзбекистон Республикаси ичидаги меҳнат тақсимотида асосан дехқончилик, хусусан шоли етиштириш, жун-гўшт чорвачилиги ҳамда кисман озиқ-овқат ва енгил саноатнинг баъзи тармоклари билан ажralиб туради.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** қР Ўзбекистоннинг чекка шимоли-ғарбида, Орол денизи бўйида жойлашган. Унинг ЎЗР марказий районларидан анча олисда ўрнашганлиги минтақа иқтисодий ривожланиш йўналишига ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга қР нинг геосиёсий мавқеи, яъни қозоғистон Республикаси ва Туркманистон давлати билан қўшничилиги, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатларига чиқиши жойида эканлиги унинг ривожланишига кулай имкониятлар яратиб беради.

корақалпоғистон ер усти тузилиши мураккаб эмас: энг баланд нуқтаси Султонувайс тизмаси бўлиб, у дениз сатҳидан 473 м. баландликда жойлашган. Сарикамиш ва Ассака чўқмалари эса анча паст-30 м. атрофида. қРнинг ғарбий қисми Устюрт платоси, қолган худуди Турон пасттекислиги билан банд.

Минтақа турли хил қазилма бойликларга эга. Бу ўринда энг аввало Султонувайс (Султонуизтоғ) тизмасини кўрсатиш жоиз. Майдони унча катта бўлмаган мазкур худудда рангли ва қора металлар, қурилиш саноати хом ашёси кўп. Улар жумласига мармар, оҳактош, гипс, мергел, фосфорит, олтин, темир рудаси, мис, қимматбаҳо тошлар, барит, талк, абразив материаллар ва бошқалар киради. Бироқ, бу бойликларнинг заҳираси ва техник иқтисодий жиҳатлари саноат ишилаб чиқиришини ташкил қилиш учун хали мукаммал ўрганилмаган. Баъзилари эса, масалан, Тебинбулук темир рудаси кони аниқланган заҳиралар камлиги ва унинг сифат кўрсаткичларининг юкори эмаслиги сабабли (рудадаги темирнинг улуши 20 фоизга ҳам етмайди) хозирча саноат аҳамиятига эга эмас.

қР тог-кон кимёси заҳираларига ҳам бой; Чимбой яқинидаги қўшқоноттов ва қўнғирот атрофидаги Борса-Келмас ҳамда кораумбет каби конларда сульфат-магнезий, тош ва ош тузларининг жуда катта заҳиралари мавжуд.

корақалпоғистоннинг Устюрт қисмини табиий газ ва айниқса нефт конларига бой эканлиги башорат қилинмоқда. Ҳозирги кунда Оқшолоқ, Шоҳпахти, қувониш конларидан табиий газ қазиб олиниди. Келажакда эса ушбу ёқилғи турларининг йирик конларини топилиши кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда бу худудга республика геологик қидирув ишларига мўлжалланган инвестиция ҳажмининг асосий қисми ажратилган.

Иқлими ўта континентал; йиллик ёғин-сочин миқдори 90-200 мм атрофида. Албатта, минтақада бу жиҳатдан қурғоқчилик кескин сезилиб туради-мумкин бўлган парланиш амалдагисидан 9-10 марта зиёд. Бинобарин, корақалпоғистон Республикасида суформа дехқончиликни ривожлантириш имкониятлари анча чекланган.

Шундай қилиб, корақалпоғистон Республикасининг табиий шароити, минерал хом ашё ҳамда агроиклий ресурслари асосан тог-кон кимёси, қурилиш ва ёқилғи саноати, чорвачилик ва полизчилик учун қулайроқ. Айни вақтда бу ерда сув заҳираларининг етишмаслигидан электр станцияларни куриш, дарё транспорти, интенсив суформа дехқончилик ва балиқчиликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласи.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Аҳоли сони 1989-2002 йилларда 1211 минг кишидан 1541 мингга етган, ёки шу даврда 127,3 фоизга ўсган (Ўзбекистон Республикаси бўйича бу кўрсаткич ўртacha 127,0 фоизга тенг); жами аҳоли сонининг 48,2 фоизи шаҳар жойларда яшайди. қолган қисми 1200 га яқин овул ва қишлоқларга тўғри келади.

корақалпоғистон Республикасида аҳоли зичлиги 1  $\text{km}^2$  га атиги 9 кишидан иборат. Табиийки, бу «ўртacha» кўрсаткич Нукус шахри атрофида ҳамда интенсив дехқончилик ривожланган худудларда анча юкори (33-жадвалга қаранг).

Кейинги йилларда аҳоли жойлашувида жанубга нисбатан «силжиш» кузатилмоқда. Бу асосан Орол бўйи минтақасидаги ноҳуш экологик вазият туфайли вужудга келмоқда. Масалан, Мўйноқ туманида 1989 йилда 27,4 минг аҳоли яшаган бўлса, 2001 йилда у атиги 1,7 мингга кўпайган, холос. Ваҳоланки, Беруний, Тўрткўл, Амударё каби туманларда демографик ўсиш анча юкори бўлган.

33-жадвал

**қорақалпоғистон Республикаси**  
**қишлоқ туманларининг аҳолиси (2000 й.)**

№	Туманлар	Майдони, минг кв.км	Аҳолиси, минг киши	Зичлиқ, 1кв.км киши	Ҳар минг кишига		
					туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
1	Амударё	1,02	139,1	136,4	26,7	5,2	21,5
2	Беруний	3,94	141,3	35,9	25,5	5,3	20,2
3	Бўзатов	1,98	19,7	9,9	22,8	5,0	17,8
4	Кегейли	0,92	58,2	63,3	23,4	5,9	17,5
5	Мўйнок	37,94	28,7	0,8	23,3	6,9	16,4
6	Нукус <sup>x)</sup>	0,97	42,7	44,0	24,8	6,1	18,7
7	Тахтакўпир	21,12	44,0	2,1	20,6	6,0	14,6
8	Тўрткўл	7,47	152,1	20,4	24,1	5,2	18,9
9	Хўжайли	2,33	195,3	83,8	25,6	6,2	19,4
10	Чимбой	1,43	89,8	6,3	24,7	6,5	18,2
11	Шуманай	0,64	41,3	64,5	25,3	6,1	19,2
12	Элтиқала	5,42	111,3	20,5	27,4	5,9	21,5
13	қанликўл	0,73	38,6	52,9	25,7	6,0	19,7
14	қораўзак	5,89	43,3	7,4	20,9	5,6	15,3
15	қўнғирот	74,49	108,5	1,5	24,6	5,8	18,8
16	қорақалпоғистон Республикаси	166,59	1503,0	9,0	24,1	5,6	18,5

<sup>x)</sup> Нукус шаҳар ҳокимиятисиз.

Келтирилган жадвалдан маълум бўлишича, қорақалпоғистон Республикаси аҳоли жойлашуви (зичлиги) турли туманларда ҳар хил. Масалан, энг юкори кўрсаткич Амударё туманида кузатилса (136 киши), унинг энг паст даражаси қўнғирот туманига тўғри келади. Ушбу туман нафакат қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистон мамлакатида ҳам энг катта маъмурий бирлик хисобланади; қўнғирот тумани қорақалпоғистон майдонининг 46 фоиз, Республика худудининг 16,6 фоизини ташкил қилган ҳолда бу ерда ҳар 1 минг кв. км. га атиги 1,5 киши тўғри келади, холос.

Жадвалда аҳолининг табиий ҳаракати тўғрисида ҳам маълумотлар акс эттирилган. Чунончи қР бўйича туғилиш 24,1 ва ўлим 5,6 промиллега teng. Ушбу демографик жараёнларда худудий фарклар унча катта эмас: энг юкори туғилиш коэффициенти Амударё туманида, ўлимнинг энг паст даражаси эса Бўзатовда кайд қилинган (2000 йил якунлари бўйича). Аммо болалар ўлими кўрсаткичларида сезиларли тафовутлар кузатилади. Масалан, 1 ёшгача бўлган болалар ўлими қР бўйича ҳар минг туғилганларга нисбатан 24,9 ни ташкил қилган ҳолда, у Чимбой шаҳрида 49,3, қораўзак шаҳарчасида 48,5, Тахтакўпир шаҳарчасида 51,4 ва Шуманай шаҳарчасида 45,4 кишига teng.

Экологик вазиятнинг нокулайлиги сабабли аҳолининг миграция ҳаракатлари ҳам бу ерда салбий натижаларга эга. Жумладан, биргина 1998 йилда қР нинг шаҳар жойларида миграция қолдиги, яъни келганлар билан кетганлар нисбати минус 3 минг, қишлоқ жойларда эса-1750 кишига баробар бўлган. 1997 йилда бу рақамлар, юкоридагиларга мос ҳолда-3168 ва 1729 кишини ташкил қилган.

Жами аҳолидан 738 минг киши 15 шаҳар ва 16 шаҳарчаларда ва 789 минг киши қишлоқ жойларда яшайди. Энг катта шаҳар-қР пойтакти Нукус бўлиб, унда 211 минг аҳоли истиқомат қиласди. Хўжайли, Беруний ва Тахиятош ўрта шаҳарлар қаторига киради; Чимбой, Тўрткўл, Манғит ва қўнғирот шаҳарларининг ҳар бирига 30-50 минг аҳоли тўғри келади. Колган шаҳарларда аҳоли сони бундан кам.

Нисбатан катта қишлоқлар асосан қадимдан суғорилган худудларда жойлашган. 2000 йил маълумотларига кўра, қР да меҳнатга лаёкатли ёшдаги аҳолининг сони 753 минг киши, иш билан банд бўлганлар эса 489 минг киши; расман ишсиз сифатида 8500 га яқин киши кайд қилинган. Жами банд бўлган аҳолининг 34,7 фоизи қишлоқ хўжалигига, 9,1 фоизи саноатга, 8,7 фоизи курилишга, 15,5 фоизи таълим, маданият ва санъат, фан ва фан хизматига тўғри келади. Бир йилда (2000 й.) қишлоқ хўжалигидан таҳминан 700 киши бўшаган, 14,5 минг кишилик янги иш ўринлари яратилган. Шу йили меҳнат биржаларига иш сўраб 34,7 минг киши мурожаат қилган, шундан 58 фоизи иш билан таъминланган.

**Хўжалиги.** Минтақа иқтисодиёти аграр-индустрисал йўналиши билан тавсифланади. Бошқа худудларда бўлганидек, бу ерда ҳам бозор ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Жумладан, жами саноат маҳсулотининг 92-94 фоизи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 98-99 фоизи нодавлат секторига тўғри келади.

Шунингдек, бозор инфраструктурасини шакллантириш, қулай инвестиция маконини яратиш, геоэкологик холатни соғломлаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

**Саноати.** қР саноати, ялпи ички маҳсулотнинг 1/3 қисмидан кўпроғини беради. Бу ернинг саноат мажмууда енгил, курилиш маҳсулотлари ва озиқ-овқат саноати нисбатан яхши ривожланган. Масалан, енгил саноат қР ялпи маҳсулотини 22,4, электр энергетика 16,9, озиқ-овқат 8,2 фоизини таъминлайди. Булардан ташқари, ун-крупа, омухта, ем саноати ҳам ривожланиб бормоқда.

қР Ўзбекистон Республикасининг 4,2 фоиз электр энергиясини, шунча қурилиш саноати, 4,6 озиқ-овқат, 3,6 фоиз саноат, 5,2 фоиз пахта тозалаш саноат маҳсулотини беради. Кейинги 10 йилда бу ерда ёқилғи, тўқимачилик, шиша ва фарфор идишлари саноати бошқаларга кўра тезроқ ривожланиб борган. Чунончи, мустакиллик йилларида қорақалпогистонда Нукус ун заводи (1992 й.), Катекс (1993 й.), Элтекс (1994 й.), Хўжайли шиша заводи (1995 й.), ўндан ортиқ кўшма корхоналар қурилди. Ҳозирги кунда бу ерда 92 асосий саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 20 минг кишига якин ишчи банд. Аммо саноат ривожланиш даражаси юқори эмас: саноат ишлаб чиқаришнинг индекси 0,34 (ЎзР-1,00). Ҳар минг аҳолига саноатда банд бўлганлар 13,3 киши.

2000 йил якунларига кўра, қорақалпогистонда 3353 млн. кВт/с электр энергияси, 1,7 млрд. м<sup>3</sup> табиий газ, 54 минг тонна пахта толаси, 8,6 млн. кв.м ип газлама, 10,8 минг тонна тозаланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган.

қР электр энергетикаси Тахиятош ИЭСига асосланган. Албатта, бу унча катта бўлмаган иссиқлиқ электр станцияси куйи Амударё минтака иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун етарли эмас. Шунингдек, қазиб олинаётган нефт ва газ конденсати, табиий газ микдори ҳам келажакда кўпайиши керак.

Сўнгги йилларда кимё саноати ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, қўнгирот шаҳрида маҳаллий туз ҳом ашёси асосида Ўзбекистонда ягона сода заводи хорижий мамлакатлар инвестициясини жалб қилинган ҳолда барпо этилмоқда.

Машинасозлик ва ўрмон саноати яхши ривожланмаган. Машинасозлик кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва йўл қурилиши машиналари ҳамда кемаларини таъмирлашга ихтисослашган. Айни вактда қурилиш саноати (оҳак, мармар, гишт ишлаб чиқариш) бирмунча юксалмоқда.

Енгил саноати таркибида тўқимачилик ва пахта тозалаш корхоналарининг ўрни катта. Нукус ва Элликқаъла тумани маркази Бўстон шаҳрида Туркянинг «Язек» фирмаси билан ҳамкорликда Катекс ва Элтекс корхоналари барпо этилган. Нукусда жун маҳсулотлари (китоб) ишлаб чиқарувчи комбинат мавжуд, пахта етишириувчи Беруний, Тўрткўл, Амударё, Элликқаъла, Хўжайли ва бошқа туман марказларида пахта тозалаш заводлари ишлаб турибди.

Озиқ-овқат саноатида асосан ўсимлик ёғи (Хўжайли, Нукус, қўнгирот, Чимбой, Беруний), консерва (Мўйноқ, Нукус) ишлаб чиқариши товар аҳамиятига эга. Дон маҳсулотлари ва емнинг қўпчилик қисмини «кораўзак-дон» акционерлик жамияти беради. Ун саноати корхоналари Беруний, Чимбой, Тўрткўлда жойлашган.

Ҳаммаси бўлиб қорақалпогистонда ўндан ортиқ фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналар бор. Аммо уларнинг экспорт салоҳияти анча паст. Кейинги йилларда «Техномарт» ўзбек-араб қК (фотохизмат), «Оснё-вест» Ўзбекистон- Германия қК (маданли сув ва алкоголсиз ичимликлар), «Персей» Ўзбек-Россия-Литва қК (қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини қайта ишлаш ва реализация қилиш), «Шарқ-текс» қорақалпок-Италия (пахта ва унинг чиқиндиларини қайта ишлаш), «Чимбой-Дери» Ўзбек-Турк (кўй ва эчкilar терисини қайта ишлаш, пойафзал ишлаб чиқариш) кўшма корхоналари қурилган. Шунингдек, декаратив тошлар (мармар), музкаймок ишлаб чиқарувчи «Айс-Жайхун» қорақалпок-Люксембург, ўсимлик ёғи берувчи «Турон» Ўзбек-Россия кўшма корхоналари ҳам мавжуд. «Карт» қК да пайпоқ ишлаб чиқарилади.

Саноатнинг худудий таркиби ўзига хос: тахминан ¼ қисм саноат маҳсулоти Нукус шаҳрига, деярли 20 фоизи Тахиятош шаҳрига тўғри келади. Булардан ташқари, Хўжайли, қўнгирот, Элликқаъла, Чимбой, Беруний ва Амударё туманларида ҳам саноат ишлаб чиқариши бирмунча ривожланган. Айни пайтда кораўзак, Тахтакўпир, Мўйноқ ва Бўзатов туманларида бу соҳа деярли йўқ даражада.

**қишлоқ хўжалиги.** қР Ўзбекистоннинг 5,4 фоиз пахта ҳом ашёсини, 3,6 фоиз пилла, 10,7 фоиз полиз экинларини, 4,9 фоиз гўшт, 3,6 фоиз сут, 8,9 фоиз қора кўл териси, 40,7 фоиз шолисини етказиб беради (2000 й.).

қорақалпогистон қишлоқ хўжалигига чорвачилик нисбатан устун туради. Унинг хиссасига жами аграр соҳа маҳсулотларининг 57,2 фоизи тўғри келади, колган 42,8 фоизини эса дехқончилик беради. Чорвачиликда энг унумдор соҳа қўйчилик-қорақўл кўйларини боқиши ва жун, тери маҳсулотларини етишириш ҳисобланади. 2000 йилда об-ҳаво шароитининг нокулайлиги ва айниқса сув ресурсларининг камайганлиги сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш 1999 йилга нисбатан бирмунча камайди. Умуман олганда эса, 90-йилларда қРнинг мамлакат аграр соҳасида тутган мавқеи шоли, пахта, гўшт, сув, тухум, жун етишириш бўйича пасайган, сабзавот, полиз, узум, коракўл, пилла етиширишда эса бироз кўтарилиган.


Экин майдони сўнгги йилларда, барча хўжалик турларида 340-390 минг гектарни ташкил қиласди (республикада 3775 минг га). Шундан тахминан 1/3 қисми дон (асосан шоли), 35 фоизга яқини пахта, 20 фоиздан кўпроғи ем-хашак, 7-9 фоизи полиз экинлари билан банд (14-чизмага қаранг). Бир йилда 150-170 минг тонна атрофида шоли, 130-190 тонна пахта хом ашёси олинади ҳосилдорлик шоличиликда 20 ц/га етади, пахтада бу кўрсаткич анча паст. Пахта ва шоли кўпроқ сув билан яхши таъминланган ҳудудларда, бевосита Амударёга яқин жойларда экилади.

қР да яйлов чорвачилиги ривожланган, ем-хашакдан асосан беда етиширилади. Умуман беда етишириш бу ерда катта аҳамиятга эга. Йирик шоҳли моллар сони 397 минг бош атрофида, қўй ва эчкилар 443 минг бош, отлар 17 мингта яқин, товуклар эса 650 мингдан зиёд (2001 йил).

кишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича Элликқалъя, Беруний, Тўрткўл ва Амударё туманлари ажralиб туради. Уларнинг ҳар бири қоракалпоғистон аграр соҳа маҳсулотининг 10 фоизидан кўпроғини беради. Айни вактда Мўйноқ ва Бўзатов туманларида макроиқтисодиётнинг бу тармоғи жуда суст ривожланган.

қРда ижтимоий соҳалар ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу муаммо Орол бўйи минтақасидаги экологик ахволни яхшилаш минтақавий дастури доирасида ҳал этилиб борилмоқда. 2000 йил якунларига биноан, ахоли жон бошига 15,7 минг сўмлик халқ истеъмол моллари, 34 минг сўмлик чакана савдо обороти, 5150 сўм атрофида пуллик хизмат бажарилган. Ҳар 10 минг аҳолининг соғлиқни сақлаш тизими билан таъминланганлик даражаси беморлар койкалари бўйича 4,8, амбулатор-поликлиника муассасалари бўйича 154 бирликни ташкил этади.

#### **14-чизма. +ора=алпо\ истон Республикаси экин майдонининг таркиби (2000 йил)**



кишлоқ инфраструктураси ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, марказлаштирилган ҳолда тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси ўртacha 62,3 фоизга, табиий газ билан-87,3 фоизга тенг. Шу билан бирга мазкур соҳаларнинг ахволи Амударё, Беруний ва Шуманай туманларида (сув бўйича) ҳамда Бўзатов ва Беруний туманларида (табиий газ) кониқарли даражада эмас.

**Транспорт ва ташки иқтисодий алоқалар.** 2000 йилда барча транспорт воситалари билан 52,9 млн. тонна халқ хўжалиги юклари жўнатилган (юк обороти 1346 млн. тонна/км), шундан автомобил транспорти 49,4 млн. тонна (443,4 млн. тонна/км), темир йўл, юқоридагиларга мос равишда 3,5 млн. тонна ва 902 млн. тонна/км. 1999 йилда эса 62,0 млн. тонна юк ташилган, юк обороти ўртacha 1290 млн. тонна/км бўлган.

коракалпоғистон ҳудудидан Ўзбекистонни Россия билан боғловчи Тахиятош-Бейнау темир йўли ўтади. Шу билан бирга кейинги йилларда Нукус-Чимбой темир йўли ҳам қурилиб ишга туширилган ва кўнгирот-Нукус-Чимбой йўналиши бўйича ўйловчилар ташилмоқда. Айни вактда Учқудук-Мискин-Нукус темир йўли қурилди, Нукус-Бейнау автомобил йўли ҳам қуриб битирилмоқда. Улар тўла ишга тушгач қоракалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғланиш имкониятига эга бўлади.

Ташки савдо обороти 110 млн. АҚШ долларига тенг, шу жумладан, экспорт 52,6 ва импорт 56,5 млн. доллар. Экспортнинг 80-85 фоизи пахта толасига тўғри келади, импортда эса машина ва асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулоти асосий ўринни эгаллайди. Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга пахта

толасининг экспортдаги улуши камайиб бормоқда. Масалан, у 1998 йилда жами экспорт қийматининг 92,6 фоизини, 1999 йилда 86,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 82,3 фоизга тенг бўлди. Иқтисодий алоқалар Ҳамдўстлик мамлакатлари ва қисман «узоқ» хориж давлатлари билан олиб борилади (Швейцария, Буюк Британия, Бельгия, Россия, қозогистон билан).

**Ички тафовутлари.** қорақалпогистон худуди тўртта асосий иқтисодий районларга бўлинади: гарбий, шарқий, марказий ва жанубий. Бундан ташқари, Мўйноқ ва Бўзатов туманлари доирасида шимолий район ҳам ажратилиши мумкин.

Белгиланган худудий таркиблар орасида гарбий, шимолий ва шарқий районларнинг иқтисодий ва демографик салоҳияти анча паст, марказий ва жанубий минтақалар эса бирмунча ривожланган.

1. /арбий район таркибига кўнғирот, Шуманай ва қонликўл туманлари киради; район қорақалпогистон худудининг 45,5 ва аҳолисининг 12,5 фоизини ташкил қилади. /арбий район ҳиссасига қорақалпогистоннинг 16 фоиз саноат ва деярли шунча қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тўғри келади. Ушбу районнинг «норасмий» маркази кўнғирот шахри (35,2 минг киши). Бу ерда асосан яйлов чорвачилиги бирмунча ривожланган. Шу билан бирга ёқилғи ва кимё саноати ҳам юксалиб бормоқда.

2. **Шимолий район** Мўйноқ ва Бўзатов туманларидан ташкил топган бўлиб, унга қРнинг 23,4 фоиз майдони ва аҳолисининг атиги 3,2 фоизи тўғри келади. Район иқтисодий жиҳатдан жуда суст ривожланган. У қорақалпогистон саноат маҳсулотининг атиги 1,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 2,5 фоизини беради. Энг йирик шахри Мўйноқ (13,6 минг киши).

3. **Марказий район** Нукус шахри ҳокимияти, Нукус ва Хўжайли туманларини бирлаштиради. Худуди қРнинг 2,0 фоиз, аҳолиси 32,5 фоиз, саноат маҳсулоти 55, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 13,15 фоизга тенг. Бу қР да энг ривожланган. Маркази–Нукус шахри. Минтақа асосини Нукус–Хўжайли саноат тугуни ва шу номдаги шаҳар агломерацияси ташкил қилади. Мазкур районда озиқ-овқат, тўқимачилик, электр-энергетика саноати, шоличилик яхши ривожланган.

4. **Шарқий район** қораўзак, Чимбой, Кегейли ва Тахтакўпир туманларидан иборат. Унинг қР да тутган ўрни: майдони 17,6 фоиз, аҳолиси 15,6 фоиз, саноати 10-12 фоиз, қишлоқ хўжалиги бўйича 20-22 фоиз. Асосий шахри Чимбояда 33,1 минг аҳоли яшайди. Районда яйлов чорвачилиги, шоли етиштириш катта аҳамиятга эга.

5. **Жанубий район** таркибига Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Элликқальъ туманлари киради. Район қР худудининг 7,1 фоизини, аҳолисининг эса 36,2 фоизини ташкил қилади. Бу ерда агрондустриал мажмуаси, шу жумладан пахта ва шоли етиштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланган. Район қорақалпогистонда саноат маҳсулотининг таҳминан 20-22 фоиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг 45-48 фоизини таъминлайди. Асосий шаҳарлари Беруний (53 минг) ва Тўрткўл (49 минг киши).

қР ички иқтисодий районларининг муаммолари ва истиқбол йўналишлари ҳам ҳар хил. Масалан, Марказий район ўзининг мавқеини сақлаган ҳолда яқин келажакда Жанубнинг ривожланиши янада жадаллашади. Бунга Учқудук-Султонувайс-Мискин-Нукус темир йўлиниң очилиши ҳам сабаб бўлади. Кейинги навбат /арбий районга келса керак, бу Устюрт қазилма бойликларидан фойдаланиш билан боғлик.

Шарқий район истиқболи узоқроқ келажакда Тахтакўпирдан шарққа-қозогистоннинг туташ худудига темир йўл курилиши, Чимбой туз конларини ишга туширилиши билан бошланса ажаб эмас. Шимол эса анча вакт муаммоли район бўлиб қолади ва унинг ривожланиши кўп жиҳатдан Орол тақдиридан келиб чикади. Худудларнинг бундай тарққиёт хусусиятлари қР нинг минтақавий сиёсатида ўз аксини топади.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Вилоят 1938 йилда Ўзбекистон таркибида ташкил топган. Ҳозирги кунда у 10 қишлоқ туманларидан иборат: Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, кўшкўпир ва Ҳазорасп.

Хоразм вилоятининг майдони 6,05 минг км<sup>2</sup> ва бу жиҳатдан у республикада Андижон ва Сирдарё вилоятларидан каттароқ, холос. Вилоят аҳолиси, 1.01.2002 йил маълумотларига кўра, 1370 минг киши. Маъмурий маркази–Урганч шахри.

Хоразм вилояти худуди жиҳатидан унча катта бўлмасада, унинг иқтисодий салоҳияти анча юкори. Жумладан, бу ерда яратилган ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотининг ҳажми қР га караганди 1,6 марта зиёд, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати эса 2,4 марта ортиқ.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** Вилоят Амударёнинг қуи қисмида, Ўзбекистон Республикасининг шимоли-гарбига жойлашган, қР ва қисман жанубда Бухоро вилояти билан, гарбда ва жануби-гарбда Туркманистан давлати билан чегарадош.

Вилоят худудининг асосий қисми Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган. Амударё бой тарих ва маданиятга эга бўлган Хоразм тақдирида катта рол ўйнаган; Нил дарёси кадимги Миср учун қанчалик аҳамиятли бўлган бўлса, Амударё (Окс) ҳам Хоразм ўлкаси учун шунчалик муҳим бўлган. Бинобарин, бу

дарё Хоразм вилояти ва қўшни худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий тарихий географик омили ҳисобланади.

Хоразм худудини Чоржўй-Тошховуз-Бейнау темир йўли кесиб ўтади. Бу унинг ривожланишига, Туркманистон, қозогистон, РФ ва бошқа давлатлар билан алоқа қилишида анча қулайликлар туғдиради. Бироқ, вилоятнинг Орол денгизига яқинлиги, ушбу минтақада вужудга келган экологик вазият унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Вилоят ер усти тузилиши мураккаб эмас, унинг худуди Турон пасттекислигига киради. Ер сатхининг нисбатан баландлиги дарёдан узоклашган сари жанубга томон бироз кўтарилиб боради. Бундай геоморфологик ҳолат ва у билан боғлиқ ер ости сувларининг жойланиши аҳоли манзилгоҳлари ва хўжалик тармоқларини худудий ташкил қилишга ўз таъсирини кўрсатади.

Хоразм худудининг тузилиши айни вақтда унинг қазилма ресурсларига бой эмаслигидан ҳам дарак беради. Дарҳакиат, бу ерда кўзга кўринарли қазилма бойликлар топилмаган (эҳтимол, унинг жанубий ва ўнг қирғоқ қисмида келажақда ёқилғи ресурслари, жумладан табиий газ конлари аниқланиши мумкин). Вилоятда минерал ҳом ашё ва ёқилғи ресурсларининг ўта танқислиги оғир саноат тармоқлари ни ривожлантиришга тўқсинглик килади.

Иқлими континентал, намгарчилик кам. Шу сабабли қадимдан бу худудда дехқончиликнинг ривожланиши асосан сув, суфориш иншоотлари билан боғлиқ бўлган. Хатто ҳозирги кунда ҳам иқлимнинг куруқ келиши, Амударёда сувнинг камайиши бу ерда нафақат сувформа дехқончиликдан ташкари электр энергиясини ишлаб чиқаришга, дарё транспорти фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, Хоразм вилоятининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши кўп жиҳатдан агроиклиний ресурсларга, сув захиралари, Орол бўйи экологик муаммоларини ҳал қилишга ҳамда қўшни худудлар билан иқтисодий интеграция қилишига боғлиқ.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** Хоразм вилоятининг энг катта бойлиги унинг халқидир. Вилоят аҳолиси 1989-2002 йillardа 135,5 фоизга ёки ҳар йили 1,55 фоиздан кўпайиб борган. Аммо бу ракам мамлакат ўртacha кўрсаткичлардан пастрок (1,95 фоиз).

Аҳоли жойлашувида, қўшни қорақалпогистонга ўхшаш, катта худудий туfovутлар йўқ. Ўртacha зичлик  $1 \text{ km}^2$  ga 228 кишини ташкил этган ҳолда у 180 кишидан (Янгибозор тумани), 350 кишигача (Хива тумани) фарқ килади. Шунингдек, Урганч, Ҳазорасп туманларида ҳам аҳоли анча зич жойлашган.

Вилоядта урбанизация даражаси паст-24 фоизга яқин аҳоли мавжуд З шаҳар (Урганч, Хива ва Питнак) ҳамда 7 шаҳарчада (Гурлан, қошкўпир, Чалиш, Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгибозор) яшайди. Урбанизация кўрсаткичи Республикаизда факат Сурхондарё вилоятидан юкорироқ, ҳолос, шаҳарлар сони бўйича эса у энг охирги ўринда. Вилоятнинг маъмурий маркази Урганчда 140 минг, «иккинчи» шаҳар Хивада 50 минг киши истиқомат қилади.

Аҳоли сонининг ўсишида унинг табиий ҳаракатини роли катта. Тугилиш ҳар минг киши ҳисоби-га 2001 йилда вилоят бўйича 22,5, ўлим 4,9 кишига, табиий ўсиш эса 17,6 промиллека тенг бўлган. Тугилиш коэффициенти Ҳазорасп, Гурлан ва Богоғ туманларида юкорироқ (26-27 промилле), ўлим кўрсаткичлари эса Урганч шаҳрида бироз катта (6,5-7,0 промилле). Болалар ўлими вилоят бўйича ҳар 1000 тугилган чакалоққа 24,7 га тенг бўлиб, у Урганч шаҳри ва Гурлан шаҳарчасида бирмунча юкорироқ.

Вилоядта аҳоли миграцияси Республика бошқа худудларига қараганда анча суст ривожланган. Масалан, 1997 йилда вилоят шаҳар жойларига атиги 1980 киши келган ва бу ердан 360 киши кетган (миграция қолдиги минус 1621); 1998 йилда бу кўрсаткичлар юқоридагиларга мос ҳолда 1890; 3680 ва минус 1790 кишини ташкил қилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда факат Хоразм вилояти қишлоқ жойларида аҳолининг миграция алоқалари ижобий, ҳолос. Чунончи 1997 йилда вилоят қишлоқларига ҳаммаси бўлиб 2968 киши келган (1998 йилда 3997), кетганлар 3301 (3372) ва миграция қолдиги 786 (625) кишига тенг бўлган.

Хоразм вилояти демографиясининг яна бир хусусияти шундаки, унинг аҳолиси асосан бир миллатли ҳисобланади. Масалан, 1989 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, вилоят аҳолиси-нинг 94,6 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Албатта, юқорида келтирилган аҳолининг ўсиши, жойланиши, табиий ва миграция ҳаракти, миллий таркиби, вилоят ижтимоий-иктисодий ривожланишида эътиборга олиниши керак.

Жами аҳолидан 650 минг киши меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ҳисобланади; иш билан банд бўлганлар сони 450-460 минг киши, расман ишсиз сифатида меҳнат биржасида қайд этилганлар 2500-2540 киши атрофида.

2000 йил маълумотларига биноан, жами банд аҳолининг 8,8 фоизи саноатга, 40,6 фоизи қишлоқ хўжалигига ва 8,4 фоизи қурилишга тўғри келади. Шунингдек, таълим, маданият, фан соҳаларида ҳам меҳнат ресурсларининг каттагина қисми ишлайди (13,5 фоиз). Республика ўртacha кўрсаткичларига қиёсласак, бу ерда қишлоқ хўжалигига аҳоли бандлигининг юкорироқ ва саноатда эса пастлигининг гувоҳи бўламиз (ЎзР да бу кўрсаткичлар 36,2 ва 12,6 фоизга баробар).

2000 йилда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида 7,2 минг киши ортиқча ишчи кучи сифатида бўшаган ва шу йили қишлоқ жойларида 14,1 минг янги иш ўринлари яратилган. Бу асосан саноат ва ижтимоий соҳалар, кичик тадбиркорлик ҳисобидан амалга оширилган.

**Иктисолиёти.** Хоразм вилояти иктисолиёти аграр-индустрисал йўналишга эга. Вилоят Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 4,5 фоизини, саноат маҳсулотини 2,7 ва қишлоқ хўжалигини 6,3 фоизни беради (2000 й.). Республика худудий меҳнат тақсимотида Хоразм вилояти енгил ва озиқ-овқат саноатига, қишлоқ хўжалигида эса пахта ва шоли етиштириб беришга ихтисослашган.

Вилоятда бозор ислоҳотлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Саноатнинг 90,5 фоиз ва қишлоқ хўжалигининг деярли юз фоиз маҳсулоти нодавлат секторида яратилади. Айни вақтда қишлоқ жойлари ижтимоий инфраструктураси ривожланиб бормоқда.

Хўжаликнинг турли тармоқларида 20 дан ортиқ қўшни корхоналар қурилган. Барча қўшма корхоналарда 2000 йилда 1240 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқилган, уларнинг вилоят экспортидаги улуши 13,5 фоизни ташкил этади. Ҳаммаси бўлиб қўшма корхоналарда 1000 кишига яқин ишчи хизмат қиласди.

**Саноати.** Хоразм вилояти Республика курилиш саноати маҳсулотининг 3,5, енгил саноатнинг 6,2, шу жумладан пахта толасининг 7,2, озиқ-овқат саноати маҳсулотининг 6,8 фоизини беради.

Мустақиллик йилларида бу ерда саноат ишлаб чиқарилиши деярли 3 баробарга ўсади. Бу борада у Андижон ва Бухоро вилоятлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси миллий иктисолиётида ажralиб туради. 2000 йилда бу ерда саноат маҳсулотларининг ҳажми 4,5 фоизга ўсади.

Саноат тизимида 10 га яқин қўшма корхоналар қурилди. Улар жумласига пойафзал ишлаб чиқарувчи «Доритал ЛТД», консерва ишлаб чиқарувчи «Мева», шунингдек «Кока-Кола», «Ўзхимвент», «АлоқадЭУ» ва бошқалар киради.

Шу билан бирга, хорижий давлатлар фирмалари иштирокида бошқа саноат корхоналари ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Хитой технологияси ёрдамида Урганчда «Хоразм ипаги» тўқимачилик корхонаси, Буюк Британия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Боготдаги тиббий пахта (момик) ишлаб чиқарувчи фабрика, Россиянинг Комишин фабрикаси билан ҳамкорликда Хонқада ип газлама ишлаб чиқарувчи корхона, Туркиянинг «Язек» фирмаси билан «Гурлантекстил», худди шундай корхона Урганчда ҳам қурилган. Булардан ташқари, Хива гилам комбинатига Германиядан асбоб-ускуналар келтирилган, Боготда шиша заводи, Ҳазораспда Республикамизда биринчи қанд заводи «Хоразмшакар» ишга туширилди. Буларнинг барчаси ўзига хос «Хоразм тезлигини» таъминлайди.

Хоразм вилояти саноатининг тармоқлар таркибида енгил саноат устунлик қиласди (2000 йилда у жами саноат маҳсулотининг 32,8 фоизини берган). Шунингдек, бу ерда ун- крупа, омухта ем (23,8 фоиз), ҳамда озиқ-овқат саноати яхши ривожланган—22,6 фоиз. Кейинги ўринларни машинасозлик ва метални қайта ишлаш, курилиш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш эгаллайди.

**34-жадвал**

#### **Хоразм вилояти саноатининг тармоқлар таркиби (2000 й., фоиз).**

1	Машинасозлик ва метални қайта ишлаш	7,8
2	курилиш маҳсулотлари саноати	5,8
3	Ёнгил саноат	32,8
4	Озиқ-овқат саноати	22,6
5	Ун-крупа ва омухта ем саноати	23,8
6	Бошқа тармоқлар	7,2
	Жами саноат	100,0

*Жадвал ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

2000 йил якунларига кўра, вилоятда 74 асосий саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида 34 минг киши хизмат қиласди. Ана шу йили 110 млн. кВт/с электрэнергияси, 73,2 минг тонна пахта толаси, 900 минг м<sup>2</sup> гилам ва гилам маҳсулотлари, 17,9 млн. тонна тозаланган ўсимлик ёғи, 110 минг тонна ун, 1250 млн.м.кв. ип газлама ишлаб чиқарилган.

Кўриниб турибдики, Хоразм вилоятida асосан енгил ва озиқ-овқат саноати етакчилик қиласди. Айни вақтда оғир саноат, хусусан металлургия, кимё ва нефт кимёси, электр энергетика ривожланмаган. Бу ерда унча катта кувватга эга бўлмаган Туямўйин ГЭСи бор, холос. Унинг фаолияти ҳам Амударё сув режимига боғлиқ.

Енгил саноат, жумладан тўқимачилик саноати Урганч, Гурлан ва Хонқада, гилам ишлаб

чиқариш Хивада ташкил этилган (Хоразм Республикада ишлаб чиқариладиган гилам маҳсулотларининг деярли 60 фоизини беради). Вилоят барча туманларининг марказларида пахта тозалаш заводлари мавжуд. Улар жами саноат маҳсулотининг 1/5 қисмини таъминлайди.

Озиқ-овқат саноати Хонқада (ун, дон маҳсулотлари ва омухта ем), ўсимлик ёғи («Урганчёг» акционерлик жамияти) ва консерва ишлаб чиқариш Урганчда, шакар заводи Ҳазораспда жойлашган. Машинасозлик корхоналари асосан экскаватор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш (Урганчда), консерва саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқариш Бофотда мавжуд.

**қишлоқ хўжалиги.** Хоразм вилояти 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 8,7 фоизини, шу жумладан дехқончиликнинг 9,2 фоиз ва чорвачилик маҳсулотининг 8,0 фоизини беради. 2000 йилда об-ҳаво шароитларининг, хусусан, дехқончилик учун нокулай келганлиги сабабли унинг улуши чорвачиликдан камроқ бўлди. Чорвачилик маҳсулоти 2000 йилда 1,5 марта ўси, ваҳоланки дехқончилиқда бу йилда камайиш юз берди. 1999 йилда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари киймат ҳисобида 108,9 фоизга ўсган эди.

Вилоят 1999 йилда мамлакатимизнинг 34,8 фоиз шолисини, 8 фоиз пахта, 8,4 фоиз полиз, 10,9 фоиз мева ва деярли шунча сут ҳамда гўштини, 10,5 фоиз пилласини, 6,2 фоиз сабзавотини етиштирган.


2000 йил маълумотлари бўйича, Хоразм вилояти барча экин майдонлари 225 минг гектар атрофига бўлган. Шунинг 1/5 қисмидан зиёдори ғалла, асосан шоли билан банд (15-чизмага қаранг). Бир йилда тахминан 200 минг тонна дон етиштирилади, ўртacha хосилдорлик 28,4 ц/га. Шу йили об-ҳаво шароитининг нокулай келганлиги туфайли шоли, пахта, қанд лавлагиси ва бошқа дехқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳам бироз камайган: шоли 40 минг тонна атрофига (1999 й. -70 минг тонна), пахта 200 минг тоннага яқин (1999 й. -290 минг т.) олинган. Бироқ, шунга қарамасдан, Хоразм дехқончилиги иқтисодий жиҳатдан анча юқори кўрсатгичларга хос.

Чорвачиликда XXI асрнинг дастлабки йили ҳам бирмунча унумдор бўлган. Пилла етиштириш 1474 тоннани ташкил этган. Йирик шоҳли моллар сони 447 минг бош, шундан қорамоллар 188 минг, кўй ва эчкилар 218 минг бошга яқин.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳалар ҳам ривожланиб бормоқда. Биргина 2000 йилда ҳалқ искеъмол молларини ишлаб чиқариш 108,8 фоизга ортди. Аҳоли жон бошига бу ерда 29 минг ҳалқ искеъмоли моллари, 48 минг сўмлик чакана товар обороти, 8,7 минг сўмлик пуллик хизмат ҳажми бажарилган

Ҳар 10 минг кишига 50,5 бемор каравотлари ва 145 киши амбулатория-поликлиника муассасаларида хизмат қиласи. Аҳолини табиий газ билан таъминланиш даражаси ҳам яхши-91,4 фоиз. Бироқ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Бу хусусда ўртacha кўрсаткич 64 фоизни ташкил қилган ҳолда у қўшкўпир, Хонқа ва Шовот туманларида 35-45 фоизга тенг,

### **15-чизма. Хоразм вилояти экин майдонининг таркибий тузилиши (2000 йил)**



холос.

**Транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар.** 2000 йилда жаъми ташилган юклар ҳажми 33,2 млн. тоннани ташкил қилган, унинг деярли 98 фоизи автомобил транспортига тўғри келади. Юк обороти 924 млн. т/км., шу жумладан автомобил транспортида 478 млн. т/км. Шу билан бир қаторда йўловчи транспортига ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Урганч-Хива йўналиши бўйича шаҳарлараро троллейбус катнови жорий этилган.

Ташки савдо обороти 2000 йилда 93,8 млн. АқШ долларини ташкил қилган. Шундан экспорт 69,0 ва импорт 24,8 млн. доллар. 1999 йилда бу кўрсаткичлар, юқоридагиларга мос ҳолда, 130,0; 93,0 ва 37,0 млн. АқШ долларига тенг бўлган.

Экспортнинг асосий қисми (81,5 фоизи) пахта толасига тўғри келади, импортда эса озиқ-овқат маҳсулотларини келтириш устунлик қиласди. Баъзан, кўшма корхонларни қуриш йилларида машина ва асбоб-ускуналарни импорт қилиш олдинги ўринда бўллади.

Хоразм вилоятининг ташки иқтисодий алоқалари яқин ва «узок» хориж мамлакатлари билан амалга оширилди. Шунингдек, вилоят иқтисодиётидаги халқаро туризмнинг ҳам аҳамияти ошиб бормоқда. Биргина 2000 йилда 24,6 минг сайёҳларга хизмат кўрсатилган (унинг асосий қисми «узок» хориж мамлакатларидан). Жами «Ўзбектуризм» миллий компаниясида кўрсатилган туризм хизмати ҳам катта даромад келтиради.

**Ички тафовутлари.** Хоразм вилояти худудининг унча катта эмаслиги, аҳоли ва хўжалик тармоқларининг нисбатан текис жойлашганлиги сабабли унинг ички фарқлари жуда сезиларли дараражада эмас (35-жадвалга каранг). Бу борада фақат Амударёнинг ўнг кирғоғида жойлашган вилоятнинг кичик бир қисми иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланмаган, холос.

Жадвал маълумотларида кўрсатилишича, Урганч вилоят саноат маҳсулотининг деярли 1/4 қисмини беради. Бу унинг аҳоли нисбий кўрсаткичидан 2,5 марта ортиқ. Шу билан бирга саноат ишлаб чиқаришида Хонқа, Ҳазорасп ва Хива туманларининг аҳамияти ҳам катта. Айни вақтда Янгиарик ва Янгибозор қишлоқ туманларида саноат суст ривожланган.

қишлоқ хўжалигида Гурлан ва Хонқа туманлари ажralиб туради. Уларнинг иккисига вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 25 фоизи тўғри келади. Жадвалда туманларнинг савдо обороти ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича ҳам маълумотлар келтирилган.

### 35-жадвал

#### **Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг туманлар бўйича тақсимланиши (2000 й., жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**

№	Туман ва шаҳарлар	Аҳоли	Саноат	қишлоқ хўжалиги	Савдо обороти	Пуллик хизмат
1	Урганч ш.	10,5	24,7	-	36,0	26,8
2	Питнак ш.	3,0	5,7	6,1	2,0	2,7
3	Хива ш. ва туманлари	12,2	9,1	7,4	13,5	10,3
4	Богот т.	8,3	7,8	9,9	4,7	6,1
5	Гурлан т.	8,0	4,8	13,7	5,0	7,3
6	Урганч т.	9,8	4,3	8,9	4,8	9,0
7	Хонқа т.	9,6	17,9	11,3	9,6	9,9
8	Ҳазорасп т.	10,3	11,7	7,9	8,3	6,7
9	Шовот т.	8,9	6,3	9,5	6,3	7,2
10	қўшқўпир т.	8,9	3,5	9,2	3,7	6,5
11	Янгиарик т.	5,9	2,2	7,6	3,2	3,8
12	Янгибозор т.	4,6	2,0	8,5	2,9	3,7

Жадвал ЎзР макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати доирасида Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга мувофиқ келажакда вилоят ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилаш, меҳнат ресурсларидан тўларок фойдаланиш, халқаро туризм ва саноатнинг оғир тармоқларига ҳам устувор аҳамият бериш назарда тутилган.

\* \* \*

куйи Амударё иқтисодий райони Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сиёсатидаги ўзига хос ўрни келажакда ҳам сақланиб қолади. Зеро у «муаммоли минтақалар» дан ҳисобланади ва бу ердаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун албаттга марказнинг ҳар жиҳатдан, шу жумладан молиявий кўллаб-куватланиши талаб этилади. Шу нуктаи назардан ҳозирги ажратилаётган инвестиция ҳажми етарли эмас (у 2000 йилда корақалпогистон Республикасида Ўзбекистонга нисбатан 5,1 ва Хоразм вилоятida 3,4 фоизни ташкил этади). Бинобарин, минтақа иқтисодиётини баркарор ривожлантириш

мақсадида бу ерга белгиланған капитал маблағлар, хорижий давлатлар инвестициясининг ҳажми янада ошиб бориши керак.

Келажакда Хоразм вилояти ва қорақалпогистон Республикаси орасида иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш ва шу асосда ягона иқтисодий маконни шакллантириш зарур. Бунинг учун ҳар икки томонда ҳам имтиёзлар ва ҳамкорликда ривожланиш эхтиёжлари мавжуд. Чунончы, қорақалпогистоннинг қазилма ресурслари ва ер бойликлари, Хоразмнинг эса меҳнат ресурслари ва туризм имкониятлари бир-бирларининг иқтисодий ривожланишини түлдириши мумкин.

Уларнинг ҳар иккиси учун умумий муаммо Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни соғломлаштириш, худуднинг бошқа районлар билан транспорт алоқаларини яхшилаш, инфраструктура тизимини ривожлантириш ва қулай инвестиция маконини яратиш зарур. Бундан ташкари, иқтисодий районда ёқилғи-энергетика ва курилиш базасини мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда, бу ерда, минтақанинг иқтисодий-географик ўрнидан келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантириш, туташ худудлар-Туркманистон ва қозогистон ҳамда бошқа хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кучайтириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Савол ва топшириқлар**

- 1. Нима сабабдан қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти бир иқтисодий район таркибиға киритилади?**
- 2. Ҳар иккала ҳудуднинг табиий шароити ва бойликлари, демографик вазиятига иқтисодий жиҳатдан баҳо беринг.**
- 3. қорақалпогистон Республикаси мамлакатимизда қандай соҳаларга ихтисослашган ва унинг истиқболдаги ривожланиши омиллари қайслар?**
- 4. қорақалпогистон иқтисодиётининг ҳудудий таркиби қандай?**
- 5. Нима учун Хоразм вилоятида оғир саноат яхши ривожланмаган?**
- 6. қўйи Амударё иқтисодий районининг асосий муаммолари ва истиқболда ривожланишининг устувор йўналишиларини таърифлаб беринг.**

## **VII БОБ. ЖАНУБИЙ МИНТАҚА**

Иқтисодий район (минтақа) таркиби Сурхондарё ва қашқадарё вилоятлари киради. Унинг умумий майдони 48,7 минг км<sup>2</sup> бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 10,9 фоизини ташкил қиласди.

Жанубий минтақада 4058 минг ёки мамлакатнинг 16,2 фоиз аҳолиси яшайди. Юқоридаги ҳудуд ва демографик салоҳиятнинг нисбий кўрсаткичларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу ерда аҳоли зичлиги республиканинг ўртacha даражасидан 1,8 баробар катта.

Иқтисодий район ҳозирги таркибда 60-70-йилларда ҳам ажратилган эди. Ҳатто қисқа мuddат давомида бу икки қўшни ҳудуд маъмурий жиҳатдан бита-Сурхондарё вилояти номи билан ҳам юритилган. Кейинги йилларга келиб, хусусан қарши даштини ўзлаштириш, бу ерда ҳудудий агросаноат ва ёқилғи-энергетика мажмуасини шакллантириш муносабати билан қашқадарё баъзан алоҳида, баъзан эса Самарқанд-қарши иқтисодий райони деб аталган.

Дарҳақиқат, собиқ Иттифок даврида Сурхондарё вилояти иқтисодий географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг қолган қисмидан бироз ажralиб турувчи ҳудуд эди. Унинг Республикасининг бошқа вилоятлари билан иқтисодий алоқалари (темир йўл орқали) қисман Туркманистон ҳудуди оширилиб келинмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгач мамлакатнинг ягона транспорт тизимини шакллантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ана шу мақсадда ҳозирги кунда /узор-Бойсун-кумқўргон темир йўли куриляпти. Бу йўл нафакат Сурхондарёнинг иқтисодий алоқаларини яхшилади, балки, шу билан бирга у мазкур вилоятни қўшни қашқадарё вилояти билан иқтисодий географик жиҳатдан яқинлаштиради; Ҳисор тизмаси ва унинг давоми бўлмиш унча баланд ҳисобланмайдиган Бойсун ва бошқа тоғлар авваллари бу икки ҳудудни табиий географик нуқтаи назардан ажратиб турган бўлса, энди уларни иқтисодий географик ҳолатини яхлитлади. Натижада, Сурхондарё вилоятини алоҳида иқтисодий район сифатида ажратишга асос қолмайди ва уни қашқадарё билан биргаликда анча салмоқли ҳудудий, иқтисодий ва демографик салоҳиятга эга бўлган макон-Жанубий иқтисодий район даражасида қараш имконини беради.

Ҳозирги кунда мазкур район Республикасизда нефт-газ, енгил саноат, асосан, пахта тозалаш саноати, пахта, пилла етишириш, боғдорчилик каби иқтисодиёт тармоклари билан ажralиб туради. У мамлакатнинг 11,5 фоиз ялпи ички маҳсулоти, шу жумладан, 10,6 фоиз саноат ва 15,7 фоиз қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради. Ана шу рақамлардан келиб чикқан ҳолда ушбу район иқтисодийётини кўпроқ аграр-индустрисал йўналиши деб таърифлаш мумкин.

Аммо, таъкидлаш жоизки, Жанубий район катта табиий бойликка (агроиклиний ресурслар, ер майдони, ёқилғи- энергетика, тог-кон кимёси, рангдор металлар ва б.) эга бўлсада, унинг иқтисодиётини хозирча юкори даражада ривожланмаган. Эҳтимол, бунга қисман унинг иқтисодий ва сиёсий географик ўрни сабаб бўлиши мумкин. Унинг устига, 36-жадвалда келтирилган кўпгина макроиктисодий кўрсаткичлар районнинг аҳоли салоҳиятидан анча паст. Айниқса, бу ерда ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, савдо ва ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга кўйиш, икки вилоят орасидаги иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантириш муҳим минтақавий муаммолар сирасига киради. Агар районнинг аҳолини табиий кўпайиши бўйича бошқа вилоятлардан сезиларли даражада ажralиб туришини эътиборга олсак, бу ҳолда унинг ижтимоий ривожланиш вазиятини янада яхшилаш ўз-ўзидан аён бўлиб қолади.

### **36-жадвал**

#### **Жанубий иқтисодий районнинг ҳудудий таркиби ва баъзи бир иқтисодий қўрсаткичлари (2000 йил, фоиз хисобида)**

	Сурхондарё вилояти		кашқадарё вилояти		Жанубий район Ўзбекистон Республика-сида
	Иқтисодий районда	Республикада	Иқтисодий районда	Республикада	
Майдони	41,3	4,5	58,7	6,4	10,9
Аҳолиси	44,5	7,1	55,5	10,9	18,0
Ялпи ички маҳсулоти	44,2	5,1	55,8	6,4	11,5
Саноат маҳсулоти	21,8	2,3	78,2	8,3	10,6
Ҳалқ истеъмол моллари	36,1	3,1	63,9	5,5	8,6
қишлоқ хўжалиги	53,9	8,5	46,1	7,2	15,7
Инвестиция	16,6	3,4	83,4	16,9	20,3
Савдо обороти	41,6	4,2	58,4	5,9	10,1
Ташқи иқтисодий алоқалар обороти	23,1	1,7	76,9	5,6	7,3
Экспорт	44,0	2,8	56,0	3,6	6,4
Импорт	5,3	0,4	84,7	7,9	8,3

*Жадвал ЎзР Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

Жадвалдан кўриниб турибдики, кашқадарё вилояти ҳудуди, аҳолиси ва барча иқтисодий қўрсаткичлари бўйича Сурхон воҳасидан каттароқ.

Хусусан, унинг саноат, ташқи иқтисодий алоқалар кўлами, инвестиция каби қўрсаткичлари анча юкори. Айни вақтда Сурхондарё вилояти ўзининг агроиктисодиёти билан қашқадарёдан устунроқ туради (жадвалга қаранг).

### **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган вилоят бўлиб, у шарқда Тожикистан Республикаси, гарб ва шимоли-гарбда Туркманистон давлати ва қашқадарё вилояти билан, жанубда эса Амударё орқали Афғонистон билан чегарадош<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ушбу матнни ёзишда А.Рызиевнинг «Сурхондарё вилояти» (Термиз, 1996 й.) китобидаги баъзи бир маълумотлардан фойдаланилган.

Вилоят 1941 йил 6 марта ташкил топган. Унинг майдони  $20,8 \text{ минг км}^2$ . Сурхондарё вилояти маъмурий жихатидан ўн тўртта туманга бўлинади. Улар қўйидагилардир: Ангор, Бандиҳон, Бойсун, Денов, Жаркўргон, Музробот, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, қизириқ ва қумқўргон.

Вилоят маркази Термиз шаҳри бўлиб, унда 120 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қиласди. Термиздан пойтахтимиз Тошкент шаҳригача бўлган масофа 708 км га тенг. Вилоят аҳолиси 1800 минг кишини ташкил этади. У Республика ҳудудининг 4,6 %ини ташкил этгани ҳолда аҳолиси 7,2 фоизга тенг. Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар сони 2 та, (булар Термиз ва Денов). Туманга бўйсунувчи шаҳарлар эса 6 та.

Аҳоли зичлиги  $1 \text{ км}^2$  га 85,1 киши. Вилоят ҳудудининг катталиги бўйича мамлакатда бешинчи ўринда (корақалпогистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва қашқадарё вилоятларидан кейин) туради.

**Табиий шароити ва бойликлари.** Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубида, Сурхон Шеробод водийисида жойлашган.

Минтақанинг ҳудуди унча катта бўлмаса ҳам унинг табиий шароити республикамиз бошқа минтақаларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Унинг ҳудуди шимолдан жанубга Амударё соҳиллари томон пасайиб боради. Иқлими қуруқ субтропик бўлиб, нафакат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг энг иссиқ ҳудудларидан биридир. Шу сабабли, бу минтақа Ўзбекистоннинг асосий ингичка толали пахта базаси ҳамда субтропик эквипар районни ҳисобланади.

Сурхондарё минтақаси шимол ва ғарб томондан тоғлар билан ўралганилиги учун шимолдан келадиган совук ҳаво ва ғарбдан келадиган илиқ ҳаво массалари минтақага кириб кела олмайди. Шу сабабли ёғин миқдори кам. Йилига 130-180 мм атрофида ёғин тушади. Энг кўп ёғин тог этакларига тушади-600 мм атрофида. Ёғин камлигидан сунъий сугоришга эҳтиёж катта бўлиб, Сурхондарё, Шерободдарё, Амударё сувларидан унумли фойдаланишга мажбур бўлади. Минтақанинг тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси текисликдан тоғларга томон ўзгариб боради.

Текисликларда сугориб дехкончилик қилинса, тог ёнбағирларида лалмикор дехкончилик ривожланган.

Вилоятда минерал ресурслар хилма хил, айниқса, ёқилғи турларидан нефт, газ, тошкўмир, кимёвий хом ашёлардан минерал тузлар, олтингугурт ҳамда шифобаҳш минерал сувлар топилган. Асосий нефт ва газ конлари Ҳавотоғ, Учқизил, Кўкайди ва Лалмикордир. Тошкўмир Бойсун ва Шарғунда, йирик туз кони Хўжаконда жойлашган. Шу билан бирга қурилиш материаллари заҳираси ҳам каттадир.

Сурхондарё минерал ресурсларга бойлиги сабабли тоғ- кон, рангли металлургия, энергетика, кимё, қурилиш материаллари саноати ривожланиши имкониятига эга.

**Аҳолиси ва меҳнат ресурслари.** 1.01.2002 йил маълумоти бўйича, вилоятда 1,8 млн. аҳоли истиқомат қиласди. Унинг аҳолиси асосан табиий ўсиш ҳисобига ортиб бормокда. Бу ерда табиий ўсиш Республика (20%) ўртача кўрсаткичидан юқори бўлиб, 30% атрофида. Сурхондарёда 1959 йилда 500 мингга яқин аҳоли яшаган бўлса, сўнгги аҳоли рўйхати бўйича (1989 й.) 1 миллиондан ошиб кетган.

Аҳолисининг миллӣ таркиби ўзбеклар кўпчиликни ташкил этади. Жами аҳолининг 82% ўзбеклар, 1,5% атрофида руслар, 1,7% тожиклар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этади.

Аҳолининг жинсий таркиби деярли бир-бирига тенг: эрқаклар 49,9 фоизни, аёллар эса 50,1 фоиз.

Жадвал таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, аҳолининг табиий ўсиши Бандиҳон, Олтинсой, қизириқ, Жаркўргон туманларида юқори кўрсаткичга эга. Шу билан бирга Ангор, Сариосиё, Термиз туманларида табиий ўсиш нисбатан пастроқ.

Вилоят аҳолиси туманлар бўйича ҳам нотекис тақсимланган. Ҳудуди энг катта бўлган Сариосиё туманида вилоят аҳолисининг 3,7 фоизи, Шеробод туманида 3,5, Бойсун туманида эса 4,6 фоиз аҳоли истиқомат қиласди ҳолда, ҳудуди кичик бўлган Денов туманида вилоят аҳолисининг 15,2 фоизи истиқомат қиласди. Бу туманда аҳоли зичлиги  $1 \text{ км}^2$  га 359 кишини ташкил этади. Аҳоли зичлиги энг кам туманлар Бойсун (22 киши) ва Сариосиё (16,9) туманлари ҳисобланади.

### 37-жадвал

#### Сурхондарё вилояти туманларининг демографик салоҳияти (2000 й.).

Туманлар	Майдони, минг. кв. км	Аҳолиси, минг киши	Ҳар минг кишига нисбатан			Аҳоли зичлиги, км.кв./киши
			тугилиш	ўлим	табиий ўсиш	
Термиз шаҳри	...	114,6	18,6	5,5	13,1	-
Ангор	0,39	89,5	23,3	4,8	18,5	229,4
Бандиҳон	0,20	34,0	37,9	4,4	33,5	170,1

Бойсун	3,72	81,8	26,6	4,5	22,1	21,9
Денов	0,75	269,1	24,6	4,5	20,1	358,8
Жарқұрғон	1,14	145,6	27,9	4,4	23,5	127,7
қизириқ	0,35	76,6	27,4	3,9	23,5	218,8
күмкүрғон	2,21	146,1	27,1	4,4	22,7	66,1
Мұзработ	0,74	95,6	24,6	4,4	20,2	129,1
Олтисой	0,56	112,1	29,0	4,3	24,7	200,1
Сариосиё	3,93	66,4	23,3	4,3	19,0	16,9
Төрміз	0,86	31,4	24,0	4,3	20,7	36,5
Узун	1,63	55,6	26,4	5,1	21,3	34,1
Шеробод	2,73	62,9	24,3	4,0	20,3	23,0
Шұрчи	0,85	64,7	27,1	4,7	22,4	76,1
Сурхондарё вило- яти	20,8	1771,2	25,7	4,6	21,1	85,1

Ахолининг зичлиги ҳудудлар бўйича нотекис: тоғ олди ва тоғли минтақаларда у 1 км<sup>2</sup> га 5 киши атрофида бўлса, дарё водийларида 100-200 кишигача тўғри келади.

Мехнат ресурслари билан етарли даражада таъминланган. Сурхондарё вилояти жами ахолиси нинг 782 мингти меҳнат ресурсларидан иборат. Шундан 567 мингти иқтисодий фаол ахоли хисобланади. Расман рўйхатга олинган ишсизлар сони эса 800 киши.

Сўнгги йилларда ахолини иш билан таъминлаш муаммоси сезила бошлади. Мавжуд қазилма конлари асосида саноатни ривожлантириш, меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш имкониятлари бор. Бунинг учун вилоятда саноат корхоналарини янада кўпайтириш керак.

Сурхондарё вилояти барча вилоятлар ичida шаҳар ахолиси энг кам фоизни ташкил этадиган минтақа хисобланади. Унинг ахолисини бор-йўғи 20 фоизга яқини шаҳарларда яшайди. Бу кўрсаткич вилоятда саноат ҳали етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатиб туради.

**Хўжалиги.** Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўринда туради. У мамлакатимиз жанубида жойлашганлиги сабабли вегетация даври анча узок бўлиб, бу даврда ҳарорат йифиндиси 5500<sup>0</sup>-5900<sup>0</sup> га етади. Бу ингичка толали пахта, шакарқамиш каби иссиқсевар ўсимликлар етиштиришга қулай шароит яратади. Шунингдек, Сурхон водийсида анжир, анор, писта, узум, хурмо каби ўсимликлар кўплаб экиласди. Тоғ ёнбағирларида лалмикор дехқончилик (буғдой), сугориладиган ерларда эса шоли ҳам етиштирилади. Вилоят Республика пахтасининг 10 фоизи, шу жумладан ингичка толали пахтанинг 75 фоизини беради.

Сурхондарёнинг чўл ва тоғ яйловларида чорвачилик яхши ривожланган; вилоятга Ўзбекистоннинг 9 фоиз йирик шохли қорамоллари ҳамда 10 фоиз атрофида кўйлари тўғри келади. Бу ерда қоракўл ва ҳисори кўйлари кўплаб бокиласди.

**Саноати.** Сурхондарё вилояти ялпи ички маҳсулотининг 18,6 фоизини саноат беради. Саноатнинг асосини ёқилғи- энергетика, курилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат, фармацевтика тармоклари ташкил этади.

Машинасозлик саноати минтақада жуда суст ривожланган бўлиб, асосан Төрмиз трактор-мотор ремонти, Денов қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва бошқалардан иборат.

Ёқилғи энергетика саноатининг ривожланиши 1950 йилларда вилоятда нефт, газ ва кўмир конлагерининг ишга тушиши натижасида шаклланди. Бу ерда нефт қазиб олиш ҳажми аста-секин кўпаймоқда. Масалан, вилоятда 1995 йилда 130 минг тонна атрофида нефт қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 143 минг тоннани ташкил этди.

Кўмир қазиб чиқариш ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда: 1994 йилда 150-200 минг тонна атрофида кўмир қазиб олинган бўлса, 2000 йилга келиб бу 220-240 минг тоннага этди.

Вилоятда электр энергетика тўлиқ ривожланмаган бўлиб, иилига 5 млн. кВт соат атрофида электр куввати олинади. Махаллий эҳтиёж учун керакли бўлган электр куввати Ўрта Осиё ягона электр тизимидан олинади.

Сурхондарёда курилиш материаллари саноатини ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Бу ерда табиий тошлар, оҳактош, кум, шагал, гипс ва бошқалар кўплаб топилган. Шу сабабли вилоят барча туманларида сифатли ғишт ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Шундан ташқари күмкүрғон, Олтисой туманларида оҳактош ишлаб чиқариш, Төрмиз, Сурхон, Денов, күмкүрғон туманларида темир бетон тайёрлаш каби саноат корхоналари ишлаб турибди.

Вилоятда кимё саноатини ривожлантириш учун хом ашёлар етарлидир. Айникса, йирик калий тузи кони мухим хом ашё хисобланади. Бу кон Кўхитанг тоглари ёнбағрида жойлашган.

**Сурхондарё вилояти туманларида  
саноатнинг ривожланиши (2000 й., фоизда)**

Туманлар	Худудий таркиб	1999 йилга нисбатан ўсиш,
Жами:	100,0	105,9
шу жумладан,		
Термиз шаҳри	9,3	116,8
Ангор т.	3,9	100,1
Бандиҳон т.	0,1	137
Бойсун т.	1,1	136,5
Денов т.	15,1	105,5
Жарқўргон т.	16,4	109,5
Музработ т.	6,4	104,1
Олтинсой т.	2,0	110
Сариосиё т.	6,9	107,1
Термиз т.	1,0	114
Узун т.	3,3	100
Шеробод т.	7,4	104,4
Шўрчи т.	19,1	101,2
кизирик т.	4,6	100,9
кумкўргон т.	3,2	105,4

Ҳозирда вилоятнинг энг ривожланган етакчи тармоғи пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган енгил ва озиқ-овқат саноатидир. Хусусан, Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг, вилоядта ип-газлама, трикотаж ва тикувчилик, пойабзал, гилам тўқиши ва бошқалар ривожлана бошлади.

Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, ун ва ун маҳсулотлари, ёғ, сут ва сут маҳсулотлари, шарбатлар, мева ва узум консервалари ишлаб чиқариш тез ўсиб бормоқда.

Саноат маҳсулотлари ҳажмининг ортиб боришида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунончи, Термиз шаҳридаги «Ажанта» ўзбек-хинд фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари мамлакатимиз аҳолисининг соғлигини тиклашда муҳим ўрин тутмоқда.

Вилоят туманлари саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича бир-биридан кескин фарқ қиласди (қўйидаги жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Жарқўргон, Шўрчи, Денов, Шеробод, Сариосиё туманлари вилоядта саноат маҳсулотлари ҳажми бўйича етакчи ўринда туради. Аксинча, Бандиҳон, Термиз, Бойсун, Олтинсой туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш паст.

Бу ерда келгусида ёқилғи, кимё, рангли металлургия, курилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

**қишлоқ хўжалиги.** Вилоядта қишлоқ хўжалиги ҳар томонлама ривожланган. Бу соҳада асосан сугориб дехқончилик қилиш устун туради. Сурхондарёда 272 минг га сугориш мумкин бўлган ерлар бўлиб, ҳозирги кунда бунинг 230 минг гектардан ортиғи сугорилмоқда. Вилоядта сугоришини яхшилаш учун Ҳазорбор, қумкўргон, Занг, Катта Ҳисор, Шеробод, Аму-Занг машина каналлари, Учқизил, Дегрез, Жанубий Сурхон каби сув омборлари курилган. Пахта етиштириш, айниқса ингича толали пахта етиштириш яхши ривожланган. Вилоятнинг Ангор, Жарқўргон, қумкўргон, Термиз, Шеробод туманлари ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Пахта билан алмашлаб беда, маккажӯҳори экилади.

Сурхондарёда ғаллачилик ҳам яхши йўлга кўйилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ғалла майдонлари кенгайтирилиб буғдой, арпа, шоли, маккажӯҳори кўплаб экилмоқда. Донли экинлар сугориладиган ерлардан ташқари лалмикор ерларда ҳам етиштирилади. Аммо бу ерларда хосилдорлик нисбатан кам.

Шоли асосан вилоятнинг марказий ва жанубий ҳудудларида, яъни Амударё ва Сурхондарё воҳаларида кўплаб экилади. Вилоядта ҳар йили ўртача 222 минг тонна атрофида дон етиштирилади. Бу Республикада етиштириладиган хосилнинг 5 фоизини ташкил этади.

Сурхондарёда сабзавот ва полиз экинлари етиштириш учун кулагай табиий ва иқлим шароитлари мавжуд. Бу ерда етиштирилаётган сабзавот, полиз экинлари ва мевалар мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига жўнатилади. Айниқса эртанги пиёс ва карам кўплаб етиштирилиб, пойтахтимиз Тош-

кент шаҳрига ҳам олиб келинади.

Сўнгги йилларда Сурхондарё полиз экинлари ва картошка етиштиришда катта ютуқларга эришмоқда. 2000 йилда 42,6 минг тонна картошка етиштирилди (бу Республиkaning 6,6 фоизини ташкил этади).

Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидан бири бўлган Сурхондарёда узум ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Узум ва майиз билан вилоят аҳолиси тўла таъминланган. Бу ерда иссиқ иқлимга мослашган анор (унинг 90 дан ортиқ тури бор), бодом, хурмо, ёнғоқ, писта, олма, лимон ва мандарин кабилар кўплаб етиштирилади. Айниқса Боботог этакларида пистазорлар кўпчиликни ташкил этади. Узун, Денов, Термиз ва Сариосиё туманларида анор ва хурмо кўп экиласлаган бўлса, Олтинсой тумани узум ва майиз етиштиришга ихтисослашган.

Деновда субтропик, цитрус мева ва ўсимликлар етиштириладиган марказ мавжуд; унда кўплаб миқдорда иссиксевар дараҳтлар ва буталар вилоят иқлимига мослаштирилмоқда. Жумладан, бу ерда хурмонинг янги навлари яратилган.

Вилоят иқтисодиётида чорвачилик ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, у пахта ва ғалладан кейинда туради. Бу ерда қоракўччилик яхши ривожланган; давлатга кўплаб миқдорда сифатли қоракўл терилари етказиб берилади (32,1 минг дона). кумкўргондаги «Оққапчигай» давлат наслдор қоракўл кўйлар етиштиришга ихтисослашган. Бундан ташқари, вилоятнинг тогли минтақасида зотдор хисори кўйлари боқилади, улар жайдари кўйларга нисбатан ийриклиги, тез семириши ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради; кўй ва эчкилар сони бўйича Сурхондарё Ўзбекистонда 3-ўринда туради.

Аҳолининг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида қорамолчилик ҳам яхши ривожлантирилган. Ҳозирда вилоятда 100 мингдан кўпроқ йирик шохли моллар боқилмоқда. Шунингдек, вилоятда паррандачилик, ипак курти боқиш (пиллачилик), йилқичилик ва бошқалар ҳам мавжуд.

**Транспорти.** Транспорт вилоят ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлашишига муҳим таъсир кўрсатади. Ташки иқтисодий алоқаларда темир йўли транспорти катта аҳамиятга эгадир. Тошкент-Термиз темир йўли вилоят иқтисодий алоқасида алоҳида ўринда туради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин 1995 йил 17 августанда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қашқадарё ва Сурхондарё оралиғида /узор-Бойсун-кумкўргон темир йўли қурилиши бошланган. Бу темир йўли Сурхондарёни мамлакатимиз марказигача бўлган масофасини 120-130 км га қисқартиради.

Вилоят ички алоқаларида автомобил транспорти этакчи ўринда туради. Термиз барча туман марказлари билан автомобил йўллари орқали боғланган. Шунингдек, Термиз-қарши, Термиз-Ҳайратон (Афғонистон), Термиз-Душанбе, Термиз-Тошкент, Денов-қарши, Денов-Шахрисабз, Денов-Урганч, Денов-Самарқанд каби автомобил йўллари ҳам катта аҳамиятга эга.

Вилоятда қисман сув транспорти ривожланган. кувур транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса ҳаво транспортининг вилоят ички ва ташки алоқаларида аҳамияти ошиб бормоқда. Термиз аэропорти халқаро аэропорт мақомига эга, бу ердан кўплаб хорижий мамлакатларга ҳаво йўллари ўтказилган.

**Ташки иқтисодий алоқалари.** Сурхондарё вилоятида ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун барча табиий ва иқтисодий омиллар етарлидир. Шу сабабли вилоятда Ҳиндистон, Югославия, Тожикистон ва бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этилган.

Ташки садо айланмаси 2000 йилда 146,7 млн. АқШ долларини ташкил этган. Шундан экспорт хажми 129,3 млн. АқШ долларга (88,1%) тенг бўлса, қолгани импорт маҳсулотларига тўғри келади. Экспорт қилинадиган маҳсулот турларига асосан пахта толаси, қоракўл териси, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқалар киради.

**Иқтисодиётнинг худудий таркиби.** Сурхондарё вилоятида машинасозлик, рудалар қазиб олиш, енгил саноат тармоқларини худудий нотекис ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Машинасозлик корхоналари асосан вилоят маркази Термиз ҳамда Денов шаҳарларида жойлашган. Жаркўргон, Денов, Шарғун, Сариосиё ва бошқа туманларда асосан қурилиш материаллари, рангли металллар, пахта заводлари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари яхши ривожланган.

Кишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда кумкўргон, Жаркўргон, Денов, Олтинсой туманлари алоҳида ажралиб туради.

Умуман олганда Сурхондарё вилоятида икки ички иқтисодий район ёки округни ажратиш мумкин. Улар Термиз ва Денов гурӯҳ районлариdir. Албатта, вилоят иқтисодиётнинг худудий тизимида 2500 йиллик тарихга эга бўлган Термиз ва унга туташ районнинг аҳамияти катта.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят 1943 йил 20 январда ташкил қилинган. Унинг таркибига ҳозирги вақтда 14 қишлоқ туманлари (Баҳористон, Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Муборак, Нишон, Усмон Юсупов, Чирокчи,

Шаҳрисабз, Яккабоғ, қамаши, қарши ва /узор) киради. Майдони 28,6 минг км<sup>2</sup> бўлиб, у иқтисодий район худудининг 58,7, Ўзбекистон Республикасининг 6,4 фоизига баробар.

Аҳолиси, 2002 йил маълумотларига кўра, 2254 минг киши. Вилоятда мамлакат аҳолисининг 9,0 фоизига яқини, иқтисодий районнинг эса 55,5 фоизи яшайди. Маъмурий маркази қарши шаҳри (205 минг).

қашқадарё вилояти республика меҳнат тақсимотида энг аввало нефт ва табиий газ қазиб олиш, газ-кимё, енгил саноат тармоқлари ҳамда пахта, ғалла ва чорва маҳсулотлари етишиши билан ажralиб туради. Унинг зиммасига Ўзбекистоннинг 6,4 фоиз ялпи ички маҳсулоти, 8,3 фоиз саноат ва 7,2 фоиз кишлоп ҳўжалик маҳсулотлари тўғри келади. Тўғри, бу рақамлар унча юқори эмас, бироқ вилоят ўз иқтисодий кудратини янада ошириш учун катта имкониятларга эга. Бундан унга ажратилаётган инвестиция ҳажми ҳам далолат беради.

**Географик ўрни ва табиий бойликлари.** қашқадарё вилояти мамлакатнинг жанубида жойлашган, у шимоли-ғарбда Бухоро, шимолда Самарқанд ва қисқароқ масофада Навоий вилоятлари, жануб ва жануби-шарқда Сурхондарё вилояти билан чегарадош. Геосиёсий мавқеи, шунингдек, ғарб ва жануби-ғарбда Туркманистон, шарқда Тожикистон Республикаси билан ҳам тавсифланади.

Ер усти тузилиши анча мураккаб-унинг таҳминан ярмидан кўпроқ қисми текислик ва унча баланд бўлмаган тепаликлардан иборат (250-500 метр денгиз сатҳидан баланд). Катта майдонга эга бўлган қарши чўли ҳам айнан шу ерда жойлашган. Вилоят шимоли-шарқ, шарқ ва жануби-шарқда тоғликлар билан ўралган. Бу ерда Зарафшон ва Ҳисор тизмалари, Чакчар тоғлари кўтарилиб туради, уларнинг энг баланд нуқталари 3750-4100 метргача етади.

Вилоят рельефининг бундай турли-туманлиги ўзига хос табиий бойликларга эгалигини асослаб беради ва ички ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқлим шароитларининг шаклланишига сабаб бўлади. Жумладан, қашқадарёнинг қуий қисми катта кишлоп ҳўжалигига фойдаланиш учун қулай бўлган ер майдонларига эга. Шу билан бирга бу ер республикамида нефт ва табиий газ заҳираларининг кўплиги бўйича биринчи ўринда туради. Чунончи, кўрилаётган ҳудудда Кўқдумалоқ, Муборак, Помук каби йирик нефт-газ, Шўртан, Зеварди, кўлтиқга ўхшаш табиий газ конлари мавжуд. Вилоятнинг Дехқонбод туманида эса турли хил туз конлари, қурилиш материаллари ҳом ашёсига бой. Айниқса, бу ерда катта заҳирага эга бўлган калий тузларининг борлиги мамлакатимизда калий ўғитларини ишлаб чиқариш саноатини ташкил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, вилоятнинг юқори-Шаҳрисабз миңтақасида мармар ва бошқа конлар ҳам мавжуд; бу ерда Китоб геологик кўриқхонаси ҳам ташкил қилинган. Шундай қилиб, қашқадарёда хусусан ёқилғи-энергетика, тоғ-кон ва газ кимёси, қурилиш материаллари саноатини кенг кўламда ривожлантиришга қулай имкониятлар мавжуд.

Иқлими континентал, ёғин-сочин миқдори, айниқса чўл миңтақасида жуда оз. Бинобарин, бу ерда дехқончиликни ривожлантириш учун ирригация шаҳобчаларини қуриш талаб этилади. Тоғ олди ва тоғ миңтақасида йиллик ёғин-сочин миқдори ҳатто 800-900 мм га ҳам етади. Бу эса дарёларнинг тўйинишига қулай шароит яратади.

Вилоят ҳудуди қашқадарё ҳавзасида жойлашган. қашқадарёга Жондирдарё, Оқсув, Танхиздарё, Оёқчидарё, кизилдарё ва бошқалар келиб қўшилади. Натижада вилоятнинг юқори (Шаҳрисабз) миңтақасида гидрографик тизимнинг анча ривожланган шакли вужудга келади. Бироқ, қашқадарё қуий миңтақага борган сари унинг суви камайиб боради ва бир вақтлар Зарафшон дарёсигача бориб етган бу дарё ҳозирда қарши-Косон атрофида тамоман тугаб қолади.

қашқадарёда сугорма дехқончиликни ривожлантириш мақсадида 70-йилларда қарши дашти ўзлаштирилиши кенг миқёсда олиб борилди. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида қатор сугориш иншоотлари барпо этилган. Масалан, бу ерда Ҳисорак, қалқамин, Чимқўргон, қамаши сув омборлари мавжуд, /узор туманини асосан Пачкамар сув омбори ва /узордарё сугоради.

Йирик қарши магистрал канали Амударёдан бошланади ва қисқа масофада кўшни Туркманистон ҳудудидан ўтади, сўнгра у катта Толлимаржон сув омборига қуйилади, ундан қудратли насос станциялари ёрдамида 132 метр баландликка кўтариб берилади. Бундан ташқари, чўл миңтақаси Миришқ (аввали Ульянов) канали сувлари билан ҳам сугорилади, вилоятнинг шимолий қисмига, асосан Чирокчи туманига Зарафшон сувлари Эскианҳор канали орқали етиб келади.

Республикамизнинг шунга ўхшаш бошқа ҳудудларида бўлганидек, бу ерда ҳам кўплаб зовурлар (коллекторлар) ва тўпланиб қолган шўр, оқова сувлардан ташкил топган туз кўллар бор. Улар кўпроқ қарши даштида учрайди. Демак, бир томондан канал ва сув омборлари ерларни сугоришда хизмат қилса, ободонлаштиrsa, иккинчи томондан, зовур ва сунъий кўлчалар ҳудуд агроэкологиясининг ноқулайлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, вилоят агроклимий шароитлари ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Чунончи, унинг юқори қисмида интенсив дехқончиликни ривожлантириш боғдорчилик ва узумчиликни ташкил қилиш

учун имкониятлар мавжуд бўлса, қуи чўл минтақасида табиий шароит қадимдан ғалла ва чорвачилик учун қулайлик қилган. Кейинчалик бу ерда ҳам сугорма дехқончилик ривожланиб борган.

Албатта, қарши даштини ўзлаштириш ва шу асосда пахтачиликни ривожлантириш (бу ҳам бўлса, собиқ Иттифоқ даврида, Республикада пахта якка ҳокимлигини янада кучайтириш мақсадида амалга оширилган) мамлакатимиз миллий иқтисодиётида ўз ўрнига эга. Бироқ, бу ўзига хос табиий геотизимга инсоннинг шунчалик аралашуви керакмиди?

Бинобарин, ҳозирча ёқилғи-энергетика ва тоғ-кон кимё мажмуаларини тўғри ривожлантириш ва худудий ташкил қилиш катта аҳамият касб этади.

**Аҳоли ва меҳнат ресурслари.** қашқадарё вилояти ўзининг аҳоли сони бўйича Ўзбекистонда Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятларидан кейинги бешинчи ўринин эгаллади. У айни вактда, аҳоли сонининг ўсиши жиҳатидан Сурхондарё вилояти билан биргалиқда мамлакат демографик вазиятида етакчилик қиласди. Жумладан, агар Ўзбекистон ахолиси 1989-2000 йилларда 123,8 фоизга ўсган бўлса, Сурхондарёда бу кўрсаткич 139,2 ва қашқадарёда 136,0 фоизга тенг бўлди. Биргина 2000 йилда аҳоли кўпайиш суръати 2,1 фоизни ташкил қилди.

Вилоят табиий географик мухитига мос ҳолда аҳоли унинг худудида бир текис жойлашмаган. Ўртacha зичлик 1 км<sup>2</sup> га 77,4 киши бўлиб, бу ракам Республика ўртacha кўрсаткичидан деярли 1,5 марта юқори. Аҳоли хусусан юқори минтақада анча зич ўрнашган. Масалан, зичлик Яккабоғда 164, Шаҳрисабз туманида 158 ва Китобда 102 кишига тенг, ваҳоланки бу кўрсаткич Баҳористон туманида атиги 17, Муборакда 19, Дехқонбодда 25, У.Юсупов туманида 38 кишини ташкил этади, холос.

Аҳоли сони бўйича вилоятда Чирокчи тумани олдинда туради (257 минг, 2001 йил); Шаҳрисабз туманида ҳам, Шаҳрисабз шаҳрини қўшиб ҳисоблаганди, аҳоли 200 мингдан зиёд. Айни вақтда Баҳористон ва Усмон Юсупов туманларининг демографик сифимлари анча паст; уларнинг ҳар бирида 32 ва 48 минг кишидан аҳоли тўғри келади.

Майдонига кўра эса энг катта Дехқонбод тумани-унинг худуди 4,0 минг км<sup>2</sup> ёки вилоят майдонининг 1/7 қисми. Шунингдек, Муборак ва Чирокчи туманлари ҳам нисбатан катта, энг кичиги-Касби тумани (0,65 минг км<sup>2</sup>).

Умуман олганда, юқори минтақа (Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманлари) кўп жиҳатдан Республикализнинг аҳолиси зич воҳа ва водийларига ўхшаб кетади. Аммо, таъкидлаш жоизки, зичлик, қуи минтақанинг айрим туманларида (Касби, қарши) ҳам анча юқори, яъни 190-200 кишига тенг.

Вилоятда табиий ҳаракат кўрсаткичлари бошқа худудларга қараганда (Сурхондарёдан ташқари) сезиларли даражада фарқ қиласди. Чунончи, бу ерда тугилиш коэффициенти ҳар 1000 киши аҳолига 24,5 кишини ташкил этади (2001 йил). Энг юқори даражага Чирокчи туманида бўлиб, у бу ерда яқин 30 кишига баробар (Ўзбекистонда олдинги ўринларда). Айни вақтда умумий тугилиш коэффициенти Шаҳрисабз ва Баҳористон туманларида пастроқ, қарши шаҳрида эса у 16,7 промилле.

кайд қилиш лозимки, қашқадарёда ҳам тугилиш камайиб бормоқда, бироқ бу жараён мамлакатнинг бошқа вилоятларига нисбатан аста-секинлик билан содир бўлмоқда. Сурхондарёда ҳам худди шунга ўхшаш демографик вазият. Демак, уларнинг бир иқтисодий районга бирлаштирилиши геодемографик омил бўйича ҳам асосланган.

Миграциянинг аҳоли сони ўсишига таъсири унча кучли бўлмасада, у салбий. Масалан, 1997 йилда шаҳар жойларда миграция қолдиги минус 1440, 1998 йилда 1765 кишини ташкил этган. қишлоқ жойларда бу кўрсаткич, юқоридагиларга мос ҳолда, минус 2910 ва 2205 кишидан иборат бўлган.

Вилоятнинг умумий урбанизация даражаси 25,4%-бу Республика кўрсаткичидан анча паст (37,4%). Вилоятда ҳаммаси бўлиб 12 шаҳар ва 4 шаҳарча бор. Улардан қарши Ўзбекистоннинг 17 катта шаҳарлари қаторига киради. Шаҳрисабзда 87 минг, Коғонда 54 минг аҳоли яшайди; қамаши ва Китоб шаҳарларида 30-34 мингдан аҳоли бор. колган шаҳар ва шаҳарчаларда аҳоли сони бундан кам.

1 январ 2001 йил маълумотларига кўра, қашқадарёда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1 миллион кишига яқин. Шундан 725 минг киши иқтисодий фаол ҳисобланадан, яъни иш ўринлари билан банд, умумий бандлик даражаси 72,5%, 2000 йил якунлари бўйича бир йилда қишлоқ хўжалигидан 19,1 минг киши бўшаган ва шу даврда 25,6 минг янги иш ўринлари яратилган. Бироқ, шунга қарамасдан, вилоятда, хусусан унинг аҳолиси зич туманларида меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш ва меҳнат бозори фаолиятини яхшилаш муҳим муаммодир.

Халқ хўжалик тармоклари бўйича аҳоли бандлигининг таксимланиши қуйидагича (2000 йил, фоиз ҳисобида); саноат -7,3; қишлоқ хўжалиги-43,3; курилиш-8,2; савдо, умумий овқатланиш ва моддий техника таъминоти-7,0; соғликни сақлаш, физкультура ва спорт 6,4; таълим, маданият, санъат ва фанда 11,6 фоиз. Республика кўрсаткичларига таққослаганда бу ерда саноатда банд бўлганлар улуши паст, қишлоқ хўжалигига, аксинча-юқори.

**Вилоят иқтисодиётининг умумий таърифи.** қашқадарё вилоятининг иқтисодиёти ривожланиб бораётган аграр-индустрисал ўйуналишга эга. Яқин келажакда унинг индустрисал-аграр хусусиятини олишига тегишли имкониятлар мавжуд.

Бошқа ҳудудларда бўлганидек, бу ерда ҳам бозор ислоҳотларига катта эътибор берилмоқда. Аммо вилоят саноатини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ўзига хос хусусиятга эга. Сабаби саноатнинг асосан ёқилғи-энергетикага ихтисослашганлиги сабабли нодавлат сектори бу соҳада 30 фоизга яқин, холос.

Вилоятда кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар сони кўпайиб бормоқда. кўшма корхоналарнинг умумий сони 34, амалдагиси—25, саноатдагиси эса 14. 2000 йилда барча ўйналишдаги кўшма корхоналар ишлаб чиқарилган маҳсулот 1,5 марта ўсган. кўшма корхоналарнинг кўпчилиги қарши, Муборак ва Шахрисабзда жойлашган. Шу йилда чакана савдо 109,8, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 136,9 ва халк истеъмол молларини ишлаб чиқариш 113,7 фоизга ўсган.

Айниқса кейинги йилларда капитал маблағ сарфлаш, инвестиция ҳажми кўпайиб бормоқда. Бу эса келажакда иқтисодиётни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин ясади. Шу ўринда, энг аввали, хорижий мамлакатлар билан биргаликда бунёд этилаётган, сарфланадиган маблағ миқдори жуда катта бўлган Шўрган мажмуасини кўрсатиш лозимdir. Ушбу мажмуанинг ишга туширилиши билан вилоят ва минтақа иқтисодиётida муҳим бурилиш бўлади.

**Саноати.** қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республика саноати маҳсулотининг 8,3 фоизини беради. Бу ерда хусусан ёқилғи-энергетика ва енгил саноат яхшироқ ривожланган. Масалан, вилоят мамлакатнинг 1/3 қисмидан ортиқроқ ёқилғи саноати ҳамда 12 фоиз пахта тозалаш саноати маҳсулотини таъминлайди.

Вилоят саноатининг ички тузилишида ҳам айнан ана шу тармоқлар етакчилик қиласи: ёқилғи саноатининг улуши (маҳсулот қиймати бўйича) 56,4 фоиз, енгил саноат-18,1, озик-овқат 9,2, ун-крупа, омухита ем саноати-7,1 фоиз. Айни вақтда саноатнинг бошқа тармоқлари, масалан, машинасозлик суст ривожланган. Яқин келажакда кимё ва электр энергетика саноати мавқеининг анча кўтарилиши кутиломда. Ҳозирги даврда вилоятнинг электр энергетикаси Муборак марказлашган иссиқлиқ электр станциясига ҳамда қурилаётган, мамлакатда энг йирик Толлимаржон ИЭСига асосланади (2004 йилда ишга туширилиши мўлжаланган).

2000 йилда саноат маҳсулоти 3,4 фоизга кўпайди. Ана шу йилда вилоятда 93 та асосий саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида банд бўлган ишчи ходимлар 27,4 минг кишини ташкил килган. Бир йилда тахминан 0,5 млн. кВт/с электр энергияси, 3,8-4,3 млн.т. нефт, 3,5 млн. т. атрофида газ конденсати (суюлтирилган газ), 300 минг тоннага яқин олтингугурт, 5,2 млн. м<sup>2</sup> ип-газлама, 110 минг тонна пахта толаси, 20 минг тоннадан зиёдроқ ўсимлик ёғи, 75 млн. шартли банка консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Нисбий кўрсаткичларда хисоблаганде қашқадарёга Ўзбекистонда қазиб олинадиган нефтнинг (газ конденсати билан бирга) 95 фоизи, табиий газнинг 92 ва олтингугуртнинг деярли 100 фоизи тўғри келади.


Саноатнинг худудий ташкил этилишида қарши, Шахрисабз тутунлари катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга Муборак (ИЭМ, газ-кимё мажмуаси), Косон (ёғ-экстракт, пахта тозалаш, гишт заводи), Шўрган (газ-кимё), Толлимаржон (ИЭС), Кўқдумалок (нефт саноати), Чироқчи (консерва заводи) ва бошқа саноат пунктларининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. қарши ва қамашида тўқимачилик корхоналари, Шахрисабзда консерва, ипакчилик, аксарият туман марказларида пахта тозалаш заводлари мавжуд.

Жами саноат маҳсулотининг 27 фоизи вилоят маркази-карши шахрига тўғри келади. Муборак туманида саноат мужассамлашув кўрсаткичи бундан ҳам юқори-52 фоиз. Демак, ушбу туман вилоят саноат маҳсулотининг ярмидан кўпроғини беради. Шахрисабз, Косон туманлари ўртacha мавқега эга, бирорқ Дехконобод ва Баҳористон туманларида саноат ниҳоятда суст ривожланган. Ушбу муаммо жумладан, /узор, Китоб, Чироқчи Нишон ва қамаши туманларига ҳам таалуқлидир.

**Кишлоқ хўжалиги.** Вилоят иқтисодиётининг агросоҳаси асосан пахта, ғалла ва чорвачилик маҳсулотларини етиширишга ихтисослашган. Умумий экин майдони 2000 йил маълумотларига кўра, 461 минг га бўлиб, у республика экин экиладиган ёрларининг 12,2 фоизини ташкил қиласи.

Жами экин майдонидан 202 минг гектари ғалла (бу жиҳатдан вилоят мамлакатда 1-ўринда туради), 150 минг гектари пахта, 4,1 минг гектари картошка, 10,6 минг гектари сабзавот, 55 минг гектари ем-хашак етиширишга ажратилган. Бир йилда вилоятда, об-ҳаво шароитига қараб, 300-500 минг тонна

### 13-чизма. +аш=адарё вилояти экин майдонларининг таркиби (2000 й.,%)



ғалла (республикамизда 3,9-4,0 млн. тонна), 265-380 минг тонна пахта, 140-160 минг тонна турли сабзавот маҳсулотлари олинади. Шунингдек, бу ерда 38-40 тонна мева, 45 минг тонна атрофида узум ҳам етиширилади. Булардан ташқари, вилоятда кунгабоқар, тамаки, зигир каби қишлоқ хўжалик экинлари ҳам мавжуд.

Бу ўринда таққослаш учун Ўзбекистон Республикасига оид рақамларни келтирамиз (2000 й).

Умумий экин майдони 3775 минг гектар, шундан ғалла 1612, пахта 1444, картошка 52, сабзавот 94, полиз экинлари 36, ем-хашак 128 минг гектар. 2000 йилда олинган ҳосил: ғалла 3116 минг тонна (шундан буғдои 3352), картошка 729, сабзавот 2637 ва пахта 3002 минг тонна (ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари).

қашқадарёда йирик шоҳли моллар сони 580 минг бош (Ўзбекистонда 2-ўринда), кўй ва эчкilar-1,9 миллион бош (1-ўрин). Бир йилда 110 минг донага яқин коракўл териси, 1,8-1,9 минг тонна пилла етиширилади. Пиллачилик сугорма деҳқончилик районларида, ялов, жун- гўшт чорвачилиги асосан чўл минтақасида ривожланган.

Вилоят агросоҳасининг худудий таркибида Чирокчи, Касби туманлари етакчи ўринларда-улар биргаликда етиширилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таҳминан 1/5 қисмидан кўпроғини таъминлайди. Бу борада қамаши, Шахрисабз, Китоб, қарши ва Косон туманларида ҳам вазият яхшироқ. Айни чогда Муборак, Баҳористон ва У.Юсупов туманларида қишлоқ хўжалиги бирмунча суст ривожланган.

**Транспорт ва ташқи савдо.** Вилоятда транспорт тизимининг турли хиллари мавжуд. Аммо юк ташишда автомобиль транспорти олдинги ўринда туради. Масалан, 2000 йилда жўнатилган умумий 43,0 млн. тонна юқдан 36,2 млн. тоннаси автомобиль транспортига тўғри келади.

қашқадарё нефт ва газ конларидан мамлакатимизнинг турли районларига ҳамда қўшни давлатларга қувур транспорти тарқалган; Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, кўпгина йирик иссиқлик электр станцияларига ҳам айнан шу ердан ёқилғи етказиб берилади. Шунингдек, хозирги вақтда қурилаётган /узор-Бойсун-кумкўргон темир йўлининг аҳамияти ҳам катта.

Ўртacha бир йиллик ташқи савдо ҳажми 350-420 млн. АқШ долларини ташкил қиласди. Шундан экспорт 120-160 млн., импорт 230-260 млн. долларга тенг. Импорт ҳажмининг экспортга нисбатан юқорилиги вилоятда қурилиш кўламининг кўплиги ҳамда қулай инвестиция маконининг мавжудлигидан далолат беради.

Экспортда биринчи ўринда пахта толаси туради. Импортнинг асосий қисми эса машина ва асбоб-ускуналар, кора ва рангли металларга тўғри келади. Ташқи савдо оборотида узок хориж мамлакатлари билан алоқалар устунроқ.

**Вилоят иқтисодиётининг худудий таркиби ва асосий муаммолар.** қашқадарё вилоятида энг аввало иккита шаклланаётган асосий ички иқтисодий район ажратилади. қуий минтақа ёки қарши минтақаси пахта ва ғалла, чорвачиликка, нефт-газ, тог-кон ҳамда электроэнергетикага ихтисослашган. Унинг таркиби қарши шахри, қарши, Нишон, Муборак, Косон, /узор, У.Юсупов, Касби ва Баҳористон туманлари киради.

Юқори ёки Шахрисабз минтақасида кўпроқ агросаноат мажмуаси ривожланган. У Шахрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманларини бирлаштиради. Бу икки шаклланган районлардан ташқари қашқадарё географи М.Янгибоев яна икки «оралиқ» Шимолий (Чирокчи тумани) ва Жанубий (Дехқонобод ва қамаши туманлари) районларни ҳам ажратган. Албатта, бу янги районларда худудий ишлаб чиқариш мажмуасининг шаклланиши келажакда юз бериши мумкин.

Ишлаб чиқаришни тўғри жойлаштириш ва унинг худудий ташкил этилишини такомиллаштиришдан бошқа муаммолар ҳам долзарбdir. Улар жумласига меҳнат ресурслари ва рекреация бойликларидан фойдаланиш, ёқилғи-энергетика ва қурилиш саноати базасини мустахкамлаш, транспорт ва ижтиёмий инфраструктурани ривожлантириш мұхим ҳисобланади. қишлоқ саноати ва инфраструктурасини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ҳам минтақавий муаммолар сирасига киради.

Табиий газ заҳирасига энг бой бўлган вилоятда ана шу ёқилғи билан таъминланганлик дараҷасининг ниҳоятда пастлиги аянчли ҳолдир. Мазкур кўрсаткич вилоят бўйича ўртacha 55,2 фоизга тенг, холос. Дехқонобод, қамаши, Чирокчи, Яккабоғ туманларида эса у янада пастроқ (уларнинг баъзиларида мазкур кўрсаткич хатто 20 фоизга ҳам етмайди). Дехқонобод туманида тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси вилоят ўртacha кўрсаткичидан икки баробар паст.

\* \* \*

Шундай қилиб, Сурхондарё ва қашқадарё вилоятлари иқтисодиётида ўхшашлик ҳамда фарқлар мавжуд. Уларнинг ривожланишини ўзаро мувофиқлаштириш, вилоятлараро иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш, ёқилғи- энергетика (Сурхондарёдаги кўмир конлари асосида ҳам), тог-кон кимёси, минтақа транспорт тизимини шакллантириш бу ерда ягона иқтисодий районнинг шаклланишига олиб келади. қолаверса, Ўзбекистон картасида бу икки вилоят худуди мамлакатнинг жанубида ажра-

либ туради, хатто уларнинг картаси ҳам кўпинча биргаликда, яхлит тузилади. Бинобарин, Сурхондарё ва қашқадарё вилоятларини Жанубий иқтисодий район доирасида кўриш ҳар томонлама асосларга эга.

### **Савол ва топшириқлар**

- 1. Сурхондарё ва қашқадарё вилоятларини алоҳида иқтисодий район сифатида қараига қандай далиллар бор?*
- 2. Иқтисодий районнинг мамлакат хўжалигида тутган ўрни қандай?*
- 3. Ушибу вилоятларнинг иқтисодий географик ва геосиёсий ўринларида қандай хусусиятлар мавжуд?*
- 4. Сурхондарё вилояти иқтисодиёти асосан қайси омилларга боғлиқ?*
- 5. қайси вилоят сув ресурсларига нисбатан бой?*
- 6. Сурхондарё вилояти иқтисодиётининг тармоқлар ва худудий таркибини суст ривожланганини тушунтириб беринг.*
- 7. қашқадарё вилояти иқтисодиёти ривожланишида энг муҳим омиллар қайслар?*
- 8. қашқадарё вилояти таркибида қандай иқтисодий районларни ажратиш мумкин?*

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрға интилмоқда. -Т., «Ўзбекистон», 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т., «Ўзбекистон», 1997.
3. Акрамов З.М. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий географияси. Ўқув дастури. -Т., 1992.
4. Аксенов И.Я. Единая транспортная система. -М., 1991.
5. Асанов Г.Р. Социал-иктисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли лугати. -Т., 1990.
6. Асанов Г.Р., Набиҳонов М., Сафаров И. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси, -Т., 1994.
7. Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси (қисқача маълумотнома)-Т., 1996.
8. Бабурин В.Л., Мазуров Ю.Л. Географические основы управления. -М., 2000.
9. Бекнозов Н., Йўлдошев Ю., Юсупов Ю. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. -Т., 1993.
10. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. Ростов-на Дону, 2000.
11. Вавилова Е.В. Экономическая география и регионалистика. -М., 2000.
12. Гладкий Ю.Н., Чистобаев А.И. Основы региональной политики. Санкт-Петербург, 1998.
13. Грамотеева М.И. Эффективность территориальной организации производства. -М., 1979.
14. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М. 2000.
15. Зиядуллаев С.К. Региональные проблемы экономики Узбекистана, -Т., 1986.
16. Игнатов В.Г., Бутов В.И. Регионоведение (методология, политика, экономика, право). Ростов- на Дону, 1998.
17. Ларина Н.И., Кисельников А.А. Региональная политика в странах рўночной экономики. Учебное пособие. -М., 1998.
18. Леш А. Географическое размежение хозяйства. -М., 1959.
19. Липец Ю.Г., Пуляркин В.А., Шлихтер С.Б. География мирового хозяйства. -М., 1999.
20. Калашникова Т.М. Экономико-географическое районирование. -М., 1999.
21. Каргажанов З.К., Баймирзаев К.М. Экономический механизм природопользования. Алматы, 2000.
22. Кистанов В.В. Территориальная организация производства. -М., 1981.
23. Колсовский Н.Н. Теория экономического районирования. -М., Мусуль, 1969.
24. Набиев Э., қаюмов А. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти. -Т., 2000.
25. Некрасов Н.Н. Региональная экономика. -М., 1972.
26. Олимжонов О.О., Баҳромов А.У., Султонов У.С. ва бошқалар. Ўзбекистон худудлари мустақиллик йилларида. -Т., 1996.
27. Пространственная структура мирового хозяйства. -М., 1999.
28. Ратанова М.П. Экономические основы общественного производства. Смоленск., 1999.
29. Региональная экономика. Под ред. Т.Г.Морозовой. -М., 1998.
30. Региональная экономика. Под ред. М.В.Степанова. -М., 2000.
31. Регионоведение. Под ред. проф. Т.Г.Морозовой. Учебное пособие. -М., 1998.
32. Родоман Б.Б. Территориальные ареалы и сети. -М., 1999.
33. Рӯзиев. Сурхондарё вилояти. Термиз, 1996.
34. Спиридонова И.А. Мировая экономика. Учебное пособие. -М., 2001.
35. Садиков А. Формирование и развитие региональных агропромышленных комплексов. -Т., 1989.
36. Солиев А.С., Махамадалиев Р.Й. Иқтисодий география асослари. -Т., 1996.
37. Солиев А.С., қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. -Т., 1999.
38. Солиев А.С., Ўзбекистон Республикаси минтақавий сиёсати. Маъruzalар матни.-Т., 2000.
39. Тўхлиев Н., Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. -Т., 1998.
40. Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. -Т., 2000.
41. Тошкентбоев А., Насиров У. Жиззах вилояти. -Т., Ўзбекистон, 1996.
42. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. -Т., 1996.
43. Узбекистан за году независимости. Экономический обзор за 1991-1996 гг.. -Т., 1996.
44. Ульджабаев К.У. Экономическая реформа на железнодорожном транспорте. -Т., 1999.
45. Чжен В.А. Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти. -Т., 1997.
46. Гуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. -Т., 1999.
47. Ҳакимова М., Хўжаев Х., Маҳмудов Б. Халқаро иқтисодий муносабатлар. -Т., 1997.
48. Ҳакимова М., Макроиктисодиёт. -Т., 1997.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗ БОШИ.....</b>	<b>3</b>
<b>I қИСМ</b>	
<b>Минтақавий иқтисодиёт фанининг умумназарий масалалари.....</b>	<b>5</b>
<i>I боб.</i> Минтақавий иқтисодиёт фанининг обьекти ва предмети, методи ва вазифалари.....	5
<i>II боб.</i> Минтақавий сиёсат асослари.....	12
<i>III боб.</i> Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил этиш шакллари.....	22
<i>IV боб.</i> Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг асосий омиллари.....	33
<i>V боб.</i> Худудий меҳнат тақсимоти ва иқтисодий районлаштириш.....	47
<i>VI боб.</i> Ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этиш шакллари.....	57
<b>II қИСМ</b>	
<b>Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти ва унинг ривожланиш асослари.....</b>	<b>69</b>
<i>I боб.</i> Ўзбекистон Республикасининг табиий шароити ва табиий бойликлари.....	69
<i>II боб.</i> Ўзбекистон ахолиси ва меҳнат ресурслари.....	78
<i>III боб.</i> Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши (саноат ва қишлоқ хўжалиги).....	94
<i>IV боб.</i> Транспорт ва ташки иқтисодий алокалар.....	113
<i>V боб.</i> Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши.....	128
<b>III қИСМ</b>	
<b>Минтақалар иқтисодиётининг таърифи.....</b>	<b>141</b>
<i>I боб.</i> Ўзбекистон Республикаси хўжалигининг худудий таркиби ва иқтисодий районлаштириш.....	141
<i>II боб.</i> Тошкент минтақаси.....	150
<i>III боб.</i> Мирзачўл минтақаси.....	181
<i>IV боб.</i> Фарғона минтақаси.....	201
<i>V боб.</i> Зарафшон минтақаси.....	231
<i>VI боб.</i> қуий Амударё минтақаси.....	257
<i>VII боб.</i> Жанубий минтақа.....	280
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>302</b>